

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА:

100 САВОЛ
ВА
ЖАВОБ

Тошкент – "Меҳнат" → 1998

ББК 65.9(5У)-07

А 15

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА
ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ МОЛИЯ
ИНСТИТУТИ НАШР ЭТИШГА ТАВСИЯ ЭТГАН**

Муҳаррир Б. Худоёрова

**A 0702000000-6
M359(04)-98**

ISBN 5-8244-1285-5

© "Меҳнат" нашриёти, 1998

КИРИШ

Республикамызда рўй бераётган туб иқтисодий ислохотлар жамиятимиз аъзоларининг ҳаётий қизиқишларига бевосита алоқадор бўлиб, ҳар биримизда янги иқтисодий жараёнларни тушунишга интилиш уйғотади. Ҳозирда иқтисод нафақат мутахассисларнинг, балки ноиқтисодий соҳада ишловчиларнинг ҳам ўрганиш объектига айланиб бормоқда. Зотан, бугунги куннинг талаби ҳам шуни тақозо қилади.

Бирор ресурс ёки товарнинг етишмовчилиги ёки ортиқ бўлиши эҳтимоллари бор экан, иқтисодий тизим умумий мувозанатининг бузилиш, масалан инфляция, ишсизлик, миллий даромаднинг камайиш ҳоллари ҳам юз бериши табиий. Бозор муносабатлари шароитида мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ва унинг самарадорлигини ошириш, иқтисодий барқарорлаштириш ҳамда инфляцияни бартараф этиш, халқ фаровонлигини ошириш, ташқи алоқаларни кенгайтириш каби долзарб масалаларни таҳлил қилиб пухта ўрганишимиз зарур. Кейинги вақтларда иқтисодий мавзудаги адабиётларга қизиқишнинг кучайишига ҳам сабаб шунда. Хўжалик юритишнинг бозор моделини, республика иқтисодий ислохотларининг ўзига хос томонларини ўрганиш учун кўплаб амалий ва назарий қўлланмалар талаб қилинади.

Давлатнинг салоҳияти қандай кўрсаткичларда ифодаланади? Ижтимоий ва иқтисодий салоҳият нима? Миллий бойлик, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад мамлакат салоҳиятини тавсифлайдими? Макроиқтисодий мувозанат ва макроиқтисодий ўсиш қандай аниқланади? Мамлакат рей-

тингичи? Бу ва шунга ўхшаш макроиктисодий саволларга махсус фан — макроиктисодий статистика миқдорий кўрсаткичлар орқали жавоб беради.

Мазкур ўқув қўлланма статистиканинг ажралмас қисми — макроиктисодий статистикани ёритишга бағишланган бўлиб, илк мартаба ўзбек тилида тайёрланди. Унинг ёзилиш тартиби ҳам анъанавий усуллардан тубдан фарқ қилади. Қўлланма савол-жавоб тарикасида иқтисодчи мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юртлари талабалари ҳамда макроиктисодий статистика асосларини ўрганишни эндигина бошлаётган, иқтисодий соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассисларга мўлжалланган.

І**Б****О****Б****МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА
ФАНИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ****1.1. Макроиқтисодий статистика фанининг
предмети, объекти ва вазифалари**

1	Макроиқтисодий статистика мустақил фанми?	7
2	Макроиқтисодий статистика фани нимани ўрганади? Унинг объекти тўғрисида нималар дея оласиз?	7
3	“Халқ хўжалиги”ми ёки “макроиқтисодиёт”ми?	9
4	Халқ хўжалиги тармоқлари таснифи деганда нимани тушунасиз? Нима учун уни секторли-тармоқ таснифи билан алмаштириш зарурияти туғилди?	10
5	Макроиқтисодиётни секторларга бўлиб ўрганишнинг аҳамияти нимада?	12
6	Макроиқтисодий статистика тармоқ сифатида қандай ташкил этилган?	14

7	Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги зиммасига қандай вазифалар юклатилган?	16
8	Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг ҳудудий органлари зиммасига қандай вазифалар юклатилган?	17
9	Макроиктисодий статистика фани олдида қандай вазифалар туради?	18

1.2. Макроиктисодий статистика фанининг методи ва кўрсаткичлар тизими

10	Макроиктисодий статистика фани ўз объектини ўрганишда қандай усуллардан фойдаланади?	19
11	Макроиктисодий статистика фанининг кўрсаткичлар тизими тўғрисида нималар дея оласиз?	19
12	Макроиктисодий статистик кўрсаткичларнинг кўп қиррали бўлиш зарурияти нимада?	20

1.3. Макроиктисодий статистика ва миллий сётлар тизими (МСТ)

13	Миллий сётлар тизими (МСТ) нима? Унинг макроиктисодий статистика билан алоқадорлиги борми?	22
14	МСТни жорий қилиш зарурияти нимада?	22
15	МСТ қачон ва ким томонидан ишлаб чиқилган?	23

1

Макроиқтисодий статистика мустақил фанми?

Статистика кўп тармоқли ижтимоий фандир. Унинг тармоқларини шартли равишда қуйидагича туркумлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Статистиканинг таркибий қисмлари

Умумий назарий статистика	Социал статистика	Иқтисодий статистика	
		Макроиқтисодий статистика	Микроиқтисодий статистика
1. Статистика тарихи	1. Аҳоли статистикаси	1. Халқаро статистика	1. Уй хўжалиги статистикаси
2. Статистика назарияси	2. Жиноят ва суд статистикаси	2. Мамлакат статистикаси	2. Фирма статистикаси
3. Математик статистика	3. Соғлиқни сақлаш статистикаси	3. Вилоят статистикаси	3. Корхона статистикаси
	4. Меҳнат статистикаси	4. Туман статистикаси	4. Бирлашма статистикаси

Макроиқтисодий статистика фани статистика фанининг ажралмас қисмидир. У ўзининг мустақил предмети ва ўрганиш объектига эга. Бу фан азалдан мавжуд бўлиб, у “Иқтисодий статистика” деб юритилган.

2


Макроиқтисодий статистика фани нимани ўрганади? Унинг объекти тўғрисида нималар дея оласиз?

Статистикада иқтисодиётни ўрганиш учун икки хил ёндошув қўлланилади:

- ◆ макроёндошув;
- ◆ микроёндошув.

Макроёндошувда айрим мамлакат, унинг алоҳида регионлари (вилоят, туман) ёки умумжаҳон иқтисодиёти статистик таҳлил учун асос қилиб олинади. Иқтисодиёт назариясида бу объектлар ва уларнинг иқтисодиёти макроиқтисодиёт деб юритилади.

Микроёндошувда эса уй хўжалиги, айрим фирма ва корхоналар иқтисодиёти статистик таҳлил учун асос қилиб олинади. Иқтисодиёт назариясида бу объектлар, уларнинг иқтисодиёти микроиқтисодиёт деб юритилади (1-чизма).



1-чизма. Макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт.

Макроиқтисодий статистика фани макроиқтисодиётни, яъни муайян мамлакат ва унинг айрим регионлари иқтисодиётидаги оммавий жараёнларнинг миқдорий томонларини уларнинг сифат томони билан узвий боғланишда олиб ўрланади. У иқтисодий жараёнларни конкрет макон ва замон қай даражада ўзгараётганини статистик кўрсаткичларда ифодалаб беради.

Макроиқтисодий статистик таҳлил натижалари умумиқтисодий характерда бўлиб, иқтисодий сиёсатга тегишли бўлади. Бундай таҳлил:

- ◆ иқтисодий ўсишни ва унинг самарадорлигини ошириш;

- ◆ аҳолини иш билан тўла таъминлаш ва халқ фаровонлигини ошириш;
- ◆ иқтисодий барқарорлаштириш ва инфляцияни бартараф этиш;
- ◆ иқтисодни интеграциялаш ва ташқи алоқаларни кенгайтириш каби умумий аҳамиятга молик тавсияларни беради.

Микроиқтисодий статистика фани фирма ва корхоналар иқтисодиётининг миқдорий томонларини уларнинг сифат томони билан узвий боғланишда олиб ўрғанади. Бу фан конкрет баҳо, товар ва хизмат тури, даромад, ишлаб чиқариш, алмашув ва истеъмол, бозорнинг алоҳида унсурларини ўрғанади.

3

"Халқ хўжалиги"ми ёки "макроиқтисодиёт"ми?

Марказлашган бошқарувли иқтисодиёт тизимида муайян мамлакат иқтисодиёти одатда "макроиқтисодиёт" ибораси билан эмас, балки "халқ хўжалиги" ибораси билан ифодаланар эди. Бундай ёндошувда мамлакат иқтисодиёти икки соҳага:

- ◆ ишлаб чиқариш ва
- ◆ ноишлаб чиқариш соҳаларига бўлинган халқ хўжалиги тармоқлари таснифига асосланар эди. Унда мустақил корхона тегишли тармоқлар учун тасниф бирлиги қилиб қабул қилинган эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалигининг икки соҳасидаги чегара йўқолади, янги мулккий тизим вужудга келади. Турли мулк шакллари кўринишида бозор иқтисодиётининг қуйидаги субъектлари барпо бўлади:

- ◆ иқтисодий мустақил мулк эгаси, яъни истеъмолчи бўлган айрим кишилар ёки гуруҳлар. Буларга одатда ёлланиб ишловчилар, ер эгалари, капитал сохиблари, ишлаб чиқариш воситаси эгалари киради. Улар тадбиркорлик қилмай, ўз мулкидан даромад топади ёки ёлланиб ишлайди.

- ◆ фирма, корхона, хўжаликлар ва уларда банд бўлган тadbикорлар. Улар фойда олиш йўлида мустақил иш юритадилар, ишлаб чиқариш омилларини ишга соладилар.
- ◆ давлат, аниқроғи, давлатнинг барча маҳкама-идора ташкилотлари. Улар ҳам ишлаб чиқариш, ҳам истеъмол билан шуғулланадилар, бозор ва унда қатнашувчилар фаолияти устидан назорат қиладилар.

Бозор иқтисодиёти иштирокчилари ўзаро алоқага киришадилар. Иш кучи, ер, капитал ва бошқа восита эгалари уларни корхона, фирмаларга сотади. Улар ўз навбатида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб товар ишлаб чиқарадилар ва хизматларини таклиф этадилар.

4

Халқ хўжалиги тармоқлари таснифи деганда нимани тушунасиз? Нима учун уни секторли-тармоқ таснифи билан алмаштириш зарурияти туғилди?

Иқтисодиётнинг марказлаштирилган режалаштириш шароитида халқ хўжалиги тармоқлари таснифи амал қилиб келган. Унга биноан барча тармоқлар иккита соҳа бўйича гуруҳланган:

I. Ишлаб чиқариш соҳаси:

- ◆ саноат;
- ◆ қишлоқ хўжалиги;
- ◆ ўрмон хўжалиги;
- ◆ қурилиш;
- ◆ юк транспорти;
- ◆ ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи алоқа;
- ◆ моддий техника таъминоти;
- ◆ савдо ва тайёрлов ташкилотлари;
- ◆ умумовқатланиш корхоналари;
- ◆ бошқа ҳар хил ишлаб чиқариш фаолиятлари.

II. Ноишлаб чиқариш соҳаси:

- ◆ уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш;

- ◆ соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва социал таъминот;
- ◆ халқ таълими;
- ◆ маданият ва санъат;
- ◆ молия, кредит ва давлат суғуртаси;
- ◆ бошқариш;
- ◆ мудофаа;
- ◆ ҳар хил ноишлаб чиқариш фаолиятлари.

Халқ хўжалигини бу тартибда гуруҳлаш иқтисодиётни маъмурий буйруқ билан бошқариш шароитида вужудга келган бўлиб, марказлашган режалаштириш услуби ва ялпи статистик кузатишга асосланган эди. Бундай тасниф бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмайди. Чунки унга асосланиб:

- ◆ ноишлаб чиқариш тармоқларида яратилган ижтимоий қийматни аниқлаш;
- ◆ тармоқларни мулк шаклларига ажратиб ўрганиш;
- ◆ бозор инфраструктурасини статистик таҳлил қилиш;
- ◆ тадбиркорликнинг янги структурасига оид қўпгина кўрсаткичларни аниқлаш имконияти бўлмайди.

Бу муаммолар ечимини топишнинг энг муқобил йўли халқро амалиётда қабул қилинган **миллий сўтлар тизмига** (МСТ), халқ хўжалигининг секторли-тармоқ таснифига ўтишдир. Бунга биноан барча корхоналар, яъни институционал бирликлар иқтисодиётнинг қуйидаги **секторлари** бўйича гуруҳланади:

- ◆ товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари (номолиявий корхоналар);
- ◆ молия ташкилотлари;
- ◆ давлат ташкилотлари;
- ◆ уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар;

- ◆ уй хўжалиги;
- ◆ ташқи иқтисодий алоқалар (“Ташқи дунё”).

Ишлаб чиқариш жараёни, товар ресурслари, хизмат кўрсатишда ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги мутаносибликни тавсифлаш мақсадида МСТда институционал бирликлар тармоқлар таснифининг халқаро стандарти (ТТХС)га биноан қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинади¹:

- ◆ бўлимлар (жами 17 та бўлим);
- ◆ бўлимчалар (жами 20 та блок);
- ◆ тармоқлар туркуми (жами 169 та фаолият тури);
- ◆ тармоқлар туркумлари (жами 292 та синф).

Бундай гуруҳлаш тармоқлар бўйича товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги оқимларни таҳлил қилишда қўл келади.

5

Макроиқтисодиётни секторларга бўлиб ўрганишнинг аҳамияти нимада?

Макроиқтисодиётни секторлар бўйича гуруҳлаш: **биринчидан**, бозор муносабатларини тартибга солиш учун зарур бўлган макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишда;

иккинчидан, макроиқтисодий таҳлилни амалга ошириш ва макроиқтисодий қонуниятларни аниқлашда;

учинчидан, макроиқтисодиётни бошқариш учун зарур бўлган тегишли тавсияларни тайёрлашда маълумотлар манбаи нуқтаи назаридан ўта аҳамиятлидир.

Булардан ташқари ҳар бир секторнинг ўз вазифалари бор (2-жадвал).

“Ташқи иқтисодий алоқалар (“Ташқи дунё”) сектори асосан чет давлатлар ва мамлакат институционал birlikлари (резидентлари) ўртасидаги муомалаларни ҳисобга олиш учун хизмат қилади. Бу сектор ҳисоблари ёрдамида

¹ Бўлим ва тармоқларнинг батафсил баёни мазкур туркумнинг «Миллий счётлар тизими: 100 савол ва жавоб» китобида ёритилган.

**МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА ФАНИНИНГ УМУМИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

2-жадвал

Секторлар ва уларнинг вазифалари

Т/р	Секторлар	Институционал бирликлар (корхоналар)	Секторларнинг вазифалари
1	2	3	4
1	♦ Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сектори (номониявий корхоналар)	♦ фирмалар ♦ корхоналар ♦ корпорациялар ♦ концернлар ♦ концорциумлар ва бошқ.	♦ товар ишлаб чиқариш ва молгиявий бўлмаган хизмат кўрсатиш
2	♦ Молиявий ташкилотлар сектори	♦ марказий банк ♦ бошқа банклар ♦ суғурта компанияси ва пенсия фонди	♦ мамлакатда пул муомаласини тартибга солиш ♦ суғурталаш ва нафакаларни белгилаш
3	♦ Давлат ташкилотлари сектори	♦ қонун чиқарувчи органлар ♦ ижро этувчи органлар ♦ назорат этувчи органлар ♦ миллий даромад ва бойликни қайта тақсимлашда қатнашувчи бошқа ташкилотлар (молия вазирлиги, солиқ, божхона қўмиталари ва ҳ.к)	♦ миллий даромадни ва миллий бойликни қайта тақсимлаш ♦ макроиқтисодий мутаносибликларни таъминлаш ♦ солиқ, бож, турли бадал ва тўловларнинг тўланишини назорат қилиш
4	♦ Уй ҳўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар сектори	♦ нотижорат ташкилотлар - касалхоналар - дам олиш уйлари - ўқув юртлари - осойишталикни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва бошқ.	♦ аҳолининг талабини қондириш - бепул даволаш - бепул таълим бериш - бепул маиший хизмат кўрсатиш - бепул тинчлик ва осойишталикни таъминлаш - хайрия ишларини бажариш

**МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА ФАНИНИНГ УМУМИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

1	2	3	4
5	◆ Уй ҳўжалиги сек- тори	◆ ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи бўл- ган якка ва гуруҳ шахслар ◆ оилалар ◆ ибодатхоналарда яшовчилар ◆ узок муддат рухий касалхоналарда даво- ланаётганлар ◆ қамокхонадагилар ◆ қариялар ва болалар уйидагилар ◆ армиядагилар ва ҳ.к.	◆ бозор эҳтиёжи ва хусусан шахсий эҳтиёжни конди- риш учун товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрса- тиш

миллий иқтисодиёт билан ташқи дунё ўртасидаги муноса-
батни умумлаштириб таҳлил қилиш имкони туғилади.

6

**Макроиқтисодий статистика тармоқ
сифатида қандай ташкил этилган?**

Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқаришнинг бозор услубларини жорий этиш, республикани ривожлантиришнинг мақбул макро-иқтисодий нисбатларини ва барқарор суръатларини таъмин-лаш, статистиканинг халқаро нормалар ва андозаларга муво-фиқ самарали ишлашини ташкил қилиш мақсадида:


- ◆ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 15 майдаги Фармониға¹ биноан 1992 йил 5 августда ташкил этилган Ўзбекистон Респуб-ликаси Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитаси ўрниға Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ташкил этилди.
- ◆ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен-гаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-лари истиқболни белгилаш ва статистика бўйича ишлаб турган бўлинмалар негизида:

¹ Қаранг: «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 1997, 6-сон, 4-бет.

⇒ Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва статистика вазирлиги;

⇒ Республика вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида иқтисодиёт ва статистика бош бошқармалари;

⇒ Республика шаҳарлари ҳамда туманларида иқтисодиёт ва статистика бўлинмалари ташкил этилди (2-чизма).



2-чизма. Макроиқтисодий статистиканинг ташкил этилиши.

Идораларда, корхона, муассасаларда, ташкилот ҳамда кўмиталарда статистика билан шуғулланадиган бўлим ва гуруҳлар мавжуд. Улар идора ва ташкилот миқёсидаги статистика ишларини олиб боради. Бу бўлим ва гуруҳлар маъмурий жиҳатдан тегишли вазирликлар ва кўмиталарга, методологик жиҳатдан эса Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига бўйсунди.

7

**Макроиқтисодиёт ва статистика
вазирлиги зиммасига қандай
вазифалар юклатилган?**

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилган:

- ◆ иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг аниқ йўналишлари, йўллари ва услубларини белгилаш;
- ◆ республика иқтисодиётини бошқаришнинг бозор механизмларини таъминлаш;
- ◆ макроиқтисодий ва моддий балансларни ишлаб чиқиш;
- ◆ миллий счётлар тизими (МСТ) дан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тахминларини ва тахминий вариант ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш;
- ◆ молия вазирлиги билан бирга тўлов, молия ва ташқи савдо балансларини шакллантириш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;
- ◆ иқтисодиётнинг реал соҳасида энг мақбул суръатлар ва нисбатларни таъминловчи инвестиция дастурларини тайёрлаш ҳамда уларни амалга оширишни мувофиқлаштириш;
- ◆ минерал ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- ◆ Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялаш;
- ◆ ҳисобга олишнинг замонавий индикатив, таҳлилий ва статистик усуллари ҳамда воситаларини ривожлантириш, чуқурлаштириш;
- ◆ иқтисодиёт, маданиятнинг ривожланишини, халқ турмуш даражаси ва фаровонлиги юксалишини назорат қилиш.

Вилоят ҳамда Тошкент шаҳри иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларининг раҳбарлари, шунингдек, уларнинг таркибига кирувчи статистика бошқармаларининг раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тайинландилар. Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи лавозимига кўра вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосари ҳисобланади.

Туман ҳамда шаҳар иқтисодиёт ва статистика бўлимларининг раҳбарлари тегишли равишда туман ва шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва статистика бош бошқармалари томонидан тайинландилар.

8

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг ҳудудий органлари зиммасига қандай вазифалар юклатилган?

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг ҳудудий органлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- ◆ минтақаларда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ◆ ҳудудий балансларни тузиш;
- ◆ минтақаларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш;
- ◆ табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича таклифларни тайёрлаш;
- ◆ аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш;
- ◆ истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан тўлдириш;
- ◆ ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг йўналишлари ва аниқ йўлларини белгилаш;

- ◆ халқаро нормалар ва андозаларга мос келадиган статистика ахборотини йиғиш ва ишлаб чиқариш усулларини жорий этиш;
- ◆ ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган жараёнларни статистик ҳисобга олиш ва таҳлил этиш, уларнинг тўлиқ ҳамда тезкор бўлишини таъминлаш.

Шундай қилиб, макроиқтисодий статистика мустақил фан бўлибгина қолмай, шу билан бирга амалий фаолиятнинг муҳим соҳаси ҳамдир.

9

Макроиқтисодий статистика фани олдида қандай вазифалар туради?

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва шу муносабат билан макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт соҳасида туб ўзгаришларнинг содир бўлиши макроиқтисодий статистика фани зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Шундай шароитда унинг олдида қуйидаги вазифалар туради:

- ◆ макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни ҳисоблаш услубини такомиллаштириб бориш;
- ◆ бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи статистик кузатиш усулларини ишлаб чиқиш;
- ◆ халқаро талабларга жавоб бера оладиган миллий счётлар тизими (МСТ)даги кўрсаткичларни аниқлаш услубини яратиш;
- ◆ бухгалтерия ва банк ҳисоботида халқаро талабларга жавоб берадиган корхона ва ташкилотларнинг мулкӣ шакллари миқёсида ягона давлат регистрини ишлаб чиқиш;
- ◆ мавжуд умумиттифоқ классификаторларини қайта кўриб чиқиш билан биргаликда республиканинг каталоглар тизими ва штрихли кодларини ишлаб чиқиш ва ҳоказолар.

10

Макроиқтисодий статистика фани ўз объектини ўрганишда қандай усуллардан фойдаланади?

Ҳар қандай фан ўз объектини махсус усуллар ёрдамида ўрганади. Статистика диалектика қонун-қоидаларига асосланиб ўзининг хусусий усулларини яратган. Улар қуйидагилардан иборат:

- ◆ оммавий статистик кузатиш;
- ◆ кузатиш материалларини сводкалаш ва гуруҳлаш;
- ◆ нисбий ва ўртача миқдорлар усули;
- ◆ статистик тақсимот ва вариация кўрсаткичлари;
- ◆ корреляцион-регрессион усул;
- ◆ динамик қаторларни тузиш ва таҳлил қилиш усули;
- ◆ индекс усули;
- ◆ жадвал ва графикларни тузиш усули.

Макроиқтисодий статистика макроиқтисодиёт даражасида содир бўладиган ижтимоий, оммавий ҳодисаларни ўрганишда юқоридаги умумий усуллардан ташқари ўзининг қуйидаги хусусий усулларини қўллайди:

- ◆ бозор иқтисодиёти тизимидаги институционал бирликларни секторлар, тармоқлар бўйича гуруҳлаш, таснифлаш;
- ◆ миллий счётлар тизими асосида макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва улар асосида иқтисодий таҳлилни амалга ошириш.

11

Макроиқтисодий статистика фанининг кўрсаткичлар тизими тўғрисида нималар дея оласиз?

Макроиқтисодиётни ўрганишда макроиқтисодий статистика қуйидаги кўрсаткичлар тизимини қўллайди:

- ◆ аҳоли ва меҳнат ресурсларининг умумлаштирувчи кўрсаткичлари;
- ◆ миллий бойликни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ ишлаб чиқариш салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими;
- ◆ иқтисодий ўсиш ва ижтимоий самарадорликни умумлаштирувчи кўрсаткичлар;
- ◆ ташқи алоқаларни тавсифловчи макроиқтисодий кўрсаткичлар.

Бу кўрсаткичлар макроиқтисодиётнинг умумий ҳолатини яхлит тарзда ифодалаб, мамлакат ва унинг айрим регионларидаги иқтисодий имкониятларни, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича **рейтингларини** аниқлаш учун қўлланилади.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ кўрсаткичлар ўрганилаётган объектнинг социал иқтисодий салоҳиятини, мавжуд ресурсларини тавсифласа, учинчи ва тўртинчи гуруҳ кўрсаткичлари ишлаб чиқариш натижаси, иқтисодий мувозанат ва ўсишни, ижтимоий самарадорлик даражасини ифодалайди. Бешинчи гуруҳ кўрсаткичлари ташқи иқтисодий алоқаларни ўзида акс эттиради.

12

Макроиқтисодий статистик кўрсаткичларнинг кўп қиррали бўлиш зарурияти нимада?

Макроиқтисодий статистика ўзининг кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишда унинг кўп қиррали бўлишига катта эътибор беради. Бу зарурият макроиқтисодиётни фақат яхлитлигича олиб қараш эмас, балки унинг турли томонларини таҳлил қилиш лозимлигидан келиб чиқади. Шўжихатдан макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими макроиқтисодиётни қуйидаги қирралар бўйича таҳлил қилишда кенг қўлланилади (3-жадвал).

МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА ФАНИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

3-жадвал

Макроиқтисодий статистик кўрсаткичларни қўллаш қирралари

Т/р	Кўрсаткичларни қўллаш қирралари	Таҳлил мақсади
1	Секторлар ва қуйи секторлар таҳлилида қўллаш	<ul style="list-style-type: none"> * макроиқтисодиётнинг секторлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни; * секторлар бўйича даромад ва харажатлар оқимини; * молия-кредит актив ва пассивларини ўрганишдан иборат.
2	Тармоқ ва қуйи тармоқлар таҳлилида қўллаш	<ul style="list-style-type: none"> * ишлаб чиқариш жараёни, товар ресурслари, хизмат кўрсатишда ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муносабатларни; * тармоқлар бўйича товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги оқимларни таҳлил қилишдан иборат.
3	Функционал таҳлил қилиш мақсадида қўллаш	<p style="text-align: center;">Регионларда</p> <ul style="list-style-type: none"> * меҳнат билан бандликни; * молиявий ҳолатни; * истеъмол даражасини; * ташқи иқтисодий алоқалар каби ҳодисаларни махсус таҳлил қилишдан иборат.
4	Социал таҳлил қилиш мақсадида қўллаш	<ul style="list-style-type: none"> * регионлар миқёсида турмуш даражаси қай аҳволда эканлиги; * бой ва камбағаллар ўртасидаги тафовутни; * истеъмол саватчасининг қай даражада эканлигини таҳлил қилишдан иборат.
5	Худудий таҳлил қилиш мақсадида қўллаш	<ul style="list-style-type: none"> * иқтисодий ўсиш даражаси ва регионлар рейтингини аниқлашдан иборат.

13

Миллий счётлар тизими (МСТ) нима? Унинг макроиқтисодий статистика билан алоқадорлиги борми?

Миллий счётлар тизими¹ бу бир-бири билан узвий боғланган умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизими бўлиб, бу кўрсаткичлар ялпи ички ва ялпи миллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларини акс эттиради. Уни статистик макро-модел деб ҳам аташади.

МСТ бухгалтерия ҳисоботи қодалари асосида тузилган. Ундаги жадваллар бухгалтерия счёти шаклида бўлиб, ресурслар ва харажатлар қисмидан иборат. "Икки ёқлама ёзув" қоидаси асосида кўрсаткичлар ҳисобларда икки маротаба ёзилади, бир марта ҳисобнинг актив қисми (дебет)га, иккинчи марта ҳисобнинг пассив қисми (кредит)га ёзилади.

МСТдаги терминологияга биноан ҳисобнинг кредит қисмида ресурслар, дебет қисмида эса сарфланган ресурслар акс эттирилади.

Макроиқтисодий статистика кўрсаткичларининг асосий қисми, хусусан ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, ялпи талаб, ялпи таклиф, ялпи иш ҳақи, ялпи даромад, аҳолининг жами истеъмоли, ялпи жамғарма каби қатор умумлаштирувчи кўрсаткичлар МСТ счётларига асосланган ҳолда ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан макроиқтисодий статистика МСТ билан узвий равишда боғланган.

14

МСТни жорий қилиш зарурияти нимада?

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтгунгача бўлган даврда амал қилиб келган статистика ва ҳисоб тизими иқтисодиётни маъмурий буйруқ билан бошқариш ша-

¹ Бу масала мазкур туркумнинг "Миллий счётлар тизими: 100 савол ва жавоб" китобида алоҳида кўриб чиқилган.

роитида вужудга келган бўлиб, марказлаштирилган режа-лаштириш услубига асосланган эди. Ундаги кўрсаткичлар тизими бозор муносабатларини ўзида акс эттиролмас эди.

Амалдаги “Халқ хўжалиги тармоқлари таснифи”, “Халқ хўжалиги баланслари”, мавжуд умумлаштирувчи кўрсаткичларни ҳисоблаш услуби эса республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ҳамда халқаро ҳамжамиятлар билан бирикишида тўсқинлик қила бошлади.

Бу муаммолар ечимини топишнинг энг муқобил йўли халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига, яъни МСТга ўтишдир. Ушбу тизим миллатлараро ҳисобот ва статистика тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳозирги замон иқтисодий ривожланишини, унинг қонуниятлари ва йўналишларини тавсифлашга асослангандир.

МСТга ўтиш натижасида:

- ◆ макроиқтисодий статистиканинг кўрсаткичлар тизимини халқаро стандартлар услуби асосида ҳисоблаш имконияти туғилади;
- ◆ халқаро таққослашлар муаммоси ечилади;
- ◆ республиканинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига йўл очилади.

15

МСТ қачон ва қим томонидан ишлаб чиқилган?

МСТ инглиз иқтисодчиси Дж.М.Кейнснинг иқтисодий оборот тўғрисидаги илмий ғоясига асосланади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг давлатнинг иқтисодиётга бўлган аралашувининг кучайиши АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатларида миллий сўтлар тизимига бўлган қизиқишнинг кучайишига сабаб бўлди.

Миллий сўтлар тизимининг дастлабки кашфиётчиси Кембридж университетининг профессори, М.Кейнснинг шогирди Ричард Стоун ҳисобланади. У ўз лойиҳасини биринчилар қаторида ишлаб чиқди ва 1951 йилда Европа

Иқтисодий Уюшмаси (ЕЭС)нинг миллий ҳисобчилик бўйича ўтказилган анжуманига тақдим этди. 1993 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг статистика бўлими томонидан халқаро миллий сўётлар тизими ишлаб чиқилди.

Сўнгра бу тизим бир неча марта қайта кўрилиб тўлдирилди (1960, 1964, 1968 й.). Унинг рус тилидаги таржимаси 1969 йилда амалга оширилди. МСТнинг қайта кўрилган варианты 1993 йилда нашр этилди.

Ҳозирда БМТнинг ва Евростатнинг МСТ мавжуд. Аммо улар ўртасида айрим тафовутлар бор. Евростат МСТда, яъни “Европа бириккан иқтисодий сўётлар тизими”да солиқ олиш, даромаднинг тақсимланиши ва тармоқлараро баланс масалалари кенгроқ ва мукамалроқ ёритилган.

Шунингдек, ҳисоблар таркибида ҳам тафовутлар йўқ эмас. Евростат МСТда тушунча ва категориялар аниқ, муфассал ёритилган. Шунинг учун ҳам республикамизда МСТни жорий қилишда Евростат МСТ услуги қоидалари ва ёндашувларига таяниш мақсадга мувофиқ бўлади.

II**Б****О****Б****МАКРОИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ
СТАТИСТИКАСИ****2.1. Макроиқтисодий салоҳият тўғрисида
тушунча**

16	Салоҳият нима?	28
17	Социал салоҳият деганда нимани тушунасиз?	28
18	Иқтисодий салоҳият нима?	30

2.2. Аҳоли сони статистикаси

19	Аҳоли сони қайси манбаларга асосланиб аниқланади?	31
20	Аҳолининг ўртача сони қандай аниқланади?	32
21	Аҳолининг ўртача сони қандай макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун зарур?	34

22	Аҳолининг сони макроиктисодиётга қандай таъсир кўрсатиши мумкин?	37
23	Аҳолининг ўсиши ва қўшимча ўсиш суръатлари қандай аниқланади?	38

2.3. Аҳоли таркиби статистикаси

24	Аҳолининг таркибий қисми қайси белгилар бўйича ўрганилади?	39
25	Аҳолининг жинсий таркиби нима мақсадда ўрганилади?	40
26	Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси деб ўрганишдан мақсад нима?	42
27	Аҳоли ёши қайси гуруҳларга ажратилиб ўрганилади?	43
28	Аҳолининг оилавий ҳолати қайси кўрсаткичларда ўз аксини топади?	45
29	Аҳолининг миллий таркибини ўрганиш зарурияти нимада?	45
30	Аҳолини машғулоти бўйича ўрганишнинг аҳамияти нимада?	46
31	Яшаш манбаи жиҳатидан аҳоли сони қандай гуруҳларга бўлиб ўрганилади?	47

32**Аҳолини такрор барпо этиш нуқтаи назаридан қайси гуруҳларга бўлиб ўрганилади?****49****33****Аҳолининг ҳудудий таркиби ва зичлиги нима учун ўрганилади?****49**

2.4. Аҳолининг ҳаракатини тавсифловчи кўрсаткичлар


34**Аҳолининг ҳаракати қандай кўрсаткичларда ўз ифодасини топади?****52****35****Ҳаётийлик коэффиенти қандай ҳисобланади?****55****36****Аҳолининг истиқболдаги сони нима мақсадда ва қайси усулларда ҳисобланади?****56****37****Глобал усулда аҳолининг истиқболдаги сони қандай аниқланади?****57****38****Ёшни силжитиш усулида аҳолининг истиқболдаги сони қандай ҳисобланади?****59**

16

Салоҳият нима?

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида салоҳият ибораси бирор бир кишига нисбатан қобилият, иқтидор маъносига изоҳланган. Масалан, катта салоҳиятга, қобилиятга эга бўлган иқтидорли, салоҳиятли кадрлар.

Бирор бир мамлакат ёки регион салоҳияти деганда мазкур мамлакатнинг социал-иқтисодий потенциали, унинг кудрати, миллий бойлиги тушунилади (3-чизма).



3-чизма. Социал-иқтисодий салоҳият (миллий бойлик).

17

Социал салоҳият деганда нимани тушунасиз?

Социал тушунчаси бевосита аҳоли, унинг турмуш тарзи ва даражаси ҳамда интеллектуал салоҳияти билан боғланган. Шу нуқтаи назардан **социал салоҳият** деганда аҳоли сони, таркиби, динамикаси ва унинг интеллектуал иқтидори тушунилади (4-чизма).


Инсон, оила ва меҳнат ресурсларисиз ҳеч қандай иқтисодиёт бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Иқтисодиётнинг ўзи одамлар билан бирга юзага келиб, уларнинг таъсири остида ривожланиб келган.

Аҳолининг иқтисодиётдаги роли қуйидагилар билан белгиланади:

аҳоли — бу ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи. У бутун бойликларни яратувчи кучгина эмас, у — маънавий бойликларнинг бирдан-бир ва битмас туганмас манбаидир;

аҳоли — бу асосий истеъмолчи. Бу жиҳатдан у макроиқтисодиётдаги муҳим нисбатлардан бўлган истеъмол ва жамғарма фондларига ўз таъсирини ўтказди. Истеъмол фондининг салмоғи бевосита аҳоли сонига, уларнинг даромадларига, социал инфраструктуранинг тараққиёт даражасига боғлиқ;

аҳоли — бу иқтисодиётни бошқарувчи.



4-чизма. Социал салоҳият.

Аҳоли ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгармасдан бир нуқтада тураверадиган, тарихий тараққиётга бефарқ қарайдиган муайян нарса эмас. У ишлаб чиқариш усули, иқтисодий тизим шaroитига мувофиқ равишда ўзгариб боради ва ўз навбатида, иқтисодий тараққиётга таъсир кўрсатади.

Интеллектуал салоҳият деганда аҳолининг билим савияси, иш тажрибаси ва маҳорати, тадбиркорлиги тушунилади. Бу салоҳият ақл-идрок, билим ва ижодий қоби-


лиятдан ташкил топади. Унинг таркибига илмий-техникавий ғоялар ва ишланмалар, илмий кашфиётлар ҳам киради.

Инсондаги интеллектуал қобилият - тугалмас бойлик, у тинимсиз тикланиб ва ривожланиб боради. Интеллектуал салоҳиятни яратиш учун кетган сарф-харажат ўзини ғоят тез оқлайди.

18

Иқтисодий салоҳият нима?

Иқтисодий салоҳият — жамиятнинг ишлаб чиқара билиш қобилиятидир. Бу қобилият ишлаб чиқариш ресурслари сони, миқдори ва сифати билан белгиланади. Иқтисодий салоҳият миллий бойликнинг асосий қисмини ташкил қилади. Иқтисодий салоҳиятнинг тўрт хил унсури мавжуд (5-чизма).



5-чизма. Иқтисодий салоҳият.

Техника-технологик салоҳият — бу мамлакатдаги асосий фондлар, машина-механизмлар сони, уларнинг таркиби, техникавий даражаси ва ниҳоят технологик тизимлар мажмуасидир.

Меҳнат салоҳияти — мамлакат (регион)даги меҳнатга лаёқатли, билим ва малакага, ишлаб чиқара олиш қобилиятига эга бўлган кишилар мажмуасидир.

Илмий-маърифий салоҳият — илм-маърифатга хизмат қилувчи инсон ресурслари, фан эришган даражадир. Унинг уч асосий унсури мавжуд:

- ◆ жамланган илмий маълумотлар, кашфиётлар;
- ◆ илм-маърифат аҳлининг илмий педагогик ва касбий маҳорати ҳамда билимдонлиги;
- ◆ илм-маърифатнинг моддий базаси, яъни илм-маърифат ихтиёридаги моддий ресурслар (бинолар, ускуна-жихозлар, илмий асарлар, дарслиklar, турли хил тадқиқот асбоблари ва ҳ.к).

Табиий салоҳият — табиий ресурслар, ер, сув захиралари, ўрмон ва ер ости бойликлари, иқлим қулайликлари мажмуаси.

Ўрганилаётган объектга қараб иқтисодий салоҳият икки кўринишда бўлиши мумкин:

- ◆ макроиқтисодий салоҳият;
- ◆ микроиқтисодий салоҳият.

Макроиқтисодий салоҳият — мамлакат ёки унинг айрим регионларидаги иқтисодий салоҳиятдир.

Микроиқтисодий салоҳият — корхона ташкилот, фирма, уй хўжалиги ихтиёридаги иқтисодий салоҳиятдир.

19

Аҳоли сони қайси манбаларга асосланиб аниқланади?

Макроиқтисодий статистика социал салоҳиятни ўрганишни аҳоли сонини ўрганишдан бошлайди. Қуйидагилар аҳоли сонини аниқлаш манбаи бўлиб ҳисобланади:

- ◆ вақт-вақти билан ўтказилиб туриладиган аҳоли рўйхати;
 - ◆ аҳолининг табиий ўсиши ёки камайиши бўйича маълумотлар;
 - ◆ аҳолининг миграцияси бўйича маълумотлар.
-

Аҳолининг табиий ўсишини, яъни туғилганлар ва ўлганларни, никоҳдан ўтган ва ажралишларни фуқаролик ҳолатини қайд қилувчи идора (ЗАГС)лар ҳисобга олади. Аҳолининг миграциясини, яъни бир мамлакат, вилоят, район ва аҳоли яшайдиган пунктларга келувчиларни ҳамда бошқа ерга кетганларни шаҳарларда уй дафтарида (ўтказиладиган ва чиқариладиган), қишлоқ жойларда эса қишлоқ кенгашларининг хўжалик дафтарлари ва рўйхатларида ҳисобга олиб борилади.

Ана шу ҳисобга олиш ва олдин ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига статистик ишлов бериш асосида хар йили ҳисоб-китоб қилиш йўли билан бутун мамлакатдаги, айрим вилоят, район ҳамда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг умумий сони қуйидагича аниқланади:

$$A=A_0+(TC-\check{C})+(KLC-KTC)$$

Бу ерда: A_0 — аҳолининг йил бошидаги сони;

TC — жорий йилда туғилганлар сони;

ЎC — жорий йилда ўлганлар сони;

KLC — жорий йилда келганлар сони;

KTC — жорий йилда кетганлар сони.

Бундай ҳисоблашларни шаҳар ва қишлоқ, жинс, ёш миқёсида ҳам бажариш мумкин.

20

Аҳолининг ўртача сони қандай аниқланади?

Рўйхат ўтказиш ва жорий ҳисоблашлар ёрдамида аҳоли сони одатда йил бошидаги сана билан аниқланади. Бироқ маълум санада аниқланган аҳоли сони макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун қўл келмай қолади. Масалан, жон бошига тўғри келган ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, ялпи даромад каби кўрсаткичлар аҳолининг йил бошидаги ёки йил охиридаги сонига асосланиб эмас, балки ўртача сонига асосланиб ҳисобланади.

Аҳолининг ўртача сонини аниқлашда турлича формулалар қўлланилиши мумкин.

1. Фақатгина йилнинг боши ва охиридаги аҳоли сони келтирилган бўлса, у ҳолда аҳолининг ўртача сони **оддий арифметик** формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\bar{A} = \frac{A_0 + A_1}{2}$$

Бу ерда \bar{A} — аҳолининг ўртача сони; A_0 — аҳолининг йил бошидаги сони; A_1 — аҳолининг йил охиридаги сони.

2. Агар аҳоли сони бир йил ичидаги ойлар бошида тенг интервалларда келтирилган бўлса, у ҳолда аҳолининг ўртача сони **ўртача хронологик** формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\bar{A} = \frac{\frac{1}{2}A_1 + A_2 + A_3 + \dots + \frac{1}{2}A_n}{n - 1}$$

Агар аҳоли сони бир неча йиллар бошида тенг интервалларда келтирилган бўлиб, жами йиллар бўйича аҳолининг ўртача сонини аниқлаш лозим бўлса, бундай ҳолларда ҳам ўртача хронологик формуладан фойдаланилади.

3. Агар аҳоли сони бир йил ичидаги ойлар бўйича тенг бўлмаган интервалларда келтирилган бўлса, у ҳолда аҳолининг ўртача сони **ўртача тортилган арифметик** формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\bar{A} = \frac{\sum \bar{A} \cdot t}{\sum t}$$

Бу ерда: \bar{A} - ёнма-ён келтирилган аҳоли сонининг ўртачаси; t - вақт оралиғи (ой, кун ва ҳ.к.)

Масалан, қуйидаги ойлар бўйича аҳоли сони келтирилган бўлсин:

1.01.1997 - 81,0 минг киши;

1.04.1997 - 82,4 минг киши;

1.08.1997 - 83,7 минг киши;

1.10.1997 - 84,2 минг киши;

1.01.1998 - 85,2 минг киши.

Бу ерда дастлаб вақт оралиғи ва ёнма-ён келтирилган қаторларнинг ўртачалари аниқланади. Биринчи вақт оралиғи ва ёнма-ён қаторларнинг ўртачалари эса

$$\bar{A} = \frac{81,0 + 82,4}{2} = 81,4$$

минг кишини ташкил қилади.

Шу тартибда бошқа қаторлар учун ҳам ҳисоблаб чиққаннимиздан сўнг аҳоли сонининг ўртачасини аниқлаймиз:

$$\bar{A} = \frac{81,7 \cdot 3 + 83,05 \cdot 4 + 83,95 \cdot 2 + 84,7 \cdot 3}{3 + 4 + 2 + 3} = \frac{999,4}{12} = 83,3 .$$

21

Аҳолининг ўртача сони қандай макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун зарур?

Аҳолининг ўртача сони макроиқтисодий статистиканинг қуйидаги асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш учун асос қилиб олинади (4-жадвал).

Аҳоли сонига нисбатан ҳисобланадиган макроиқтисодий кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар	
		даражаси	динамикаси
1	2	3	4
I. Аҳоли турмуш даражасини яфдаловчи кўрсаткичлар			
<i>Жон бошига тўери келган</i>			
1	Жами ижтимоий маҳсулот (ЖИМ)	$D_{\text{жим}} = \frac{\text{ЖИМ}}{A}$	$J_{\text{жим}} = \frac{D_{\text{жим}_1}}{D_{\text{жим}_0}}$
2	Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	$D_{\text{яим}} = \frac{\text{ЯИМ}}{A}$	$J_{\text{яим}} = \frac{D_{\text{яим}_1}}{D_{\text{яим}_0}}$
3	Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)	$D_{\text{ямм}} = \frac{\text{ЯММ}}{A}$	$J_{\text{ямм}} = \frac{D_{\text{ямм}_1}}{D_{\text{ямм}_0}}$
4	Соф миллий маҳсулот (СММ)	$D_{\text{смм}} = \frac{\text{СММ}}{A}$	$J_{\text{смм}} = \frac{D_{\text{смм}_1}}{D_{\text{смм}_0}}$
5	Миллий даромад (МД)	$D_{\text{мд}} = \frac{\text{МД}}{A}$	$J_{\text{мд}} = \frac{D_{\text{мд}_1}}{D_{\text{мд}_0}}$
6	Истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари (ООМ)	$D_{\text{оом}} = \frac{\text{ООМ}}{A}$	$J_{\text{оом}} = \frac{D_{\text{оом}_1}}{D_{\text{оом}_0}}$
7	Истеъмол қилинган электр энергияси (ИҚЭ)	$D_{\text{икэ}} = \frac{\text{ИҚЭ}}{A}$	$J_{\text{икэ}} = \frac{D_{\text{икэ}_1}}{D_{\text{икэ}_0}}$
8	Истеъмол қилинган газ (ИҚГ)	$D_{\text{икг}} = \frac{\text{ИҚГ}}{A}$	$J_{\text{икг}} = \frac{D_{\text{икг}_1}}{D_{\text{икг}_0}}$
9	Уй-жой майдонлари, м ² : а) шаҳар жойларида; б) қишлоқ жойларда.	$D_{\text{ужм}} = \frac{\text{УЖМ}}{A}$	$J_{\text{ужм}} = \frac{D_{\text{ужм}_1}}{D_{\text{ужм}_0}}$
10	Ялпи маиший хизматлар қиймати	$D_{\text{ямх}} = \frac{\text{ЯМХ}}{A}$	$J_{\text{ямх}} = \frac{D_{\text{ямх}_1}}{D_{\text{ямх}_0}}$

МАКРОИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ СТАТИСТИКАСИ

1	2	3	4
II. Меҳнат ресурслари салоҳиятини инфодаловчи кўрсаткичлар			
<i>Ҳар 100 кишига тўери келган</i>			
11	Меҳнат ёшигача бўлган аҳоли ($\bar{A}_{м\bar{е}г}$)	$D_{\bar{A}_{м\bar{е}г}} = \frac{\bar{A}_{м\bar{е}г}}{A}$	$J_{\bar{A}_{м\bar{е}г}} = \frac{D_{\bar{A}_{м\bar{е}г1}}}{D_{\bar{A}_{м\bar{е}г0}}}$
12	Меҳнат ёшида бўлган аҳоли ($\bar{A}_{м\bar{е}}$)	$D_{\bar{A}_{м\bar{е}}} = \frac{\bar{A}_{м\bar{е}}}{A}$	$J_{\bar{A}_{м\bar{е}}} = \frac{D_{\bar{A}_{м\bar{е}1}}}{D_{\bar{A}_{м\bar{е}0}}}$
13	Меҳнат ёшидан ўтган аҳоли ($\bar{A}_{м\bar{е}ў}$)	$D_{\bar{A}_{м\bar{е}ў}} = \frac{\bar{A}_{м\bar{е}ў}}{A}$	$J_{\bar{A}_{м\bar{е}ў}} = \frac{D_{\bar{A}_{м\bar{е}ў1}}}{D_{\bar{A}_{м\bar{е}ў0}}$
III. Демографик жараёни инфодаловчи кўрсаткичлар			
<i>Ҳар 1000 кишига тўери келган</i>			
14	Туғилганлар сони (ТС)	$D_{ТС} = \frac{\sum TC}{A}$	$J_{ТС} = \frac{D_{ТС1}}{D_{ТС0}}$
15	Ўлганлар сони (ЎС)	$D_{ўс} = \frac{\sum ўс}{A}$	$J_{ўс} = \frac{D_{ўс1}}{D_{ўс0}}$
16	Келганлар сони (КЕЛ)	$D_{кел} = \frac{\sum КЕЛ}{A}$	$J_{кел} = \frac{D_{кел1}}{D_{кел0}}$
17	Кетганлар сони (КЕТ)	$D_{кет} = \frac{\sum КЕТ}{A}$	$J_{кет} = \frac{D_{кет1}}{D_{кет0}}$
18	Табиий ўсиш (ТЎ)	$D_{тў} = \frac{ТС - ўс}{A}$	$J_{тў} = \frac{D_{тў1}}{D_{тў0}}$
19	Механик ўсиш (МЎ)	$D_{мў} = \frac{КЕЛ - КЕТ}{A}$	$J_{мў} = \frac{D_{мў1}}{D_{мў0}}$
20	Умумий ўсиш (УЎ)	$D_{уў} = \frac{ТЎ - МЎ}{A}$	$J_{уў} = \frac{D_{уў1}}{D_{уў0}}$

Мазкур кўрсаткичларни ҳисоблаш ва статистик таҳлил қилиш ёрдамида мамлакат ёки айрим регионлардаги:

- ◆ иқтисодий ўсишнинг қай даражада эканлиги;
- ◆ аҳолининг турмуш даражаси, бой ёки камбағаллигини;
- ◆ меҳнат ресурсларининг қай кўламда эканлигини;
- ◆ демографик жараёнларнинг қай даражада кечаётганлиги ва бошқа макроиқтисодий қонуниятларни аниқлаш имконияти туғилади.

22

Аҳолининг сони макроиқтисодиётга қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

Аҳолининг ўсиш суръати мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва халқ фаровонлиги даражасини белгилаб берувчи **детерминантдир**¹. Шу жиҳатдан у **Солоу моделини**² қуйидаги уч жиҳат бўйича тўлдиради:

Биринчидан, аҳолининг ўсиши иқтисодий ўсиш сабабларини тахмин қилиш имконини беради. Барқарор иқтисодиёт ва аҳоли сонининг ўсиб бориши шароитида битта ишчига тўғри келган маҳсулот қиймати ўзгаришсиз қолади. Чунки ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони, капитал ва ишлаб чиқариш ҳажми бир хил суръатларда ўсади.

Демак, аҳолининг ўсиш суръати халқ фаровонлигининг узоқ муддат ўсишига сабаб бўла олмайди. Чунки барқарор иқтисодиёт шароитида битта ишчига тўғри келган

¹ *Детерминант* аниқловчи маъносини беради. Математика фанида - бу биринчи даражали тенгламаларда номаълум сонлар олдидаги коэффициентлардан тузилган ифода.

² *Солоу модели* Америка иқтисодчиси Роберт Солоу номи билан аталган бўлиб, у 1950-1960 йилларда ишлаб чиқилган, 1987 йилда иқтисодий ўсиш назариясини ишлаб чиққани учун Солоу халқаро Нобель мукофотини олган. Солоу модели ишлаб чиқариш ҳажмига вақт давомида урта омилнинг (жамғарма, аҳолининг ўсиши, технологик жараён) қай тарзда таъсир қилишини кўрсатади.

маҳсулот ўзгаришсиз қолади. Аммо аҳолининг ўсиши ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқарилишининг ўсишига сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчидан, аҳолининг ўсиши: нима учун айрим мамлакатлар тараққий этган, бой, айримлари эса қолоқ, камбағал, деган саволга жавоб беради.

Аҳоли ўсишининг тезлашуви ишловчилар сонининг кўпайишига натижада уларнинг капитал билан қуролланганлигининг камайишига, бу ҳол эса меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади. Шунга асосланиб, Солоу қуйидагича хулосага келади: аҳолининг ўсиш даражаси юқори бўлган мамлакатда жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулот қиймати паст даражада бўлади.

Учинчидан, аҳолининг ўсиш даражаси капитал жамғармаси даражасига таъсир қилади. **Олтин қондага асосланган жамғарма даражасининг¹** ўсиб бориши, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Шу давр ичида капитал билан қуролланганлик ва меҳнат унумдорлиги даражаси юқори бўлади. Шулар эвазига жон бошига тўғри келган даромад ҳам юқори даражада бўлади.

23

Аҳолининг ўсиши ва қўшимча ўсиш суръатлари қандай аниқланади?

Аҳолининг қўшимча ўсиш суръатини икки усулда аниқлаш мумкин:

- ◆ мутлоқ қўшимча ўсиш (камайиш);
- ◆ нисбий қўшимча ўсиш (камайиш).

Мутлоқ қўшимча ўсиш ёки камайиш аҳолининг йил охиридаги сони (A_1) дан, унинг йил бошидаги сони (A_0)ни айириш йўли билан аниқланади:

$$\Delta A = A_1 - A_0$$

¹ Олтин қондага асосланган жамғарма даражаси деганда макроиқтисодиётда барқарор ҳолат ва энг юқори истеъмол даражасини таъминловчи капитал жамғарма даражаси тушунилади.

Нисбий кўшимча ўсиш ёки камайиш икки усулда аниқланади:

- ◆ кўшимча ўсиш ёки камайиш коэффиценти кўринишида;
- ◆ ўртача йиллик ўсиш ёки кўшимча ўсиш коэффицентлари кўринишида.

Кўшимча ўсиш коэффиценти ($K_{кў}$) қуйидагича аниқланади:

$$K_{кў} = \frac{(A_1 - A_0)}{A_0} = \frac{\Delta A}{A_0}$$

Ўртача йиллик ўсиш (камайиш) суръати ўртача геометрик формула ёрдамида аниқланади:

$$\bar{K}_A = \sqrt[n-1]{\frac{A_1}{A_0}}$$

ёки

$$\bar{K}_A = \sqrt[n]{k_1 \cdot k_2 \cdot k_3 \cdots k_n}$$

Бу ерда: K — аҳолининг занжирсимон ўсиш суръатлари (коэффицентларда), n - йиллар сони.

Ўртача йиллик кўшимча ўсиш (камайиш) суръати ($\Delta \bar{K}_A$) ўртача ўсиш (камайиш) суръатидан 100 сонини айириш йўли билан аниқланади:

$$\Delta \bar{K}_A = \bar{K}_A - 100$$

Агар кўрсаткичлар динамик қаторларда келтирилган бўлса, у ҳолда уларни занжирсимон ва базисли усулларда аниқлаш мумкин.

24

Аҳолининг таркибий қисми қайси белгилар бўйича ўрганилади?

Макроиқтисодий статистика аҳоли таркибини қуйидаги белгилар бўйича ўрганади:

- ◆ умумдемографик белгилар (жинси, ёши, оилавий ҳолати);
- ◆ аҳолининг миллий таркибини тавсифловчи белгилар (миллати, она тили, фуқаролиги);
- ◆ меҳнат ресурсларини тавсифловчи белгилар (ишлаш жойи, машғулоти, мутахассислиги);
- ◆ аҳолининг социал таркибини тавсифловчи белгилар (ижтимоий гуруҳи, яшаш манбалари);
- ◆ аҳолининг маданий-маърифий даражасини тавсифловчи белгилар (маълумоти, таълим олиши, мафкураси ва бошқ.);
- ◆ аҳолининг ҳудудий жойлашишини тавсифловчи белгилар (шаҳар, қишлоқ, вилоят, район ва ҳ.к.).

Макроиқтисодий ўсишни муттасил таъминлаш учун аҳолининг демографик кўрсаткичларини, меҳнат ресурсларини, ҳудудий жойланишларини тартибга солиб туриш зарур. Бу вазифалар бевосита аҳоли таркибини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

25

Аҳолининг жинсий таркиби нима мақсадда ўрганилади?

Аҳолининг жинсий таркибига оид кўрсаткичлар:

- ◆ инсон зурриётини барпо қилишда;
- ◆ меҳнат ресурсларининг шаклланиш суръати ва характерини белгилашда;
- ◆ жамиятнинг эҳтиёжи ва имкониятларини ҳисобга олишда катта рол ўйнайди.

Умуман аҳоли таркибида эркак ва аёллар сонининг ўзаро мутаносиблиги ва уларнинг ёш жиҳатдан бир-бирига яқин бўлиши никоҳланиш даражасига салмоқли таъсир кўрсатади ва аҳолининг кўпайиши жараёнида асосий демографик замин ҳисобланади.

Статистик маълумотларга биноан янги туғилган чақалоқлар орасида ўрта ҳисобда ҳар 100 нафар қиз болага

105-106 нафар ўғил бола тўғри келади. Бундай биологик қонуният жаҳоннинг барча мамлакатларига хос хусусият бўлиб:

- ◆ аҳоли сонининг бир меъёردа ўсишида;
- ◆ инсоният авлодини мангу сақлаб қолишда;
- ◆ ишлаб чиқарувчи кучлар равнақини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Шу нарса илмий жиҳатдан исботланганки, кишилиқ жамияти ва инсон авлодини мангу сақлаб қолиш учун ўрта ҳисобда ҳар 100 оила камида 270 фарзандга эга бўлиши, бунинг учун эса жинсий мутаносибликни таъминлаш зарур.

Аҳолининг жинсий таркибини тавсифлашда макроиқтисодий статистика **структура** ва **координация нисбий микдорларини** ҳисоблайди. Агар ҳар бир жинс сонини аҳолининг ўртача сонига бўлсак, у ҳолда структура нисбий микдорларини оламиз.

Агар аёллар сонининг эркаклар сонига бўлган нисбати ҳисобланиб, сўнгра 100 га кўпайтирилса, у ҳолда координация нисбий микдорлари келиб чиқади. Бу кўрсаткич ҳар 100 эркакка нечта аёл тўғри келганлигини ифодалайди (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг жинсий таркиби

Йиллар	Жами аҳоли (минг киши)	Шу жумладан, %		Ҳар 100 эркакка тўғри келган аёллар сони
		эркаклар	аёллар	
1926	4660,0	52,9	48,9	90
1939	6440,0	51,6	48,4	93
1959	8119,0	48,0	52,0	108
1970	11799,0	48,7	51,3	105
1979	15757,0	49,0	51,0	105
1989	19785,2	49,4	50,6	102
1995	22690,0	49,5	50,5	102

26

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси деб ўрганишдан мақсад нима?

Аҳолини шаҳар ва қишлоқ аҳолисига бўлиб ўрганиш:

- ◆ мамлакатда урбанизация (шаҳарлаштириш) жараёни қай даражада бораётганини;
- ◆ бозор муносабатларининг шаҳар ва қишлоқ жойларда қай даражада шаклланиб бораётганини;
- ◆ турмуш даражаси бўйича шаҳар билан қишлоқ аҳолиси ўртасидаги тафовутларни;
- ◆ шаҳар ва қишлоқ жойларида давлатнинг социал сиёсати қай даражада ўз ижросини топаётганлиги каби қатор масалаларни таҳлил қилиш учун зарурдир.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисига бўлиб ўрганиш аҳолининг яшаш жойи асосида амалга оширилади. Машғулоти-дан қатъий назар шаҳар ва шаҳар типидagi қишлоқларда яшовчи барча аҳоли шаҳар аҳолиси ҳисобланади. Қишлоқ жойларда яшовчи барча аҳоли қишлоқ аҳолиси ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 61 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда истиқомат қилади ва асосан деҳқончилик билан машғулдир (6-жадвал).

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси

Йиллар	Жами аҳоли (минг киши)	Шу жумладан, %		Ҳар 100 қишлоқ аҳолисига тўғри келган шаҳар аҳолиси
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	
1	2	3	4	5
1926	4660,0	22,0	78,0	27
1939	6440,0	23,0	77,0	30
1959	8119,0	33,0	67,0	50
1970	11799,0	36,6	63,4	58

1	2	3	4	5
1979	15757,0	41,2	58,8	70
1989	19785,2	40,6	59,4	68
1995	22690,0	38,4	61,6	62

Аждодларимизнинг анъанавий яшаш жойларига боғланганлиги (ўтроқлиги) аксарият республика аҳолисига хос бўлиб, бу ҳол меҳнат бозорини шакллантириш муаммоларига ўз таъсирини ўтказди.

27

Аҳоли ёши қайси гуруҳларга ажратилиб ўрганилади?

Статистикада ёш деганда бир ёшдан катта бўлган кишилар учун неча йил, бир ёшгача бўлган болалар учун эса неча ой тўлганлиги тушунилади. Аҳолини ёши бўйича ҳисобга олиш, уни ўрганиш кўп тадбирларни, жумладан:

- ◆ болалар боғчаси ва мактаблар қурилишини режалаштириш, дарсликларни чоп этиш;
- ◆ болалар нафақаларини белгилаш;
- ◆ истеъмол буюмларини уларнинг ассортиментлари бўйича ишлаб чиқариш;
- ◆ мамлакатдаги меҳнат ресурслари сонини аниқлаш;
- ◆ нафақахўрлар сонини аниқлаш ва шунга ўхшаш кўрсаткичларни ҳисоблаш учун зарурдир.

Статистика амалиётида кўпинча аҳолининг қуйидаги ёшдаги гуруҳлари аниқланади:

- ◆ 3 ёшгача бўлган болалар сони. Бу маълумотлардан болалар учун зарур бўлган маслаҳат пунктлари, ясли ва уларда хизмат қилувчи ходимлар сонини аниқлаш учун фойдаланилади;
- ◆ 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар сони. Бу маълумотлар болалар боғчаларини қуриш, улардаги

ўринлар сони ва зарур бўлган ўқитувчилар сонини аниқлаш учун керак;

- ◆ гимназия, мактаб, лицей ёши (7-17 ёш)даги болалар сони;
- ◆ 18 ва ундан катта ёшдаги аҳоли. Бу маълумотлар Ўзбекистон Конституцияси бўйича сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган аҳоли сонини аниқлаш учун зарур;
- ◆ 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар сони, 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар сони. Бу маълумотлар меҳнат ресурслари сонини аниқлаш учун зарур;
- ◆ 55 ва ундан юқори ёшли аёллар;
- ◆ 60 ва ундан юқори ёшли эркаклар. Бу маълумотлар пенсия ёшидаги кишилар сонини аниқлаш ва уларни пенсия билан таъминлаш учун зарур.

1995 йилда Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби куйидагилар билан характерланди (7-жадвал).

7-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби¹ (1995 й.)

Т/р	Аҳолининг ёш бўйича гуруҳлари	Жами аҳоли (минг киши)	Шу жумладан, %	
			шаҳарда	кишлоқда
	Аҳоли сони, жами Шу жумладан	22690	38,4	61,6
I	Меҳнатга қобилиятли ёшга қадар (16 ёшгача)	9788	33,0	67,0
II	Меҳнатга қобилиятли ёшга қадар (16-60 ёшгача)	11157	41,7	58,3
III	Меҳнатга қобилиятли ёшдан ошганлар (55-60 ёшдан ошганлар)	1745	47,1	52,9

¹ Қаранг: Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Т., «Ўзбекистон», 1996, 70-бет.

28

Аҳолининг оилавий ҳолати қайси кўрсаткичларда ўз аксини топади?

Аҳолининг оилавий ҳолати қуйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топади:

- ◆ оила сони;
- ◆ битта оилага тўғри келган аъзоларнинг ўртача сони;
- ◆ оиланинг ўртача ёши;
- ◆ қайд қилинган никоҳлар сони (НС);
- ◆ никоҳдан ўтганлар коэффициенти ($K_{нр}$):

$$K_{нр} = \frac{НС \cdot 1000}{А};$$

- ◆ қайд қилинган ажралишлар сони (АС);
- ◆ ажралишлар коэффициенти ($K_а$):
- ◆ қайд қилинган никоҳнинг ўртача давомлилиги.

Бу турдаги маълумотлар яшаш учун уй-жой, коммунал хўжалик корхоналари, боғча, мактаб, ясли, касалхоналар қуришни режалаштириш ва турли-туман кўрсаткичларни ҳисоблаш учун фоят зарур.

29

Аҳолининг миллий таркибини ўрганиш зарурияти нимада?

Миллат кишиларнинг тарихан таркиб топган мустақкам, барқарор бирлиги бўлиб бу бирлик тил, ҳудуд, турмуш тарзи ҳамда маданият бирлиги заминиди вужудга келди. Бу белгилардан бирортасисиз миллат тушунчаси тўла бўлмайди.

Аҳолининг миллий таркибини тавсифловчи кўрсаткичлар ёрдамида мамлакатда миллий сиёсатнинг қай даражада амалга ошириляётганини назорат қилиш мумкин. Хусусан, мамлакатда барча миллатларнинг равнақ топаётганлигини, мактабларда дарсларнинг она тилида олиб

борилаётганлигини, дарслик, ўқув қўлланмалари, рўзнома ва ойномаларни тегишли миллат тилида нашр қилиш, миллий-маърифий муассасаларни (театр, кутубхона ва ҳ.к.) очиш ва ривожлантириш каби қатор вазифаларни ҳал қилиш айрим миллат сонини, уларнинг таркибини ва ҳудудлар бўйича жойлашганлигини аниқлашдан бошланади.

Республика аҳолиси миллий таркибининг ўзига хослиги унинг фарклантирувчи хусусиятидир. Этник таркибида туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Республикамизда яшаб турган аҳолининг 70 фоизидан кўпроғини ўзбеклар ташкил қилади. Айни вақтда Ўзбекистон ҳудудида ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган 100 дан зиёд миллат вакиллари яшайди. Айрим миллатларнинг салмоғи қуйидагича:

- ◆ руслар - 9%;
- ◆ тожиклар - 4%;
- ◆ қozoқлар - 4%;
- ◆ татарлар - 2%;
- ◆ қорақалпоқлар - 2%;
- ◆ корейслар - 1%;
- ◆ турклар - 1%.

Ҳозирги пайтда ер юзида тахминан 2 минг миллат ва элатлар мавжуд.

30

Аҳолини машғулоти бўйича ўрганишнинг аҳамияти нимада?

Бозор муносабатлари аҳолининг:

- ◆ касби-корига;
 - ◆ малакаси ва маҳоратига;
 - ◆ меҳнат кўникмасига;
 - ◆ ижтимоий ишлаб чиқаришдаги роли ва машғулотига;
 - ◆ ҳунарнинг такомиллашиши ва кўп қиррали бўлишига ижобий таъсир этади, аниқроғи, ана шу масалаларни янги тарзда ҳал этишда асосий рол ўйнайди.
-

Аҳолининг машғулоти — кўп қиррали тушунча бўлиб, иш ҳақи ёки даромад манбаи сифатида хизмат қилади. Машғулот билан касб-кор ўртасида узвий боғланиш бўлади. Чунки касб-кор ва хунар инсон машғулотини белгиласа, ҳар иккиси биргаликда социал-синфий мансубликни белгилайди.

Статистикада аҳолининг машғулоти деганда, уларнинг амалда ўз хунарини татбиқ қилиши тушунилади.

Хунар деганда кишининг муайян турдаги иш билан шуғулланиш мақсадида ўқиш, малакасини ошириш ёки махсус тажриба туфайли орттирган билимлари йиғиндиси тушунилади. Албатта, “хунар” тушунчасини “касб” тушунчасидан ажрата билиш керак. Зеро, “касб” тушунчаси “хунар” тушунчасига нисбатан тор маънога эгадир.

Масалан, хунари қурувчи, касби эса дурадгор, фишқ терувчи, бетон қуювчи, бўёқчи ва х.к.лар бўлиши мумкин

31

Яшаш манбаи жиҳатидан аҳоли сони қандай гуруҳларга бўлиб ўрганилади?

Яшаш манбаи бўйича бутун аҳоли сони ($A_{\text{ям}}$) куйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганилади:

банд бўлган кишилар (А), яъни моддий ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасида, шахсий уй хўжалигида ишлаётганлар;

Давлат, кооператив ва ижтимоий ташкилотлари қарамоғидагилар (Б): пенсионерлар, стипендиатлар, болалар боғчаларида тарбияланаётганлар, интернат мактабларида ўқиётганлар ва х.к.

айрим фуқаролар қарамоғидаги кишилар (В). Улар қайси бир гуруҳдаги шахсларга тааллуқли бўлса, ўша гуруҳга кўшилади.

Демак,

$$A_{\text{ям}} = A + B + B$$

А ва Б гуруҳлардаги аҳолининг йиғиндиси **иқтисодий мустақил аҳолини (ИМа)** ташкил қилади, яъни:

$$ИМ_2 = A + B$$

Улар миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда қатнашадилар.

В гуруҳдаги аҳоли иқтисодий номустақил аҳоли деб юритилади.

$$ИНМ_2 = B$$

Улар миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда бевосита қатнашмайдилар.

А гуруҳдаги аҳоли сонидан В гуруҳдагиларни айириб ташласак, у ҳолда иқтисодий фаол аҳоли сони (ИФа) келиб чиқади, яъни:

$$ИФ_2 = A - B$$

Б ва В гуруҳлардаги аҳоли йиғиндиси иқтисодий нофаол аҳоли (ИНФа) сонини беради, яъни:

$$ИНФ_2 = B + B$$

Аҳолининг иқтисодий мустақил, номустақил ҳамда иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол гуруҳларга бўлиниши, шунингдек улар ўртасидаги нисбатни қуйидаги жадвал кўринишида тасвирлаш мумкин (8-жадвал).

8-жадвал

Аҳолининг даромад тақсимида қатнашиши ва ижтимоий фаолиятда банд бўлиши бўйича гуруҳлаш

Ижтимоий фаолиятга қатнашиш белгиси бўйича аҳоли гуруҳи	Даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда қатнашиш белгиси бўйича аҳоли гуруҳи	
	ИМ ₂	ИНМ ₂
ИФ ₂	даромад берувчи фаолият билан банд	—
ИНФ ₂	барча қарамоғдагилар	айрим шахслар қарамоғдагилар

Бу ерда; $ИМ_2 > ИФ_2$

$$ИНМ_2 < ИНФ_2$$

32

Аҳолини такрор барпо этиш нуқтаи назаридан қайси гуруҳларга бўлиб ўрганилади?

Аҳолининг такрор барпо этилиши қай даражада эканлигини билиш мақсадида статистикада уларнинг уч кўринишдаги таркиби аниқланади:

- ◆ прогрессив таркиб;
- ◆ стационар таркиб;
- ◆ регрессив таркиб.

Агар аҳолининг таркибида 14 ёшли болаларнинг салмоғи 50 ва ундан юқори ёшли аҳоли салмоғидан катта бўлса, у ҳолда аҳоли таркиби **прогрессив** таркибли бўлади. Чунки бундай таркиб аҳоли умумий сонининг ўсишига олиб келади.

Агар аҳоли таркибида 14 ёшгача болаларнинг салмоғи 50 ва ундан юқори ёшли аҳоли салмоғига тенг бўлса, у ҳолда аҳоли таркиби **стационар** таркибли бўлади. Чунки бундай таркиб аҳоли сонининг ўзгаришсиз қолишига олиб келади.

Агар 14 ёшгача болаларнинг салмоғи 50 ва ундан юқори ёшли аҳоли салмоғидан паст бўлиб, уларни қопламаса, у ҳолда аҳоли таркиби **регрессив** таркибли бўлади. Бундай таркиб аҳоли сонининг камайиб боришига олиб келади.

Ўзбекистон аҳолисининг таркиби прогрессив таркибли ҳисобланади.

33

Аҳолининг ҳудудий таркиби ва зичлиги нима учун ўрганилади?

Аҳолининг ҳудудий таркиби ва зичлиги тўғрисидаги маълумотлар регионлар миқёсида:

- ◆ бандлик даражасини;

МАКРОИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ СТАТИСТИКАСИ

- ◆ халқнинг турмуш тарзи ва турмуш даражасини;
- ◆ ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиш ва ривожланиш даражасини;
- ◆ миллий бойлик салоҳиятини;
- ◆ меҳнат тақсимотининг қай даражада эканлигини;
- ◆ социал ҳимоянинг қай даражада амалга оширилаётганини;
- ◆ иқтисодий ривожланиш даражасини тавсифловчи ва шуларга ўхшаш қатор макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун ўта зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг вилоятлар бўйича жойлашиши ва зичлиги ҳақидаги маълумотлар 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг вилоятлар,
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жойлашиши ва зичлиги (1996 й.)**

Т/р	Вилоятлар	Майдони (минг км ²)	Аҳолиси (минг киши)	Шу жумладан, %		Аҳоли зичлиги (1 км ² ҳисобида)
				шаҳарда	қишлоқда	
1	2	3	4	5	6	7
	Ўзбекистон Республикаси	447,4	22690	38,4	61,6	51
1	Қорақалпоғистон Республикаси	164,3	1429	48,4	51,6	9
2	Андижон вилояти	4,2	2064	30,0	70,0	491
3	Бухоро вилояти	39,4	1351	33,4	66,6	34
4	Жиззах вилояти	20,5	901	31,8	69,2	44

МАКРОИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ СТАТИСТИКАСИ

1	2	3	4	5	6	7
5	Қашқадарё вилояти	28,4	2004	26,0	74,0	71
6	Навобий вилояти	110,8	756	40,2	60,0	7
7	Наманган вилояти	7,9	1810	37,9	62,1	229
8	Самарқанд вилояти	24,5	2518	28,3	71,7	103
9	Сирдарё вилояти	5,1	637	39,8	69,2	125
10	Сурхондарё вилояти	20,8	1606	20,4	79,66	77
11	Тошкент вилояти	15,6	2276	40,3	59,7	146
12	Фарғона вилояти	7,1	2523	29,3	70,7	355
13	Хоразм вилояти	6,3	1238	24,6	75,4	196
14	Тошкент шаҳри		2116	100		

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, шаҳар ва қишлоқда яшайдиган аҳолининг нисбати вилоятлар бўйича бир текисда эмас. Улар ўртасида катта тафовут бор. Масалан, республика бўйича 1996 йилда ҳар бир квадрат километрга 51 киши тўғри келган бўлса, Қорақалпоғистон Республикасида 9, Бухоро вилоятида 10, Андижон вилоятида эса 491 киши тўғри келган. Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси билан Андижон вилояти аҳолисининг зичлиги жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилиши яққол кўриниб турибди. Республика бўйича кейинги 30 йилда аҳоли зичлиги 2,5 мартага ошди.

Фарғона водийсида жойлашган вилоятлар республика худудининг 4,3 фоизини ташкил этишига қарамай, республика аҳолисининг 29,1 фоизи шу ерда жойлашган.

Чунки Фарғона водийсида тоғ ва чўллар кам, суғориладиган ерлар жуда кўпдир. Бугунги кунда республикада 12 та вилоят, 163 та қишлоқ туманлари, 119 та шаҳарлар ва 1441 та қишлоқ фуқаролари йиғини мавжуд.

34

Аҳолининг ҳаракати қандай кўрсаткичларда ўз ифодасини топади?

Аҳолининг ҳаракат кўрсаткичлари мазмунан тубдан бир-биридан фарқ қилувчи икки гуруҳ кўрсаткичларини ўз ичига олади. Биринчи гуруҳга аҳолининг табиий ҳаракатини, туғилиши ва ўлишини, никоҳдан ўтганлар ва ажрашганлар сонини, иккинчи гуруҳга эса аҳолининг миграциясини тавсифловчи кўрсаткичлар киради (10-жадвал).

10-жадвал

Аҳолининг ҳаракат кўрсаткичлари

T/p	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳлар
1	2	3	4
I. Табиий ҳаракат кўрсаткичлари			
1	Туғилиш коэффициенти (K_T)	$K_T = \frac{T \cdot 1000}{A}$	T - туғилганлар сони A - аҳолининг ўртача сони
2	Ўлиш коэффициенти ($K_{\bar{y}}$)	$K_{\bar{y}} = \frac{\bar{Y} \cdot 1000}{A}$	Ў-ўлганлар сони
3	Абсолют табиий кўпайиш (ΔTK)	$\Delta TK = T - \bar{Y}$	
4	Табиий ўсиш коэффициенти ($K_{T\bar{y}}$)	$K_{T\bar{y}} = \frac{(T - \bar{Y}) \cdot 1000}{A}$	ёки $K_{T\bar{y}} = K_T - K_{\bar{y}}$
5	Махсус туғилиш коэффициенти (K_{MT})	$K_{MT} = \frac{T \cdot 1000}{A^1}$	A^1 - 15 - 49 ёшдаги аёлларнинг ўртача сони
6	Махсус I ёшгача болалар ўлими коэффициенти ($K_{6\bar{y}}$)	$K_{6\bar{y}} = \frac{\tau \cdot 1000}{\frac{2}{3} N_1 + \frac{1}{3} N_0}$	t - жорий йилда туғилганлар сонидан I ёшгача ўлганлар сони; N_1 ва N_0 - ўпан ва жорий йилда туғилганлар сони

МАКРОИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ СТАТИСТИКАСИ

1	2	3	4
II. Механик ҳаракат кўрсаткичлари			
7	Келганлар коэффициенти ($K_{кел}$)	$K_{кел} = \frac{КЕЛ \cdot 1000}{A}$	КЕЛ - мазкур аҳоли пунктга доимий яшаш учун келган аҳоли сони
8	Кетганлар коэффициенти ($K_{кет}$)	$K_{кет} = \frac{КЕТ \cdot 1000}{A}$	КЕТ - мазкур аҳоли пунктдан бошқа аҳоли пунктга доимий яшаш учун кетганлар сони
9	Механик ўсиш коэффициенти ($K_{му}$)	$K_{му} = \frac{(КЕЛ - КЕТ) \cdot 1000}{A}$	ёки $K_{му} = K_{кел} - K_{кет}$
10	Абсолют механик ўсиш ($\Delta M\ddot{U}$)	$\Delta M\ddot{U} = КЕЛ - КЕТ$	

Ўзбекистон аҳолиси тез суръатлар билан ўсувчи мамлакатлар қаторига киради. Бунда қуйидаги омиллар катта рол ўйнаб келди:

- ◆ аҳолининг жинсий нисбати ва ёш таркибида мавжуд бўлган устунлик. Бу омил никоҳланиш учун қулай шароит яратади;
- ◆ никоҳланиш даражасининг собиқ умумиттифок ўртача кўрсаткичлардан юқори бўлиши, уйланмаган ва турмушга чиқмаган шахслар салмоғининг озлиги, нисбатан барвақт уйланиш ва турмушга чиқиш удуми;
- ◆ аҳолининг табиий кўпайишига фаолроқ иштирок этувчи қишлоқ аҳолиси салмоғининг юқорилиги;
- ◆ маҳаллий аҳоли ўртасида миграция ҳаракатининг нисбатан пастлиги;
- ◆ катта ёшдаги аёлларнинг фарзанд кўришдаги фаол иштироки ва шу боисдан миллий анъанага айланган серфарзандлик удуми;
- ◆ маҳаллий миллат аёллари анчагина қисмининг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмаслиги.

Кейинги 5 йил ичида бозор иқтисодиёти шароитида (1991-1996 йй.) демографик жараёнларнинг ривожланишида ижобий тенденциялар содир бўлди. Чунончи:

- ◆ “Соғлом авлод учун” кенг миқёсли дастурининг амалга оширилаётганлиги;
- ◆ аҳоли турмуш тарзининг аста-секин ўзгариб бораётганлиги;
- ◆ болалар сони ўртача меъёрда бўлган оилалар кўпайиб бораётганлиги;
- ◆ оналик ва болаликни муҳофаза этиш тизими интенсив тарзда ривожланиб бораётганлиги аҳолининг ҳар йилги ўсиш суръатларини 1991 йилдаги 2,41 фоиздан 1995 йилда 1,97 фоизгача, шу жумладан, қишлоқ аҳолисининг ўсиш суръатларини тегишли равишда 2,92 фоиздан 2,47 фоизгача камайишига олиб келди (11-жадвал).

11-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари (1996 й.)

Т/р	Вилоятлар	‰		Δ ТЎ (минг киши)	‰	
		К _т	К _у		К _{т9}	К _{б9}
1	2	3	4	5	6	7
	Ўзбекистон Республикаси	29,9	6,3	536	23,6	26,0
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	25,3	6,4	27	18,9	32,1
2.	Андижон вилояти	32,4	5,9	55	26,5	23,1
3.	Бухоро вилояти	27,3	5,2	30	22,1	21,9
4.	Жиззах вилояти	33,7	5,4	25	28,3	26,3
5.	Қашқадарё вилояти	35,9	4,8	62	31,1	22,5
6.	Навоний вилояти	26,7	6,1	16	20,6	28,3
7.	Наманган вилояти	32,9	5,7	49	27,2	26,3
8.	Самарқанд вилояти	33,3	5,9	27	27,4	24,1

1	2	3	4	5	6	7
9.	Сирдарё вилояти	26,9	5,6	14	21,3	24,9
10.	Сурхондарё вилояти	36,6	5,5	50	31,1	30,5
11.	Тошкент вилояти	25,5	7,0	42	18,5	24,4
12.	Фарғона вилояти	30,9	5,9	63	25,0	27,3
13.	Хоразм вилояти	29,0	5,7	29	23,3	26,2
14.	Тошкент шаҳри	17,9	9,0	19	8,9	29,1

Ўзбекистон аҳолиси ҳар йили ўртача 530-540 минг кишига ёки 2-2,5 фоизга ошади. Ўлиш коэффиенти, айниқса болалар ўлими аҳоли сонининг ўсишига акс таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Республикамизда ўлимнинг умумий коэффиенти ҳар 1000 аҳоли ҳисобига 6-7 киши. Бу собиқ иттифоқ республикалари орасида энг паст кўрсаткичлардан бири. Агар 1 ёшгача бўлган болалар ўлими (K_{69})ни жиддий қамайтиришга эришсак, бу кўрсаткич янада яхшиланади.

35

Ҳаётийлик коэффиенти қандай ҳисобланади?

Аҳолини такрор барпо қилиш жараёнини тавсифлаш учун статистика дарсликларида рус земство статистиги В.Н.Покровский номи билан боғлиқ бўлган “Ҳаётийлик коэффиенти”ни ҳисоблаш тавсия этилган.

Ҳаётийлик коэффиенти туғилганлар сонини ўлганлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади:

$$K_x = \frac{T}{Y}$$

Бу кўрсаткич туғилиш коэффиентини ўлиш коэффиентига бўлиш йўли билан ҳам аниқланиши мумкин. Агар бу нисбат натижаси 1 дан катта

$$\frac{K_T}{K_Y} > 1$$

бўлса, у ҳолда мазкур регионда табиий ўсиш содир бўлган, агар бу нисбат 1 дан кичик

$$\frac{K_T}{K_Y} < 1$$

бўлса, у ҳолда мазкур регионда аҳолининг камайиши содир бўлган.

Демак ҳаётийлик коэффициентининг ўсиши аҳоли сонининг ошишига олиб келади ва аксинча.

36

Аҳолининг истиқболдаги сони нима мақсадда ва қайси усулларда ҳисобланади?

Макроиқтисодиётнинг келажагини олдиндан режалаштириш энг аввало аҳолининг келгусида кўпайиши — истиқболини аниқлашдан бошланади. Чунки режа кўрсаткичларининг асосий қисми жамият эҳтиёжини, хусусан аҳоли эҳтиёжини қондиришга буйсундирилиши лозим. Аҳолининг истиқболда кўпайишини белгилаш:

- ◆ келгусида шаклланадиган демографик таркибий ўзгаришларни аниқлаш;
- ◆ ҳудудий миқёсда аҳолининг табиий кўпайиши ва миграция кўламини тахмин қилиш;
- ◆ шаҳар билан қишлоқ аҳолиси нисбатини олдиндан билиш;
- ◆ меҳнат ресурслари, унинг ҳудудий миқёсдаги жойлашиши ҳамда демографик таркибий ўзгаришини олдиндан таҳлил қилиш;
- ◆ ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини келгуси 15-20 йил мобайнигача олдиндан тахмин қила билишдан иборатдир.

Зеро, бозор иқтисодиёти фақат бугунги куннинг ёхуд яқин келажакнинг манфаати билангина яшамайди, аксинча, у ишлаб чиқарувчи кучларнинг бугунги салоҳиятига таяниб, ижтимоий меҳнатнинг юқори самарасини назарда тутиш билан бир қаторда истиқболда рўй берадиган, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ўсиши натижасида таъсир этадиган оқибатларни ҳам олдиндан ҳисобга олади.

Аҳолининг истиқболдаги сонини ҳисоблаш икки усулда, яъни:

- ◆ глобал ва
- ◆ ёшни силжитиш усуллари ёрдамида ҳисобланиши мумкин.

37

Глобал усулда аҳолининг истиқболдаги сони қандай аниқланади?

Глобал усулда ҳисоблашда аҳолининг йил бошидаги сони (A_0), табиий ўсиш ($K_{\tau\ddot{y}}$) ёки умумий ўсиш коэффициентлари бошланғич маълумот вазифасини бажаради. Ҳисоблаш қуйидагича бажарилади:

$$A_1 = A_0 \cdot \left(1 + \frac{K_{\tau\ddot{y}}}{1 - \frac{1}{2} K_{\tau\ddot{y}}} \right),$$

$$A_2 = A_1 \cdot \left(1 + \frac{K_{\tau\ddot{y}}}{1 - \frac{1}{2} K_{\tau\ddot{y}}} \right) \text{ ва х.к.}$$

Бу ерда: A_1 ва A_0 - аҳолининг жорий йил охиридаги ва кейинги йил бошидаги сони; $K_{\tau\ddot{y}}$ - табиий ўсиш (ёки умумий ўсиш) коэффициентлари;

$$\left(\frac{K_{\tau\ddot{y}}}{1 - \frac{1}{2} K_{\tau\ddot{y}}} \right) \cdot A_0 = \Delta_1 - \text{жорий йилда аҳоли сонининг қў-}$$

шимча ўсиши, яъни

$$A_1 = A_0 + \Delta_1$$

$$\left(\frac{K_{\text{тў}}}{1 - \frac{1}{2} K_{\text{тў}}} \right) \cdot A_1 = \Delta_2 \text{ — кейинги йилда қўшимча ўсиши}$$

лозим бўлган аҳоли сони, яъни,

$$A_2 = A_1 + \Delta_2$$

Бу усулни қўллаш тартибини қуйидаги шартли мисолда кўриб чиқамиз. Қуйидагилар берилган:

1. Йил бошида шаҳар аҳолисининг сони - 118 минг киши.

2. Табиий кўпайиш коэффициенти - 0,0170.

Кейинги икки йилнинг бошида аҳоли сони неча киши бўлиши эҳтимоллигини топинг.

Юқоридаги формулаларни қўллаймиз:

$$1. A_1 = A_0 \cdot \left(1 + \frac{K_{\text{тў}}}{1 - \frac{1}{2} K_{\text{тў}}} \right)$$

$$A_1 = 118 \cdot \left(1 + \frac{0,0170}{1 - \frac{1}{2} \cdot 0,0170} \right)$$

$$A_1 = 118 \cdot (1 + 0,01701)$$

$$A_1 = 118 \cdot 1,0171$$

$$A_1 = 120 \text{ минг киши}$$

$$\Delta_1 = 120 - 118 = 2 \text{ минг киши.}$$

$$2. A_2 = A_1 \cdot \left(1 + \frac{K_{\text{тў}}}{1 - \frac{1}{2} K_{\text{тў}}} \right)$$

$$A_2 = 120 \cdot \left(1 + \frac{0,0170}{1 - \frac{1}{2} \cdot 0,0170} \right)$$

$$A_2 = 120 \cdot (1 + 0,0172)$$

$$A_2 = 120 \cdot 1,0171$$

$$A_2 = 122 \text{ минг киши}$$

$$\Delta_2 = 122 - 120 = 2 \text{ минг киши.}$$

Бу усул аҳолининг истиқболдаги сонини ҳисоблашда қўл келсада, лекин уларни ёш жиҳатдан алоҳида-алоҳида

ҳисоблаш имконини бермайди. Бундан ташқари ҳар кейинги йилнинг қўшимча ўсиши фақат бошланғич база сифатида қабул қилиб олинганлиги сабабли табиий ёки умумий ўсиш даражалари турлича бўлиши мумкин.

38

Ёшни силжитиш усулида аҳолининг истиқболдаги сони қандай ҳисобланади?

Ёшни силжитиш усулида аҳолининг истиқболдаги сони қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$i_x \cdot P_x = i_{x+1}$$

Бу ерда:

- i_x - x ёшгача яшаши мумкин бўлган аҳоли сони;
- P_x - $x + 1$ ёшгача яшаши мумкин бўлган эҳтимоллик;
- i_{x+1} - ёшгача яшаши мумкин бўлган аҳоли сони.

Шундай қилиб, ҳар бир ёшдаги аҳоли сони (i_x) ҳар бир ёш яшаши мумкин бўлган эҳтимоллик коэффиценти (P_x) ёрдамида бир ёшдан (i_x) иккинчи ёшга (i_{x+1}) “**силжитилади**”. Буни 12-жадвалда бажарилган амаллардан кўриш мумкин.

12-жадвал

Ёшни силжитиш усулида аҳолининг истиқболдаги сонини аниқлаш тартиби

Аҳолининг жорий йил охиридаги сони	Келгуси 1-йилнинг бошида бўлиши мумкин бўлган аҳоли сони	Келгуси 2-йилнинг бошида бўлиши мумкин бўлган аҳоли сони	Келгуси 3-йилнинг бошида бўлиши мумкин бўлган аҳоли сони
i_{17} i_{18} i_{19}	$i_{18} = i_{17} \cdot P_{17}$ $i_{19} = i_{18} \cdot P_{18}$ $i_{20} = i_{19} \cdot P_{19}$	$i_{19} = i_{18} \cdot P_{18}$ $i_{20} = i_{19} \cdot P_{19}$ $i_{21} = i_{20} \cdot P_{20}$	$i_{20} = i_{19} \cdot P_{19}$ $i_{21} = i_{20} \cdot P_{20}$ $i_{22} = i_{21} \cdot P_{21}$
$i_{17} + i_{18} + i_{19}$	$i_{18} + i_{19} + i_{20}$	$i_{19} + i_{20} + i_{21}$	$i_{20} + i_{21} + i_{22}$

Бу усулни қўллаш тартибини қуйидаги шартли рақамларда кўриб чиқамиз (13-жадвал). Шу маълумотларга асосланиб, уч авлоднинг истиқболдаги сонини бўлажак 1, 2

МАКРОИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ СТАТИСТИКАСИ

ва 3 йиллар, яъни 1999, 2000 ва 2001 йиллар учун аниқланг. Ечиш учун жадвалнинг сўнги устунларини тўлдирамиз.

Демак, 1998 йилдаги 17 ёшли 3786 кишидан:

- **1999 йилга келиб:**

$$i_{18} = i_{17} \cdot P_{17}$$

$$i_{18} = 3786 \cdot 0,99641 = 3772 \text{ киши};$$

- **2000 йилга келиб:**

$$i_{19} = i_{18} \cdot P_{18}$$

$$i_{19} = 3772 \cdot 0,99600 = 3757 \text{ киши};$$

- **2001 йилга келиб:**

$$i_{20} = i_{19} \cdot P_{19}$$

$$i_{20} = 3757 \cdot 0,99562 = 3740 \text{ киши қолар экан};$$

Шу тариқа бошқа ёшдаги аҳоли сони ҳам тегишли йиллар учун ҳисобланган. Ҳисоблашда механик ўзгариш коэффициентлари эътиборсиз қолдирилган.

13-жадвал

Ёшни шайқатиш усулида аҳолининг истиқболдаги сонини ҳисоблаш тартиби

Ёш	Мазкур ёшдаги аҳолининг 1998 йил бошидаги сони	Ҳар бир ёш яшаши мумкин бўлган эҳтимоллик коэффициенти	Йил бошидаги ёшлар		
			1999	2000	2001
			$i_{x+1} = i_x \cdot P_x$		
16	3786	0,99641			
17	3764	0,99600	$\frac{3786}{\cdot 0,99641} = 3772$		
18	3742	0,99562	$3764 \cdot 0,99600 = 3749$	$3772 \cdot 0,99600 = 3757$	
19		0,99526	$3742 \cdot 0,99562 = 3726$	$3749 \cdot 0,99562 = 3732$	$3757 \cdot 0,99526 = 3740$
20		0,99503		$3726 \cdot 0,99526 = 3708$	$3732 \cdot 0,99526 = 3714$
21		0,99498			$3708 \cdot 0,99503 = 3689$

Ш

Б

О

Б

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

3.1. Меҳнат ресурслари сони ва таркиби статистикаси

39

Меҳнат ресурсларининг сони қандай
ҳисобланади? 65

40

Иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол
аҳоли сони қандай аниқланади? 66

41

Халқ хўжалигида банд бўлганлар сони
қандай ҳисобланади? 68

42

Кимлар ишсиз деб эътироф этилади?
Ишсизликнинг қандай кўринишларини
биласиз? 68

43

Ишсизлар сони ва ишсизлик даражаси
қандай ҳисобланади? 70

44

Меҳнат ресурслари таркиби қайси
белгилар асосида гуруҳлаб ўрганилади? 71

45

Меҳнат ресурсларини мулкчилик шакллари бўйича гуруҳлаб ўрганишнинг аҳамияти нимада? 72

46

Меҳнат ресурсларини тармоқлар бўйича гуруҳлаб ўрганишнинг аҳамияти нимада? 73

47

Меҳнат ресурсларини ҳудудлар миқёсида ўрганишнинг зарурияти нимада? 75

3.2. Меҳнат ресурслари ҳаракатини, уларни тўлдириб боришни тавсифловчи кўрсаткичлар

48

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга жалб қилиш мажбурийми? 77

49

Меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишни давлат кафолатлайдими? 77

50

Меҳнат бозори (биржаси) нима билан шуғулланади? 78

51

Ишга ёллаш қай тартибда амалга оширилади? 79

52

Ишга қабул қилиш вақтида қандай ҳужжатлар талаб қилинади? 80

53

Қайси кўрсаткичлар меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, уларни тўлдириб боришни тавсифлайди? 81

54	Ишга қабул қилиш, меҳнат ресурслари сафининг тўлдирилишини қандай кўрсаткичлар ифодалайди?	82
55	16 ёшга тўлган болалар коэффиценти қандай ҳисобланади?	83
56	Ишга жалб қилинган ўсмирлар коэффиценти қандай аниқланади?	83
57	Ишга жалб қилинган пенсионерлар коэффиценти қандай ҳисобланади?	84
58	Ишга жалб қилинган меҳнат ёшида бўлмаганларнинг умумий коэффиценти қандай ҳисобланади?	85
59	Мазкур ҳудудга келган, ишга қабул қилинган меҳнат ёшидаги аҳоли коэффиценти қандай аниқланади?	85
60	Меҳнат ресурсларининг мутлақ ўсиш кўрсаткичи қандай аниқланади?	86

3.3. Меҳнат ресурсларининг камайишини тавсифловчи кўрсаткичлар

61	Қайси кўрсаткичлар меҳнат ресурсларининг камайишини тавсифлайди?	86
62	Меҳнат ресурсларининг камайишини тавсифловчи кўрсаткичлар қандай ҳисобланади?	86
63	Меҳнат ресурсларининг ўсиши ёки камайиши қандай аниқланади?	87

3.4. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни тавсифловчи кўрсаткичлар

64	Қайси кўрсаткичлар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини тавсифлайди?	89
65	Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?	89
66	Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳудудлар миқёсида таҳлил қилишнинг аҳамияти нимада?	90
67	Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар ўртасида боғланиш мавжудми?	92

Меҳнат ресурслари¹ — бу жамиятдаги меҳнатга лаёқатли, билим ва малакага, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш қобилиятига эга бўлган кишилардир. Уларнинг асосий қисмини меҳнат қилиш ёшида бўлган аҳоли ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексига биноан меҳнат ресурсларининг қуйи чегараси 16 ёш, юқори чегараси эса эркаклар учун 60, аёллар учун 55 ёш деб қабул қилинган. Бу чегараларни белгилашда аҳолининг турмуш даражаси, соғлиқни сақлаш, спорт ва маориф тизими, пенсия таъминоти шароитлари, ижтимоий, иқтисодий ва демографик омиллар ҳисобга олинади. Шунга мувофиқ меҳнат ресурслари (МР)нинг сонини қуйидагича ҳисоблаш мумкин.

$$MP = ME - (H + BB) + PY$$

Бу ерда: МЁ — меҳнат қилиш ёшидаги аҳоли; Н — I ва II гуруҳ ногиронлари, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли; ББ — меҳнат қилиш ёшида бўлиб, ҳеч қаерда банд бўлмаган аҳоли (уй-рўзғор ва ёш болаларни тарбиялаш билан шуғулланаётган аёллар, имтиёзли пенсияга чиққанлар ва б.); ПЎ — ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган пенсионерлар ва 16 ёшдан кичик бўлган ўсмирлар.

Ўзбекистон меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси жиҳатдан энг юқори бўлган минтақалар қаторига

¹ "Меҳнат ресурслари" иборасини биринчи бўлиб акад. С.Г.Струмилин 1922 йилда ўзининг "Меҳнат иқтисоди муаммолари" асарида қўллаган.

киради. Марказий Осиёдаги меҳнат ресурсларининг деярли 40 фоизи унинг хиссасига тўғри келади. Айниқса, аҳолининг таркибида меҳнат қилиш ёшида бўлган кишилар сонининг нисбатан тезроқ ўсиши республика меҳнат ресурсларининг жадал ўсишига олиб келмоқда. 1996 йилда уларнинг сони 11 миллиондан ошди (14-жадвал).

14-жадвал

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг сони ва динамикаси

Т/р	Кўрсаткичлар	1996 й. (минг киши)	Жами аҳоли сонига нисбатан, %	1996 й. 1991 га нисбатан % ҳисобида
1	Жами аҳоли сони <i>Шу жумладан</i>	22690	100	108,7
*	меҳнат ёшигача бўлганлар	9788	43,1	108,7
*	меҳнат ёшидагилар	11157	49,2	109,0
*	меҳнат ёшидан ошганлар	1745	7,7	107,4
2	Меҳнат ресурслари сони	11130	49,0	108,8
3	Иқтисодий фаол аҳоли	8277	36,5	107,3
4	Халқ ҳўжалиғига баян бўлганлар сони	8238	36,5	108,1

* Статистика маълумотлари республикаимиз меҳнат ресурсларининг таркибида 30-49 ёшдаги аҳолининг салмоғи устувор эканлигини кўрсатди.

40

Иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол аҳоли сони қандай аниқланади?

Иқтисодий фаол (ИФ_а) аҳоли деганда меҳнат қилиш ёшидаги аҳоли таркибига кирувчи ишлаётган аҳоли (ИА) ва ишсизлар (ИШС)нинг йиғиндиси тушунилади:

ёки

$$ИФ_a = ИА + ИШС$$

$$ИФ_a = МР - ХХ_{66М}$$

Бу ерда: $ХХ_{66М}$ — меҳнат қилиш ёшидаги, аммо халқ хўжалигида банд бўлмаган ишга лаёқатли аҳоли сони.

Иқтисодий нофаол ($ИНФ_a$) аҳоли деганда давлат ($Д_k$) ва айрим кишилар ($АК_k$) қарамоғида бўлган, ҳеч қаерда ишламаётган аҳоли тушунилади. Унинг сони қуйидагича ҳисобланади:

$$ИНФ_a = Д_k + АК_k$$

$ИФ_a$ ва $ИНФ_a$ таркибига кирувчи аҳоли ҳақидаги маълумотларни қуйидаги чизма кўринишида тасвирлаш мумкин (6-чизма):

Жами аҳоли (А)			
ИМ _a		ИНМ _a (АК _k)	
ИФ _a	ИНФ _a		
	Д _k	меҳнат қилиш ёшидагилар	меҳнат қилиш ёшида бўлмаганлар
<ul style="list-style-type: none"> ◆ товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар; ◆ уй хўжалиги ва шахсий томорқаларда банд бўлганлар; ◆ давлатнинг барча маҳкамалари, ташкилот ва идораларида банд бўлганлар; ◆ руйхатга олинган ишсизлар. 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ стипендиатлар; ◆ ҳарбий хизматдагилар; ◆ ахлоқ тузатиш муассасаларидагилар; ◆ руҳий касалликлар шифохонасидагилар; ◆ пенсионерлар, қариялар уйи ва болалар интернатидегилар. 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ ишламайдиган уй бекалари; ◆ стипендия олмай ўқиётганлар. 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ болалар; ◆ пенсия олмайдиган қариялар.

6-чизма. Иқтисодий мустақил (ИМ_a), иқтисодий номуқтақил (ИНМ_a), иқтисодий фаол (ИФ_a) ва иқтисодий нофаол (ИНФ_a) аҳолининг таркиби.

1996 йилда Республикамизда иқтисодий фаол аҳолининг сони 8277 минг кишини, яъни аҳолининг 36,5 фоизини, иқтисодий нофаол аҳолининг сони эса 2728 кишини ташкил қилди.

41

Халқ хўжалигида банд бўлганлар сони қандай ҳисобланади?

Халқ хўжалигида банд бўлган аҳоли — бу иқтисодий фаол аҳолининг асосий қисми бўлиб, улар жамиятнинг барча секторларида банд бўлган, аниқроғи ишлаётган аҳоли (ИА)дир. Уларнинг таркибига ишсизлар (ИШС) ва ишлаш ёшидаги, аммо халқ хўжалигида банд бўлмаган ишга лаёқатли, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ёшлар (ЎЁ) ва ҳарбий хизматдагилар (ХХ) кирмайди:

$$XX_{66} = ИФ_a - (ИШС + ЎЁ + ХХ)$$

1996 йилда республикамиз халқ хўжалигида банд бўлганлар сони 8238 минг кишини, яъни аҳолининг 36,3 фоизини ташкил қилди.

42

Кимлар ишсиз деб эътироф этилади? Ишсизликнинг қандай кўринишларини биласиз?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 60-моддасига биноан қуйидаги кишилар ишсизлар деб эътироф этилади, яъни 16 ёшдан бошлаб то ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги:

- ◆ ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадиға) эға бўлмаганлар;
- ◆ иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида (биржада) рўйхатға олинганлар;

- ◆ меҳнат қилишга, касб тайёргарлиги ёки қайта тайёргарликдан ўтишга тайёр, меҳнатга қобилиятли шахслар.

Ишловчини мажбуран иш жойига бириктириш ёки тақсимлаш тартиби ўрнатилмаган ҳар қандай мамлакатда ишсизлик юзага келади. Ишсизликнинг турли кўринишлари мавжуд:

- ◆ фрикцион ишсизлик;
- ◆ структуравий ишсизлик;
- ◆ даврий ишсизлик.

Фрикцион ишсизлар сафига иш қидираётган ёки яқин вақт ичида иш билан таъминланишни кутаётган кишилар киради. Бундай турдаги ишсизлик:

- ◆ иш ва турар жойининг ўзгариши;
- ◆ ўқув юртларини битириш;
- ◆ мавсумий ишларнинг тугалланиши натижасида юзага келади.

Фрикцион ишсизлик ишчи кучларини тармоқ ва регионлар миқёсида самарали тақсимланишига кўмаклашади, иқтисодий ўсишга ижобий таъсир қилади.

Структуравий ишсизлар сафига ишлаб чиқариш таркиби ва технологиясининг тубдан ўзгариши сабабли ишсиз қолган кишилар киради. Бундай ишсизлик шароитида ходим ўз малакасини ошириши, ҳатто мутахассислигини ўзгартиришига тўғри келади. Бунга эса маълум вақт талаб этилади. Меҳнат бозоридаги мувозанатнинг бундай бузилиши узоқроқ давом этади. Шу сабабли структуравий ишсизлик жиддий муаммолардан ҳисобланади.

Даврий ишсизлик ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайиши оқибатида вужудга келади.

Ҳар қандай бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам ишсизликнинг юқорида санаб ўтилган кўри-нишлари мавжуд. Айниқса структуравий ишсизлик ўта муҳим муаммога айланмоқда.

43**Ишсизлар сони ва ишсизлик даражаси қандай ҳисобланади?**

Ишсизлик даражаси меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини тавсифлайди. У қуйидагича ҳисобланади:

$$K_{нд} = \frac{ИС}{МР} \cdot 100$$

Бу ерда: $K_{нд}$ — ишсизлик даражаси; ИС — ишсизлар сони.

Ишсизлар сонини ҳисобга олиш республика ва жойлардаги меҳнат биржаларида амалга оширилади. Ишсизлар сонининг ҳаддан ташқари ўсиб кетишига йўл қўймаслик Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини амалга оширишнинг асосий вазифаларидан биридир. Бунинг учун республикада меҳнат бозорини фаол тарзда мувозанатлаштириб боришнинг турли шакллари ва усуллари қўлланилмоқда. 240 дан зиёд пунктларни ўз ичига олган кенг тармоқли бандлик хизмати тизими вужудга келтирилган. Республиканинг ҳар бир шаҳар ва туманларида меҳнат биржалари фаолият кўрсатмоқда.

Расмий равишда рўйхатга олинган ишсизлар меҳнат ресурсларининг бир фоиздан камроқ қисмини ташкил этади, бу МДҲ мамлакатлари ичидаги энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади (15-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида ишсизлик даражаси¹

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1996 й.
1	Иш топиш истагида бандлик хизматига мурожаат қилганлар сони, шулардан:	минг киши	146,6
	* ишга жойлаштирилганлар		91,2
2	Вужудга келтирилган иш жойларининг сони, шу жумладан:		124,5
	* кишлоқ жойларда		63,4
	* нодавлат секторида		113,8
3	Рўйхатга олинган ишсизлар сони	"-"	41,0
4	Ишсизлик даражаси	%	0,5

44

Меҳнат ресурслари таркиби қайси белгилар асосида гуруҳлаб ўрганилади?

Макроиктисодий статистика меҳнат ресурслари, хусусан, иқтисодий фаол аҳолининг таркибини қўйидаги атрибутив (сифат) белгилар асосида гуруҳлаб ўрганади:

- ◆ мулкчилик шакллари бўйича;
- ◆ тармоқлар бўйича;
- ◆ машғулотлар бўйича;
- ◆ ижтимоий гуруҳлар бўйича;
- ◆ ёши ва жинси бўйича;
- ◆ маълумоти бўйича;
- ◆ ҳудудлар миқёсида;
- ◆ миллати бўйича ва ҳ.к.

Меҳнат ресурсларини сифат нуқтаи назаридан ўрганиш иқтисодий тараққиёт ва унинг қонуниятларини аниқлаш учун ўта зарурдир.

¹ Қаранг: Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Т., "Ўзбекистон", 1996, 75-бет.

45

Меҳнат ресурсларини мулкчилик шакллари бўйича гуруҳлаб ўрганишнинг аҳамияти нимада?

Меҳнат ресурсларини мулкчилик шакллари бўйича ўрганишда уларни асосан икки гуруҳга, яъни:

- ◆ давлат сектори ва
- ◆ нодавлат секторидан банд бўлганларга бўлиб ўрганилади (16-жадвал).

16-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг мулк шакллари бўйича бандлик кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида)¹

Т/р	Мулк шакллари	1991	1996
	Банд кишилар, жами	100,0	100,0
	Шу жумладан:		
1	Давлат секторларида	61,1	30,6
2	Нодавлат секторларида шулардан:	38,9	69,4
	* хусусий корхоналарида	0,2	2,8
	* ижара корхоналарида	1,9	0,8
	* ҳиссадорлик корхоналарида	0,1	9,3
	* деҳқон хўжаликларида	0,1	1,3

Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг нодавлат секторларида иш билан бандлик ҳиссаси 70 фоизга етди. 1991 йилда бу кўрсаткич 38,9 фоизни ташкил қилган эди.

Мулкчилик шакллари бўйича меҳнат ресурсларини ўрганиш орқали:

- ◆ мулкчилик шакллари миқёсида меҳнатга лаёқатли аҳолининг қай даражада ўсиб бораётганлиги;
- ◆ ҳар бир секторда қанчалик ишчи кучи мавжудлиги, кўп ёки озлиги, ишсизлик даражаси;

¹ Қаранг: Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Т., "Ўзбекистон", 1996, 4-бет.

- ◆ ишлаб чиқариш трансформация қилинаётган бугунги шароитда мулкчилик соҳасида тўлақонли меҳнат бозорининг шаклланиш жараёнининг қай даражада амалга оширилаётганлиги каби муҳим масалалар аниқланади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, агар ўтмишдаги мулк тизим муайян мулк шаклининг ҳукмронлиги билан ажралиб турган бўлса, ҳозирги янги мулк тизим турли мулк шакллариининг мувозанати ва биргаликда ривож билан характерланади.

46

Меҳнат ресурсларини тармоқлар бўйича гуруҳлаб ўрганишнинг аҳамияти нимада?

Меҳнат ресурсларини тармоқлар миқёсида ўрганиш:

- ◆ меҳнат тақсимидаги қонуниятларни;
- ◆ мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш йўналишини аниқлаш имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалиги тармоғида банд бўлганларнинг салмоғи жуда ҳам юқори бўлса, у ҳолда мазкур мамлакат (регион) иқтисодиёти **аграр иқтисодиёт** ҳисобланади. Бу салмоқ унча юқори бўлмаса, у ҳолда мазкур мамлакат (регион) иқтисодиёти **аграр-индустрал иқтисодиёт** ҳисобланади.

Агар қишлоқ хўжалиги тармоғида банд бўлганлар салмоғи бошқа тармоқларда банд бўлганлар салмоғидан паст бўлса, у ҳолда мазкур мамлакат (регион) иқтисодиёти **индустрал-аграр иқтисодиёт** ҳисобланади.

Ва ниҳоят, саноатда банд бўлганларнинг салмоғи қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар салмоғидан юқори бўлса, у ҳолда мазкур мамлакат (регион) иқтисодиёти юқсак даражада тараққий этган **индустрал иқтисодиёт** ҳисобланади.

Республикамызда иқтисодий фаол аҳолининг тармоқлар бўйича бандлик даражаси 17-жадвалда келтирилган.

Иқтисодий фаол аҳолининг тармоқлар бўйича бандлик даражаси¹

Т/р	Тармоқ (сектор) лар	1995 (минг киши)	Жамига нисбатан %
А	Банд бўлган иқтисодий фаол аҳоли	8157,5	100
	Шу жумладан:		
1	Саноатда	1010,2	12,4
2	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида	3734,7	45,8
3	Қурилишда	492,9	6,0
4	Хизмат қилиш соҳасида	2490,6	30,5
	Шундан:		
	♦ савдо, умумовқатланиш, тайёрлов ташкилотларида	566,4	6,9
	♦ маиший хизмат уйлари	185,0	2,3
	♦ соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва социал таъминотда	483,4	5,9
	транспорт ва алоқада	218,0	2,7
	халқ таълими, маданият ва санъат муассасаларида	1037,8	
	халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида	429,1	5,3
Б	Банд бўлмаган иқтисодий фаол аҳоли	42,9	0,5

Банд бўлганларнинг 45,8 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 12,4 фоизи саноатда, қурилишда эса 6 фоизи, 30 фоиздан кўпроғи хизмат қилиш соҳаларида меҳнат қилмоқда. Шундан кўриниб турибдики, республикамиз

¹ Қаранг: Основные показатели социально-экономического развития Республики Узбекистан за 1995 г., Статсборник, Т., 1996, стр. 25.

иктисодиёти аграр-индустриал иқтисодиёт ҳисобланади. Халқ ҳўжалигида банд бўлганларнинг асосий қисми, яъни 69,5 фоизи моддий ишлаб чиқариш соҳасидадир.

47

Меҳнат ресурсларини ҳудудлар миқёсида ўрганишнинг зарурияти нимада?

Макроиктисодий статистика халқ ҳўжалигида банд бўлган иқтисодий фаол аҳолини ҳудудлар миқёсида ўрганишга катта эътибор беради. Чунки, бундай таҳлил:

- ◆ меҳнат ресурсларининг ҳудудлар миқёсида қай даражада жойлашганлиги ва шунга биноан ишлаб чиқариш йўналишларига қандай ўзгартиришлар киритиш;
- ◆ регионлар бўйича ишсизлар сонини аниқлаш;
- ◆ ҳудудлар миқёсида меҳнат биржаларининг қай аҳволда эканлиги каби макроиктисодий масалаларни ўрганиш учун зарурдир.

Бозор иқтисодиёти барча мамлакатларда ишсизликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу ҳол республикаимиз ва унинг вилоятларида ҳам кузатилмоқда (18-жадвал).

18-жадвал

Ўзбекистон Республикаси вилоятларида ишсизлар сони ва даражаси (1995 й.)¹

Т/р	Вилоятлар	Рўйхатга олинган ишсизлар сони (минг киши)	K _{нд} (%)	d _{мшк} (%)
1	2	3	4	5
	Ўзбекистон Республикаси	25,4	0,4	100,0
1	Қорақалпоғистон Республикаси	7,5	2,2	29,5

¹Қаранг: Основные показатели социально-экономического развития Республики Узбекистан за 1995 г., Статсборник., Т., 1996, стр. 31.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

1	2	3	4	5
2	Андижон вилояти	1,6	0,3	6,3
3	Бухоро вилояти	0,5	0,2	2,0
4	Жиззах вилояти	0,7	0,3	2,8
5	Қашқадарё вилояти	1,6	0,4	6,3
6	Навоий вилояти	4,5	2,7	17,7
7	Наманган вилояти	1,9	0,6	7,5
8	Самарқанд вилояти	1,6	0,4	6,3
9	Сурхондарё вилояти	0,8	0,3	3,1
10	Сирдарё вилояти	0,9	0,5	3,6
11	Тошкент вилояти	1,4	0,2	5,5
12	Фарғона вилояти	0,6	0,1	2,4
13	Хоразм вилояти	1,0	0,4	3,9
14	Тошкент шаҳри	0,8	0,1	3,1

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, барча вилоятларда меҳнатга яроқли бўлган аҳолининг бир қисми ижтимоий фаолият билан банд этилган. Қорақалпоғистонда рўйхатга олинган ишсизлар сони 7,5 минг кишини ёки Республикада рўйхатга олинган ишсизларнинг 29,5 фоизини ($d_{ишс}$), Навоий вилоятида бу кўрсаткич 17,7 фоизни, Наманганда 7,5 фоизни ташкил қилади.

Бундай ҳолат қишлоқ жойларда янги иш ўринларини ривожлантириш заруриятини, хусусан саноат корхоналарининг филиалларини, кичкина корхона ва цехларни очишни, хизмат кўрсатиш муассасаларини, қишлоқ инфра-структурасини ривожлантиришни тақозо этади.

48

**Бозор иқтисодиёти шароитида
меҳнатга жалб қилиш мажбурийми?**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 7-моддасида:

"Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш таъқиқланади" дейилган¹.

Қуйидаги ишлар, яъни:

- ◆ ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида;
- ◆ фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;
- ◆ суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;
- ◆ қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланади, деб таъкидланган ўша ерда.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга жалб қилишнинг ихтиёрийлик тамойили қонун билан мустаҳкамланган, мажбурий меҳнат ман этилган. Республикамизда тўлақонли меҳнат бозори шакллантирилмоқда. Ишчи кучига эҳтиёж ана шу бозорлардаги талаб ва таклифга биноан қониқтирилиб келинмоқда.

49

Меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишни давлат кафолатлайдими?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг "Меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари" номли 58-моддасида ушбу масала бўйича қуйидагилар таъкидланган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. "Халқ сўзи" газетаси, 1996 йил 30 январ.

Давлат:

- ◆ иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;
- ◆ ишга қабул қилишни қонунга ҳилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимоялашни;
- ◆ мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;
- ◆ ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатта ҳақ олишда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;
- ◆ янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;
- ◆ бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;
- ◆ ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятларини кафолатлайди.

Иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шартлари ҳамда меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг кафолатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилади.

50

Меҳнат бозори (биржаси) нима билан шуғулланади?

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқа бозор турлари қаторида меҳнат бозори ҳам амал қилади. **Меҳнат бозори** — бу ишчи кучини олди-сотди қилиш муносабатини

билдиради. Мехнат бозорида ҳам талаб ва таклиф қонуни амал қилади. Бу ерда рақобат шароитида ишчи кучининг олди сотдиси амалга оширилади. Мехнат бозорининг бир томонида иш кучи эгаси турса, иккинчисида ишчи кучига муҳтож корхона, фирма туради. Улар ўртасида айирбошлаш муносабати юз беради. Шу тарзда ишчи кучига талаб ва ишчи кучи таклифи бир-бири билан боғланади.

Мехнат бозори аниқ шаклларда юз беради, улардан энг муҳими — мехнат биржасидир. Савдо биржаси сингари мехнат биржаси товарни — ишчи кучини пулга айирбошлашда воситачилик қилади, иш кучи эгаси билан уни ёлловчи корхона ёки фирма ўртасида туради. Биржа бир вақтининг ўзида ҳам ишчи кучини сотувчи, ҳам унинг харидори номидан иш кўради. У ишчи кучига тушган талабга биноан рўйхатдан ўтган ишсизларни бўш иш жойини эгаллаш учун ҳар хил фирма, ташкилот ва идораларга юборади.

Мехнат биржалари ишчи кучи сотилишини уюштириш билан чекланмайдилар. Бундан ташқари улар:

- ◆ ишчи кучини истеъмолбоп қилиш;
- ◆ кишиларни касбга йўллаш;
- ◆ касбни ўзгартириш;
- ◆ қайта тайёрлаш;
- ◆ малакасини ошириш каби ишларни бажариш билан ҳам шуғулланадилар.

Мехнат биржаси бозор тизимининг унсури сифатида харажат қилади, пул топади. Унинг пул тушумлари ҳам иш кучи соҳиблари, ҳам ишга ёлловчиларнинг воситачилик хизмати учун тўлайдиган ҳақларидан иборатдир.

51

Ишга ёллаш қай тартибда амалга оширилади?

16 ёшга тўлган шахслар ишлаш ҳуқуқига эгалар. 15 ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилинишлари мумкин. Ишга қабул қилишни ғайриқо-

нуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди ("Ўз.Р Меҳнат кодекси" — 77-78-моддалар).

Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади. Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига мувофиқ равишда чиқарилади. Буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Ходим шартномада белгилаб қўйилган кундан бошлаб ўзининг меҳнат вазифаларини бажаришга киришмоғи лозим.

52

Ишга қабул қилиш вақтида қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасида қуйидагича белгилаб қўйилган. Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни:

- ◆ паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, 16 ёшгача бўлган шахслар эса, — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани;
- ◆ меҳнат дафтарчасини, биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;
- ◆ ҳарбий хизматта мажбур шахслар ёки чакирилувчилар тегишлича ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;
- ◆ қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётган-

да олий ва ўрта махсус ўқув юртини тамомланганлик тўғрисидаги дипломини ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома-ни ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш таъқиқланади.

Иш берувчи корхона беш кундан ортиқ ишлаётган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно.

53

Қайси кўрсаткичлар меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, уларни тўлдириб боришни тавсифлайди?

Меҳнат ресурсларининг ҳаракати — бу уларнинг сони, таркиби, тақсимланиши ва жойланишининг вақт бўйича ўзгаришидир. Бу ўзгариш қуйидаги шаклларда ва йўналишларда бўлиши мумкин:

Гуруҳлар	Ҳаракат йўналишлари	Изоҳ
А	Табиий ҳаракат	♦ бир ёш гуруҳидан бошқасига ўтиш, вафот қилиш
Б	Регион ичида ва регионлараро ҳаракат	♦ бир регион ичида ёки бошқа бир регионга яшаш ва ишлаш учун кўчиш
В	Тармоқ ичида ва тармоқлараро ҳаракат	♦ тармоқ ичидаги бир корхонадан бошқасига ва халқ хўжалигининг бошқа секторига ўтиш
Г	Профессионал (касбга оид) ҳаракат	♦ касбни, лавозимни ўзгартириш натижасида иш фаолиятини ўзгартириш
Д	Ижтимоий ҳаракат	♦ малакасини ошириш, амалий битим даражасини ошириш, меҳнат тажрибасининг юксалиши, бир ижтимоий гуруҳдан иккинчи ижтимоий гуруҳга ўтиш

А, Б, В ва Г йўналишларидаги ҳаракат натижасида меҳнат ресурслари сонининг ўзгаришини **экстенсив**, Д йўналишдаги ҳаракат туфайли юз берган ўзгаришни эса **интенсив** йўл деб аташ мумкин.

Меҳнат ресурсларининг ҳаракати, уларни тўлдириб бориш жараёни қуйидаги уч гуруҳ кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- 1 | Ишга қабул қилиш, улар сафининг тўлдирилишини тавсифловчи кўрсаткичлар.
- 2 | Ишдан бўшатиш ёки улар сафининг камайишини тавсифловчи кўрсаткичлар.
- 3 | Меҳнат ресурслари сафининг тўлдирилишини тавсифловчи умумий кўрсаткичлар.

54

Ишга қабул қилиш, меҳнат ресурслари сафининг тўлдирилишини қандай кўрсаткичлар ифодалайди?

Қуйидаги кўрсаткичлар меҳнат ресурслари сафининг тўлдирилишини ифодалайдиган кўрсаткичлардир:

- ◆ 16 ёшга тўлган ўсмирлар коэффиценти;
- ◆ ишга жалб қилинган ўсмирлар коэффиценти;
- ◆ ишга жалб қилинган пенсионерлар коэффиценти;
- ◆ ишга жалб қилинган меҳнат ёшида бўлмаганлар коэффиценти;
- ◆ ишга жалб қилинган имтиёзли пенсияга чиққан аёллар коэффиценти;
- ◆ мазкур ҳудудга келган, ишга қабул қилинган меҳнат ёшидаги аҳоли коэффиценти;
- ◆ меҳнат ресурсларининг муғлок ўсиш кўрсаткичи.

Бу кўрсаткичлар меҳнат ресурслари сонини тўлдириш интенсивлигини тавсифлайди.

55

16 ёшга тўлган болалар коэффиценти қандай ҳисобланади?

Бу коэффициент ($K_{16\text{ёт}}$) 16 ёшга тўлган ўсмирлар сонини ($\bar{Y}_{16\text{ёш}}$) меҳнатга лаёқатли меҳнат ёшидаги аҳоли ($A_{\text{мё}}$) сонига бўлиш ёрдамида ҳисобланади:

$$K_{16\text{ёт}} = \frac{\bar{Y}_{16\text{ёш}}}{A_{\text{мё}}} \cdot 1000$$

Бу кўрсаткич 16 ёшга тўлган ўсмирлар ҳисобига меҳнат ресурсларининг қанчалик кўпайиб боришини тавсифлайди. 16 ёшга тўлувчиларнинг сони қанчалик кўп бўлса, (бошқа омилларни ҳисобга олмаганда) меҳнат ресурсларининг сони шунчалик тез суръатлар билан ошиб боради. Республикамизда ҳар йили жама аҳолининг тахминан 1,8-1,9 фоизи 16 ёшга тўлади. Бу дегани, республикамизда меҳнат ресурсларининг потенциал сони ҳар йили, бошқа омилларни ҳисобга олмаганда, тахминан 1,8-1,9 фоизга ошади.

56

Ишга жалб қилинган ўсмирлар коэффиценти қандай аниқланади?

Бу коэффициент (K_y) меҳнат қилиш ёшида бўлмаган ўсмирлар сони (\bar{Y}_c) ни меҳнатга лаёқатли, меҳнат ёшидаги аҳолининг ўртача сони ($A_{\text{мё}}$) га бўлиш ёрдамида аниқланади:

$$K_y = \frac{\bar{Y}_c}{A_{\text{мё}}} \cdot 1000$$

Бу кўрсаткич 16 ёшга тўлмаган, меҳнат ёшида бўлмаган, аммо ишга жалб қилинган ўсмирлар эвазига меҳнат ресурсларининг кўпайишини тавсифлайди. Шунини айтиш жоизки, бу ёшдаги ўсмирларни меҳнатга жалб қилиш им-

конияти жуда ҳам чекланган, чунки улар ҳали ҳеч қандай касбий тажриба ва маҳоратга эга эмаслар. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучига бўлган талабни меҳнат бозори, у ердаги рақобат белгилайди.

Демак, меҳнат ресурсларини тўлдиришда бу омил ўзининг ҳал қилувчи ролини ўйнай олмайди. Республика-миз аҳолиси таркибида 14 ёшли ўсмирларнинг салмоғи 2,4 фоизни, 15 ёшлилар эса 2,2 фоизни ташкил қилади.

57

Ишга жалб қилинган пенсионерлар коэффициенти қандай ҳисобланади?

Бу коэффициент (K_n) меҳнат қилиш ёшидан ўтган пенсионерлар сони (Π_c) ни меҳнат ёшидаги аҳолининг ўртача сони (A_{me}) га бўлиш ёрдамида ҳисобланади:

$$K_n = \frac{\Pi_c}{A_{me}} \cdot 1000$$

Бу кўрсаткич меҳнат ёши (эркаklar — 60, аёллар — 55)дан ўтган пенсионерлар ҳисобига меҳнат ресурсларининг кўпайишини тавсифлайди. Меҳнат тажрибаси бой, малакаси юқори бўлган бу тоифадаги кишиларни ишлаб чиқаришга, айниқса хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш:

- ◆ улардаги билим, малака, тажрибадан унумли фойдаланиш;
- ◆ уларнинг моддий ҳолатини яхшилаш;
- ◆ уларнинг маънавий ҳаётини қўллаб-қувватлаш ва яшаш умрларини узайтириш;
- ◆ ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларидаги иш жойларини кенгайтириш, миллий маҳсулот ҳажмини ошириш имконини беради.

Бу кўрсаткич билан бир қаторда ишга жалб қилинган имтиёзли пенсияга чиққан аёллар коэффициентини ҳам ҳисоблаш мумкин.

58

Ишга жалб қилинган меҳнат ёшида бўлмаганларнинг умумий коэффициенти қандай ҳисобланади?

Бу коэффициент ($K_{мёб}$) потенциал меҳнат ресурсига айланган ($\check{Y}_{16ёш}$) ва ишга жалб қилинган ўсмирлар (\check{Y}_c), пенсионерлар (Π_c) сонини $\overline{A}_{мё}$ га бўлиш ёрдамида ҳисобланади:

$$K_{мёб} = \frac{\check{Y}_{16ёш} + \check{Y}_c + \Pi_c}{\overline{A}_{мё}} \cdot 1000$$

ёки

$$K_{мёб} = K_{16ёш} + K_y + K_n$$

Бу кўрсаткич қайд қилинган барча омиллар эвазига меҳнат ресурслари умумий сонининг кўпайганини тавсифлайди.

59

Мазкур ҳудудга келган, ишга қабул қилинган меҳнат ёшидаги аҳоли коэффициенти қандай аниқланади?

Бу коэффициент ($K_{кел}$) мазкур ҳудудга келган, ишга қабул қилинган меҳнат ёшидаги ($КЕЛ_{мё}$) аҳоли сонини $\overline{A}_{мё}$ га бўлиш ёрдамида аниқланади:

$$K_{кел} = \frac{КЕЛ_{мё}}{\overline{A}_{мё}} \cdot 1000$$

Бу кўрсаткич мазкур ҳудуддаги меҳнат ресурсларининг миграция эвазига қай даражада тўлиб боришини тавсифлайди.

60

Меҳнат ресурсларининг мутлақ ўсиш кўрсаткичи қандай аниқланади?

Бу кўрсаткич ($\Sigma MP_{кўп}$) юқорида қайд этилган 16 ёшга тўлган аҳоли сони ($\dot{Y}_{16\text{ёш}}$), халқ хўжалигига жалб қилинган меҳнат ёшида бўлмаган ўсмирлар (\dot{Y}_c), пенсионерлар (P_c) ва мазкур ҳудудга келганлар ($КЕЛ_{ме}$) сонининг йиғиндисидан иборат:

$$\Sigma MP_{кўп} = \dot{Y}_{16\text{ёш}} + \dot{Y}_c + P_c + КЕЛ_{ме}$$

Мутлақ ўсиш кўрсаткичи меҳнат ресурслари потенциал сонининг ўзгаришини тавсифлайди.

61

Қайси кўрсаткичлар меҳнат ресурсларининг камайишини тавсифлайди?

Қуйидаги кўрсаткичлар меҳнат ресурслари сонининг камайишини тавсифлайди:

- ◆ меҳнат ёшидан ўтганлар коэффиценти;
- ◆ мазкур йилда меҳнат ёшида ўлганлар коэффиценти;
- ◆ пенсияга чиққанлар коэффиценти;
- ◆ мазкур ҳудуддан кетган меҳнат ёшидагилар коэффиценти;
- ◆ меҳнат ресурслари сафидан чиққанларнинг умумий коэффиценти;
- ◆ меҳнат ресурсларининг мутлоқ камайиш кўрсаткичи.

62

Меҳнат ресурсларининг камайишини тавсифловчи кўрсаткичлар қандай ҳисобланади?

Меҳнат ресурсларининг камайишини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби ва улар нимани ифодалаши 19-жадвалда келтирилган.

Меҳнат ресурсларининг камайишини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	Меҳнат ёшидан ўтганлар коэф-фициенти ($K_{м\ddot{e}y}$)	$K_{м\ddot{e}y} = \frac{ME\ddot{U}_c}{A_{м\ddot{e}}} \cdot 1000$	$ME\ddot{U}_c$ - меҳнат ёшидан ўтган аҳоли сони $A_{м\ddot{e}}$ - меҳнат ёшидаги аҳоли сони
2	Мазкур йилда меҳнат ёшида ўлганлар коэф-фициенти ($K_{\ddot{y}лг}$)	$K_{\ddot{y}лг} = \frac{\ddot{U}ЛГ_c}{A_{м\ddot{e}}} \cdot 1000$	$\ddot{U}ЛГ_c$ - меҳнат ёшида ўлганлар сони
3	Пенсияга чиққанлар коэф-фициенти ($K_{п}$)	$K_{п} = \frac{П_c}{A_{м\ddot{e}}} \cdot 1000$	$ПЧ_c$ - пенсияга чиққанлар сони
4	Мазкур ҳудуддан кетган меҳнат ёшидагилар коэф-фициенти ($K_{кет}$)	$K_{кет} = \frac{КЕТ_c}{A_{м\ddot{e}}} \cdot 1000$	$КЕТ_c$ - мазкур ҳудуддан кетган меҳнат ёшидагилар сони
5	Меҳнат ресурслари сафидан чиққанларнинг умумий коэф-фициенти ($K_{ум}$)	$K_{ум} = \frac{ЖК_c}{A_{м\ddot{e}}} \cdot 1000$	$ЖК_c$ - меҳнат ресурслари сафидан чиқиб кетган жами аҳоли ёки $K_{ум} = K_{м\ddot{e}y} + K_{\ddot{y}лг} + K_{п} + K_{кет}$
6	Меҳнат ресурсларининг мутлоқ камайиш кўрсаткичи ($\Sigma MP_{кум}$)	$\Sigma MP_{кум} = ME\ddot{U}_c + \ddot{U}ЛГ_c + ПЧ_c + КЕТ_c$	

Демак, меҳнат ёшидан ўтган аҳоли сони, меҳнат ёшида ўлганлар, пенсияга чиққанлар, мазкур ҳудуддан кетган меҳнат ёшидаги аҳоли сони ҳисобига меҳнат ресурслари камайар экан.

63

Меҳнат ресурсларининг ўсиши ёки камайиши қандай аниқланади?

Меҳнат ресурсларининг ўсиши ёки камайиши қуйидаги кўрсаткичларда ўз ифодасини топади:

- ◆ мутлақ қўшимча ўсиш;
- ◆ қўшимча ўсиш суръати;
- ◆ илгарилаш коэффициенти.

Бу кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланади:

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	Меҳнат ресурсларининг муллок қўшимча ўсиши (ΔMP)	$\Delta MP = \sum MP_{кўп} - \sum MP_{кам}$	$\sum MP_{кўп}$ - меҳнат ресурсларининг кўпайган сони $\sum MP_{кам}$ - меҳнат ресурсларининг камайган сони
2	Меҳнат ресурсларининг қўшимча ўсиш суръати ($K_{ўс}$)	$K_{ўс} = \frac{\Delta MP}{A_{мё}} \cdot 1000$	$\bar{A}_{мё}$ - меҳнат ёшидаги аҳоли сони
3	Илгарилаш коэффициенти ($K_{и}$)	$K_{и} = \frac{\sum MP_{кўп}}{\sum MP_{кам}}$	$K_{и} > 1$ } бўлиши $K_{и} < 1$ } мумкин $K_{и} = 1$ }

Илгарилаш коэффициенти 1 дан кичик, катта ёки тенг бўлиши мумкин. Агар бу коэффициент 1 дан катта бўлса, яъни

$$K_{и} > 1,$$

у ҳолда мазкур ҳудудда меҳнат ресурслари сонининг ўсиши содир бўлган. Бу коэффициент 1 дан кичик бўлса, яъни

$$K_{и} < 1,$$

у ҳолда мазкур ҳудудда меҳнат ресурслари сони камайган. Агар бу коэффициент 1 га тенг бўлса, яъни

$$K_{и} = 1,$$

мазкур ҳудудда меҳнат ресурсларининг сони ўзгаришсиз қолган. Бошқача қилиб айтганда меҳнат ресурслари сафига кирганлар сони меҳнат ресурслари сафидан чиққанлар сонига тенг бўлган.

64

Қайси кўрсаткичлар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини тавсифлайди?

Макроиктисодий статистика меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш мақсадида қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланади:

- ◆ меҳнат ресурсларининг бандлик коэффициенти;
- ◆ иқтисодий фаол аҳолининг юклама коэффициенти;
- ◆ аҳоли ёш таркибининг самарадорлик коэффициенти.

Бу кўрсаткичларнинг мутлоқ ва нисбий қийматларини ҳудудлар, тармоқ ва секторлар, мулкчилик шакллари миқёсида ҳисоблаш мумкин. Вақт бўйича ўзгаришини таҳлил қилиш, у ёки бу қонуниятни аниқлаш мақсадида динамик кўрсаткичлар ҳам ҳисобланади.

65

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари қуйидаги тартибда аниқланади (20-жадвал):

20-жадвал

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	2	3	4
1	Меҳнат ресурсларининг бандлик коэффициенти (K_6)	$K_6 = \frac{ИФ_a}{MP} \cdot 100$	Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражаси шунчалик юқори бўлади. Касрнинг сурати билан махражи ўртасидаги тафовут мазкур ҳудуд меҳнат ресурслари захираларига қай даражада эга эканлигини тавсифлайди.

1	2	3	4
2	Иқтисодий фаол аҳолининг юклама коэффициенти ($K_{юк}$)	$K_{юк} = \frac{ИНФ_a}{ИФ_a} \cdot 100$	ИНФ _а - иқтисодий нофаол аҳоли сони, $K_{юк}$ — ҳар 100 иқтисодий фаол аҳолига нечта иқтисодий нофаол (ИНФ _а) аҳоли тўғри келишини ифодалайди.
3	Аҳоли ёш таркибининг самарадорлик коэффициенти ($K_{ёш}$)	$K_{ёш} = \frac{A_{16ёшг}}{ME_a} \cdot 100$	$A_{16ёшг}$ - 16 ёшгача бўлган аҳоли сони, ME_a - меҳнат ёшидаги аҳоли сони, бу кўрсаткич ҳар 100 та меҳнат ёшидаги аҳолига тўғри келган меҳнат ёшигача бўлган ўсмирлар сонини тавсифлайди.

66

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳудудлар миқёсида таҳлил қилишнинг аҳамияти нимада?

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳудудлар миқёсида ўрганиш:

- ◆ мавжуд фойдаланилмаётган меҳнат ресурсларининг жойлардаги захираларини;
- ◆ регионлардаги меҳнат бозорининг қай даражада шаклланиб бораётганлигини;
- ◆ аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси ва шу каби макроиқтисодий қонуниятларни аниқлаш имконини беради.

Республикамиз вилоятлари меҳнат ресурслари салоҳияти ва улардан фойдаланиш даражаси бўйича биридан фарқланади (21-жадвал).

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаларининг
худудий кўрсаткичлари

Т/р	Вилоятлар	Ҳар 100 кишига тўғри келган		
		K_6	$K_{юк}$	$K_{етс}$
	Ўзбекистон Республикаси	74	44	8
1	Қорақалпоғистон Республикаси	78	38	93
2	Андижон вилояти	76	41	97
3	Бухоро вилояти	78	42	89
4	Жиззах вилояти	74	44	95
5	Қашқадарё вилояти	75	36	95
6	Навоий вилояти	64	57	94
7	Наманган вилояти	72	49	95
8	Самарқанд вилояти	72	54	94
9	Сурхондарё вилояти	75	42	96
10	Сирдарё вилояти	76	47	93
11	Тошкент вилояти	75	42	74
12	Фарғона вилояти	73	52	88
13	Хоразм вилояти	79	31	99
14	Тошкент шаҳри	71	36	46

Меҳнат ресурсларининг бандлик коэффициенти (K_6) бўйича вилоятларнинг ярмидан кўпи ўртача республика кўрсаткичи (74) дан юқори. Тошкент шаҳри, Навоий, Самарқанд ва Наманган вилоятларида бу кўрсаткич нисбатан паст. Айниқса Навоий вилоятида. Бу ерда ҳар 100 та меҳнат ресурсидан фақат 64 таси ижтимоий меҳнатга жалб этилган, холос. Навоий вилоятида иқтисодий нофаол аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги салмоғи ҳам юқори. Республикада бу кўрсаткич 44 кишини, Навоий вилоятида эса 57 кишини ташкил қилди. Албатта, бундай аҳвол бу вилоятларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланилмаётганлигидан далолат беради.

67

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар ўртасида боғланиш мавжудми?

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар ўртасида қуйидагича боғланиш мавжуд:

$$K_6 = \frac{ББС}{МЁМЛА} \cdot \frac{МЁМЛА}{МЁА} \cdot \frac{МЁА}{МР} \cdot \frac{МР}{А}$$

ёки

$$K_6 = K_{\text{меҳнатта лаёқатли аҳоли (МЛА)}} \cdot d_{\text{меҳнат ёшида бўлган аҳоли салмоғи (МЁМЛА)}} \cdot d_{\text{меҳнат ёшида бўлган аҳоли салмоғи (МЁА)}} \cdot d_{\text{меҳнат ресурслари салмоғи (МР)}}$$

Бу ерда: ББС — банд бўлганлар сони.

Бандлик коэффициентларининг ўзаро боғланишига асосланиб қуйидаги кўринишдаги интеграл индексини тузиш ва натижавий белги (K_6) га таъсир қилувчи ҳар бир омилнинг ҳиссасини аниқлаш мумкин:

$$J_m = \frac{K_{\text{мла1}} \cdot d_{\text{мёмла1}} \cdot d_{\text{мёа1}} \cdot d_{\text{мп1}}}{K_{\text{мла0}} \cdot d_{\text{мёмла0}} \cdot d_{\text{мёа0}} \cdot d_{\text{мп0}}}$$

Омиллар таъсири остидаги мутлоқ ўзгаришни ҳисоблаш учун эса каср суратидан махражини айириб ташланса кифоя. Масалан, меҳнат ёшида бўлган меҳнатта лаёқатли аҳоли ҳисобига бандлик коэффициентининг ўсиши (камайиши) қуйидаги тартибда аниқланади:

$$\Delta K_6 = (K_{\text{мла1}} - K_{\text{мла0}}) \cdot d_{\text{мёмла1}} \cdot d_{\text{мёа1}} \cdot d_{\text{мп1}}$$

IV**БОБ****МИЛЛИЙ БОЙЛИК СТАТИСТИКАСИ****4.1. Миллий бойликнинг ҳажми ва таркиби****68****Миллий бойлик деганда нимани тушунасиз?****96****69****Миллий бойлик қандай ҳисобланади?****97****70****Иқтисодиётдаги роли нуқтан назаридан миллий бойлик қандай гуруҳларга бўлинади?****98****71****Моддий ғамламалар ва захиралар нима? Улар миллий бойлик таркибига кирадими?****99****72****Айланма фондлар таркибига нималар киради?****100****73****Аҳолининг шахсий мулки миллий бойлик ҳисобланадими?****101**

74	Табиий бойликларнинг қайси қисми миллий бойлик таркибига кўпилади?	102
-----------	--	-----

75	Тикланадиган ва тикланмайдиган табиий бойликлар деганда нимани тушунасиз?	103
-----------	---	-----

4.2. Миллий бойликни тавсифловчи кўрсаткичлар

76	Миллий бойликни тавсифловчи кўрсаткичлар тизими тўғрисида нималар дея оласиз?	104
-----------	---	-----

77	Миллий бойлик динамикаси қандай аниқланади?	105
-----------	---	-----

78	Миллий бойликни ўрганишда қандай гуруҳлаш белгилари қўлланилади?	106
-----------	--	-----

79	Қайси турдаги йўқотишлар туфайли жамғарилган бойлик камаяди?	107
-----------	--	-----

80	Табиий бойликлар захиралари аниқланишига кўра қандай даражаларга бўлинади?	108
-----------	--	-----

4.3. Миллий бойлик миллий счётлар тизимида (МСТ)

4.3.1 МСТда актив ва пассив тушунчалари

81	МСТда "актив" ва "пассив" тушунчалари нимани билдиради?	109
-----------	---	-----


82	Соф активлар деганда нимани тушунасиз?	110
-----------	--	-----

83	Активлар таркибига нималар киради?	111
84	Асосий фондлар деганда нимани тушунасиз? Улар қандай таснифланади?	112
85	МСТда ҳам асосий фондлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига бўлинадими?	115
86	Молиявий актив, монетар олтин ва СПЗ тўғрисида нималар дея оласиз?	115
87	Соф молиявий актив нима? У қандай аниқланади?	116
88	Актив ва пассив баланслар қандай тузилади?	117
89	Иқтисодиётнинг соф активи қандай ҳисобланади?	119

4.3.2. Бошланғич ва якуний активлар ҳамда мажбуриятлар ўртасидаги ўзгаришларни статистик баҳолаш ва таҳлил қилиш

90	Активлар ва мажбуриятларнинг вақт бўйича ўзгариши қандай аниқланади?	120
91	Қайси омиллар таъсирида иқтисодиётнинг соф активи шаклланади?	122
92	Активлар таркибидаги турли ўзгаришларга нималар киради?	123

Миллий бойлик жамият ихтиёридаги моддий ва маданий-маънавий неъматлар мажмуасидир. Миллий бойлик яратилиши манбаи жиҳатидан икки қисмдан иборат (7-чизма).



7-чизма. Миллий бойлик ва унинг таркибий қисмлари.

Миллий бойлик ўтмишдаги ва ҳозирги авлодлар меҳнати билан яратилган ҳамда табиат инъом этган барча моддий неъматлар, тўпланган билимлар, малака ва маҳоратлар мажмуасидан иборат. У мамлакатнинг социал-иқтисодий қудратини ифодалаш билан бир қаторда аҳоли фаровонлигини ошириш омили бўлиб ҳам ҳисобланади.

69

Миллий бойлик қандай ҳисобланади?

Миллий бойлик ҳажми одатда йил боши ёки йил охирида қуйидагича аниқланади:

$$МБ=АФ+АВ+АШМ$$

Бу ерда: МБ — миллий бойлик; АФ — асосий фондлар (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари); АВ — айланма воситалар (айланма фондлар ва товар захиралари); АШМ — аҳолининг шахсий мулки.

Собиқ иттифоқ даврида республикаларнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг ҳам миллий бойлиги алоҳида ҳисобланмаган, фақат 1991 йилдан бошлаб республикамиз миллий бойлигининг ҳажми ҳисоблана бошланди (22-жадвал).

22-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги
(йил охирида, тақдослама баҳода)¹

Т/р	Миллий бойлик ва унинг таркиби.	1991 й.	
		Млрд сўм	Жамига нисбатан,%
	Миллий бойлик (ер,сув, қазилма бойликлар киймати кирмайди) Шу жумладан	173,6	100,0
1	Асосий фондлар	103	59,7
	ишлаб чиқариш фондлари	68,6	39,5
	ноишлаб чиқариш фондлари	35,1	20,2
2	Айланма фондлар	32,9	18,9
3	Аҳолининг шахсий мулки	37,0	21,4

¹Қаранг: Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1991 г. Статсборник, Т., 1992, стр. 162.

1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги 173 млрд сўмдан ошди. Унинг 60 фоизга яқинини асосий фондлар, 21 фоиздан ошиқроғини аҳолининг шахсий мулки ташкил қилган.

70

Иқтисодиётдаги роли нуқтан назаридан миллий бойлик қандай гуруҳларга бўлинади?

Қандай мақсадга мўлжалланганлигига қараб миллий бойлик икки гуруҳга бўлинади:

- ◆ ишлаб чиқариш фондлари;
- ◆ ноишлаб чиқариш фондлари.

Биринчи гуруҳ миллий бойликнинг 40 фоизига яқинини ташкил қилиб, ишлаб чиқариш соҳасидаги ишлаб чиқариш воситаларини ўз ичига олади. Иккинчи гуруҳ миллий бойликнинг асосий қисми (60 фоизи) ни ташкил қилиб, улар ноишлаб чиқариш соҳасидаги ноишлаб чиқариш фондларини (20,2 фоиз), айланма фондларни (18,9 фоиз) ва аҳолининг шахсий мулкини (21,4 фоиз) ўз ичига олади (22-жадвалга қаранг).

Ҳар иккала гуруҳ таркибини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (23-жадвал):

23-жадвал

Миллий бойликнинг иқтисодий унсурлар бўйича таркиби

Т/р	Асосий фондлар гуруҳи	Таркиби
1	2	3
1	Ишлаб чиқариш фондлари	<ul style="list-style-type: none"> ◆ асосий ишлаб чиқариш фондлари; ◆ ишлаб чиқаришдаги моддий кийматлар, яъни айланма ишлаб чиқариш фондлари (хамда тугалланмаган ишлаб чиқариш); ◆ захирадаги ишлаб чиқариш воситалари; ◆ ишчи кучи малакасини, ер фондини ва бошқа табиий ресурслар ҳолатини яхшилаш учун қилинган харажатлар.

1	2	3
2	Ноишлаб чиқариш фондлари	<ul style="list-style-type: none"> ◆ хизмат кўрсатиш соҳасидаги ноишлаб чиқариш фондлари; ◆ ноишлаб чиқариш соҳасидаги ноишлаб чиқариш истеъмолига мўлжалланган моддий ғамламалар ва захиралар; ◆ аҳоли истеъмол фонди; ◆ аҳолининг шахсий мулки; ◆ омборларда ва муомаладаги тайёр истеъмол буюмлари; ◆ ижтимоий истеъмол буюмлари захиралари.

Ноишлаб чиқариш фондлари номоддий асосий ишлаб чиқариш фондлари деб аталади. Бунга социал маданий ва маънавий-сиёсий эҳтиёжларни қондирувчи бино, иншоот, асбоб-ускуна, транспорт воситалари ва ҳар хил анжомлар қиради. Улар:

- ◆ соғлиқни сақлаш;
- ◆ маориф ва маданият;
- ◆ физкультура ва спорт;
- ◆ уй-жой хўжалиги;
- ◆ давлатни бошқариш тизимига хизмат қилади, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун моддий база вазифасини ўтайди.

Номоддий бойликка адабиёт ва санъат асарлари ҳам қиради. Улар моддий кўринишга (масалан, китоб, ҳайкал, расм шаклига) эга, лекин номоддий эҳтиёжни қондиради. Уларнинг бойлик сифатидаги кадр-қиммати моддийлигида эмас, балки ижод маҳсули бўлишида, такрорланмайдиган ўзига хос ноёб маҳсулот эканлигидадир.

71

Моддий ғамламалар ва захиралар нима? Улар миллий бойлик таркибига қирадими?

Моддий ғамлама (запас) ва захира (резерв)лар миллий бойликнинг:

- ◆ хом ашё;
- ◆ ёқилғи;
- ◆ материаллардан иборат бўлган қисмидир.

Моддий ғамламалар узлуксиз фаолиятни таъминлаш учун корхона, фирма, ташкилот ва муассасалар омборларида сақланадиган оптимал миқдордаги моддий маблағлардир. Ғамламасиз ишлаб чиқариш бир меъёрда ўса олмайди. Аммо миллий бойликнинг ҳаддан ташқари кўп миқдорда ғамламага айланиши, унинг ҳаракатини секинлашганини билдирадики, буни ижобий ҳодиса деб бўлмайди. Соғлом иқтисодий шароитда миллий бойлик қийматининг ўсиши оддий ишлаб чиқариш ғамламаларининг ўсишидан тезроқ бўлиши керак. Шунда миллий бойлик айланмаси тез кечади.

Захиралар — бу турли фавқулодда ҳолатлар (сув тошқини, ер қимирлаши, дўл уриш, оммавий касалликнинг тарқалиши, уруш бошланиши ва ҳ.к.) содир бўлганда қўллаш мақсадида ғамланган моддий бойликдир. Улар таркибига:

- ◆ товар ва моддий қийматликлар;
- ◆ олтин ғамламаси;
- ◆ мудофаа эҳтиёжи мақсадидаги ғамламалар кирати. Бу захиралар умумдавлат ихтиёрида бўлади.

72

Айланма фондлар таркибига нималар киради?


Айланма фондлари — бу ишлаб чиқариш воситаларининг битта ишлаб чиқариш цикли давомида тамомила истеъмол қилинадиган қисми бўлиб, унинг қиймати тўлалигича тайёр маҳсулотга кўчади. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- ◆ меҳнат ашёлари ғамламалари (хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, жорий таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлари ва ҳ.к.);
- ◆ тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим фабрикатлар;

- ◆ келажак учун мўлжалланган (янги маҳсулотни, янги технологияни ўзлаштириш ва ҳ.к. учун қилинадиган) харажатлар.

Айланма фондлар асосий ишлаб чиқариш фондларининг тахминан 19-20 фоизини ташкил қилади. Улар йил давомида бир неча марта айланади. Шу сабабли йил давомида сарфланган ресурсларнинг умумий ҳажми уларнинг ўртача йиллик ҳажмига қараганда бир неча барабар кўп бўлади.

Айланма фондлар ўз ҳаракати жараёнида муомала фондлари билан боғлангандир (тайёр маҳсулот, пул маблағлари) ва муомала фондлари ҳам битта доиравий айланиш натижасида дастлабки пул шаклига ўтади. Шу туфайли айланма ва муомала фондларига сарфланган маблағлар айланма воситаларига айланади (8-чизма).



8-чизма. Айланма воситалари таркиби.

73

Аҳолининг шахсий мулки миллий бойлик ҳисобланадими?

Аҳолининг мол-мулки уларнинг турмуш даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичдир. Унинг таркибига узоқ муддат хизмат қилувчи қуйидаги истеъмол буюмлари киради:

- ◆ мебел;
- ◆ транспорт воситалари;
- ◆ совутгичлар;
- ◆ гиламлар;
- ◆ кийим-кечаклар;
- ◆ турли қимматбаҳо тақинчоқлар;
- ◆ уй-жой анжомлари (қандиллар, иситкич буюмлар, телевизор, магнитофон, видеокамера, фотоаппарат, видеомагнитофон ва ҳ.к.).

Турар жойлар аҳолининг уй буюмлари қийматига қўшилмайди. Улар ноишлаб чиқариш асосий фондлари таркибига киритилади.

Бугунги кунда аҳолининг шахсий мулки миллий бойликнинг 20 фоизидан кўпроғини ташкил қилади.

Шахсий мулкдан хусусий мулкни фарқламоқ даркор. Агар **шахсий мулк** индивидуал ўзлаштиришга мўлжалланиб, даромад топишга қаратилмаган бўлса, **хусусий мулк** даромад топишга қаратилган мулкдир. Унинг икки кўриниши бор:

- ◆ индивидуал — хусусий мулк;
- ◆ кооператив — гуруҳ мулки.

Шахсий мулкнинг ўсиш манбаи истеъмолга ажратилган даромад ҳисобланади. Аҳолининг мол-мулки кўпайса миллий бойлик кўп бўлади. Демак, аҳолининг бой бўлиши жамиятнинг бой бўлишидир.

Хусусий ва шахсий мулк биргаликда фуқаролар мулки деб юритилади. Улар ўртасидаги чегара нисбийдир. Муайян бойлик шахсий мулкдан хусусийга айланиши мумкин. Масалан, муайян бир кишининг топган пули истеъмол қилишга ишлатилса, у шахсий мулкка айланади. Агар уни акцияга айлантириб, даромад топилса, хусусий мулк бўлади.

74

Табийий бойликларнинг қайси қисми миллий бойлик таркибига қўшилади?

Миллий бойлик яратилиши, манбаи жиҳатидан икки қисмдан иборат:

- ◆ жамғарилган бойлик;
- ◆ табиий бойлик.

Жамғарилган бойлик, яъни асосий ва айланма фондлар, аҳолининг шахсий мулки кабилар инсон меҳнати туфайли яратилган бойликдир.

Табиий бойлик, яъни ер, сув, ер ости ва устидаги бойликларни инсон яратган эмас. Улар табиат инъоми. Аммо уларни бойлик сифатида инсон манфаати йўлида ишлатилиши меҳнатсиз бўлмайди. Чунки табиат инъомлари ўз-ўзидан қайта ишланмай туриб истеъмолга ярамайди. Масалан, ер қаъридаги нефт, агар у казиб олиниб, қайта ишланмаса, ўз-ўзидан ёқилги бўла олмайди.

Шу нуқтаи назардан табиатдаги ресурслар жамиятнинг потенциал (бўлғуси) бойлигидир. Улар меҳнат воситасида ишлатилгач, реал (амалдаги) бойликка айланади. Табиий бойликнинг ана шу қисми миллий бойликка қўшилади.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудида 2700 дан ортиқ фойдали қазилма бойликлари кони бор, улардан 900 тага яқини ўзлаштирилган. Фамланган захиралар асосида мамлакатда 440 дан ортиқ руда конлари, шахта, карьер, нефт, газ корхоналари, заводлар ишлаб турибди.

Бугун Марказий Осиё минтақаси бўйича газ конденсати захираларининг 74 % и, нефтнинг 31 % и, табиий газнинг 40 % и, кўмирнинг 55 % и, республикамиз ҳиссасига тўғри келади. Табиий газ казиб олиш бўйича Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида учинчи ўринда ва дунёдаги бу соҳанинг кучли етакчи 10 мамлакатлари қаторида туради. Олтин захиралари бўйича республикамиз дунёда тўртинчи, уни казиб олиш бўйича еттинчи ўринда туради.

Марказий Осиёнинг фойдаланишга яроқли гидроэнергетика ресурсларининг 14 % и Ўзбекистонга тўғри келади.

75

Тикланадиган ва тикланмайдиган табиий бойликлар деганда нимани тушунасиз?

Такрор барпо қилиниши ёки қилинмаслиги нуқтаи назаридан табиий бойликлар икки хил бўлади:

- ◆ тикланадиган;
- ◆ тикланмайдиган.

Тикланадиган табиий ресурсларга ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бойликлари, шунингдек, ер ости қатламидаги айрим чўкинди жинслар (масалан, тузлар) ҳам киради. Булар инсон меҳнати туфайли қайтадан ҳосил бўлади. Бунинг учун қўриқхоналар очилади, ўсимликлар генофонди (уруғлик фонди) ташкил этилади, ноёб ўсимликлар давлат ҳимоясига олинади. Бу ресурсларнинг тикланиш даври турлича бўлади. Масалан, қирқилган ўрмонни тиклаш учун 10-15 йил, чўкинди жинсларни тиклашга 300-600 йил талаб қилинади. Шу сабабли тикланадиган ресурсларнинг истеъмол суръати уларни тиклаш даври суръатидан суст бўлиши керак.

Тикланмайдиган табиий ресурсларга ер қаъридаги нефт, тошқўмир ва бошқа кўпгина фойдали қазилмалар киради. Уларни қазиб олиш ва ишлатиш мавжуд ресурсларнинг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келади. У бойликлар қайта тикланмайди, уларни қайтадан ҳосил этиш ҳозирчалик жамиятнинг қўлидан келмайди. Шу сабабли меҳнат маҳсули бўлган бойликни кўпайтириш учун тикланмайдиган табиий бойликларни эҳтиёткорлик билан авайлаб ишлатиш, имкон бўлганда уни келажак учун сақлаб қўйиш зарур. Мазкур заруратдан келиб чиққан ҳолда АҚШ ўзининг кўплаб қонларини атайлаб ёпган, яъни ишлатишни тўхтатиб қўйган, керакли ёқилғи-ашё ресурслари импортини кенгайтирган.

76

Миллий бойликни тавсифловчи кўрсаткичлар тизими тўғрисида нималар дея оласиз?

Статистика амалиётида миллий бойлик ҳажмини, таркибини, динамикасини ва ундан фойдаланиш даражасини тавсифлаш мақсадида қуйидаги кўрсаткичлар тизимдан фойдаланилади:

- ◆ миллий бойликнинг ҳажми ва таркиби кўрсаткичлари;

- ◆ миллий бойликнинг динамикаси кўрсаткичлари;
- ◆ миллий бойликдан фойдаланиш кўрсаткичлари;
- ◆ миллий бойликнинг нобудгарчилигини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ атроф-мухит ва табиат муҳофазасини тавсифловчи кўрсаткичлар.

77

Миллий бойлик динамикаси қандай аниқланади?

Миллий бойликнинг вақт бўйича ўзгаришини ўрғаниш мақсадида қуйидаги индексдан фойдаланилади:

$$J_{\text{мб}} = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} = \frac{\sum \text{МБ}_1}{\sum \text{МБ}_0}$$

Бу ерда: q_1 ва q_0 — жорий ва базис даврларда миллий бойлик унсурларининг ҳажми, миқдори ва сони; p_0 — унсурларнинг ўзгармас баҳоси; МБ_0 ва МБ_1 — миллий бойликнинг базис ва жорий даврларидаги қиймати.

Миллий бойликнинг ўсиши жамғариш ҳисобидан юз беради. Агар миллий даромаднинг жамғарма қисмини N_1 билан ишораласак, у ҳолда миллий бойликнинг жорий даврдаги қийматини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\text{МБ}_1 = \text{МБ}_0 + \text{МД}_1 \cdot N_1$$

Бу ерда: МД_1 — жорий йилда ишлаб чиқарилган миллий даромад; N_1 — миллий даромаддаги жамғарма меъёри.

Энди миллий бойлик индекси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$J_{\text{мб}} = \frac{\text{МБ}_0 + \text{МД}_1 \cdot N_1}{\text{МБ}_0}$$

Бу формула миллий бойлик ҳажмининг миллий даромаддаги жамғарма меъёрига тўғри пропорционал, мил-

лий бойликнинг йил бошидаги ҳажмига эса тесқари пропорционал боғланишда эканлигини ифодалайди.

Миллий бойликнинг ўсишида маҳсулотнинг шахсий истеъмолга ажратилган қисми ҳам қатнашади. Миллий бойликнинг ҳажми ва динамикаси ишлаб чиқариш таркибига ҳам боғлиқ. Агар узоқ муддат хизмат қилувчи истеъмол моллари кўп ишлаб чиқарилса, уларнинг бойликка айланиш имкони шунчалик кўп бўлади. Масалан, енгил машина, телевизор, совутич, видеокамера, видеомагнитофон қанчалик кўп ишлаб чиқарилса, улар ҳисобига миллий бойликнинг ўсиши юз беради. Бундай шароитда аҳолининг молу мулки бўлган миллий бойлик кўп бўлади.

Шундай қилиб, миллий бойликнинг ўсиши, жамғариш қонуни асосида юз беради. Бу қонунга биноан иқтисодиётнинг ўсиши юз берганда яратилган ялпи маҳсулотнинг таркиби бўлмиш қўшимча маҳсулотнинг жамғариладиган қисми миллий бойликка айланади.

78

Миллий бойликни ўрганишда қандай гуруҳлаш белгилари қўлланилади?

Миллий бойликни статистикада қуйидагича гуруҳлаб ўрганилади (24-жадвал):

24-жадвал

Миллий бойликни гуруҳлаш белгилари

Т/р	Гуруҳлаш белгилари	Гуруҳлаш мақсади
1	2	3
1	Яратилиш манбаи бўйича	♦ бундай гуруҳлаш миллий бойликнинг қайси бир қисми жамғарилган ва қайси бир қисми эса табиий бойлик эвазига ҳосил бўлишини аниқлаш имконини беради.

1	2	3
2	Мулк шакллари бўйича	♦ бундай гуруҳлаш миллий бойликни давлат ва нодавлат секторлари миқёсида таҳлил қилиш имконини беради.
3	Фойдаланиш нуқтаи назаридан	♦ бундай гуруҳлаш миллий бойликни ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларига бўлиб ўрганиш учун зарур. Юқори салмоқдаги ишлаб чиқариш воситалари мамлакатда юксак ишлаб чиқариш имконияти мавжудлигидан далолат беради.
4	Тармоқлар миқёсида	♦ бундай гуруҳлаш ҳар бир тармоқнинг миллий бойлик ҳажмидаги салмоғини аниқлаш имконини беради.
5	Регионлар миқёсида	♦ бундай гуруҳлаш ҳар бир регионнинг миллий бойликда регионлар миқёсида ишлаб чиқариш кучларининг жойлашишини аниқлаш имконини беради.

79

Қайси турдаги йўқотишлар туфайли жамғарилган бойлик камаяди?

Жамғарилган бойлик қуйидаги икки турдаги йўқотишлар туфайли камаяди:

- ♦ жорий йилда ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулотдан бўлган йўқотишлар;
- ♦ мавжуд жамғарилган бойликдан йўқотишлар;

Ялпи ижтимоий маҳсулотдан бўлган йўқотишларни аниқлашда энг аввало жорий йил ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган қуйидаги турдаги нобудгарчиликлар ҳисоблаб чиқилади:

- ♦ яроксиз маҳсулот туфайли йўқотишлар;
- ♦ маҳсулот ва товарларни сақлаш жараёнидаги бузилишлар туфайли йўқотишлар;

- ◆ табиий офатлар туфайли йўқотилган уруғликлар, ўғитлар ва бошқа моддий неъматлар.

Мазкур йўқотишларнинг ҳаммаси моддий харажатлар бўлиб, маҳсулот таннархига қўшилади.

Куйидаги тур нобудгарчиликлар мавжуд жамғарилган бойлик йўқотишларига киради:

- ◆ тугалланмаган қурилишни музлатиб қўйиш туфайли йўқотишлар (қурилиш ташкилотларининг йиллик ҳисоботи асосида аниқланади);
- ◆ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш жараёнида бузилган маҳсулотлар туфайли йўқотишлар (қишлоқ хўжалиги жамоаларининг йиллик ҳисоботлари асосида аниқланади);
- ◆ ўлган ва сўйилган чорва моллари (чорва моллари ҳаракати бўйича йиллик ҳисобот асосида аниқланади);
- ◆ амортизация ажратмалари қилинмаганлиги сабабли асосий фондларнинг қопланмаган суммаси.

Шундай қилиб, ўзининг хусусиятларига қараб, тез бузиладиган ва узоқ сақланадиган маҳсулотлар борки, улардан биринчисини жамғариб бўлмайди, иккинчисини эса узоқ сақлаш мумкин. Аммо бундай чегара шартлидир, чунки фантехника тараққиёти туфайли маҳсулотларни узоқ муддат сақлаш технологияси пайдо бўлади. Натижада миллий бойликни тўплаш имкониятлари кенгаяди.

80

Табиий бойликлар захиралари аниқланишига кўра қандай даражаларга бўлинади?

Табиий бойликлар захиралари уч гуруҳга бўлинади:

- ◆ ёнилғи (кўмир, нефт, газ, торф, сланец);
- ◆ металлар (қора, рангли ва бошқа металлар);

- ◆ металл бўлмаган қазилмалар (қурилиш материалари, минерал, хом ашё ва ҳ.к.).

Табиий бойликлар захиралари аниқланиш даражасига қараб 4 га бўлинади:

А — тўла текширилиб аниқланган қазилмалар;

В — дастлабки текширишлар ўтказилган, қазилма бойлик борлиги тахминан аниқланган захиралар;

С1 — жуда ҳам суғ текширилган захиралар;

С2 — геологик тахминлар асосида аниқланган бўлғуси (перспектив) захиралар.

Ўзбекистоннинг келажаги қимматбаҳо қазилма бойликлари, рангли ва ноёб металллар, органик ёнилғиларнинг барча турлари, нефт, табиий газ ва газ конденсати, кўмир, уран, қурилиш материаларининг кўплаб турлари ва бошқа конларни ўзлаштириш билан боғлиқ.

81

МСТда "актив" ва "пассив" тушунчалари нимани билдиради?

Активлар — бу институционал бирликлар¹ қўлидаги мулк бўлиб, унга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи туфайли эгалари улардан иқтисодий даромад топадилар. Улар мулк объекти бўлганлиги сабабли захирадаги қиймат кўринишида намоён бўлади. Мулкнинг қийматдаги ифодаси МСТда иқтисодий актив маъносини беради. Иқтисодий активнинг миқдори (кўлами) олинган иқтисодий даромад ҳажмига, шунингдек муайян даврда улардан фойдаланганлик даражасига ҳам боғлиқ.

Мулк объектларининг хизмат қилиш даври турлича бўлади. Вақт ўтиши билан улардан олинган даромад камайиб боради. Натижада мазкур мулкнинг бозор қиймати

¹ Институционал бирликка турли ҳисоблар тўпламини тузиб борадиган ва ҳўжалик юритишда мустақилликка эга бўлган ҳўжалик бирликлари қиради.

пасаяди. Турли кўринишдаги активлардан фойдаланиш даражаси ва эгаллик қилиш турлича бўлганлиги туфайли улардан олинadиган даромад ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, юқори технологиядаги машина ва ускуналарни қўллаш меҳнат унумдорлигини оширади, натижада ишчи кучи сарфи камаяди, моддий харажатлар тежаллади. Бу эса даромаднинг ошишига олиб келади. Шу тариқа ҳар бир институционал бирлик ўз мулки орқасидан даромад топади. Айтайлик,

- ◆ ер эгаси деҳқончилик қилиш ёки ерни ижарага бериб рента олишдан;
- ◆ пул ёки қимматли қоғозлар (депозит, акция ва бошқ.) эгаси уни қарзга бериб фоиз олишдан;
- ◆ капитал эгаси уни бизнесда ишлатишдан даромад топади.

Пассивлар — институционал бирликларнинг қарзлари ёки уларни узиш бўйича қарздорлик мажбуриятидир.

82

Соф активлар деганда нимани тушунасиз?

Активларнинг қийматини ҳисобга олиш уларнинг умумий миқдорини (ҳажминини) аниқлаш имконини беради. Активларнинг (А) умумий қийматидан (П) пассивларни айириб ташласак, у ҳолда институционал бирликларнинг хусусий капитали (ХК) келиб чиқади:

$$ХК = А - П$$

Макроиқтисодиёт миқёсида хусусий капитал **соф активлар** деб юритилади. У мамлакатнинг миллий бойлигини ифодалайди.


83

Активлар таркибига нималар киреди?

Активлар икки турдаги ресурслардан ташкил топади:

- ◆ моддий (номолиявий) ресурслар;
- ◆ молиявий ресурслар.

Моддий ресурслар ўз навбатида тикланадиган ва тикланмайдиган фондларга бўлинади (9-чизма).



9-чизма. Активлар таркиби.

Моддий айланма воситалар ва моддий-товар маблағлари ғамламалари таркибига қуйидаги ғамламалар киреди:

- ◆ ишлаб чиқарувчилардаги тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ғамламалари;
- ◆ оралиқ истеъмол учун четдан сотиб олинган хом ашё, маблағ ва ярим фабрикатлар ғамламалари;

- ◆ муомаладаги товар ғамламалари ва давлат ихтиёридаги захиралар.

Асосий фондлар ҳам ўз навбатида икки гуруҳ активлардан иборат:

- ◆ моддий тикланадиган активлар, яъни яшаш уйлари, ишлаб чиқариш бинолари ва қурилиш ишлари, ускуналар, ишлаб чиқаришга жалб қилинган табиий ресурслар, буюмлашган бадий асарлар;
- ◆ номоддий тикланадиган активлар, яъни тадқиқотлар ва изланишлар, қазиб олинган минерал ресурслар, электрон ҳисоблаш машиналари дастурлари, адабиёт ҳамда санъат асарлари ва х.к.

Моддий активлар жамиятнинг моддий эҳтиёжини қондирувчи ва аниқ моддий ашёвий шаклдаги активлардир. Номоддий активлар моддий кўринишда бўлса-да, улар номоддий эҳтиёжни қондиради.

84

Асосий фондлар деганда нимани тушунасиз? Улар қандай таснифланади?

Статистикада моддий тикланадиган активлар ҳар томонлама ва чуқурроқ ўрганилади. Амалиётда улар асосий фондлар деб юритилади. Асосий фондлар миллий бойликнинг энг муҳим ва энг тез ошиб боровчи қисмидир.

Асосий фондлар деганда хизмат муддати бир йилдан ортиқ ва қиймати ўн беш минимал иш ҳақидан юкори бўлган ишлаб чиқариш воситалари тушунилади. Улар ишлаб чиқаришнинг бир циклида эмас, балки бир неча циклида иштирок этадилар, маҳсулот ишлаб чиқарадилар ва натурал ашёвий шаклини сақлаб қолган ҳолда қийматларни тайёрланаётган маҳсулот қийматига қисман-қисман ўтказиб борадилар.

Асосий фондларнинг моддий-буюм таркибини ўрганишда статистика амалиётида қуйидаги тасниф қўлланилади (25-жадвал).

25-жадвал

Асосий фондлар гуруҳлари

Т/р	Асосий фондлар гуруҳлари	Гуруҳлар таркиби
1	2	3
1	Бинолар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ завод, фабрикалар; ◆ молхоналар; ◆ омборхоналар; ◆ маъмурий-бошқарув ташкилотлари бинолари¹ ва ҳ.к.
2	Иншоотлар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ кўприклар; ◆ йўллар; ◆ ер ости йўллари; ◆ эстакадалар; ◆ нефт хавзалари; ◆ сув омборлари; ◆ дренажлар ва ҳ.к.
3	Узаткичлар ва ўтказгичлар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ электр тармоқлари; ◆ қувурлар; ◆ ариқлар ва ҳ.к.
4	Куч машиналари ва асбоб-ускуналар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ буғ қозонлари; ◆ дизеллар; ◆ генераторлар; ◆ электр моторлар; ◆ турбиналар ва ҳ.к.
5	Иш машиналари ва ускуналар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ дастгоҳлар; ◆ домна ва мартен печлари; ◆ комбайнлар; ◆ экскаваторлар; ◆ тўқмоқлар; ◆ агрегатлар; ◆ компас-барометр; ◆ тарози ва ҳ.к.

¹Бозор иқтисодиёти шароитида асосий фондларни икки гуруҳга, яъни ишлаб чиқариш фондлари ва ноишлаб чиқариш фондлари гуруҳларига бўлиш тамойили ўз кучини йўқотади.

МИЛЛИЙ БОЙЛИК СТАТИСТИКАСИ

1	2	3
6	Транспорт воситалари	<ul style="list-style-type: none"> ◆ электровозлар; ◆ вагонлар; ◆ автомобил; ◆ пароход; ◆ самолёт ва ҳ.к.
7	Ускуналар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ электр пармалагичлар; ◆ гайка буровчи калит ва ҳ.к.
8	Ишлаб чиқариш жиҳозлари	<ul style="list-style-type: none"> ◆ иш столлари; ◆ верстаklar; ◆ пештахталар; ◆ жавонлар ва ҳ.к.
9	Ҳўжалик анжомлари ва жиҳозлар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ шкафлар; ◆ сейфлар; ◆ ёзув машиналари; ◆ нусха олувчи машиналар ва ҳ.к.
10	Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор моллар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ отлар; ◆ туялар; ◆ эшаклар; ◆ сигирлар; ◆ зотли ҳайвонлар; ◆ она қўйлар; ◆ она чўчқалар ва ҳ.к.
11	Кўп йиллик дарахтлар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ мевали дарахтлар; ◆ манзарали дарахтлар; ◆ ботаника боғлари дарахтлари.
12	Ернинг ҳолатини яхши-лаш учун ажратилган инвестициялар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ ерни қозиш, тозалаш, текислаш; ◆ ерни тўнка, тошлардан тозалаш; ◆ сув ҳавзаларини тозалаш ва ҳ.к.
13	Бошқа ҳар хил ишлаб чиқариш фондлари	<ul style="list-style-type: none"> ◆ кутубхона фондлари; ◆ музей экспонатлари; ◆ ҳайвонот боғларидаги ҳайвонот дунёси; ◆ кўрпа-тўшак анжомлари; ◆ декорация, мебел ва ҳ.к.

Бундай таснифлаш ёрдамида меҳнат ашёсига бево-сита таъсир этувчи асосий фондларнинг актив қисмини ажратиш имкони туғилади.

85

МСТда ҳам асосий фондлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига бўлинадими?

Йўқ. Чунки ОКОНХ¹ (ҳалқ хўжалиги тармоқларининг умумиттифоқ классификатори)га биноан ноишлаб чиқариш соҳаси, яъни хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган қўшилган қиймат жами ижтимоий маҳсулот таркибига қўшилмас эди. МСТ методологиясига биноан эса у қиймат миллий маҳсулот қийматига қўшилади. Бундай ёндошиш ўз-ўзидан асосий фондларнинг ҳам икки гуруҳга бўлинишига чек қўяди.

Бундан ташқари бозор иқтисодиёти шароитида қуйидаги унсурлар асосий капитал таркибига қўшимча тариқасида киритилади:

- ◆ фирма баҳоси;
- ◆ патентлар;
- ◆ монопол ҳуқуқлар;
- ◆ имтиёзлар ва ҳ.к.

Моддий бойликнинг ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги қисми Фарбда асосий ва айланма капитал деб, МДХда эса асосий ва айланма фондлар деб юритилади.

86

Молиявий актив, монетар олтин ва СПЗ² тўғрисида нималар дея оласиз?

Молиявий актив — бу жамғарма воситаси бўлиб, у эгасига даромад келтиради. Масалан, акция ва қимматли қоғозлар ўз эгаларига даромад, шунингдек, холдинг фойдасини олиб келади. 9-чизмада келтирганимиздек, молиявий активлар таркибига қуйидагилар киради:

¹ Қаранг: Общесоюзный классификатор отраслей народного хозяйства (ОКОНХ). М.: "Финансы и статистика", 1982.

² СПЗ — махсус қарз олиш ҳуқуқи.

- ◆ олтин ва СПЗ (специальные права взаимствования);
- ◆ мавжуд пуллар ва депозитлар;
- ◆ қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари);
- ◆ заёмлар;
- ◆ акциялар ва бошқа акционерлар капитали;
- ◆ эҳтиётдаги молиявий захиралар;
- ◆ тўлаш ёки олиш бўйича турли молиявий счётлар.

Олтин ва СПЗ дан ташқари барча қайд қилинган молиявий активлар пасивлар унсури тариқасида ҳам ҳисобга олинади. Улар молиявий қарздорликни билдиради.

Молиявий активлар ўз таркибига монетар олтин ва халқаро Валюта фонди (ХВФ)нинг СПЗ сини ўз ичига олади. Монетар олтин ва ХВФнинг СПЗси бўйича бажарилган мажбурият бўлмайди. Фақат 995 пробадаги олтин танга, олтин ёмби (слиток) ёки тўрт бурчакли узунчоқ қилиб қўйилган (брусок) олтин монетар олтин деб ҳисобланади.

СПЗ ХВФ томонидан чиқарилади ва унинг аъзоларига тарқатилади. СПЗ эгалари ундан ўз активларини халқаро захиралар фонди ҳисобидан тўлдириш учун фойдаланадилар. СПЗ га эга бўлган ХВФ аъзолари ХВФ олдида шаклсубҳасиз мажбуриятли эмаслар. Аксинча улар конвертирланган чет эл валютасидан захирадаги ўз активини тўлдириш учун кафолатли ҳуқуқ билан таъминланадилар.

87

Соф молиявий актив нима?

У қандай аниқланади?

Соф молиявий актив иқтисодиётнинг соф активларини ёки хусусий капитални ҳисоблаш учун зарурдир. У қуйидагича аниқланади:

$$CMA=MA-MM$$

Бу ерда: CMA — соф молиявий актив; MA — молиявий актив; MM — молиявий мажбурият.

Молиявий мажбурият кредиторлар ва қарздорлар ўртасида тузилган шартнома муносабатлари натижасида вужудга келади. Агар акция ёки бошқа турдаги қимматли қоғозлар эгаси, яъни молиявий актив эгаси бўлмиш кредитор мазкур мулкидан даромад топиш учун даъвогар бўлса, у ҳолда қимматли қоғозлар эмитети қарздор ролини бажаради ва қимматли қоғозлар сақловчиларига (уларга тўлаши лозим бўлган) даромадни тўлаш бўйича мажбуриятли бўлади. Шундай қилиб, молиявий активлар қарздорларнинг молиявий талабларидан ташкил топиб кредиторларга улар бўйича тўлов олиш ҳуқуқини беради.

Молиявий мажбурият — бу қарздорларнинг ўз кредиторлари талабларини тўлаш бўйича мажбуриятидир.

88

Актив ва пассив баланслар қандай тузилади?

Актив ва пассив баланслар одатда йил боши ва йил охиридаги ҳолати билан ҳисобга олинади. Шунга қараб муносабат равишда актив ва пассив баланслар бошланғич ҳамда якуний кўринишларда тузилади. Бу баланслар МСТ таркибидаги тўртинчи тоифа счётлари бўлиб, уларда активлар элементларининг таркиби, мажбурият ва хусусий капиталнинг муайян вақтдаги ҳолати акс эттирилади.

Актив ва пассив баланслар учта баланسدан иборат (26-28-жадваллар):

26-жадвал

Актив ва пассивларнинг бошланғич баланси

Активлар	Мажбуриятлар ва хусусий капитал
1. Номолиявий активлар: а) тикланадиган; б) тикланмайдиган. 2. Молиявий активлар	3. Мажбуриятлар 4. Хусусий капитал

Актив ва пассив баланслардаги ўзгаришлар

Активлардаги ўзгаришлар	Мажбуриятлар ва хусусий капиталлардаги ўзгаришлар
1. Номолиявий активларда: а) тикланадиган; б) тикланмайдиган. 2. Молиявий активларда	3. Мажбуриятлардаги ўзгаришлар 4. Хусусий капиталдаги ўзгаришлар

Актив ва пассивларнинг якуний баланси

Активлар	Мажбуриятлар ва хусусий капитал
1. Номолиявий активлар: а) тикланадиган; б) тикланмайдиган; 2. Молиявий активлар	3. Мажбуриятлардаги ўзгаришлар 4. Хусусий капиталдаги ўзгаришлар

Бошланғич ва якуний баланслардаги мажбуриятлар йил бошидаги ва охиридаги қарздорликни характерлайди. Номолиявий ва молиявий активлар йиғиндисидан мажбуриятлар айириб ташланса (1-қатор+2-қатор-3-қатор) хусусий капитал келиб чиқади, яъни:

$$\text{Хусусий капитал} = \text{Номолиявий} + \text{молиявий активлар} - \text{Мажбуриятлар}$$

26—28-жадваллардаги активлар ва мажбуриятлар уларнинг элементларини таснифламасдан умумий кўринишда берилган. Бошланғич ва якуний балансларнинг элементлари ўртасида қуйидагича боғланиш мавжуд:

$$\text{Якуний актив} = \text{бошланғич актив} \pm \text{активдаги ўзгаришлар}$$

$$\begin{array}{l} \text{Якуний} \\ \text{мажбурият} \end{array} = \begin{array}{l} \text{бошланғич} \\ \text{мажбурият} \end{array} + \begin{array}{l} \text{мажбуриятдаги} \\ \text{ўзгаришлар} \end{array}$$

$$\begin{array}{l} \text{Якуний балансдаги} \\ \text{хусусий капитал} \end{array} = \begin{array}{l} \text{бошланғич} \\ \text{капитал} \end{array} \pm \begin{array}{l} \text{хусусий капиталдаги} \\ \text{ўзгаришлар} \end{array}$$

Хусусий капитал айрим-айрим институционал бирликлар бўйича ҳисобланади.

89

Иқтисодиётнинг соф активи қандай ҳисобланади?

Иқтисодиётнинг соф активи барча секторларнинг соф активлари йиғиндисига тенг:

$$I_{ca} = \Sigma C_a$$

Бу ерда: I_{ca} — иқтисодиётнинг соф активи; ΣC_a — секторлар соф активларининг йиғиндиси.

Иқтисодиётнинг соф активи бошқа усулда ҳам ҳисобланиши мумкин:

$$I_{ca} = M_{ma} + ЧЭ_{cma}$$

Бу ерда: M_{ma} — моддий молиявий активлар; $ЧЭ_{cma}$ — чет эл соф молиявий активлари.

Чет эл молиявий активлари мамлакатнинг чет эллар бўйича актив ва пассив балансларига асосланиб ҳисобланади. Бу баланснинг **актив** қисмида қуйидагилар ҳисобга олинади:

- | | |
|---|---|
| 1 | чет эл валютаси ғамламаси; |
| 2 | хорижий инвестиция ва қимматли қоғозлар; |
| 3 | тўғридан тўғри чет эл инвестицияси; |
| 4 | экспорт бўйича кечиктирилган тўловлар учун берилган кредит; |
| 5 | хорижий давлатларнинг қарзлари; |
| 6 | халқаро ташкилотларга берилган бадаллар; |
| 7 | бошқа ташқи активлар (бунинг таркибига валюта банкларининг қисқа муддатли чет эл активлари ва корпорацияларнинг чет эл активлари киради). |

Балансинг **пассив** қисмида қуйидаги унсурлар ҳисобга олинади:

- 1 | ички қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар (бунинг таркибига қисқа ва узоқ муддатли облигациялар ҳам киради);
- 2 | ички иқтисодиётга қилинган инвестициялар;
- 3 | импорт бўйича кечиктирилган тўловлар учун берилган кредит;
- 4 | хорижий давлатлардан қарзлар;
- 5 | бошқа ташқи қарзлар (бунинг таркибига валюта банкларининг қисқа муддатли ташқи қарзи ва корпорацияларнинг ташқи қарзлари киради).

Жами молиявий актив (1-7) билан жами молиявий **пассив** (1-5) ўртасидаги тафовут соф чет эл молиявий активини ташкил қилади:

$$ЧЭ_{\text{сма}} = \Sigma MA - \Sigma MP$$

Бу ерда: $ЧЭ_{\text{сма}}$ — чет эл соф молиявий **активи**; MA — жами молиявий **актив**; MP — жами молиявий **пассив**.

Чет эл соф молиявий **активи** иқтисодиётнинг соф активини ҳисоблаш учун қўлланилади.

90

Активлар ва мажбуриятларнинг вақт бўйича ўзгариши қандай аниқланади?

Активлар ва мажбуриятлар баланслари ўрганилаётган давр боши ва охиридаги ҳолати билан:

- ◆ институционал бирликлар;
- ◆ иқтисодиёт секторлари;
- ◆ мамлакат иқтисодиёти миқёсида ишлаб чиқилади.

Активлар ва мажбуриятлар балансни тузиш чоғидаги бозор баҳосида баҳоланади.

Активнинг таркибий унсурлари ва уларнинг давр боши ва охиридаги ўзгариши қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$A_0 + B - C + D + X = A_1$$

Бу ерда: A_0 ва A_1 — активларнинг давр боши ва охиридаги қиймати (бозор нархида); B — сотиб олинган активлар (олди-сотди қилиш чоғидаги баҳода); C — сотилган ёки тугатилган активлар (олди-сотди қилиш чоғидаги баҳода); D — активлар таркибидаги бошқа ўзгаришлар (қиймат кўринишида); X — активлар бўйича холдингнинг номинал фойдаси (+) ва зарари (-).

Мажбуриятларнинг давр боши ва охиридаги ўзгариши қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$L_0 + M - N + Y + R = L_1$$

Бу ерда: L_0 ва L_1 — давр боши ва охиридаги қарзлар; M — таҳлил қилинаётган давр ичида қабул қилинган мажбурият ҳажми; N — давр ичида узилган мажбуриятлар миқдори; Y — давр ичида мажбуриятлар таркибидаги бошқа ўзгаришлар; R — қабул қилинган мажбуриятнинг қайта баҳоланган суммаси (давр охирида).

Активлар ва мажбуриятларнинг вақт ичидаги ўзгаришларини, яъни мутлоқ қўшимча ўсиш ёки қўшимча камайишини қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

- ◆ активлардаги ўзгариш

$$\Delta A = A_1 - A_0 = B - C + D + X$$

- ◆ мажбуриятлардаги ўзгариш

$$\Delta L = L_1 - L_0 = M - N + Y + R$$

Бунда B , C , D , X , M , N , Y , R лар қўшимча ўсиш ёки қўшимча камайишга таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади.

91

**Қайси омиллар таъсирида
иқтисодийнинг соф активи
шаклланади?**

Иқтисодийнинг соф активи, яъни хусусий капиталнинг ўзгариши жуда ҳам мураккаб ва комплекс миқдор бўлиб, у қуйидаги қатор омиллар таъсирида шаклланади:

- ◆ жамғарма ва соф трансферт капитал;
- ◆ активлар таркибидаги турли ўзгаришлар;
- ◆ холдингнинг номинал фойдаси ёки зарари.

Жамғарма капиталнинг шаклланишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Унинг миқдори мавжуд (ихтиёрдаги) даромаддан фойдаланиш балансининг қолдиғига боғлиқ. У мавжуд даромад билан ҳақиқий пировард истеъмол ўртасидаги фарққа тенг, капитал билан муомала счётида соф жамғарма (истеъмол қилинган асосий фондларнинг қийматини айириб ташлангандан кейинги умумий жамғарма миқдори) хусусий капиталнинг ўзгаришида биринчи ва ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Трансферт капитал капиталнинг шаклланишига таъсир қилувчи иккинчи омил бўлиб ҳисобланади. У воситаларнинг бир ёқлама ҳаракатини товарларнинг қарама-қарши оқимисиз акс эттиради. Капиталнинг шаклланишини тавсифловчи кўрсаткичлар таркибида трансферт капитал икки томонлама ҳисобга олинади:

- ◆ олиш учун трансферт капитал (+);
- ◆ тўлаш учун трансферт капитал (-).

Олиш ва тўлаш ўртасидаги фарқ трансферт капиталнинг соф миқдорини ташкил қилади.

Жамғарманинг соф миқдори ва соф трансферт капитал миқдоран қуйидаги алгебраик жамламага тенг:

- а) асосий капиталнинг ялпи қўшимча ўсиши;
- б) истеъмол қилинган асосий капитал (айириб ташланади);

в) моддий айланма маблағлар ғамламасидаги ўзгаришлар;

г) сотиб олинган ва сотилган моддий маблағлар ўртасидаги фарк;

д) сотиб олинган ва сотилган номолиявий тикланмайдиган активлар ўртасидаги фарк;

е) соф кредитлаш(+), соф қарз олиш(-).

Берилган кредитдан олинган қарз айириб ташланса соф капитал келиб чиқади.

92

Активлар таркибидаги турли ўзгаришларга нималар киради?

Активлар таркибидаги турли ўзгаришларга қуйидагилар киради:

- ◆ урушлар, табиий офатлар туфайли янги очилган ёки амалдаги фойдали қазилма бойликларнинг кескин камайиши натижасида қўшимча ўсган ёки камайган активлар;
- ◆ қўшимча ўсган ёки камайган номолиявий активлар, шу жумладан: тикланадиган активлар, тикланмайдиган активлар, молиявий активлар.

Қуйидагилар тикланадиган турдаги ўзгаришлар таркибига ҳисобга олинади:

- ◆ эндигина пайдо бўлаётган тикланмайдиган активлар;
- ◆ ҳалокат, фожиа натижасида кўрилган зарарлар;
- ◆ қопланмайдиган мусодара қилишлар.

Молиявий активлар таркибидаги ўзгаришлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ◆ ҳалокат ёки фожиа натижасида кўрилган зарарлар;
 - ◆ қопланмайдиган мусодара қилишлар;
 - ◆ тасниф ва таркибий қисмлардаги ўзгаришлар.
-

У**Б****О****Б****УЛТИМЧИДАК ЧИҚАРИШ ВА
ХИЗМАТЛАР СТАТИСТИКАСИ****5.1.Бозор иқтисодиёти ва ялпи ишлаб чиқариш****93****Ялпи ишлаб чиқариш деганда нимани тушунасиз? 129****94****«Иқтисодий фаолият» ва «ишлаб чиқариш фаолияти» тушунчалари ўртасидаги фарқ нимада? 130****95****«Пинҳоний иқтисодиёт» соҳасидаги хизматлар ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланадими? 131****96****Номолиявий секторда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми қандай ҳисобланади? 132****97****Молиявий секторда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми қандай ҳисобланади? 133****98****Нобозор маҳсулотлар деганда нимани тушунасиз? 135**

99

Қайси кўрсаткичлар жамиятнинг ялпи ишлаб чиқаришини ва хизматларини ўзида акс эттиради? 135

5.2. Ялпи ички маҳсулот статистикаси

100

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) деганда нимани тушунаси? 136

101

ЯИМ қандай усулларда ҳисобланади? 137

102

Ишлаб чиқариш усулида ЯИМ қандай ҳисобланади? 138

103

Оралиқ маҳсулот ва қўшилган қиймат пировард маҳсулотдан нима билан фарқ қилади? 139

104

ЯИМ нинг таркибига нималар қўшилмайди? 141

105

Шахсий истеъмол харажатларига нималар киради? 141

106

Бозор ва нобозор товар (хизмат)ларга нималар киради? 142

107

Тақсимлаш усулида ЯИМ қандай ҳисобланади? 143

108

Пировард фойдаланиш усулида ЯИМ қандай ҳисобланади? 145

109**Ялпи жамгарма (ЯЖ) қандай
хисобланади?****147****5.3. ЯИМ ни ўзгармас баҳода хисоблаш тартиби****110****ЯИМ ни ўзгармас баҳода хисоблашнинг
зарурияти нимада?****148****111****ЯИМ физик ҳажмининг индекси қандай
хисобланади?****149****112****ЯИМ ва унинг унсурларини ўзгармас
баҳода хисоблашнинг қандай усулларини
биласиз?****149****113****ЯИМ баҳо индекси ёрдамида, ўзгармас
баҳода қандай хисобланади?****150****114****Реал ЯИМ нима? У номинал ЯИМ дан
нима билан фарқ қилади?****151****115****Дефлятор нима?
У қандай хисобланади?****152****116****Дефляторни икки мартаба хисоблаш
усули қайси ҳолларда қўлланилади?****154****117****ЯИМ экстраполяция усулида, ўзгармас
баҳода қандай хисобланади?****154**

5.4. Соф ички маҳсулот, ялпи миллий даромад ва соф миллий даромад статистикаси

118

**Соф ички маҳсулот нима? Унинг ЯИМ
дан фарқи нимада? 155**

119

**Ялпи миллий даромад нима? У қандай
ҳисобланади? 156**

120

**Соф миллий даромад нима? У қандай
ҳисобланади? 157**

Ишлаб чиқариш — бу ҳар қандай жамият фаолияти-нинг ўта муҳим жиҳатидир. Ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ресурслар (ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситалари, капитал) ишлатилади. Натижада моддий маҳсулотлар ва хизматлардан иборат ҳаётий неъматлар яратилади. Бу неъматлар йиғиндиси ялпи ишлаб чиқаришни ташкил қилади:

$$ЯИЧ = ММ + Х$$

Бу ерда: ММ — моддий маҳсулотлар (товарлар), Х — хизматлар.

Моддий маҳсулотлар (масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой ва бошқ.) моддий ишлаб чиқариш жараёнида яратилади.

Хизмат кўрсатиш жараёнида эса:

- ◆ маҳсулотнинг истеъмол хусусияти яхшиланади;
- ◆ таъмирлаш ишлари бажарилади;
- ◆ транспорт хизмати кўрсатилади;
- ◆ саломатлик яхшиланади;
- ◆ ташқи кўринишга зеб берилади;
- ◆ малака, тажриба, маҳорат оширилади;
- ◆ маслаҳат, ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатилади.

Хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унга бўлган буюртма ва унинг бажарилиши бир вақтнинг ўзида амалга ошади. Кўрсатилган хизмат товарда, хўжалик

юритувчи субъектнинг моддий ёки молиявий активларида ёки жисмоний шахе ҳолатида ўз аксини топади. Бозор иқтисодиёти шароитида кўрсатилган хизматлар ўз қийматига эга ва бу қиймат ижтимоий маҳсулот қийматига қўшилади.

94

**«Иқтисодий фаолият» ва «ишлаб
чиқариш фаолияти» тушунчалари
ўртасидаги фарқ нимада?**

Бозор муносабатлари тизимида «Иқтисодий фаолият» ва «ишлаб чиқариш фаолияти» тушунчаларига алоҳида эътибор берилади. Чунки ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш айнан шу тушунчаларни аниқлаб олишдан бошланади.

Иқтисодий фаолият «ишлаб чиқариш фаолияти» тушунчасига нисбатан кенгроқ маънога эга. Унинг таркибига:

- ◆ бозор учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар;
- ◆ давлат бюджетидан молиялаштирилладиган, жамoa истеъмолига мўлжалланган нобозор хизматлар киради.

Ишлаб чиқариш фаолияти иқтисодий фаолиятдан уй хўжалигида шахсий истеъмом учун бажарилган, аммо ҳақ тўланмайдиган хизматлар билан фарқ қилади. Бундай хизматларга:

- ◆ уйда овқат тайёрлаш;
- ◆ болаларни тарбия қилиш;
- ◆ касалларга, қарияларга қарашиш;
- ◆ уй-жойни таъмирлаш, тозалаш;
- ◆ уй анжомларини таъмирлаш;
- ◆ оила аъзоларини шахсий транспортда бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш ва ҳоказолар киради.

Булар ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб ҳисобланмайди ва ялпи ички маҳсулот таркибига қўшилмайди. Аммо уй хўжалигида шахсий истеъмом учун ишлаб чиқарилган

маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- ◆ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сақлаш; ўтин тайёрлаш; ов ва балиқ ови; ҳўл мева, сабзавотларни етиштириш ва йиғиш;
- ◆ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш; буғдойдан ун қилиш; сабзавотларни тузлаш; ичимликлар тайёрлаш; молларни сўйиш ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш;
- ◆ бошқа турли қайта ишловлар: кийим-кечакни тикиш; оёқ кийимини тикиш, мебел ва бошқаларни таъмирлаш.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ва хусусий уй-жойни таъмирлаш ишлари ишлаб чиқариш фаолиятига крмайди.

95

**«Пинҳоний иқтисодиёт» соҳасидаги
хизматлар ишлаб чиқариш фаолияти
ҳисобланадими?**

Бозор иқтисодиёти тизимида пинҳоний иқтисодиёт паноҳидаги ишлаб чиқариш фаолиятининг барча кўринишлари ишлаб чиқариш соҳасига киради. Бу фаолиятлар туркумига қуйидагилар киради:

- ◆ таъқиқланган маҳсулотлар ва хизматларни сотиш, масалан, наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва уларни тарқатиш;
- ◆ таъқиқланган фаолият билан шуғулланиш, масалан, тиббий хизмат кўрсатишга руҳсат берилмагани ҳолда у хизматни яширинча бажариш;
- ◆ фаолият кўрсатишга қонунан руҳсат берилгани ҳолда, солиқ тўлашдан ва социал суғурта фондига ажратмалар ажратишдан табиатни муҳофаза қилишдан бош тортиш, ҳисоб бериш ва ҳисобот юритишни рад этиш.

1 ва 2-бандларда қайд этилган фаолият турлари ноқонуний ишлаб чиқариш ва хизматга тааллуқли бўлса, 3-банд эса яширин, хуфёна фаолият ҳисобланади. «Пинҳоний иқтисодиёт» соҳасининг яширин фаолият эканлигини таъкидлаш, у макроиқтисодий статистика томонидан ҳисобга олинмайди дегани эмас. Айрим тараққий этган давлатларда бу соҳадаги фаолиятни ҳисобга олишда сезиларли ютуқларга эришилаяпти. Республикамиз олдида ҳам шундай муаммо кўндаланг бўлиб турибди.

96

Номолиявий секторда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми қандай ҳисобланади?

Номолиявий секторга турли-туман мулк шаклига асосланган қуйидаги корхоналар киради:

- ◆ давлатга тегишли бўлган номолиявий корхоналар;
- ◆ хусусий корхоналар;
- ◆ жамоа корхоналари;
- ◆ ҳиссадорлик корхоналари;
- ◆ кооператив корхоналар;
- ◆ норезидентлар (хорижий кишилар) тасарруфидаги номолиявий корхоналар.

Бу корхоналарнинг асосий вазифалари маҳсулот ишлаб чиқариш ва молиявий бўлмаган хизмат кўрсатишдан иборат бўлади. Умумий кўринишда бу корхоналарнинг ялпи ишлаб чиқариши қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{ЯИЧ} = \text{СТХ} + \text{БСТХ}$$

Бу ерда: СТХ — сотилган маҳсулот ва хизматлар; БСТХ — бозорга чиқариш учун мўлжалланмаган маҳсулот ва хизматлар.

СТХ **нинг** бозор баҳосидаги қиймати қуйидагича аниқланади:

$$\text{СТХ} = \text{А} + \text{В}$$

Бу ерда, А — сотилган маҳсулот ва хизматлар; В — тайёр маҳсулотлар ғамламасидаги фарқ (бу қолдиқ ижобий ёки салбий бўлиши мумкин).

БСТХнинг таркибига куйидагилар киради:

- ◆ корхонада ишлаб чиқарилган, аммо меҳнат ҳақи ўрнига ўз ходимларига натура шаклида тўланган маҳсулотлар;
- ◆ бартер усулида алмашинадиган маҳсулотлар;
- ◆ корхонанинг ялпи капитал жамғармаси мақсадида қолдирилган маҳсулотлар;
- ◆ шахсий истеъмолга мўлжалланган нокорпоратив корхоналарнинг маҳсулотлари ва хизматлари. Бунга уй хўжалигида ишлаб чиқарилган, тайёрланган, истеъмол қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари киради.

97

Молиявий секторда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми қандай ҳисобланади?

Молиявий сектор — бу тижоратга асосланган, молиявий муомалалар билан шуғулланувчи институционал бирликларни (тижорат-кредит муассасаларни), яъни:

- ◆ тижорат банк муассасаларини;
- ◆ молиявий воситачилик билан шуғулланувчи бошқа банк муассасаларини;
- ◆ суғурта ташкилотларини;
- ◆ нафақа фондини ўз ичига олади.

Тижорат банклари молия бозорида воситачилик вазифасини бажаради. Унинг ялпи ишлаб чиқариши, яъни пировард даромади куйидагича ҳисобланади:

$$ТБ_{\text{нд}} = ДП + СТФ + ҚҚ + В$$

Бу ерда: ДП — депозитлардан тушган фоизлар; СТФ — сертификатлардан тушган фоизлар; ҚҚ — қимматли

ЯЛПИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР СТАТИСТИКАСИ

қоғозларни чиқариш ва ундан тушган даромадлар; В — векселларни сотишдан тушган даромадлар.

Даромад миқдори мижозларнинг банкка тез-тез муурожаат қилиб туришига боғлиқ.

Суғурта муассасалари асосан ҳаётни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилишни, бундан ташқари уй хўжалиги ва корхоналар мулкани суғурталаш учун хизмат қилади. Улар суғурта полислари эгаларидан бадаллар йиғиш йўли билан пировард даромадларни барпо этадилар ва бу даромад суғурта полисида кўрсатилган шартга биноан фавқулодда ҳодиса содир бўлган ҳолларда кўрилган зарарни қоплаш учун сарфланади. Бунинг учун суғурта фондининг бир қисмидан фойдаланилади. Унинг иккинчи қисми эса суғурта хизматларига тўланадиган ҳақ ва инвестицияга ажратилади. Инвестиция суғурта муассасаси фаолиятини кенгайтириш ҳамда актуар захираларни барпо этиш учун зарурдир.

Суғурта муассасаларининг маҳсулоти қуйидаги муомалаларнинг мутаносиблиги заминида ва ўзаро боғлиқлигида аниқланади:

- ◆ олинган брутто-бадаллар (1 б);
- ◆ инвестициядан олинган соф даромад (2 б);
- ◆ капитални инвестиция қилиш жараёнида йўл қўйилган йўқотишлар ёки қўшимча олинган даромад (3 б);
- ◆ шикоятларни бартараф қилиш учун қилинган сарфлар (4 б);
- ◆ актуар захира (яъни, молиявий ва моддий активларни кўпайтириш мақсадида қилинган инвестиция) даги фарқ (қолдиқ)-(5 б);
- ◆ суғурта хизмати қиймати (6 б).

1—3-бандлар суғурта муассасаларининг даромадини, 4—6-бандлар эса унинг сарфланиши, яъни фойдаланилишини ифодалайди. Суғурта муассасалари хизмати (маҳсулоти)нинг қиймати қуйидаги баланс кўринишида аниқланади:

$$СМ_{\text{н}} = (16 + 26 + 36) - (46 + 56) = 66.$$

Нафақа фонди — бу нафақага чиқувчиларни социал ҳимоя қилиш мақсадида хусусий ва жамоа ташкилотлари томонидан яратиладиган фондир. Бу фонд фаолияти ҳукумат дастурлари орқали молиялаштирилладиган социал ҳимояни ўз ичига олмайди. Нафақа фонди фаолиятининг натижаси шу фондни бошқаришга боғлиқ бўлган сарфлар билан белгиланади. У сарфлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ◆ оралик сарфлар;
- ◆ фонд бошқаруви билан бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи;
- ◆ нафақа фондига тегишли бўлган ва истеъмол қилинган асосий капитал қиймати.

98

Нобозор маҳсулотлар деганда нимани тушунасиз?

Тижорат мақсадлари учун мўлжалланмаган маҳсулот ва хизматлар **нобозор маҳсулотлар** деб аталади. Бу маҳсулотларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бозордаги талаб ва таклиф таъсирида бўлмайди. Давлат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган қуйидаги хизматлар нобозор маҳсулотлар ҳисобланади:

- ◆ жамият миқёсидаги хизматлар;
- ◆ барча ёки айрим уй хўжаликларига кўрсатиладиган хизматлар.

Биринчи кўринишдаги хизматлар — бу бутун жамият фойдаланадиган хизматлар бўлиб, улар бепул амалга оширилади (масалан, мудофаа, хавфсизлик ва давлат бошқаруви хизматлари). Иккинчи кўринишдаги хизматларни давлат билан бир қаторда нотижорат корхоналари ва ташкилотлари ҳам бажаришлари мумкин. Улар бепул ёки имтиёзли асосда амалга оширилади (масалан, таълим олишнинг шартнома шакли, соғлиқни сақлаш соҳасидаги айрим хизматлар ва ҳ.к).

Текинга ёки имтиёзли хизматлар бўлганлиги сабабли нобозор маҳсулотни сотиш эвазига олинган даромадлар қилинган харажатларни қоплай олмайди. Бу хизматларнинг қиймати бажарилган хизматлар учун кетган сарфлар, яъни

- ◆ оралиқ истеъмол;
- ◆ ёлланган ишчиларнинг иш хақи;
- ◆ кўрсатилган хизматлар учун тўланган солиқлар;
- ◆ истеъмол қилинган асосий капиталнинг йиғиндисидан ташкил топади.

Нобозор хизматларни бундай усулда ҳисоблаш соф фойданинг мусбат бўлмаслигига ва ялпи фойданинг истеъмол қилинган асосий капиталга тенг бўлишига олиб келади. Бу соф фойда нолга тенг эканлигини кўрсатади.

99

Қайси кўрсаткичлар жамиятнинг ялпи ишлаб чиқаришини ва хизматларини ўзида акс эттиради?

Қуйидаги кўрсаткичлар мамлакат миқёсида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва бажарилган хизматлар қийматини яхлит ҳолда умумлаштириб ифодалайди:

- ◆ ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)
- ◆ соф ички маҳсулот (СИМ)
- ◆ ялпи миллий даромад (ЯМД)
- ◆ соф миллий даромад (СМД).

Бу кўрсаткичлар мажмуасини одатда «Миллий счётлар тизими» (МСТ) деб юритилади. «Ялпи» тушунчаси «соф» тушунчасининг ўрнига ишлатилиб миллий счётлар тизимида асосий капиталнинг оралиқдаги истеъмолини (А) билдиради (10-чизма).

ЯЛПИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР СТАТИСТИКАСИ

ЯИМ	—	А	=	СИМ
+				+
ΔД ¹				ΔД
=				=
ЯМД	—	А	=	СМД

10-чизма. МСТ даги умумлаштирувчи кўрсаткичлар.

100

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) деганда нимани тушунасиз?

Ялпи ички маҳсулот — бу мамлакатнинг иқтисодий фаолиятини умумлаштириб ифодаловчи кўрсаткичдир. У мазкур мамлакат ҳудудида жойлашган барча резидентлар томонидан пировард истеъмол учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар қийматини англатади.

ЯИМ жами ижтимоий маҳсулот ($ЖИМ=C+V+M$) дан тубдан фарқ қилади. Бу фарқлар қуйидагилардан иборат:

- ♦ **ЯИМ** — бу истеъмолга тайёр ҳаётий неъматларни билдиради. Шу сабабли унинг таркибига қайта ишлаш ёки қайтадан сотишга мўлжалланган маҳсулотлар кирмайди. Яъни, ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган оралик маҳсулот ва хизматлар қиймати (масалан, ҳом ашё, материал, ёнилғи, энергия, уруғлик, озуқа, транспорт хизмати, улгуржи савдо, тижорат, молиявий хизматлар ва бошқ.) ЯИМ қийматига қўшилмайди. Акс ҳолда ЯИМ такрорий ҳисоблашлардан холи бўлмас эди.

¹ ΔД = А-Б: Бу ерда, А — мазкур мамлакат резидентларининг хорижий мамлакатлардан олган даромадлари. Б — хорижий инвесторлар ва ишчиларнинг мазкур мамлакатда олган даромадлари.

- ◆ ЯИМ — бу ички маҳсулотдир. Чунки, у мазкур мамлакат ҳудудида жойлашган барча резидентлар (қайси миллат ва қайси давлат фуқаросига мансуб эканлигидан қатъий назар) томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар қийматини ифодалайди.
- ◆ ЯИМ таркибига мазкур мамлакат резидентларнинг хорижий мамлакатлардан олган даромадлари (А) билан хорижий давлатларга бериладиган бирламчи даромадлар (Б) ўртасидаги тафовут ($\pm\Delta$) кирмайди.

101

ЯИМ қандай усулларда ҳисобланади?

ЯИМ қуйидаги усулларда ҳисобланиши мумкин:

- ◆ ишлаб чиқариш;
- ◆ тақсимлаш;
- ◆ пировард фойдаланиш усулида.

ЯИМ натура ва пулда ҳисобланади. Натурада айрим маҳсулотларнинг ҳажми, миқдори, сони аниқланади. Масалан, кўмир, пахта, дон, цемент кабиларнинг миқдори тоннада; тахта, газ эса кубометр билан аниқланади.

Маҳсулотлар хилма-хил бўлганидан уларни ягона моддий. натурада аниқлаб бўлмайди, айтайлик хизматларнинг умумий ўлчами йўқ. Масалан, ўқитиш ёки даволаш хизматини тонна, метр, кубометр орқали ўлчаб бўлмайди. Шу сабабли уларнинг кўлами (ҳажми, миқдори, сони) неча пуллик хизмат кўрсатилганига қараб аниқланади. Ялпи ишлаб чиқариш ҳажми яратилган маҳсулотлар (М) ва хизматлар миқдорини (Х) уларнинг бозор нархига (Р) кўпайтмасидан иборат:

$$\text{ЯИМ} = \sum \text{МР} + \sum \text{ХР}$$

102

Ишлаб чиқариш усулида ЯИМ қандай ҳисобланади?

ЯИМ ни ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш учун тармоқлар ёки секторлар бўйича гуруҳланган барча мустақил резидентларнинг ялпи қўшилган қиймати (ЯҚҚ) жамланади, яъни:

$$\text{ЯИМ} = \sum \text{ЯҚҚ}$$

$$\text{ЯҚҚ} = \text{ЖИМ} - \text{ОРМ}$$

Бу ерда: **ЖИМ** — жами ижтимоий маҳсулот, яъни муайян даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар қиймати; **ОРМ** — оралик маҳсулот, яъни ишлаб чиқариш жараёнида тўла истеъмол қилинган маҳсулотлар ва хизматлар қиймати. Миллий счётлар тизими методология-сига биноан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (**ЖИМ**) қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ◆ барча маҳсулотлар (бевосита ўзининг истеъмоли, ёки жамғармаси, шунингдек бошқа институционал бирликлар учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, айланма моддий ғамламалар ўсими);
- ◆ бошқа институционал бирликларга, хусусан давлат бошқарув органлари ва нотижорат ташкилотларига кўрсатилган хизматлар қиймати;
- ◆ уй хўжалиги ва яшаш учун кўрсатилган зарурий хизматлар қиймати. Бу хизмат (овқат тайёрлаш, кир ювиш, уй хўжалигидаги таъмирлаш ишлари, супуриш каби)лар қиймати **ЖИМ** қийматига қўшилмайди.

Оралик маҳсулот (**ОРМ**) — бу муайян давр маҳсулот (хизмат)ини ишлаб чиқариш мақсадида тўлиқ истеъмол қилинган маҳсулот ёки хизматдир. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

ЯЛПИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР СТАТИСТИКАСИ

- ◆ хом ашё ва материаллар, ёқилғи, энергия, уруғлик, озуқа, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, махсус кийим-кечаклар ва бошқ.;
- ◆ бошқа институционал бирликлар ва айрим шахслар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар учун тўловлар (транспорт хизмати, таъмирлаш, алоқа, ҳисоблаш марказлари хизмати, реклама, банк, суғурта, юристлар хизмати ва ҳ.к.).
- ◆ хизмат сафари тўловлари.

ОРМ харидорлар сотиб оладиган баҳода ҳисобланади.

103

Оралиқ маҳсулот ва қўшилган қиймат пировард маҳсулотдан нима билан фарқ қилади?

ЯИМ пировард маҳсулот ва хизматларни англатади, яъни истеъмолга тайёр ҳаётий неъматларни билдиради. Шу сабабли қайта ишлаш ва қайтадан сотишга мўлжалланган маҳсулотлар, яъни оралиқ маҳсулот (ОРМ) қўшилган қиймат (ҚҚ) таркибига кирмайди. Қўшилган қиймат деганда бозор баҳосида янгидан яратилган маҳсулот ва хизматлар йиғиндиси тушунилади. Унинг таркибига истеъмол қилинган хом ашё ва материаллар кирмайди.

Қўшилган қиймат билан оралиқ маҳсулотнинг йиғиндиси жами ижтимоий маҳсулот (ЖИМ) га тенг бўлади.

ЖИМ, ОРМ ва ҚҚ ларнинг шаклланиш жараёнини кўстюм ишлаб чиқариш мисолида кўриб чиқамиз (28-жадвал).

28 - жадвал

ЯИМ нинг шаклланиш жараёни

Ишлаб чиқариш босқичлари	ОРМ	ҚҚ	ОРМ+ҚҚ
1. Бошланғич хом ашё	А'	Б	А+Б
2. Ярим фабрикат	А+Б	В	А+Б+В
3. Тайёр маҳсулот	А+Б+В	Г	А+Б+В+Г
Жами	3А+2Б+В	Б+В+Г	3А+3Б+2В+Г

ЯЛПИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР СТАТИСТИКАСИ

Бу ерда, А' — бошқа фирмада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, мазкур фирма учун эса бошланғич хом ашё (жун), буюмлашган қиймат (с); Б — мазкур фирмада жундан йигирилган ип, сарфланган жонли меҳнат (V_1), яратилган янги қиймат $(V+m)_1$ -ҚҚ; А+Б — ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичи учун тайёр маҳсулот (ип), иккинчи босқичи учун ярим фабрикат (ОРМ); В — мазкур фирмада игдан тўқилган газмол, иккинчи босқичда сарфланган жонли меҳнат (V_2), яратилган янги қиймат $((V+m)_2$ -ҚҚ; А+Б+В ишлаб чиқаришнинг иккинчи босқичи учун тайёр маҳсулот (газмол), учинчи босқичи учун эса ярим фабрикат (ОРМ); Г — мазкур фирмада газмолдан тикилган костюм, учинчи босқичда сарфланган жонли меҳнат (V_3), яратилган янги қиймат $(V+m)_3$ -ҚҚ; А+Б+В+Г — ишлаб чиқаришнинг сўнгги босқичида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот (костюм).

Мисолимизда:

- ♦ оралик маҳсулот — бу жун, ип, газлама;
- ♦ қўшилган қиймат — бу сарфланган меҳнат эвазига яратилган маҳсулот;
- ♦ пировард маҳсулот — бу костюм.

Ҳарфлар иштирокида:

$\begin{aligned} \text{ОРМ} &= A + (A+B) + (A+B+V) = 3A+2B+V \\ \text{ҚҚ} &= B+V+Г \\ \text{ЖИМ} &= A+B+V+Г \text{ (жами ижтимоий маҳсулот)} \end{aligned}$

$\text{ЯА} = (3A+2B+V) + (B+V+Г) = 3A+3B+2V+Г$
--

ЯА — бу корхона (фирма) доирасида ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида бир неча марта такрор қатнашган оралик маҳсулотлар қийматининг йиғиндисидир. У фирманинг ялпи ишлаб чиқариш айланмаси деб юритилди.

104

ЯИМ нинг таркибига нималар қўшилмайди?

ЯИМ ни харажатларга асосланиб ҳисобланаётганда унинг таркибига унумсиз харажатлар қўшилмайди. Бундай харажатларга қуйидагилар киради:

- ♦ давлатнинг трансферт тўловлари (қариялар, ногиронлар нафақалари, талабалар стипендиялари, қайтарилмаслик шарти билан сарфланган маблағлар);
- ♦ хусусий трансферт тўловлари (масалан, талабаларнинг ўз уйларидан ҳар ой оладиган субсидиялар, бадавлат одамларнинг турли ҳайриялари ва бошқ.);
- ♦ кимматли қоғозлар олди-сотдиси жараёнидаги харажатлар. Бу харажатлар гарчи ишлаб чиқаришга ўз таъсирини билвосита кўрсатсада, маҳсулот қийматиغا қиймат қўшмайди;
- ♦ ишлатилган буюмлар.

Булардан ташқари ЯИМ таркибига рўзгорда ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ҳам қўшилмайди. Масалан, ўз эҳтиёжи учун мебел ясаш, уй қуриш, истеъмол буюмларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ҳ.к. Шунингдек, ЯИМ таркибига пинҳоний иқтисод соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ҳам қўшилмайди. Чунки ундай маҳсулотлар бўйича расмий статистик маълумотлар йўқ. Давлат бундай ахборотга ҳозирча эга эмас.

105

Шахсий истеъмол харажатларига нималар киради?

Инсон бор экан, унинг эҳтиёжи, истеъмоли мавжуддир. Истеъмол хилма-хилдир. Уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- ◆ узоқ муддатли истеъмол буюмлари (автомобил, мебел, совутгич, гилам, магнитофон ва бошқ.);
- ◆ жорий истеъмол буюмлари (озик-овқат, кийим-кечак, сигарет, тиш тозалаш пастаси ва х.к.);
- ◆ маиший хизматларга бўлган эҳтиёж (юрист, врач, сартарош, алоқа, транспорт, гигиена ва бошқ.)лар.

Эҳтиёжлар тегишли харажатларни талаб қилади. Бундай харажатлар шахсий истеъмолни қондириш учун сарфланган харажатлар дейилади.

106

Бозор ва нобозор товар(хизмат)ларга нималар қиради?

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар икки гуруҳга бўлинади:

- ◆ бозор маҳсулотлари ва хизматлари;
- ◆ нобозор маҳсулотлар ва хизматлар.

Бозор маҳсулотлари ва хизматларига қуйидагилар қиради:

- ◆ сотилган ёки бартер қилинган маҳсулотлар ва хизматлар;
- ◆ иш ҳақини тўлаш мақсадида ходимларга натура шаклида берилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар;
- ◆ ўз тасарруфида бўлган корхоналарнинг истеъмоли учун берилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар (масалан, қўшимча хўжалик томонидан мазкур корхона ошхонаси, боғча, дам олиш уйлари учун берилган озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқ.);
- ◆ ишлаб чиқарувчининг ихтиёрида қоладиган тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш.

Нобозор маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар таркибига қуйидагилар киради:

- ◆ ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар (масалан, деҳқон ва фермер хўжаликларига ёки қўшимча хўжаликларда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ўз кучи билан бажарилган қурилишлар, шахсий уйда бажарилган хизматлар ва х.к.);
- ◆ бошқа институционал birlikларга кўрсатилган бепул хизматлар ва берилган товарлар (масалан бепул тиббий хизмат кўрсатиш, таълим бериш, бошқарувни амалга ошириш ва бошқ.);
- ◆ ишлаб чиқарувчининг моддий айланма маблағга айлантиришга мўлжалланган товарлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш.

107

Тақсимлаш усулида ЯИМ қандай ҳисобланади?

Бу усулда ЯИМ қуйидаги бирламчи даромадларни жамлаш ёрдамида аниқланади:

$$\text{ЯИМ} = \text{МХ} + \text{С} + \text{ЯФ}$$

Бу ерда: МХ — ёлланган ходимларнинг меҳнат ҳақи; С — ишлаб чиқариш ва импортга солиқ (ишлаб чиқариш ва импортга берилган субсидия солиқ суммасидан айириб ташланади); ЯФ — ялпи фойда ва ялпи аралаш даромадлар.

Ёлланган ходимларнинг меҳнат ҳақи қуйидаги икки муҳим унсурни ўз ичига олади:

- ◆ меҳнат (иш) ҳақи;
- ◆ ходимларнинг суғуртаси учун ажратмалар.

Меҳнат ҳақи барча кўринишдаги ҳақ ва тўловларни, яъни турли қўшимча тўловлар, мукофотлар, пул ва натура

шаклидаги рағбатларни ўз ичига олади. Буларнинг ҳаммаси таннарх ва корхона фойдаси ҳисобидан берилади. Меҳнат ҳақи солиқ тўламасдан олдин ҳисобланади.

Социал суғурта учун ажратмалар ходимларнинг келажакда нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлиши учун амалга оширилади. Социал нафақалар давлат, суғурта ташкилотлари, давлат ва нодавлат нафақа фондлари томонидан берилди. Бундай нафақаларни бериш заруриятини қуйидагилар белгилаши мумкин:

- ◆ касаллиги туфайли даволанишга муҳтож бўлиш, бола туғилиши, ногирон бўлиш ёки қариш;
- ◆ боқимандаларни таъминлаш зарурияти;
- ◆ боқувчисини йўқотганларни қўллаб-қувватлаш;
- ◆ нафақага чиқиш, ишсизлик, касаллиги туфайли умуман ёки тўлиқ ишлай олмайдиганларни қўллаш;
- ◆ таълим учун ҳақ тўлай олмайдиганларга мадад бериш;
- ◆ уй-жой, коммунал хизмат ҳақларини тўлай олмайдиган кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к.

Ишлаб чиқариш ва импортта солиқ — бу ишлаб чиқариш ва маҳсулот (хизмат)лар импорти ёки ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланганлиги учун давлат солиқ ташкилотларига қайтариб олмаслик шarti билан мажбурий тўланадиган тўловлардир¹

Ялпи фойда ва ялпи аралаш даромадлар — бу ҚҚнинг барча тўловларини, яъни ёлланган ходимларнинг меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш ва импорт учун тўланган солиқни айириб ташлангандан кейинги қисмидир.

Ялпи фойда ва ялпи аралаш даромад қуйидагича ҳисобланади:

¹ Бу масала мазкур туркумнинг «Солиқ: 100 савол ва жавоб» китобида батафсил ёритилган.

- ◆ макроиқтисодиёт бўғинида:

$$\text{яФ}=\text{яИМ}-\text{МХ}-\text{С}+\text{СС}$$

Бу ерда: СС — ишлаб чиқариш ва импортни қўллаб қувватлаш учун ажратилган субсидия.

- ◆ тармоқлар ва секторлар бўғинида:

$$\text{яФ}=\text{ҚҚ}-\text{МХ}-\text{ҚҚС}-\text{БС}+\text{ИТС}+\text{БСС}$$

Бу ерда: ҚҚС — қўшилган қиймат солиғидан ташқари маҳсулот ва импорт учун солиқ; БС — ишлаб чиқаришга солинадиган бошқа солиқлар; ИТС — импортдан ташқари маҳсулот учун ажратилган субсидия; БСС — ишлаб чиқариш учун ажратилган турли субсидиялар.

108

Пировард фойдаланиш усулида ЯИМ қандай ҳисобланади?

Бу усулда ЯИМ қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{яИМ} = \text{ПИ} + \text{ЯЖ} + \text{ЭИҚ}$$

Бу ерда: ПИ — пировард истеъмол, яъни истеъмол қилинган маҳсулотлар ва хизматлар; ЯЖ — ялпи жамғарма; ЭИҚ — маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ва импортининг қолдиғи.

Истеъмол қилинган маҳсулотлар ва хизматларга қуйидагилар киради:

- ◆ уй хўжалиги — резидентларнинг истеъмол маҳсулотлар ва хизматларга қилган сарфлари;
- ◆ уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи давлат бошқарув органлари (бюджет ташкилотлари), нотижорат ташкилотларнинг индивидуал ва жамоа истеъмоли учун қилган сарфлари.

Бундай гуруҳлаш пировард истеъмол учун қилинадиган сарфларни ким молиялаштиришини кўрсатади.

Уй хўжалигининг истеъмол маҳсулотлари ва хизматларга қилган сарфлари ($ПИ_{yx}$) қуйидагича аниқланади:

$$ПИ_{yx} = ИТ_x + И_{tx} + И_{уич}$$

Бу ерда: $ИТ_x$ — истеъмол товарлари ва хизматларини сотиб олиш учун қилинган харажатлар; $И_{tx}$ — меҳнат ҳақи эвазига натура шаклида олинган ва истеъмол қилинган маҳсулотлар, хизматлар, совғалар ва ҳ.к. $И_{уич}$ — уй хўжалигининг ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқарган ва истеъмол қилган маҳсулотлари ва хизматлари.

Давлат бошқарув органлари ва нотижорат ташкилотларнинг пировард истеъмол учун қилган харажатлари ($ПИ_{дбо}$) қуйидагича аниқланади:

$$ПИ_{дбо} = ЖХ - ТТ + СОТХ_k + ХК_{yx}$$

Бу ерда, $ЖХ$ — давлат бошқарув органлари ва нотижорат ташкилотларини сақлаб туриш учун қилинган жорий харажатлар (асосий капитал истеъмоли ҳам кирати); $ТТ$ — давлат бошқарув органлари ва нотижорат ташкилотлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва хизматларни бозор баҳосида сотишдаги тушумлар; $СОТХ_k$ — уй хўжалигига жуда паст нархда ёки текинга бериш учун ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган истеъмол маҳсулотлари ва хизматлар қиймати. $ХК_{yx}$ — уй хўжалиги истеъмоли учун сотиб олинган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар харажатини давлат суғурта фонди эвазига қопланган қиймат (масалан, ногиронларнинг сотиб оладиган автомобиллари, бензин учун қилган харажатларини қоплаш).

Давлат бошқарув органларининг пировард истеъмоли жамоа хизмати учун қилинган жами харажатлар қийматига тенг.

109

Ялпи жамғарма (ЯЖ) қандай ҳисобланади?

Ялпи жамғарма (ЯЖ) ЯИМнинг таркибий қисмидир. У жорий даврда ишлаб чиқарилган, шу даврда истеъмол қилинган товар ва хизматларнинг харид қилинган соф қисмидир. ЯЖ қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{ЯЖ}=\text{АК}+\text{МAM}+\text{ҚББ}$$

Бу ерда: АК — асосий капиталнинг ялпи жамғармаси; МAM — моддий айланма маблағлар ғамламаларининг қолдиқ қисми (+,-); ҚББ — соф харид қилинган қимматбаҳо буюмлар.

Асосий капиталнинг ялпи жамғармаси (АК) — бу келгусида янги даромад яратиш мақсадида янги асосий фондларни харид қилиш учун ажратилган маблағдир:

$$\text{АК}=\text{АФ}_{\text{со}}-\text{АФ}_{\text{ичч}}$$

Бу ерда: АФ_{со} — янги асосий фондларни сотиб олиш учун ажратилган маблағлар; АФ_{ичч} — жорий даврда ишлаб чиқариш сафидан чиқарилган асосий фондлар қиймати.

Моддий айланма маблағлар ғамламаларининг ўзгариши (МAM) қуйидагича аниқланади:

$$\text{МAM}=\text{ИЧФ}+\text{ТИЧ}+\text{ТМ}+\text{СТ}$$

Бу ерда, ИЧФ — ишлаб чиқариш ғамламалари қийматининг ўзгариши (+,-); ТИЧ — тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматининг ўзгариши (+,-); ТМ — тайёр маҳсулот қийматининг ўзгариши (+,-); СТ — такрор сотиш учун мўлжалланган маҳсулотлар қиймати (+,-).

Соф харид қилинган қимматбаҳо буюмлар (ҚББ) — бу янги иқтисодий категория бўлиб миллий счётлар тизимида 1993 йилдан бошлаб қўлланила бошланди. Қимматбаҳо буюмлар ишлаб чиқариш ёки истеъмол мақсадида эмас, балки улардаги қийматнинг қадрини сақлаб қолиш мақсадида харид қилинади. ҚББларнинг қадри вақт ўтиши билан ошса ошадики, аммо камаймайди. Буларга қимматбаҳо металллар, тошлар, заргарлик буюмлари, антикварлар, ҳар хил коллекциялар ва бошқалар киради.

110

ЯИМ ни ўзгармас баҳода ҳисоблашнинг зарурияти нимада?

ЯИМни жорий бозор баҳоларида ҳисоблаш:

- ◆ иқтисодиётнинг таркибини;
- ◆ истеъмол ва жамғарма ўртасидаги нисбатни;
- ◆ ЯИМ билан давлат бюджетидаги камомадни;
- ◆ ЯИМ билан давлатнинг қарзи каби муҳим макроиктисодий кўрсаткичларни аниқлаш имконини беради. Аммо жорий баҳода ҳисобланган ЯИМнинг қиймати иқтисодиётнинг ҳақиқий ҳолатини тўғридан-тўғри акс эттира олмайди.

Чунки маҳсулот ва хизматларнинг ҳажми ўзгармаган ёки камайган ҳолларда ҳам нархнинг ошиши эвазига ЯИМнинг ўсиши содир бўлиши мумкин. Ваҳоланки, жамиятнинг эҳтиёжини фақат моддий шаклдаги маҳсулот қондира олади. Истеъмол учун маҳсулотнинг ўзи керак. Маҳсулот ёки хизматнинг неча пул туришига эмас, унинг миқдори ва сифатига қараб истеъмол юз беради. ЯИМ нинг ҳақиқий динамикаси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун уни ҳисоблашда баҳо таъсирини бартараф этиш, яъни ЯИМ физик ҳажмининг индексини ҳисоблаш зарур.

111

ЯИМ физик ҳажмининг индекси қандай ҳисобланади?

ЯИМ физик ҳажмининг индекси қуйидагича ҳисобланади:

$$J_q = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0}$$

Бу ерда: J_q — ЯИМ физик ҳажмининг индекси; q_1 ва q_0 — базис ва жорий даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми; p_0 — ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларнинг базис даврдаги баҳоси; $\sum q_1 p_0$ — жорий даврда жами ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар қиймати (базис баҳоларда); $\sum q_0 p_0$ — базис даврда жами ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар қиймати.

Бу индексни ҳисоблашда баҳо ўзгаришсиз олинади. Яъни, ҳар иккала давр учун ҳам базис даврдаги баҳо (p_0) қатнашади.

ЯИМ физик ҳажмининг индекси иқтисодий ўсиш, ёки конъюнктурадаги тебранишларни тавсифловчи муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Айнан шу кўрсаткич ЯИМ ҳажмининг ҳақиқий ўзгаришини, ишлаб чиқарилган ёки истеъмол қилинган маҳсулот (хизмат)лар ҳажмини ифодалайди.

112

ЯИМ ва унинг унсурларини ўзгармас баҳода ҳисоблашнинг қандай усулларини биласиз?

ЯИМ ва унинг айрим унсурларини ўзгармас баҳода ҳисоблашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- ♦ баҳо индекси ёрдамида ЯИМ дефляторини ҳисоблаш;

- ◆ дефляторни икки маротаба ҳисоблаш;
- ◆ ЯИМнинг физик ҳажми ёрдамида базис даврдаги кўрсаткичларни экстраполяция қилиш;
- ◆ харажат унсурларини қайта баҳолаш.

Бу усулларни қўллаш ёрдамида ЯИМ нинг номинал ва реал қийматлари аниқланади.

113

ЯИМ баҳо индекси ёрдамида, ўзгармас баҳода қандай ҳисобланади?

Номинал ЯИМ деганда жорий бозор нархларида ҳисобланган, пулда ифодаланган товар ва хизматлар тушунилади. Номинал ЯИМнинг жорий даврдаги қиймати қуйдагича ҳисобланади:

$$\text{ЯИМ}_n = \sum q_i p_i$$

Бу ерда: ЯИМ_n — номинал ЯИМ; q_i — жорий даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг ҳажми (сони, миқдори); p_i — жорий даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар бирлигининг жорий баҳоси.

Номинал ЯИМ физик ҳажмининг индексини ўзгармас баҳода ҳисоблаш учун баҳонинг умумий индексидан фойдаланамиз:

$$\sum q_i p_i : \frac{\sum q_i p_i}{\sum q_i p_0} = \sum q_i p_0$$

Бу ерда: $\sum q_i p_i$ — жорий даврда истеъмол қилинган ЯИМ (жорий баҳоларда); $\frac{\sum q_i p_i}{\sum q_i p_0}$ — баҳонинг умумий индекси (J_p); $\sum q_i p_0$ — жорий даврда истеъмол қилинган ЯИМ (ўзгармас баҳода).

Номинал ЯИМ нинг қиймат индексини (J_{qp}) баҳонинг умумий индексига (J_p) бўлиш ёрдамида номинал ЯИМ физик ҳажмининг индексини (J_q) таққослама (ўзгармас) баҳоларда аниқлаш мумкин:

$$J_q = J_{qp} \cdot J_p$$

яъни,

$$\frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0} : \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0}$$

Индексларнинг ўзаро боғланиши ёрдамида хоҳлаган индексларимизни ҳисоблашимиз мумкин:

$$J_p = J_q \cdot J_{qp}$$

$$J_p = J_{qp} : J_q$$

114

Реал ЯИМ нима? У номинал ЯИМ дан нима билан фарқ қилади?

Реал ЯИМ — бу нарх ўзгаришини назарда тутиб ҳисобланган маҳсулотдир. У ишлаб чиқариш ва хизматларнинг ҳақиқий моддий ҳажмини белгилайди. Реал ЯИМ номинал ЯИМнинг баҳо (нарх)нинг умумий индексига нисбатига тенг:

$$\text{Реал ЯИМ} = \frac{\text{ЯИМ}}{\text{Баҳо индекси}} \quad \text{яъни} \quad \frac{\sum q_1 p_1}{J_p}$$

$$\text{Бу ерда: } J_p = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0} \text{ — баҳонинг умумий индекси.}$$

Баҳо индексини ҳисоблашда маҳсулот ва хизматлар ҳажми ўзгаришсиз олинади. Яъни, ҳар иккала давр учун ҳам жорий даврдаги (q_1) маҳсулот (хизмат) ҳажми қатнашади.

Шу сабабли номинал ЯИМ ҳажмига нисбатан нарх индекси секин ўсса, реал ЯИМ кўпаяди ва аксинча.

115

Дефлятор нима? У қандай ҳисобланади?

ЯИМнинг номинал ва реал ҳажмига асосланиб яна бир муҳим макроиктисодий-статистик кўрсаткични, яъни ЯИМ дефляторини ҳисоблаш мумкин. У номинал ЯИМ ҳажмини реал ЯИМ ҳажмига бўлиш ёрдамида аниқланади:

$$\text{ЯИМ дефлятори} = \frac{\text{Номинал ЯИМ}}{\text{Реал ЯИМ}}$$

ЯИМнинг дефлятори жорий даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат) бирлиги баҳосининг базис даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат) бирлиги баҳосига нисбатан қандай даражада ўзгарганлигини ифодалайди. Бу кўрсаткич ёрдамида жорий даврдаги турли маҳсулотларнинг ўртача баҳосини базис даврдаги ўртача баҳо билан таққослаш имконияти туғилади. ЯИМ миллионлаб турдаги моддий неъматларни ўз ичига олади. Улар бўйича ўртача нархни ҳисоблаш имконияти ниҳоятда мураккаб жараён. Шу сабабли ЯИМ дефлятори истеъмол саватчасига кириштирилган моддий неъматлар нархлари асосида ҳисобланади.

Олимлар (биолог, врач, иктисодчилар) томонидан ўртача талаб ўрганиб чиқилиб, меъёردаги истеъмол саватчаси ишлаб чиқилган. Оддий истеъмол саватчасига 18 та ўта зарур озиқ-овқат маҳсулоти (чекувчиларга 19 та) аниқланиб, унинг ойлик миқдори белгиланган (30-жадвал).

**ЯЛПИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР
СТАТИСТИКАСИ**

30 -жадвал

Истеъмол саватчаси таркиби

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Истеъмол миқдори	
			бир ойда	бир йилда
1.	Нон, қора	кг	7,70	92,4
2.	Нон, оқ	- " -	7,25	86,0
3.	Гуруч	- " -	1,5	18,0
4.	Вермишел	- " -	0,6	7,2
5.	Шакар	- " -	2,1	25,2
6.	Ўсимлик мойи	- " -	0,85	10,2
7.	Сарёғ	- " -	0,3	3,6
8.	Мол гўшти	- " -	3,5	42,0
9.	Колбаса (пиширилган)	- " -	1,8	21,6
10.	Колбаса (дудланган)	- " -	1,0	12,0
11.	Сут	л	15,5	186,0
12.	Қаймоқ	кг	0,35	4,2
13.	Пишлоқ	- " -	0,20	2,4
14.	Тухум	дона	1,5	180,0
15.	Картошка	кг	12,5	150,0
16.	Карам	- " -	2,5	30,0
17.	Пиёз	- " -	0,85	10,2
18.	Олма	- " -	1,0	12,0
19.	Сигарета	қути	8,0	96,0

Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги ташкилотлари томонидан истеъмол саватчасига киритилган маҳсулот ва хизматларга бўлган нархларнинг ўзгариши муттасил равишда кузатилиб борилади. Шу нархларга асосланиб дефлятор ҳисобланади:

$$D_1 = \frac{IS_1(P_1)}{IS_1(P_0)};$$

Бу ерда: D_1 — жорий йил дефлятори; $ИС_1(P_1)$ — жорий даврдаги истеъмол саватчасининг қиймати (жорий баҳоларда); $ИС_1(P_0)$ — жорий даврдаги истеъмол саватчасининг қиймати (базис давр баҳоларида).

Агар дефлятор бирдан катта бўлса, у ҳолда мамлакат инфляцион жараёни кечаётган бўлади, пул қадрсизланиб унинг сотиб олиш қобилияти пасайиб бораётган бўлади. Нархлар даражаси пасаяётган бўлса, унда нархлар индекси ёки дефлятор бирдан кичик бўлади.

Дефлятор ёрдамида ҳар бир кишининг, оиланинг ва барча аҳолининг ҳаёт кечириш қиймати ёки турмуш даражаси қандай ўзгараётганини аниқлаш мумкин.

116 Дефляторни икки мартаба ҳисоблаш усули қайси ҳолларда қўлланилади?

Бу усул қўшилган қийматни ўзгармас баҳода ҳисоблаш учун қўлланилади. Бунда баҳо индекси ёрдамида дастлаб ЯИМ дефлятори, сўнгра оралиқ истеъмол дефлятори аниқланади. Шуларга асосланиб туриб қўшилган қиймат куйидагича ҳисобланади:

$$ҚҚ = ЯИМ-ОИ$$

Бу ерда: ҚҚ — қўшилган қиймат (ўзгармас баҳода);
ОИ — оралиқ истеъмол (ўзгармас баҳода)

117 ЯИМ экстраполяция усулида, ўзгармас баҳода қандай ҳисобланади?

ЯИМ ни экстраполяция усулида, ўзгармас баҳода ҳисоблаш учун маҳсулотнинг физик ҳажми индексидан фойдаланилади:

$$\sum q_0 p_0 \quad J_q = \sum q_1 p_0$$

Бу ерда: $\sum q_0 p_0$ — базис даврда ЯИМ нинг қиймати;

$J_q = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0}$ — маҳсулотнинг физик ҳажми индекси, экстраполяция кўрсаткичи; $\sum q_1 p_0$ — жорий даврда ЯИМ нинг базис баҳоларидаги қиймати.

118

Соф ички маҳсулот нима? Унинг ЯИМдан фарқи нимада?

«Соф» сўзи МСТда икки маънони билдиради. У:

- ♦ истеъмол қилинган асосий капитални ўз ичига олмайди, яъни, масалан соф даромад, соф фойда ва х.к.
- ♦ ҳосилавий, қолдиқ тушунча бўлиб, таркибидан ўзига мутлақо муқобил бўлган қийматларни айириб ташланганлигини билдиради, масалан соф солиқ (солиқ айирув субсидия), соф экспорт (экспорт айирув импорт).

Маълумки, ЯИМ ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмини бўрттириб кўрсатади, чунки у нафақат янгидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни, балки бу жараёнда истеъмол қилинган, яъни сарфланган воситалар ўрнини қопловчи маҳсулотни ҳам ўз ичига олади. Шу сабабли янги ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажмини соф ички маҳсулот (СИМ) белгилайди. СИМ микдоран ЯИМ дан амортизация ажратмаларини (А) чегириб олингандан қолган қисмига тенг бўлади:

$$\text{СИМ} = \text{ЯИМ} - \text{А}$$

Демак, СИМ ЯИМ дан амортизация ажратмаларини ўз ичига олмаслиги билан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам у ЯИМ дан ҳар доим кичик бўлади, яъни:

$$\text{СИМ} < \text{ЯИМ}.$$

119

Ялпи миллий даромад нима? У қандай ҳисобланади?

Ялпи миллий даромад (ЯМД)¹ бу барча резидентларнинг бирламчи даромадлари ва ΔD нинг йиғиндисидир. У ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчиларнинг барча даромадлари кўринишида бўлади:

$$\text{ЯМД} = \text{ЯИМ} + \Delta D$$

ёки

$$\text{ЯМД} = \text{ИХ} + \text{Р} + \text{ФС} + \text{А} + \text{ЭС} + \text{МД} + \Delta D$$

Бу ерда: ИХ — иш ҳақи, шунингдек қуйидаги қўшимчалар: ижтимоий суғурта, нафақа, бандлик ва бошқа ижтимоий фондларга ажратмалар ва бадаллар; Р — рента, яъни ижара ҳақи (ижарага берилган турар жойлар, бинолар, асбоб-ускуналар, ер ва бошқалардан олинадиган даромадлар); ФС — фоиз ставкалари ёки фоизли даромадлар, яъни пул капиталини етказиб берувчиларга хусусий бизнес даромадидан пул тўловлари; А — амортизация, яъни истеъмол қилинган капитал қиймати, кейинчалик эса инвестиция манбаи (бу ерда резидент — давлат); ЭС — бизнесга солинган эгри солиқлар (давлатнинг бирламчи даромади); МД — мулкдан келадиган даромад ёки фойда.

$$\Delta D = \text{А} - \text{Б}$$

Бу ерда, А — мазкур мамлакат резидентларининг хорижий мамлакатлардан олган даромадлари; Б — хорижий инвесторлар ва ишчиларнинг мазкур мамлакатда олган даромадлари.

ЯМД 1993 йилдан бошлаб МСТ га киритилган. Миқдоран у ЯИМ га яқин туради. Аммо «даромад» сўзи бу кўрсат-

¹ ЯМД миллий сётлар тизимида умумийлаштирувчи кўрсаткичдир. МСТ методологиясига биноан у 1993 йилдан бошлаб олдинги ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ўрнида қўлланилиб келинмоқда.

кичнинг ишлаб чиқариш босқичида қўшилган қиймат кўри-нишида эмас, балки айнан тақсимот босқичида шакллани-шини ифодалайди. ЯМД ЯИМ дан миқдор жиҳатдан ΔД га фарқ қилади.

Агар ΔД мусбат бўлса, у ҳолда ЯМД ЯИМ дан катта бўлади, яъни:

$$\text{ЯМД} > \text{ЯИМ}$$

Агар ΔД манфий бўлса, у ҳолда ЯМД ЯИМ дан кичик бўлади, яъни

$$\text{ЯМД} < \text{ЯИМ}$$

Агар ΔД 0 га тенг бўлса, у ҳолда ЯМД ЯИМ га тенг бўлади, яъни

$$\text{ЯМД} = \text{ЯИМ}$$

ΔД нинг мусбат бўлиши мазкур мамлакатнинг ривож-ланган мамлакат эканлигидан далолат беради. ΔД нинг ман-фий бўлиши мазкур мамлакат резидентларининг хориждан оладиган даромадларининг, хорижий инвесторлар ва ишчи-ларининг мазкур мамлакатда оладиган даромадларидан кам эканлигидан далолат беради. Бу эса маълум даражада мамла-катнинг жамият олдидаги қарздорлигини билдиради.

120

Соф миллий даромад нима? У қандай ҳисобланади?

Соф миллий даромад (СМД) янгидан яратилган маҳсулот (хизмат)ларнинг ҳақиқий ҳажмини белгилайди. Уни икки усулда ҳисоблаш мумкин:

$$\text{СМД} = \text{ЯМД} - \text{А}$$

ёки

$$\text{СМД} = \text{СИМ} + \Delta\text{Д}$$

Ҳар иккала усул ҳам бир хил натижани бериши ке-рак.

ЯЛПИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР СТАТИСТИКАСИ

СМД миқдоран СИМ га яқин туради. Амалда у СИМдан ΔДга фарқ қилади. ΔД нинг мусбат, манфий ёки 0 га тенг бўлишига қараб у СИМ дан катта, кичик ёки унга тенг бўлиши мумкин. СМД — мамлакатнинг иқтисодий фаолиятини умумлаштириб ифодаловчи пировард кўрсаткичдир. У миллий счётлар тизимида (МСТ) қуйидагиларга тенг:

- ◆ Ишлаб чиқариш счётида:

$$\text{СМД}=\text{ЯМД}-\text{А}$$

- ◆ Даромадларнинг шаклланиши счётида:

$$\text{СМД}=\text{МХ}+\text{ИЧС}+\text{ЯФ}$$

Бу ерда: МХ — меҳнат хақи; ИЧС — ишлаб чиқаришга соф солиқлар; ЯФ — ялпи фойда.

- ◆ Даромадлардан фойдаланиш счётида:

$$\text{СМД}=\text{ПИ}+\text{Ж}$$

Бу ерда: ПИ — пировард истеъмол; Ж — жамғарма.

СМДнинг бир қисми (ПИ) жамият аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун сарфланса, иккинчи қисми (Ж) ишлаб чиқаришни янгидан барпо этиш учун сарф бўлади. Бунинг учун ҳеч бўлмаганда сарфланган воситалар ўрни тўлдирилиши шарт. Акс ҳолда ишлаб чиқариш қисқариши мумкин. Унинг барқарор ўсиши учун маҳсулотнинг бир қисмини соф инвестицияга юбориб, жамғарма фонди ташкил этилади. Макроиқтисодиётнинг мувозанати инвестициянинг ҳолатидан келиб чиқади. Агар ялпи инвестиция суммаси ишлатилган меҳнат воситалари амортизациясидан кўп бўлса, соф жамғариш (инвестиция) юз беради. Бу ишлаб чиқаришга қўшимча моддий ресурс келиб тушганини билдиради ва иқтисодий ўсишни таъминлайди. Шундай қилиб, юқоридаги барча макроиқтисодий натижа кўрсаткичларни шартли равишда қуйидагича ранжирлаш мумкин:

$$\text{ЯМД}>\text{ЯИМ}>\text{СМД}>\text{СИМ}$$

VI**Б О Б****ДАРОМАД СТАТИСТИКАСИ****6.1. Даромаднинг шаклланиши**

121	Даромад нима? Бирламчи даромад қандай ҳисобланади?	164
122	Иш ҳақи қандай ҳисобланади?	165
123	Фойда ва дивиденд қандай аниқланади?	166
124	Фоиз ставкаси ва рента ҳақи қандай ҳисобланади?	167
125	Нафақа ва стипендиялар даромад турига кирадими?	169
126	Давлатнинг бирламчи даромадига нималар киреди?	170

6.2. Даромаднинг тақсимланиш кўрсаткичлари

127	Иккиламчи тақсимот босқичида қандай даромадлар ҳосил бўлади?	170
128	Жорий даромад солиғи нима? Унинг қандай турларини биласиз?	171
129	Социал суғурта нима? У қандай манбалардан ташкил топади?	172
130	Социал нафақаларнинг қандай турларини биласиз?	173
131	Бошқа жорий трансфертларга нималар қиради?	174

6.3. Даромаддан фойдаланиш кўрсаткичлари

132	Ихтиёрдаги миллий даромад нима? У қандай аниқланади?	175
133	Фойдаланиш нуқтаи назаридан ихтиёрдаги миллий даромад қандай гуруҳларга бўлинади?	176
134	Ихтиёрдаги миллий даромаддан фойдаланиш қандай счётда ўз ифодасини топади?	177
135	Уй хўжалигининг пировард истеъмолига нималар қиради?	178
136	Давлат ташкилотларининг пировард истеъмолига нималар қиради?	179

137

Уй хўжалигига хизмат қилувчи хусусий нотижорат ташкилотларнинг пировард истеъмолига нималар қиради? 180

138

Ихтиёрдаги миллий даромад таркибидаги жамғарма фонди нималарни ўз ичига олади? 180

6.4. Аҳолининг турмуш даражаси статистикаси

139

Аҳоли турмуш даражаси деганда нимани тушунасиз? У қандай кўрсаткичларда ўз аксини топади? 181

6.4.1. Аҳоли турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлар

140

Қайси кўрсаткичлар аҳоли турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлар ҳисобланади? 182

141

Номинал ва реал даромад бир-биридан нима билан фарқ қилади? Улар қандай ҳисобланади? 183

142

Реал даромад индекси қандай аниқланади? 185

143

“Функционал” ва “вертикал” даромадлар деганда нимани тушунасиз? “Трансферт тўловлар” қандай тўловлар? 186

144

“Лоренц эгри чизиғи” ва “Джини коэффиценти” нимани характерлайди? 187

145

Даромадлардаги тенгсизликнинг сабаблари нимада? 189

146	Камбағаллик нима? Унинг чегараси қандай усуллар ёрдамида аниқланади?	190
147	Камбағаллик индекслари қандай ҳисобланади?	192
148	Турмуш қиймати нима? Унинг индекси қандай аниқланади?	195
149	Инсоннинг баркамоллашуви индекси қандай ҳисобланади?	196
150	Яшаш минимуми нима?	197
151	Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси қандай тузилади?	198
152	Нима учун аҳоли даромадларини индексация қилишга зарурият туғилади? У қандай усулларда амалга оширилади?	200
153	Аҳоли даромадларини “музлатиш” сиёсати қандай мақсадларга қаратилган?	201
6.4.2. Аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар		
154	Қайси кўрсаткичлар аҳолининг моддий эҳтиёжини қондириш даражасини ифодалайди?	202
155	Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг қондирилиш даражаси қандай аниқланади?	203

6.4.3. Аҳолининг маърифий ва маънавий даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар

156

Аҳолининг маърифий салоҳияти қайси кўрсаткичларда ўзининг мутлақ аксини топади? 204

157

Қандай кўрсаткичлар аҳолининг маърифий ва маънавий даражасини умумлаштириб тавсифлайди? 205

6.4.4. Аҳолининг социал шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар

158

Қайси кўрсаткичлар аҳолининг социал шароитини тавсифлайди? 206

Даромад — бу резидентлар ихтиёрига тушган пул тушумларидир. Моҳияти жиҳатидан даромад резидентларнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги ҳиссаси бўлиб, пул шаклида ифода этилади. Даромад:

- ◆ шахсий даромад;
- ◆ фирма даромади;
- ◆ давлат даромади кўринишида бўлиши мумкин.

Шахсий даромад айрим киши ёки оила даромадидир. У ЯИМ ни тақсимлаш орқали ҳосил бўлади. Масалан, 1997 йили Ўзбекистон ЯСДнинг 50 фоизига яқинини аҳоли даромади ташкил қилди.

Бозор қондасига биноан ҳар бир киши ишлаб топган даромадини олади. Масалан:

- ◆ ишлаб топиш қондасига биноан иш кучи эгаси иш ҳақи олади;
- ◆ капитал эгаси фойда кўради;
- ◆ кўчмас мулк эгасига рента тегади;
- ◆ менежерга ҳам фойда , ҳам иш ҳақи тегади;
- ◆ пулдор фоиз олади;
- ◆ акциядор дивиденд олади.-

Бу даромадлар бирламчи даромадни ташкил қилади. У қуйидагича ҳисобланади:

$$БД=МБОД+МКД+ДБД$$

Бу ерда: МБОД — меҳнат билан олинган даромад (яъни, иш ҳақи, менежер, тадбиркор даромади); МКД — мулкдан келган даромад (фойда, рента, фоиз, дивиденд); ДБД — давлатнинг бирламчи даромади (ишлаб чиқаришга ва импортга солиқ).

122

Иш ҳақи қандай ҳисобланади?

Иш ҳақи — бу меҳнат билан банд бўлган аҳолининг асосий даромадидир. Ривожланган мамлакатда жами даромадларнинг 70-80 фоизини иш ҳақи ташкил этади. Иш ҳақи тирикчилик воситаларини харид қилиш ва пул жамғармасини ҳосил этиш учун ишлатилади. У қуйидагича ҳисобланади:

$$ИХ=АИХ+Б+ПТ$$

Бу ерда: АИХ — асосий иш ҳақи (яъни, иш кучи эгасининг ўз меҳнати натижаси учун оладиган ҳақи); Б — бонус (мукофот кўринишидаги иш ҳақи, имтиёзли ёки фоизсиз ссуда бериш, турли текин хизматлар кўрсатиш ва ҳ.к.); ПТ — пул тўловлари (белгиланган иш вақтидан ортиқча ишлаганлик учун бериладиган ҳақ);

Ишловчининг қўлига тегишига қараб иш ҳақи икки турга:

- ◆ умумий (брутто);
- ◆ соф (нетто) иш ҳақиға бўлинади.

Брутто иш ҳақи — бу ялпи, яъни ишловчи ҳисобига ёзилган иш ҳақидир. **Нетто иш ҳақи** эса ялпи иш ҳақидан турли тўловлар чегириб ташлангандан сўнг қоладиган иш ҳақидир. У қуйидагича ҳисобланади:

$$СИХ=ЯИХ-(ДС+ИСТ \cdot ЖАМ)$$

Бу ерда: ЯИХ — ялпи иш ҳақи; СИХ — соф иш ҳақи; ДС— даромад солиғи; ИСТ— ижтимоий суғурта солиғи; ЖАМ —жамғармага ажратилган маблағ.

Бажарилган ишни ўлчаш мезонига қараб вақтбай ва ишбай (донабай) иш ҳақлари фарқланади. **Вақтбай иш ҳақи** маълум малака ва иш тажрибасига эга бўлган ходимнинг ишлаган вақтига, яъни неча кун ёки соат ишлаганига, вақт сарфига қараб тўланади. **Ишбай иш ҳақи** муайян малакали ишчи яратган сифатли товар ва кўрсатган хизмат миқдори ёки бажарган иш ҳажми учун оладиган ҳақдир. Унинг миқдори меҳнат унумдорлигига нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаради.

123

Фойда ва дивиденд қандай аниқланади?

Фойда — бу тadbиркорнинг пул сарфлаб таваккалига иш қилиб, хавф-хатарни зиммасига олган ҳолда топган пул даромадидир. Tadbиркорнинг фойдага эга бўлиши ёки зарар кўриши бошлаган ишининг натижасига боғлиқ. Иш юришиб кетса, яхши фойда кўрилади, агар иш ўнгидан келмаса, фойда ўрнига зарар кўриши мумкин. Табиатан фойда кафолатланмаган даромад бўлиб, у тез-тез ўзгариб туради. Аҳоли даромадлари таркибида фойданинг хиссаси катта бўлмайди. Чунки тadbиркорлик билан ғоят озчилик шуғулланади. Масалан, АҚШда фойданинг аҳоли даромадларидаги хиссаси тахминан 15-18 фоизни ташкил этади.

Фойда қуйидагича аниқланади:

$$\Phi = \text{ЯҚҚ} - (\text{ИХ} + \text{ИЧС} + \text{ИУТ})$$

Бу ерда: ЯҚҚ — ялпи қўшилган қиймат; ИХ — иш ҳақи; ИЧС — ишлаб чиқаришга солиқ; ИУТ — импорт учун тўловлар.

Дивиденд — бу фойданинг акциядорларга улуш сифатида тегадиган қисми. Дивиденд акция чиқарган корхона-

нинг рентабел ишлашига боғлиқ. Шу сабабдан турли фирмаларнинг акциясига ҳар хил дивиденд берилади. Акциялар оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин. Оддий акцияга тегадиган дивиденд кафолатланмайди. Корхона (фирма) фойда кўрса дивиденд берилади, зарар кўрса дивиденд тўланмайди. Имтиёзли акцияларга бериладиган дивиденд кафолатланади. Унинг миқдори олдиндан белгиланади ва корхонанинг иш натижасига боғлиқ бўлмайди. Аммо, имтиёзли акциялар оз бўлганидан кафолатли дивидендни ҳамма ҳам олавермайди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган сари дивиденднинг даромаддаги ҳиссаси ортиб боради, чунки аҳолининг тобора кўпроқ қисми акциядорларга айланади. Акциядан олинadиган номинал даромад ($A_{нд}$) қуйидагича аниқланади:

$$A_{нд} = \frac{D}{A_6} \cdot 100$$

Бу ерда: D — дивиденд; A_6 — акция қиймати.

Акциядан олинadиган реал даромадни ҳисоблаш учун инфляциянинг таъсири инобатга олинади:

$$A_{р.л} = A_{нд} \cdot J_p$$

Бу ерда: J_p — баҳо индекси.

124

Фоиз ставкаси ва рента ҳақи қандай ҳисобланади?

Фоиз — бу пул эгаси ўз пулини ўзгаларга қарзга бергани учун оладиган даромади. Фоиз даражаси кредитга (қарзга) бўлган талабга ва унинг таклифига боғлиқ бўлади. Кредитга талаб ошса фоиз кўпаяди, таклиф ошса, камаяди. Фоиз қарзга берилган пул суммасига нисбатан улуш даражасида белгиланади, яъни фоиз ставкаси аниқланади:

$$\Phi_{\text{нс}} = \frac{\text{КД}}{\text{ҚС}} \cdot 100; \text{КД} = \text{ҚС} \cdot \Phi_c$$

Бу ерда: $\Phi_{\text{нс}}$ — номинал фоиз ставкаси; КД— кўзланган даромад (фоиз); ҚС— қарз суммаси.

Агар қарзга берилган 1000 сўм учун бир ойдан сўнг 1100 сўм олинса, қўшимча даромад 100 сўмни, фоиз ставкаси эса — ойлик даромаднинг 10 фоизини ташкил этади. Фоизнинг ялпи миқдори:

- ◆ номинал фоиз ставкасига;
- ◆ қарзга берилган пул миқдорига;
- ◆ ссуда бериш муддатига;
- ◆ инфляция даражасига боғлиқ бўлади.

Муддат қанча катта бўлса, таваккал қилиш даражаси шунча юқори ва кредит берувчининг капиталдан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун имкониятлари шунча оз бўлади. Шу сабабли бундай ҳолларда ссуда фоизининг ставкаси ҳам юқори бўлади.

Номинал фоиз ставкасига инфляция ҳам кучли таъсир этади. Шу сабабли унинг реал миқдори аниқланади:

$$\Phi_{\text{рс}} = \Phi_{\text{нс}} \cdot J_p$$

Бу ерда: $\Phi_{\text{рс}}$ — реал фоиз ставкаси; J_p — баҳо индекси.

Фоизнинг реал ставкаси қарз бериш ёки бермаслик масаласини ҳал қилишга қодир. Кутиладиган даромад реал фоиз ставкасини қоплабгина эмас, балки ундан ошган тақдирдагина қарз берса мақсадга мувофиқ бўлади.

Рента — бу кўчмас мулк эгаларининг ўз мулкини муқобил ишлатишдан олган даром: ди. Ер, иморат, хонадон, уй ва бошқалар ижарага берилиб, ундан даромад кўрилади. Улар муқобил ишлатилганда ортиқча даромад топилади ва у ренти ташкил этади. Даромадлар тизимида ер эгаси мулкдор сифатида ренти ўзлаштиради, аммо ер тақлиф ўзгаришларига таъсирчан эмас, чунки у чекланган. Шу сабабли турли

жойларда рентанинг даромад сифатидаги аҳамияти ҳам ҳар хил бўлади. Мулк эгаларининг ўз мулкини муқобил ишла-тишдан олган рента даромадлари қуйидагича ҳисобланади:

$$CP=MP-(C+X)$$

Бу ерда: CP — соф рента; MP — мутлоқ рента; C — ерга солиқ; X — ернинг ҳолатини сақлаш ва яхшилаш учун сарфланган харажатлар.

125

Нафақа ва стипендиялар даромад турига кирадими?

Қарилик ёки ногиронлик нафақаси — бу даромаднинг махсус тури бўлиб, у қарилик ёки ногиронлик туфайли ишга ярамай қолганларга давлат ва корхона (фирма)лар томонидан тўланади. Қарилик нафақаси ишлаб топилган, лекин берилиши кечиктирилган даромадга кирди. Ҳар бир киши ишлаган даврда иш ҳақининг бир қисмини нафақа жамғармасига ўтказиб боради. Бу пул ходим нафақага чикқач, маълум меъёрда қайтарилиб борилади.

Ногиронлик нафақаси ишлаб топилган пул бўлмай, ўзини ўзи боқа олмайдиган кишиларни моддий таъминлаб туриш учун жамият томонидан ажратилган пулдир. Нафақанинг даромадлардаги салмоғи аҳоли таркибидаги қарияларнинг сонига боғлиқ. Аҳоли таркиби қанчалик қари бўлса, нафақанинг даромадлардаги салмоғи шунчалик катта бўлади.

Нафақа — бу даромаднинг махсус тури бўлиб, ижтимоий ёрдамга, яъни мухтожларга, одатда камбағалларга бир йўла ёки муқим равишда давлат, фирмалар ёки хайрия ташкилотлари берадиган пулдан иборатдир. Нафақанинг микдори моддий имкониятларга боғлиқ.

Стипендия ҳам даромаднинг бир тури бўлиб, уни талабалар олади. Амалда бу ёрдам пули бўлиб, уларнинг келажакда жамиятга наф келтиришини эътиборга олиб берилди. Стипендияни давлат, фирмалар ёки ота-оналар тўлайди.

126

Давлатнинг бирламчи даромадига инмалар киради?

Давлатнинг даромади миллий маҳсулот ва миллий бойликнинг пул шаклида давлатга теккан ва унинг мулкига айланган қисмидир. Давлат даромади қуйидаги асосий шакллarga эга:

- ◆ солиқлар¹;
- ◆ солиқдан ташқари тўловлар;
- ◆ давлат корхоналаридан тушган пул;
- ◆ давлатга теккан дивиденд;
- ◆ давлатнинг қимматли қоғозларини сотишидан келган пул;
- ◆ давлат мулкани сотишдан келган пул тушуми.

Масалан, Ўзбекистонда яратилган маҳсулотнинг тахминан 45-50 фоизи давлатнинг даромадига айланади. Бу даромад тўғри ва эгри солиқлардан, ресурслар учун тўланган пулдан, хусусийлаштиришдан тушган пулдан, давлатга қайтарилган қарз ва унга берилган фоиздан, бюджетдан ташқари уюштирилган махсус фондларга тушган пул ва бошқалардан ҳосил бўлади.

127

Иккиламчи тақсимот босқичида қандай даромадлар ҳосил бўлади?

Тақсимотнинг иккинчи босқичида даромаднинг қайта тақсимоти амалга оширилади. У, асосан, жорий трансфертлар орқали бажарилади. Бунда институционал бирликларнинг бирламчи қолдиқ даромадидан ўз ихтиёридаги даромадга ўтиш

¹ Мазкур гуркумнинг “Солиқ: 100 савол ва жавоб” китобида бу даромад тури батафсил ёритилган.

содир бўлади. Буни даромаднинг иккиламчи тақсимоти счётидан кўришимиз мумкин (31-жадвал).

31-жадвал

Даромаднинг иккиламчи тақсимоти счёти

Фойдаланиш йўналишлари	Ресурслар
<ul style="list-style-type: none"> ◆ жорий даромад солиғи, мулкка солиқ ва ҳ.к. ◆ социал суғурта учун бадаллар ◆ социал нафақалар ◆ бошқа жорий трансфертлар ◆ ихтиёрдаги даромад 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ бирламчи даромад қолдиғи ◆ жорий даромад солиғи, мулкка солиқ ва ҳ.к. ◆ социал суғурта учун бадаллар ◆ социал нафақалар ◆ бошқа жорий трансфертлар

Мазкур счётнинг “ресурслар” қисмида институционал бирликлар ва секторларнинг олган жорий трансфертлари, “фойдаланиш” қисмида эса бошқа институционал бирликлар ҳамда секторларга бериладиган жорий трансфертлар учётга олинади. Бериладиган ва олинadиган жорий трансфертлар бир-бирига мос тушмаслиги, яъни тенг бўлмаслиги мумкин.

128

**Жорий даромад солиғи нима?
Унинг қандай турларини биласиз?**

Жорий даромад солиғи — бу давлат томонидан юридик ва жисмоний шахслар (аҳоли, корхона ва ташкилотлар)нинг даромади ёки мулкдан ундириладиган тўловдир. У:

- ◆ уй хўжалиги даромад солиғидан;
- ◆ корхона, фирма фойдасига солиқдан;
- ◆ моддий маблағларга солинадиган солиқдан иборат бўлади.

Уй хўжалиги ва айрим шахсларнинг даромад солиғи қуйидаги манбалар эвазига шаклланади:

- ◆ шахсий даромаддан олинadиган солиқлар;
- ◆ қўшимча олинadиган солиқлар;

- ◆ нотижорат ташкилотлар эгалари даромадларидан олинадиган солиқлар;

Бу солиқлар эълон қилинган ёки қўзланган даромадлардан олинishi лозим. Даромад солиғига фуқароларнинг барча пул ва натура шаклидаги даромадлари тортилади. Бундан ташқари, корхоналар фойдасидан пай салмоғига мутаносиб равишда даромад, шунингдек, дивидендлар ҳам даромад солиғига тортилади.

Фойда солиғи — бу корхона, бирлашма ва ташкилотларда яратилган соф даромаднинг бюджетга жалб қилинадиган қисмидир. Амалиётда фойда солиғи деганда фақат фойданинг ўзидан олинадиган солиқ тушунилмасдан, балки бошқа ҳар хил даромадлар, шунингдек бошқа корхоналар фаолиятида ҳиссали қатнашишдан олинган даромадлар ҳам тушунилади. Даромад солиғини банклар, суғурта ташкилотлари, видео-салонлар, аукционлар, оммавий концерт-томоша чиқишларининг иштирокчилари тўлайдилар.

Мол-мулк солиғи — бу корхона (фирма)ларнинг тўғри солиқларидан биридир. Бу солиқ реал солиқ бўлиб, корхоналардаги мавжуд асосий фонд (актив)ларнинг дастлабки қийматидан ҳисоблаб олинади.

129

Социал суғурта нима? У қандай манбалардан ташқил топади?

Суғурта бу мол мулк ва инсон ҳаёти хавф хатарга йўлиққанда кўрилган зарарни қоплаш хусусидаги иктисодий муносабатлардир. Суғуртада икки томон қатнашади. Бири суғурталашга эҳтиёжмандлар, иккинчиси суғурталашни амалга оширувчилар. Суғурта учун жамият аъзоларининг меҳнатга яроқсиз ва ўз-ўзини боқа олмайдиган тоифаларини таъминлаш учун ялпи соф даромаднинг бир қисми ажратилади. У пул шаклини олиб *социал суғурта* фондига айланади. Социал суғурта уч манбадан:

- ◆ давлат;
- ◆ корхона ва ташкилот;
- ◆ шахсий маблағлардан ташкил топади.

Инсонни молия воситасида ҳимоя қилишда *тиббий суғурта* ҳам қатнашади. Суғуртанинг бу тури кишиларнинг соғлигини сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга хизмат қилади. Тиббий суғурта маблағи бюджетдаги пулдан, корхона, фирма ва компанияларнинг мажбурий равишда ажратган пулидан, фуқароларнинг кўнгилли равишда ўз шахсий даромадидан берадиган маблағларидан ташкил этилади. Тақсимот босқичида шаклланган суғурта бадаллари ҳаммага минимал тиббий ёрдам бериш, суғурталанган кишиларнинг сihat-саломатлигини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга қаратилади.

130

Социал нафақаларнинг қандай турларини биласиз?

Жамиятда шундай ночор ижтимоий қатламлар борки, улар объектив сабабларга кўра, ўзини-ўзи тўла таъминлай олмайди. Булар жумласига:

- ◆ ногиронлар;
- ◆ кўп болали камбағал оилалар;
- ◆ ишсиз қолганлар киради.

Уларнинг тирикчилиги махсус ташкил этилган пул маблағлари ҳисобидан, масалан:

- ◆ ишсизлик нафақалари;
- ◆ болалар учун нафақалар;
- ◆ ногиронлик нафақалари ҳисобидан таъминланади.

Бу маблағларни нафақат давлат, балки корхона, ташкилотлар, жамoa бирлашмалари ўз маблағлари ҳисобидан уюштиридилар.

131

Бошқа жорий трансфертларга нималар киради?

Бошқа жорий трансфертларга қуйидагилар киради:

- ◆ бахтсиз ходисаларни суғурталаш учун соф бадаллар;
- ◆ пеня ва жарималар;
- ◆ давлат бошқаруви ташкилотлари таркиби доирасидаги жорий трансфертлар;
- ◆ суғурталанмаган зарарлар бўйича бадаллар;
- ◆ хусусий нотижорат муассасалар учун жорий трансфертлар;
- ◆ бошқа турли жорий трансфертлар.

Бахтсиз ходисаларни суғурталаш учун тўланган тўловлар икки унсурдан иборат:

- ◆ суғурталашни уюштирган ташкилот хизмати учун тўловлар;
- ◆ суғурталовчи корхона хизматини тўлашдан қолган нетто-ставка номи билан аталувчи жорий трансфертлар.

Пеня ва жарималар — бу суд органлари томонидан институционал бирликларга тўлаттириладиган мажбурий трансфертлардир. Бунга солиқ муассасалари томонидан ўз вақтида солиқ тўламаганлиги туфайли ундириладиган пеня ва жарималар, шунингдек, лицензия олиш учун комиссия йиғимлар кирмайди.

Давлат бошқаруви органлари таркиби доирасидаги жорий трансфертлар ўз таркибига марказий ҳокимият ва маҳаллий бошқарув органлараро трансфертларни ҳамда давлат ташкилотлари, социал суғурта муассасалараро трансфертларни ўз ичига олади. Буларга:

- ◆ озиқ-овқат кўринишидаги ҳадялар;

- ◆ турли бахтсиз ҳодисалар сабабли оғир аҳволга тушганларга озиқ-овқат, кийим-кечак кўринишидаги ҳадялар;
- ◆ ҳарбий кемаларни, ҳарбий самолётлар, танклар ва вертолётларни ҳадя қилиш;
- ◆ халқаро ташкилотларга аъзо мамлакатларнинг йиллик бадаллари кабилар киради.

Хусусий нотижорат муассасалари учун жорий трансфертлар деганда институционал бирликлардан бу муассасалар ихтиёрига тушадиган йирик хайр-эҳсон ва садақалар тушунилади. Уларнинг таркибига мунтазам тушиб турадиган бадаллар, уй хўжалиги ва турли жамоа ташкилотларидан тушадиган ҳар хил тушумлар киради.

132 Ихтиёрдаги миллий даромад нима? У қандай аниқланади?

Ишлаб чиқаришнинг ўзида юз берадиган тақсимлаш бирламчи тақсимлаш деб аталади. Унинг натижасида бирламчи даромадлар, яъни:

- ◆ фойда;
- ◆ иш ҳақи фонди;
- ◆ амортизация фонди ташкил топади.

Бирламчидан сўнг иккиламчи тақсимлаш ёки қайта тақсимлаш юз беради. Бир марта қайта тақсимланган ички маҳсулот қиймати молия воситаларида, масалан, солиқ ва ҳар хил тўловлар ёрдамида қайта тақсимланади. Натижада ихтиёрдаги миллий даромад ҳосил бўлади. У қуйидагича аниқланади:

$$\text{ИМД} = \Delta\text{БД} + \Delta\text{ЖТ}$$

Бу ерда: ИМД — ихтиёрдаги миллий даромад; $\Delta\text{БД}$ — бирламчи даромадлар қолдиғи; $\Delta\text{ЖТ}$ — жорий трансфертлар қолдиғи.

Ўз навбатида жорий трансфертлар қолдиғи қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta\text{ЖТ} = \text{ЖТ}_0 - \text{ЖТ}_6$$

Бу ерда: ЖТ_0 — мазкур институционал бирлик ёки секторнинг бошқа резидентлардан оладиган жорий трансфертлари; ЖТ_6 — мазкур институционал бирлик ёки секторнинг бошқа резидентларга берадиган жорий трансфертлари.

Ихтиёрдаги миллий даромад ялпи ва соф кўринишда ҳисобланиши мумкин. Бу кўрсаткичлар истеъмол қилинган асосий капитал билан бир-биридан фарқ қилади. Ихтиёрдаги миллий даромад мамлакатнинг ички иқтисодиётини умумлаштириб тавсифловчи кўрсаткичдир.

133

Фойдаланиш нуқтаи назаридан ихтиёрдаги миллий даромад қандай гуруҳларга бўлинади?

ЯИМнинг иккиламчи тақсимоти натижасида пировард даромад, яъни ихтиёрдаги миллий даромад (ИМД) ҳосил бўлади. ИМД таркибан қуйидаги икки гуруҳдан ташкил топади:

1. Пировард истеъмол харажатлари, яъни:

- ◆ уй хўжалигининг пировард истеъмоли;
- ◆ давлат муассасаларининг пировард истеъмоли;
- ◆ уй хўжалигига хизмат қилувчи хусусий нотижорат ташкилотларининг пировард истеъмоли.

2. Пировард жамғарма, яъни:

- ◆ асосий фондлар учун инвестиция;
- ◆ моддий айланма воситалари ғамламасининг қолдиғи.

МСТда ИМДнинг қисман ўзгартиришлар киритилган ҳажми ҳам (ИМД') ҳисобланади. Бунинг учун ИМД ҳажмига социал трансфертларнинг қолдик қисми (ΔСТФ) қўшилади, яъни:

$$\text{ИМД}' = \text{ИМД} + \Delta\text{СТФ}$$

ΔСТФ — бу бепул нобозор хизматлар бўлиб, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва шуларга ўхшаш умумжамият учун хизмат қилувчи соҳаларга ажратилган маблағлар бўлиб, “социал трансфертлар” деб аталади. Улар давлат бошқарув органлари ва уй хўжалигига хизмат қилувчи нотижорат ташкилотларининг уй хўжалиги сарфи учун ажратилган маблағларидир.

ИМД¹ икки гуруҳга бўлинади:

- ◆ пировард истеъмол;
- ◆ пировард жамғарма..

МСТда пировард жамғарма икки усулда аниқланади:

- ◆ ПЖ= ИМД-ПИХ
- ◆ ПЖ= ИМД¹-ПИХ

Бу ерда: ПИХ — пировард истеъмол харажатлари; ПИХ — ҳақиқий пировард истеъмол.

ПИХ ва ПИХ кўрсаткичлари ҳар учала сектор, яъни уй хўжалиги, давлат муассасалари ҳамда уй хўжалигига хизмат қилувчи нотижорат ташкилотлар микёсида ҳисобланади.

134

Ихтиёрдаги миллий даромаддан фойдаланиш қандай счётда ўз ифодасини топади?

Ихтиёрдаги миллий даромаднинг тақсимооти ва ундан фойдаланиш бўйича муносабатлар “Ихтиёрдаги миллий даромаддан фойдаланиш счёти” да ўз ифодасини топади (32-жадвал).

32-жадвал

ИМДдан фойдаланиш счёти

Фойдаланиш йўналишлари	Ресурслар
<ul style="list-style-type: none"> ◆ пировард истеъмол харажатлари ◆ уй хўжалигининг соф хусусий активидаги қисман ўзгартиришлар киритилган пенсия фонди ◆ жамғарма 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ ихтиёрдаги миллий даромад ◆ уй хўжалигининг соф хусусий активидаги қисман ўзгартиришлар киритилган пенсия фонди.

Уй хўжалигининг соф хусусий активидаги қисман ўзгартиришлар киритилган пенсия фонди (ПФ) қуйидагича аниқланади:

$$\text{ПФ} = \text{ПФА} - \text{ПФТ}$$

Бу ерда: ПФА — пенсия фондига ажратмалар; ПФТ — пенсия фондидан тўловлар.

135

Уй хўжалигининг пировард истеъмолига нималар киради?

Уй хўжалигининг пировард истеъмоли мақсадида қилинадиган харажатларга қуйидагилар киради:

- ♦ шахсий бюджет ҳисобидан истеъмол товарлари ва хизматларни сотиб олиш бўйича қилинган харажатлар;
- ♦ шахсий даромад кўринишида натура шаклида тушган истеъмол товарлари ва хизматлар;
- ♦ резидентларнинг чет давлатлардан сотиб олган товарлари ва хизматлари билан мазкур мамлакат норезидентлари сотиб олган товарлари ҳамда хизматлари ўртасидаги қолдиқ.

Истеъмол товарлари ва хизматлар учун қилинган харажатлар қуйидагилар эвазига шаклланади:

- ♦ харид қилинган истеъмол буюмлари қиймати;
- ♦ уй-жой учун ижара ҳақи тўловлари;
- ♦ трансферт ва алоқа хизматлари учун тўловлар;
- ♦ соғлиқни сақлаш, молия муассасалари хизматлари учун тўловлар;
- ♦ дам олиш уйларига йўлланмаларни сотиб олиш учун харажатлар ва ҳ.к.

Уй хўжалигига натура шаклида келиб тушадиган маҳсулот ва хизматларга қуйидагилар киради:

- ◆ шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати;
- ◆ иш ҳақи ўрнига тўланган натура тўловлари;
- ◆ чет элдан олинган ва чет элга берилган совғалар ўртасидаги қолдиқ.

Жамғарма ҳамда оралиқ истеъмол учун харид қилинган товарлар ва хизматлар, масалан, уй-жой сотиб олиш, ишлаб чиқариш мақсадларида сотиб олинган товарлар, ишлаб чиқариш хоналари ва ускуналар учун ижара тўловлари кабилар пировард истеъмол харажатларига кирмайди.

136

Давлат ташкилотларининг пировард истеъмолига нималар киради?

Давлат ташкилотларининг пировард истеъмолига икки турдаги харажат киради:

- ◆ индивидуал эҳтиёжларни қондириш йўлида қилинган харажатлар;
- ◆ жамоа эҳтиёжларини қондириш йўлида қилинган харажатлар;

Индивидуал эҳтиёжларни қондириш йўлида қилинган харажатларга қуйидагилар киради:

- ◆ айрим шахслар учун бюджет ташкилотлари томонидан маорифга, соғлиқни сақлашга, физкультура, спортга, социал таъминотга, маданият ва санъатга кўрсатилган нобозор хизматлар учун харажатлар;
- ◆ уй хўжалигига бериш учун сотиб олинган товар ва хизматлар харажатлари.

Жамоа эҳтиёжларини қондириш йўлида қилинган харажатларга ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва давлат бошқарув органларининг нобозор хизматлари учун сарфланган харажатлар киради. Аҳолини социал ҳимоя қилиш мақсадида бюджет фондида дам олиш уйлари йўлланмалари учун ўтказилган маблағ, болалар уйи, интернатлар, махсус мактабларга ўтказилган бадаллар бозор хизматлари ҳисобланади.

137

Уй хўжалигига хизмат қилувчи хусусий нотижорат ташкилотларнинг пировард истеъмолига нималар қиради?

Уй хўжалигига хизмат қилувчи хусусий нотижорат ташкилотларнинг пировард истеъмолига:

- ◆ касаба уюшмаларининг;
- ◆ сиёсий партияларнинг;
- ◆ диний ташкилотларнинг;
- ◆ турли фондларнинг уй хўжалигига кўрсатган нобозор хизматларининг қиймати, шунингдек, уй хўжалигига бериш учун сотиб олган товарлар ва хизматлар қиймати қиради. Бу харажатлар қуйидагича аниқланади:

$$XНТТ_{пм} = НТТ_{жх} + СОТХ + СН_{нш}$$

Бу ерда: $XНТТ_{пм}$ — уй хўжалигига хизмат қилувчи нотижорат ташкилотларнинг пировард истеъмоли учун қилинган харажатлар қиймати; $НТТ_{жх}$ — нотижорат ташкилотларининг жорий харажатлари; $СОТХ$ — уй хўжалигига бериш учун сотиб олинган товарлар ва хизматлар қиймати; $СН_{нш}$ — натура шаклидаги социал нафақалар қиймати.

138

Ихтиёрдаги миллий даромад таркибидаги жамғарма фонди нималарни ўз ичига олади?

Жамғарма — бу ихтиёрдаги миллий даромаднинг иккинчи йирик унсуридир. У қуйидагича аниқланади:

$$ЖФ = АФ_{яж} + \Delta MAB_f$$

Бу ерда: $ЖФ$ — жамғарма фонди; $АФ_{яж}$ — асосий фондларнинг ялпи жамғармаси (инвестиция); ΔMAB_f — моддий айланма воситалари захираларининг қолдиғи.

Институционал бирликларнинг инвестицион объектлар ва узоқ муддатли фойдаланиладиган предметлар учун инвестиция қўйилмалари **асосий фондлар ялпи жамғармасини ташкил қилади.**

Моддий айланма воситалари захиралари таркибига мазкур корхонада мавжуд бўлган барча маҳсулотлар, шунингдек, асосий фондларнинг ялпи жамғармасига кирмаган маҳсулотлар, яъни:

- ◆ саноат маҳсулотлари захиралари;
- ◆ йиғиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари;
- ◆ боқувдаги чорва моллар;
- ◆ ёш чорва моллар, қуён, парранда, асаларилар;
- ◆ тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган қурилишлар;
- ◆ тугалланмаган капитал таъмирлашлар;
- ◆ давлатнинг моддий захиралари киради.

Ялпи жамғармани ҳисоблашда моддий айланма маблағларининг йил боши ва йил охиридаги қиймати инобатга олинади.

139

Аҳоли турмуш даражаси деганда нимани тушунасиз? У қандай кўрсаткичларда ўз аксини топади?

Аҳолининг турмуш даражаси социал иқтисодий тушунча бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маънавий-маърифий эҳтиёжининг қондирилиши ҳамда турмуш шароитининг яхшиланиш даражасини тавсифлайди. Моддий эҳтиёжларга кишининг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёқилғи, маиший ва коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш кабиларга бўлган эҳтиёжлари киради. Маънавий-маърифий эҳтиёжларга кишиларнинг билими, малакаси ва маънавий-маърифий савиясини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш кабиларга бўлган эҳтиёжлари киради.

Аҳолининг социал турмуш шароити — бу жамиятнинг ҳамма аъзоларига меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар томонлама жисмоний ва маданий тараққиётни таъминлаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини сақлашни кафолатлаш, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганларни социал таъминот, пенсия ва нафақалар билан таъминлаш, нисбатан кам даромадли оилаларнинг болаларига нафақалар бериш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур “турмуш даражаси” тушунчасидан, биз бу категориянинг нақадар мураккаб ва кўп қиррали мазмунга эга эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Демак, у қандайдир битта кўрсаткич билан эмас, аҳоли даромади ва турмушнинг турли қирраларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими билан тавсифланиши лозим. Бу тизим қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олади:

- ◆ умумлаштирувчи синтетик кўрсаткичлар;
- ◆ аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ аҳолининг маърифий-маънавий даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар.
- ◆ аҳолининг социал шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Бу кўрсаткичлар натурал ва қиймат кўринишида ифодаланиб, аҳоли турмуш даражасининг миқдор ва сифат томонларини ўзида акс эттиради.

140

Қайси кўрсаткичлар аҳоли турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлар ҳисобланади?

Аҳоли турмуш даражасини даставвал қуйидаги кўрсаткичлар умумлаштириб ифодалайди:

- ◆ жон бошига тўғри келган соф миллий даромад;
- ◆ номинал ва реал даромад индекслари.

- ◆ турмуш қиймати индекси;
- ◆ инсон баркамоллиги индекси;
- ◆ қашшоқлик индекси;
- ◆ аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси;
- ◆ яшаш минимуми ва бошқалар.

Бу кўрсаткичлар қиймат-пул кўрсаткичлари бўлиб, аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини акс эттиради. Аҳоли жон бошига яратилган СМД иқтисодий тараққиётни ва аҳоли турмуш даражасини ифодалайди:

$$K_{\tau, \lambda} = \frac{\text{СМД}}{A}$$

Бу ерда: $K_{\tau, \lambda}$ — аҳоли турмуш даражаси коэффиценти; СМД — соф миллий даромад; A — аҳолининг ўртача сони.

Аҳоли турмуш даражасининг юксалиши учун СМД нинг ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатидан юқори бўлиши лозим. Буни аниқлаш учун турмуш даражаси индексини ҳисоблаш керак:

$$J_{\text{ATD}} = \frac{\text{СМД}_1}{A_1} : \frac{\text{СМД}_0}{A_0}$$

$$J_{\text{ATD}} = K_{\tau, \lambda_1} \cdot K_{\tau, \lambda_0}$$

Бу ерда: J_{ATD} — аҳоли турмуш даражаси индекси.

Агар $J_{\text{ATD}} > 1$ бўлса, иқтисодий ўсиш содир бўлган, бинобарин аҳоли турмуш даражаси ошган. Агар $J_{\text{ATD}} < 1$ бўлса, аксинча. $J_{\text{ATD}} = 1$ бўлганда аҳоли турмуш даражаси ҳам ўзгармаган.

141

Номинал ва реал даромад бир-биридан нима билан фарқ қилади? Улар қандай ҳисобланади?

Номинал даромад — бу бевосита ходим меҳнатининг микдори ва сифатига қараб тўланадиган ҳақ бўлиб, у пул

шаклидаги жами даромадни ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан номинал даромад қуйидагича ҳисобланади:

$$НД = МБОД + МКД$$

Бу ерда: НД — номинал даромад; МБОД — меҳнат билан олинган даромад, яъни иш ҳақи, менежер даромади, тадбиркор даромади; МКД — мулкдан келган даромад, яъни фойда, рента, фоиз ва дивиденд.

Пул даромадиниң ўзи, яъни номинал даромад аҳоли турмуш даражасини аниқ ифодалай олмайди, пулнинг реал қадри истеъмол товарлари нархига ҳам боғлиқ. Шу сабабли реал даромад:

- ◆ номинал даромаднинг миқдорига;
- ◆ даромаддан чегирилган ҳар хил солиқлар ва тўловларга, яъни пул даромадиниң эгаси қўлига тегадиган қисмига;
- ◆ трансферт тўловларига, яъни пенсия, нафақа, ишсизлик бўйича нафақалар, тиббий суғурта кабилардан тушган даромадларга боғлиқ.

Реал даромад жами пул даромадлари (брutto даромад)дан турли тўловлар (солиқлар, социал суғурта тўловлари) чегириб ташлангандан кейин қолган қисми — соф (нетто) пул даромадини баҳо индексига бўлиш ёрдамида аниқланади:

$$РД = \frac{НД + ТТ - С}{J_p}$$

Бу ерда: ТТ — трансферт тўловлар эвазига тушган даромадлар; С — солиқлар ва турли тўловлар; J_p — баҳонинг умумий индекси.

Реал даромад истеъмол товарлари ва хилма-хил хизматларда ифодаланган даромад бўлиб, пул даромадиниң харид қобилиятини билдиради, аҳоли турмуш даражасини умумлашган ҳолда тавсифлайди.

142

Реал даромад индекси қандай аниқланади?

Реал даромад индексини ҳисоблаш учун даставвал умумий ва пировард даромадлар ҳажми аниқланади. Буни 33-жадвалдаги шартли рақамлар мисолида кўриб чиқамиз.

33-жадвал

Аҳолининг умумий, пировард ва реал даромадларини ҳисоблаш тартиби (млн сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	Базис давр	Жорий давр
1.	Пул даромадлари шу жумладан: а) иш ҳақи б) пенсия, стипендия, турли нафақалар в) рента, фоиз, фойда ва дивидендлар	100,0 84,3 10,0 0,7	109,0 97,6 10,4 1,0
2.	Шахсий ёрдамчи хўжаликдан тушган даромадлар	3,8	3,5
3.	Нобозор даромадлар ¹	8,2	9,0
4.	Аҳолининг умумий даромади (1к+2к+3к)	112,0	121,5
5.	Умумий (номинал) даромаддан чегириб ташланадиган ҳар хил тўловлар — жами шу жумладан: а) солиқлар ва молия тизимига тўланадиган ҳар хил зарурий тўловлар б) маъший хизматлар учун тўловлар	14,0 6,0 8,0	14,5 6,3 8,2
6.	Реал даромад, хақиқий баҳоларда (4к-5к)	98,0	107,0
7.	Ўртача баҳо индекси (J_p)	1,0	1,10
8.	Реал даромад таккослама баҳоларда (6к:7к)	98,0	97,4

¹ Таксимотнинг бозор усули эквивалентлик тамойилига асосланади, яъни ҳар бир кишининг даромади унинг товарлар ва хизматлар яратишга қўшган хиссасига тенг бўлади. Бундай даромад *бозор даромади* деб юритилади. Аммо таксимотдаги инсонпарварлик тамойилидан келиб чиқадиган нобозор даромади ҳам бўлиб, у ишлаб топилмай, балки ёрдам шаклида муҳтожларга берилади. Бу тамойил, биринчидан иқтисодий имкониятларни, иккинчидан, ночор аҳоли муҳтожлигини ҳисобга олади.

Реал даромад индекси қўйидагича ҳисобланади:

$$J_{p,1} = \frac{PД_1}{PД_0} \cdot J_p \quad \text{ёки} \quad J_{p,1} = \frac{PД_1}{J_p} \cdot PД_0$$

Бу ерда: $PД_0$ ва $PД_1$ — реал даромаднинг базис ва жорий даврлардаги суммаси; J_p — бахонинг умумий индекси. Мисолимиздан:

$$\diamond J_{p,1} = \frac{PД_1}{PД_0} \cdot J_p = \frac{107,0}{98,0} \cdot 1,1 = 1,0921,1 = 0,992 \text{ ёки } 99,2 \text{ фоиз};$$

$$\diamond J_{p,1} = \frac{PД_1}{J_p} \cdot PД_0 = \frac{107,0}{1,1} \cdot 98,0 = 0,9730,98 = 0,992 \text{ ёки } 99,2 \text{ фоиз}.$$

Демак, реал даромад жорий даврда базис даврга нисбатан 0,8 пунктга камайган. Шу давр ичида нарх эса 10 фоизга ошган. Нарх ўзгармаган ёки пасайган шароитда пул даромади кўпайса, реал даромад ҳам кўпаяди. Агар пул даромади ўзгармай туриб нарх ошса, реал даромад пасаяди, нарх пасайса, аксинча ортади. Пул даромади ва нархлар реал даромадга қарама-қарши йўналишда таъсир этади.

143

“Функционал” ва “вертикал” даромадлар деганда нимани тушунасиз? “Трансферт тўловлар” қандай тўловлар?

Ишлаб чиқариш харажатларини шу ишлаб чиқариш омилларига эгалик қилувчи шахе қоплайди. Шу сабабли барча даромад уларнинг қўлида мужассамлашади. Айнан шу даромадлар бирламчи даромадлар бўлиб, улар **“функционал” даромадлар** деб юритилади. Бу даромадларга қўйидагилар қиради:

- ♦ бозор секторига ёлланган ишчиларнинг иш ҳақи;
- ♦ давлат секторидagi хизматчиларнинг даромади;
- ♦ йирик компаниялар ва тadbиркорлар фойдаси;

- ◆ кичик мулкдорлар даромади (фойда, рента, фоиз ва дивидендлар мажмуи).

Бирламчи даромадларни аҳолининг айрим гуруҳлари микёсида тақсимлаш “**вертикал**” даромад тушунчасини келтириб чиқаради. Бу даромаднинг “функционал” даромаддан туб фарқи шундаки, унинг тақсимоотида бевосита давлат қатнашади. Шу сабабли тақсимоот натижасида бевосита шу даромадни яратишга қатнашмаган кишилар (масалан, меҳнатга лаёқатсизлар ёки ишсизлар) ҳам даромадга эга бўладилар.

Давлат “функционал” тақсимоотдан “вертикал” тақсимоотга ўтишни қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширади:

- ◆ “трансферт тўловлар” ни, яъни кам таъминланган аҳоли гуруҳларига, ногиронларга, қариялар ва боқувдаги кишиларга ҳамда ишсизларга нафақаларни тўлаш;
- ◆ зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларнинг нархларини тартибга солиб туриш;
- ◆ инфляцияни инобатга олган ҳолда даромадларни ва трансферт тўловларни индексация қилиб туриш;
- ◆ зарурий минимал иш ҳақини кузатиб бориш;
- ◆ номинал иш ҳақи ўсиши билан солиқ ставкаси ҳам ошиб борувчи “прогрессив солиқ” ставкасини ўрнатиб бориш.

144


“Лоренц эгри чизиғи” ва “Джини коэффиценти” нимани характерлайди?

Тақсимлашнинг бозор усули юзага келтирган даромадлардаги тенгсизликни Фарб иқтисодчилари Лоренц эгри чизиғи ва Джини коэффиценти орқали ифодалашади.

Лоренц эгри чизиғи.— бу муайян ҳодисанинг концен-трацияланиш даражасини чизмада ифодалаш усулидир. Бунинг учун ҳар иккала координат ўқига 0 дан 100.гача фоиз

шкалалари белгиланади. Абсцисса ўқига тўпلام бирликлари (оила салмоғи), ордината ўқига эса ўрганилаётган белги (даромад салмоғи) кўйилади. Ўрганилаётган белгининг тенг тақсимоти чизмада диагонал чизик (яъни, “тенг тақсимот чизиги”) билан, тенгсизлик тақсимоти эса Лоренц чизиги билан ифодаланади. Бу чизик диагонал чизикдан қанчалик тафовут мавжудлигини кўрсатади.

Даромад салмоғи ва оилалар салмоғи мисолида Лоренц эгри чизиги даромад ҳиссаси оилалар ҳиссасига мос бўлиши ёки бўлмаслигини билдиради. Лоренц эгри чизигини куйидаги чизмада таҳлил қилишимиз мумкин (11-чизма).



11-чизма. Даромадларнинг нотекис тақсимланиши.

Амалда даромадлар фарқланганида унинг ҳаракати ОЕА тўғри диагонал чизиги билан эмас, балки эгри ёйсимон ОСДКА нуқталари орқали ўтади ва Лоренц эгри чизигини ҳосил қилади. Бу нуқталарда даромад ҳиссаси оилалар микдоридagi ҳиссадан жиддий фарқланади. Бу бозор иқтисодиёти учун табиий. Агар даромадлар бир текис тақсимланганда эди, унинг ҳаракати О нуқтадан А нуқтага қадар бўлган тўғри чизик, биссектрисадан ўтган, оилалар сонидagi улуш билан даромаддаги улуш тенг бўлар эди, яъни 50 фоиз оила даромаднинг 50 фоизига, 75 фоиз оила эса даромаднинг 75 фоизига эга бўлар эди. Аммо бозор иқтисодиёти буни мустанасно

этади, чунки у тенгсизликка асосланади. Шунингдек, у даромадларнинг ҳаммасини муайян оилалар қўлида жамланишини ҳам инкор этади. Агар бир фоиз оила даромадни 100 фоиз ўзлаштира, мутлақ тенгсизлик юз беради, чунки 99 фоиз оила даромадсиз қолиб муҳтожликда яшаши мумкин. Бундай ҳолнинг умуман юз бериши мумкин эмас, аммо даромадлар тенгсизлиги реал ходиса.

“Ўзистикболстат”¹ ўтказадиган оралатиб текширувлар натижасида олинган маълумотларга қараганда, Ўзбекистоннинг ўзига тўқ аҳолисининг 10 фоизи билан энг кам таъминланган аҳолисининг 10 фоизи олаётган даромадлар ўртасидаги фарқ 6 баробардан ошмайди, айна бир вақтда Россияда бу кўрсаткич 16,8 баробар ортиқдир.

II-чизмада штрих чизиқлари билан чизилган майдон ОАО “Джини коэффициенти”ни ифодалайди. Бу коэффициент 0 га қанчалик яқин бўлса, жамиятда шунчалик мутлоқ тенглик ҳолати бўлади. Агар бу коэффициент бирга тенг бўлса, у ҳолда қашшоқлар кўпчиликини, ўта бойлар эса озчиликини ташкил қилади. Аммо цивилизациялашган бозор иқтисодиётида мақсадга мувофиқ тақсимот бундай кескин табақаланишга йўл қўймайди. Камбағаллар сони ва салмоғи қисқариб боради, чунки ишлаб чиқариш ўсиши билан кам даромадли оила ўртача ва юқори даромадлилар қаторидан ўрин олади.

145

Даромадлардаги тенгсизликнинг сабаблари нимада?

Даромадларнинг тенгсизлиги уларга таъсир этувчи куйидаги омиллар кучининг ҳар хиллиги билан изоҳланади:

- ◆ кишилардаги турлича туғма қобилият, куч-қувват, ақл-идроқ, салоҳият ва заковат. Жисмонан бақувват ва ақл-заковатли инсон унумли, аксинча, шу жиҳатлардан заиф киши унумсиз ишлаши турган гап;

¹ Ҳозирги кунда Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги.

- ◆ кишилардаги мавжуд салоҳиятни ишга солишдаги имконияти. Билим олиш, касб эгаллаш, малакани ошириш имкониятлари бўлган ва иш топиладиган жойда даромад кўп бўлса, бундай шароитлар йўқ жойда даромад оз бўлади;
- ◆ оила таркибининг ҳар хил бўлиши. Агар оила таркибида пултопарлар кўп бўлиб, боқимандалар оз бўлса, унинг жами даромади кўп бўлади ва аксинча;
- ◆ тадбиркорлик хатари ва тадбиркорлик омади. Бозорда кутилмаганда нарх ошиб кетса, яъни тадбиркорларга омад кулиб боқса, катта даромад келади. Борди-ю нарх тасодифан пасайиб кетса, кутилган даромад ҳам олинмайди.

Даромадлар тенгсизлигининг икки томони бор. **Биринчиси** — бозор механизмига хос тақсимот орқали қўлга теккан даромад тенгсизлиги. Бу ерда тақсимлаш бозор тан олган иш натижасига кўра амалга оширилиб, у қўлга теккан даромад билан ўлчанади. **Иккинчиси** — тақсимотнинг нобозор усуллари туфайли ҳосил бўлган бепул овқатланиш, дам олиш, бепул ёки имтиёзли тарзда хизматлардан баҳрамандлик ҳар хил даражада бўлади. Аммо тақсимлашнинг нобозор усули муайян дам олиш, даволаниш ёки имтиёзли квартира ҳақи, газ, электр энергияси учун тўловларни белгилаш истёмоқчиларнинг ҳаммаси учун бир хил тарзда бепул бўлганидан, улар тақсимотда тенгликни ҳосил этади.

Умуман даромадлардаги тенгсизлик табиий бир ҳол бўлиб, даромади озларни яхши ишлаб пул топишга ундайди.

146

Камбағаллик нима? Унинг чегараси қандай усуллар ёрдамида аниқланади?

Камбағаллик шундай ҳолатки, бундай вазиятда инсон ўзининг асосий эҳтиёжларини қондириш имконига эга бўлмайди. Аҳоли ва оилаларнинг бу катлами пул маблағлари,

мулк ва бошқа ресурслар билан нисбатан кам таъминланганлиги сабабли уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари паст даражада қондирилган бўлади.

Статистика амалиётида камбағалликни тавсифлаш мақсадида қуйидаги усуллар қўлланилади:

- ◆ статистик усул, яъни даромад даражаси бўйича аҳолининг тақсимотини аниқлаш;
- ◆ норматив усул, яъни меъёردаги истеъмом саватчасини ҳисоблаб чиқиш.

Биринчи усулда тегишли ҳукумат ташкилотлари мамлакат бўйича ҳар бир киши ва оиланинг ўртача даромадларини аниқлаб чиқади. Айнан шу ўртача даромад камбағаллик чегараси деб юритилиб, даромад даражаси ундан паст бўлганлар камбағаллар, юқорилари эса нисбатан бойлар деб юритилади. Масалан, айрим давлатларда камбағаллик чегараси мазкур мамлакат бўйича ўртача даромаддан икки баравар кам бўлган даромад деб тахмин қилинса, бошқаларида эса у ўртача даромаднинг 2/3 қисмига тенг келиши лозим, деб ҳисобланади. Бироқ, аксарият кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам бошқа — норматив усул қабул қилинган.

Норматив усулда камбағаллик даражаси таркиби энг зарур бўлган озик-овқатлар, истеъмом буюмлари ва хизматлар тўпламидан иборат бўлган энг кам “истеъмом савати” қиймати асосида аниқланади. У қуйидагича ҳисобланади: дастлаб озик-овқат маҳсулотлари тўпламининг қиймати, сўнгра оила бюджети маълумотлари асосида кам таъминланган оилаларнинг умумий харажатларида ноозик-овқат маҳсулотлар ва хизматларнинг салмоғи аниқланади. Бу салмоқ энг арзон нархларда энг кам истеъмом савати қийматида ҳисобланиб бошланғич ҳисоб-китобларга қўшилади.

Истеъмом саватининг қиймат ифодаси энг кам истеъмом бюджети деб аталади. Энг кам истеъмом бюджетига ёки кўпинча унинг маълум бир қисмига (масалан 50 фоизига) мос келувчи даромад камбағаллик чегараси (КЧ) ҳисобланади. Давлат камбағаллик чегарасидан паст даражада яшовчи

аҳолига маълум миқдорда моддий ёрдам кўрсатади. Аслида ҳам ижтимоий ҳимоялашнинг барча асосий чоралари аҳолининг айнан шу тоифасига, шунингдек, иш ҳақи, нафақалар, пенсиялар, стипендияларнинг энг кам миқдорини белгилашга қаратилган.

147

Камбағаллик индекслари қандай ҳисобланади?

Камбағалликнинг вақт бўйича ўзгариши қатор индексларни ҳисоблаш ёрдамида аниқланади:

- ◆ камбағаллик индекси;
- ◆ камбағалликнинг чуқурлашуви ёки саёзлашув индекси;
- ◆ камбағалликнинг кескинлашув индекси.

Камбағаллик индекси (J_k) жорий даврдаги кабағаллик коэффиценти (K_k)ни базис даврдаги камбағаллик коэффиценти (K_{k_0})га бўлиш ёрдамида ҳисобланади.

$$J_k = \frac{K_{k_1}}{K_{k_0}}; K_{k_1} = \frac{KЧП_{A_1}}{A_1}; K_{k_0} = \frac{KЧП_{A_0}}{A_0};$$

Бу ерда: $KЧП_{A_0}$ ва $KЧП_{A_1}$ — кабағаллик чегарасидан паст даромадга эга бўлган аҳоли сони (базис ва жорий даврларда); A_0 ва A_1 — базис ва жорий даврларда аҳолининг ўртача сони.

Агар $J_k > 1$ бўлса, у ҳолда камбағаллик даражаси ўсиш томонга, $J_k < 1$ бўлса, пасайиши томонга мойил бўлган. Агар $J_k = 1$ бўлса, у ҳолда камбағаллик даражаси ўзгармаган бўлади.

Даромадлар тенгсизлиги бор жойда камбағаллик муаммоси ҳамиша мавжуд бўлади. Агар аҳолини камбағаллик чегарасига қараб табақаласак, у ҳолда уларнинг ҳар хил қатламлари пайдо бўлади. Бу қатламларни шартли равишда қуйидаги ижтимоий гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ◆ ўта бойлар (ЎБ);
- ◆ бойлар (Б);
- ◆ ўртаҳоқлар (ЎХ);
- ◆ камбағаллар (К);
- ◆ ўта камбағаллар (ЎК).

Камбағалликнинг чуқурлашиб ёки саёзлашиб бораётганини тавсифловчи индексни ҳисоблаш учун дастлаб мазкур гуруҳлар бўйича базис ва жорий даврлар учун таркибий нисбий миқдорлар ҳисобланади. Сўнгра бу нисбий миқдорлар бир-бири билан таққосланади (34-жадвал).

34-жадвал

Камбағалликнинг чуқурлашув ёки саёзлашув индексини ҳисоблаш тартиби

Т/р	Аҳолининг ижтимоий гуруҳлари	Жамига нисбатан фоиз ҳисобида		$J_d = \frac{d_1}{d_0}$
		базис даврда	жорий даврда	
1.	Ўта бойлар	$d_{\text{ЎБ}_0} = \text{ЎБ}_0 : \bar{A}_0$	$d_{\text{ЎБ}_1} = \text{ЎБ}_1 : \bar{A}_1$	$J_{d_{\text{ЎБ}}} = d_{\text{ЎБ}_1} : d_{\text{ЎБ}_0}$
2.	Бойлар	$d_{\text{Б}_0} = \text{Б}_0 : \bar{A}_0$	$d_{\text{Б}_1} = \text{Б}_1 : \bar{A}_1$	$J_{d_{\text{Б}}} = d_{\text{Б}_1} : d_{\text{Б}_0}$
3.	Ўртаҳоқлар	$d_{\text{ЎХ}_0} = \text{ЎХ}_0 : \bar{A}_0$	$d_{\text{ЎХ}_1} = \text{ЎХ}_1 : \bar{A}_1$	$J_{d_{\text{ЎХ}}} = d_{\text{ЎХ}_1} : d_{\text{ЎХ}_0}$
4.	Камбағаллар	$d_{\text{К}_0} = \text{К}_0 : \bar{A}_0$	$d_{\text{К}_1} = \text{К}_1 : \bar{A}_1$	$J_{d_{\text{К}}} = d_{\text{К}_1} : d_{\text{К}_0}$
5.	Ўта камбағаллар	$d_{\text{ЎК}_0} = \text{ЎК}_0 : \bar{A}_0$	$d_{\text{ЎК}_1} = \text{ЎК}_1 : \bar{A}_1$	$J_{d_{\text{ЎК}}} = d_{\text{ЎК}_1} : d_{\text{ЎК}_0}$
	Жами	100,0	100,0	

Агар,

$$J_{d_{\text{ЎБ}}} < J_{d_{\text{Б}}} < J_{d_{\text{ЎХ}}} < J_{d_{\text{К}}} < J_{d_{\text{ЎК}}}$$

бўлса, у ҳолда камбағаллик чуқурлашиб бораётганлигидан далолат беради. Чунки жамиятда ўта бойлар қатлаמידан тортиб, то ўта камбағаллар қатламигача камбағаллашиш ҳолати содир бўлади.

$$\text{Агар, } J_{d_{\sigma_b}} > J_{d_b} > J_{d_{\sigma_x}} > J_{d_k} > J_{d_{\sigma_k}}$$

бўлса, у ҳолда камбағаллик саёзлашиб, халқ фаровонлигининг ошиб бораётганлигидан далолат беради. Чунки бундай тенгсизлик ўта камбағал аҳоли салмоғининг камбағаллар салмоғидан кичик, камбағаллар салмоғининг ўртаҳошлар салмоғидан кичик, бойлар салмоғининг эса ўта бойлар салмоғидан кичик эканлигидан далолат беради.

Камбағалликнинг кескинлашув жараёни қуйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топади:

$$\blacklozenge R_{\max} = X_{\max} - X_{\min}$$

$$\blacklozenge \vartheta = \frac{\sigma}{\bar{x}} \cdot 100$$

Бу ерда: R_{\max} — камбағаллик даражасидаги вариацион кенглик; X_{\max} — ўта бойларнинг ўртача даромади; X_{\min} — ўта камбағалларнинг ўртача даромади; ϑ — вариация коэффициентини; σ — дисперсия; \bar{x} — жамиятдаги ўртача даромад.

Шу кўрсаткичларга асосланиб камбағалликнинг кескинлашув индекси ($J_{\text{кк}}$) қуйидагича ҳисобланади:

$$\blacklozenge J_{\text{кк}} = \frac{R_{\max_i}}{R_{\min_i}}$$

$$\blacklozenge J'_{\text{кк}} = \frac{\vartheta_1}{\vartheta_0}$$

Агар $J_{\text{кк}} > 1$ бўлса, демак ўта бойлар билан ўта камбағаллар ўртасидаги абсолют ва нисбий ($J_{\text{кк}}$) тафовут катта бўлади ва аксинча.

Жамият хамиша камбағалликни юмшатиш ва уни тугатиш йўлидан борали. Бозор иқтисодиётига ҳос умумий қоида — бу камбағаллар сони ҳамда салмоғининг қисқариб боришга мойиллигидир, чунки ишлаб чиқариш ўсиши билан кам даромадли оила ўртача ва юқори даромадлилар қаторидан ўрин олади.

Давлат сиёсати ҳам нисбий камбағалликни қисқартириш, мутлақ камбағалликни, яъни қашшоқликни эса таг-туби билан йўқотишга қаратилган.

148

Турмуш қиймати нима? Унинг индекси қандай аниқланади?

Ишлаб чиқаришнинг социал самараси кишилар фаровонлигида, яъни турмуш даражаси ва қийматида намоён бўлади. Маълумки, турмуш даражаси кишилар эҳтиёжларининг қондирилиш меъёри билан белгиланади. Унинг муҳим жиҳати ноз-неъматлар истеъмоли ва қиймати ҳисобланади. Турмуш даражаси учун истеъмол ўз-ўзидан эмас, балки эҳтиёжни қондира олиш жиҳатидан муҳим. Истеъмолнинг миқдори ва таркиби оқилона бўлиб, кишиларнинг соғлом бўлиши, узок умр кўриши, уларнинг шахс сифатида камол топишини таъминлагандагина мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

У ёки бу маҳсулотнинг ҳаддан ташқари кўп истеъмол этилиши юқори турмуш даражасини билдирмайди, чунки бу ерда миқдордан ташқари истеъмолнинг сифати ва қиймати омили ҳам бор. Бу омил истеъмолнинг миқдори ва таркиби ўртасида маълум меъёрда нисбат бўлишини тақозо этади. Масалан, озиқ-овқат истеъмоли шундай миқдорда ва таркибда бўлиши зарурки, у киши организмни барча керакли озукалар, хусусан, оксил, ёғ ва витаминлар билан таъминлаши, инсоннинг соғлом, бақувват, тетик бўлишини, ҳаётда фаоллик кўрсатишини таъминлаши зарур. Кўп миқдордаги, лекин балансланмаган озиқ-овқат истеъмоли фойда ўрнига зарар келтиради. Мутахассислар фикрига кўра, гўшт ва ундан олинган маҳсулотларнинг оптимал истеъмоли жон бошига йилига ўртача 80 кг бўлиши зурур. Бундан (1,5-2 баравар) ортиқ истеъмол қилинган гўшт ҳаддан ташқари зарарли деб ҳисобланади.

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига 190-200 кг нон ва ун маҳсулотлари истеъмол этилади. Бу ҳам керагидан ортиқча ҳисобланади. Бошқа маҳсулотлар (масалан, гўшт, сут, тухум, мева, сабзавот) кам истеъмол этилгандан уларнинг ўрни нон билан қопланади. Бу ҳам балансланмаган овқатланиш натижасидир.

Ноозик-овқат маҳсулотлари ва кўрсатилган хизматларга ҳам худди шу нуқтаи назардан ёндошиш мумкин. Ана

шуларни инобатга олган ҳолда турмуш қиймати индексини қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$J_{\text{тк}} = \frac{\text{ХИ}_1}{\text{ОИ}_1} \cdot \frac{\text{ХИ}_0}{\text{ОИ}_0} \quad \text{ё ки} \quad J_{\text{тк}} = \frac{\text{ХИ}_1}{\text{ХИ}_0} \cdot \frac{\text{ОИ}_1}{\text{ОИ}_0};$$

Бу ерда: ХИ_0 ва ХИ_1 — базис ва жорий даврларда жон бошига тўғри келган ҳақиқий истеъмол қиймати; ОИ_0 ва ОИ_1 — базис ва жорий даврларда жон бошига тўғри келган оптимал истеъмол қиймати.

Бу индексни қуйидагича ҳисоблаш ҳам мумкин:

$$J_{\text{тк}} = \frac{\sum \bar{q}_0 \cdot p_1}{\sum q_0 \cdot p_0}$$

Бу ерда: q_0 — базис даврдаги истеъмол буюмлар мажмуаси; \bar{q}_0 — базис даврда оптимал даражадаги истеъмол буюмлар мажмуаси; p_0 ва p_1 — истеъмол буюмларининг базис ва жорий даврлардаги баҳоси. \bar{q}_0 нинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг таркибига базис даврдаги (q_0) истеъмол буюмлари мажмуаси билан бир қаторда олдин сотиб олиш имконияти бўлмаган, аммо янги баҳо даражасида (p_1) шу имкониятга эга бўлган истеъмол буюмлари ҳам қиради.

$J_{\text{тк}} < 1$ бўлиши турмуш қийматининг, шунингдек халқ фаровонлигининг пасайганлигидан далолат беради. Ва аксинча.

149

Инсоннинг баркамоллашуви индекси қандай ҳисобланади?

Бу индекс турмуш қиймати индексига нисбатан кенг маънога эга бўлиб, қуйидаги учта кўрсаткич билан характерланади:

- ◆ жон бошига тўғри келган ялпи ички маҳсулот даражаси;
- ◆ маълумотлилик даражаси;
- ◆ ўртача яшаш ёши даражаси.

Мазкур кўрсаткичлар биринчи марта БМТ тараққиёт дастури тадқиқотчилари гуруҳи томонидан 1990 йилда тақлиф этилган.

Жон бошига тўғри келган ялпи маҳсулотнинг меъёрий даражаси этиб жаҳон бўйича жон бошига тўғри келган ялпи ички маҳсулот даражаси қабул қилинади. 1994 йилда бу меъёр ўртача 5120-доллар бўлган. Энг кам даражадаги меъёр охириги 30 йиллик ўртачага, энг юқориси эса 2020 йилги истiqболдаги даражага асосланиб белгиланади.

Маълумотлилиқ даражаси аҳолининг ўртача неча йил ўқишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Бу муддат 0-15 йил деб қабул қилинган. Умумий кўринишда инсон баркамоллашуви индекси қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

$$J_{\text{иби}} = J_{d_{\text{яини}}} J_{d_{\text{и}}} J_{\text{кям}}$$

Бу ерда: $J_{d_{\text{яини}}}$ — мазкур мамлакатда жон бошига тўғри келган ялпи ички маҳсулотнинг жаҳон меъёрига нисбатан бўлган салмоғининг индекси; $J_{d_{\text{и}}}$ — мазкур мамлакатда ўртача ўқиш муддатининг жаҳон меъёрига нисбатан бўлган салмоғининг индекси; $J_{\text{кям}}$ — мазкур мамлакатда келажакда яшаш муддатининг жаҳон меъёрига нисбатан бўлган салмоғининг индекси.

Агар $J_{\text{иби}}$ 0,5 дан кичик бўлса, у ҳолда мазкур мамлакатда инсон баркамоллашуви даражаси паст; 0,5-0,8 бўлса — ўртача; 0,8 ва ундан юқори бўлса, у ҳолда бу кўрсаткич юқори ҳисобланади.

150

Яшаш минимуми нима?

Яшаш минимуми — бу энг кам истеъмол савати қийматининг пулдаги ифодасидир. Бу саватча таркибига қуйидаги 13 та йириклаштирилган гуруҳлардаги маҳсулотлар қиради:

- ◆ нон ва нон маҳсулотлари;
- ◆ картошка;

- ◆ сабзавотлар;
- ◆ мева ва резаворлар;
- ◆ гўшт ва гўшт маҳсулотлари;
- ◆ сут ва сут маҳсулотлари;
- ◆ балиқ ва балиқ маҳсулотлари;
- ◆ тухум;
- ◆ шакар ва қандолат маҳсулотлари;
- ◆ ўсимлик мойи;
- ◆ маргарин
- ◆ туз
- ◆ қалампир, мурч.

Айнан шу таркибдаги истеъмол буюмлари инсоннинг соғлом, бақувват, тетик бўлишини, ҳаётга фаоллик кўрсатишини таъминлайди. Бундан ташқари, яшаш минимумига но-озиқ-овқатлар ва хизматларнинг қиймати ҳам энг кам истеъмол савати миқдорида қўшилади. Яшаш минимумига қараб иш ҳақининг энг кам миқдори белгиланади.

151

Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси қандай тузилади?

Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси пул даромадларининг манбаларини, харажатлар миқдори ва таркибини характерлайди. У қуйидаги кўринишга эга (35-жадвал):

35-жадвал

Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси

Т/р	Даромадлар	сўм	Т/р	Харажатлар	сўм
1	2	3	4	5	6
1.	Иш хақи		1.	Товарлар ва хизматларни сотиб олиш	
2.	Дивидендлар			шу жумладан:	
3.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган даромад			а) турли шаҳобчалардан сотиб олинган товарлар;	
4.	Пенсия ва нафақалар			б) хизматларни тўлаш ва бошқа харажатлар;	
5.	Стипендия			шу жумладан:	

ДАРОМАД СТАТИСТИКАСИ

1	2	3	4	5	6
6	<p>Молия ташкилотларидан тушумлар:</p> <p>а) суғурта тўловлари</p> <p>б) шахсий қурилиш ва бошқа мақсадлар учун олинган қарзлар</p> <p>в) омонатдан тушумлар</p> <p>г) заём ютуқлари</p> <p>д) лоторея ютуқлари</p> <p>е) ногиронларга ажратилган ёрдам (ёниги, автомашинани таъмирлаш учун) пуллари</p>		2	<p>♦ уй-жой ва маиший хизматлар тўлови</p> <p>♦ коммунал хизматлар учун тўловлар</p> <p>♦ маориф хизматлари учун тўловлар</p> <p>♦ дам олиш, санатория йўлланмалари учун тўловлар</p> <p>♦ медицина ва туризм учун тўловлар</p> <p>♦ кино, театр, турли тамошалар учун тўловлар</p> <p>♦ транспорт тўловлари</p> <p>♦ алоқа учун тўловлар</p> <p>♦ бошқа харажатлар</p> <p>2 Мажбурий ва кўнгилли тўловлар шу жумладан:</p> <p>а) солиқ ва йиғимлар</p> <p>б) суғурта учун тўловлар</p> <p>в) қарзларни тўлаш</p> <p>г) лоторея билетларини сотиб олиш</p> <p>д) товар кредити учун фоиз тўловлари</p>	
7	Чет эл валютасини сотишдан тушган даромад		3	<p>е) пенсия фонди учун тўловлар</p> <p>Омонатга қўйилган ва қимматли қоғозларга қўлинган сарфларнинг ўсими</p> <p>шу жумладан:</p> <p>а) халқ банкига қўйилган омонатлар ўсими</p> <p>б) ички заёмларни сотиб олиш</p> <p>в) сертификатларни сотиб олиш</p> <p>г) банк билан ҳисоб-китоб қилиш мақсадида пластик қарточкаларни сотиб олиш</p> <p>д) корхоналар акцияларини сотиб олиш</p>	
8	<p>Бошқа тушумлар:</p> <p>а) шахсий буюмларни сотишдан тушган маблағлар</p> <p>б) бошқа даромадлар</p>		4	<p>Уй-жой сотиб олиш</p>	
9	<p>Узатмалар</p> <p>эвазига тушган тушумлар (+,-)</p> <p>Жами пул даромадлари</p> <p>Харажатларнинг даромаддан ошган қисми</p> <p>БАЛАНС</p>		5	<p>Чет эл валюталарини сотиб олиш</p>	
			6	<p>Ўтказмалар бўйича юборилган пуллар</p> <p>Жами харажатлар ва омонатлар Даромадларнинг харажатлардан ошган қисми</p> <p>БАЛАНС</p>	

Баланснинг даромадлари қисмига мулк шаклларидан қатъий назар барча корхона ва муассасалардан аҳоли ихтиёрига тушган пул маблағлари, нақд пулсиз ўтказмалар, натура шаклида тўланган иш ҳақи ва бошқа даромадлар киради. Аҳоли гуруҳлари ўртасидаги пул айланмалари балансда ҳисобга олинмайди.

152

Нима учун аҳоли даромадларини индексация қилишга зурурият туғилади? У қандай усулларда амалга оширилади?

Аҳоли даромадларини индексация қилиш дейилганда, аҳоли истеъмол буюмлари ва маиший хизматларнинг қимматлашган бир қисми ёки тўла қисмини қоплаш учун фуқароларнинг даромадини ошириш тушунилади.

Индексация — бу фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлат умумсиёсатининг бир тури бўлиб, аҳолининг, айниқса қашшоқ қатламдаги фуқаролар (пензионерлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, шунингдек стипендиатлар)нинг пул даромадларини ва уларнинг сотиб олиш қобилиятини сақлаб қолишга қаратилган.

Индексация бир йўлакай бериладиган иш ҳақи, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги даромадларнинг даражаларини қайта кўриш йўли билан ҳам бажарилиши мумкин. Қуйидагилар индексация объекти бўлиб ҳисобланади:

- ◆ пенсиялар;
- ◆ стипендиялар;
- ◆ социал нафақалар (кўп болали оилаларга, ишсизларга, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганларга ва бошқ.)
- ◆ мулк шаклидан қатъий назар барча корхона, муассаса ва ташкилотларда банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи;
- ◆ халқ банкига қўйилган омонат пуллар;
- ◆ давлат заёмлари, турли қимматли қоғозлар ва бошқ.

Индексацияни амалга оширишда истеъмол буюмларига бўлган баҳо индекси асос қилиб олинади. Жаҳон амалиётида асосан икки усулда индексация қилиш маълум:

- ◆ автоматик;
- ◆ яримавтоматик (шартнома асосида).

Автоматик усулда иш хақи баҳонинг ўсиш суръатига қараб мутаносиб равишда оширилади ва аҳоли даромадининг зарар кўрган қисми тўла қопланади. Аммо бу усул иш хақининг самарали ташкил қилинишига салбий таъсир кўрсатади, чунки бунда иш хақининг ошиши меҳнат унумдорлиги билан боғланмаган ҳолда бажарилади.

Яримавтоматик усулнинг моҳияти қуйидагича: баҳонинг ошишини ҳисобга олган ҳолда иш хақини қанчага ошириш учта томон иштирокида (давлат, қасаба уюшмалари ва ишловчилар) шартнома тузиш йўли билан ечилади. Бу усул жаҳон умумий бозорида қатнашувчи мамлакатларда кенгрок қўлланилади.

Индексацияни амалга оширишда энг кам истеъмол савати таркибини аниқлаш зарурияти туғилади. Бу саватнинг ўзи жуда шартли қилиб олинади. Инсонга зарур бўлган озик-овқат, саноат моллари ва хизматларнинг тирикчилик учун қифоя қиладиган ҳажми “истеъмол савати” деб аталади. Бунда гап энг зарур талабларни бир амаллаб қондириш ва қучни тиклаш ҳақида боради, яъни шу нарсаларсиз инсон одамлардек ҳаёт кечирishi амри маҳол бўлиб қолади.

153

Аҳоли даромадларини “музлатиш” сиёсати қандай мақсадларга қаратилган?

Аҳоли даромадларини «музлатиш» деганда аҳоли пул даромадларининг ўсишини секинлаштириш ёки тўхтатиб қўйишга қаратилган сиёсат ҳамда қўлланиладиган чора-тадбирлар тушунилади. Бу сиёсат икки мақсадни кўзлайди:

- ◆ пулнинг бозор муомаласига тушишини сусайтириш орқали инфляцияга қарши туриш;

- ◆ аҳоли даромадини ўстирмай давлат, корхона, ташкилотлар даромадини ошириб қўшимча жамғарма ҳосил қилиш ва шу йўл билан инвестиция учун имкон бериб, иқтисодий ўсишни таъминлаш.

Даромадларни музлатиш инфляцияга қарши кўриладиган тадбирлар жумласига киради. Маълумки, 1992 йилгача бўлган даврда омонатга пул қўйган аҳолининг маблағлари “музлатиб” қўйилган эди. Натижада республикада 5 миллион кишининг омонати қадрсизланиб ўз харид қобилиятини йўқотган эди. 1995 йилда адолатни тиклаш мақсадида ана шу кадрсизланган даромадлар индексация қилинди.

154

Қайси кўрсаткичлар аҳолининг моддий эҳтиёжини қондириш даражасини ифодалайди?

Инсон тирик экан унинг эҳтиёжи ҳам бўлади. Эҳтиёжлар хилма-хилдир. Шу нуқтаи назардан улар қуйидаги турларга бўлинади:

- ◆ моддий эҳтиёжлар;
- ◆ маърифий ва маънавий эҳтиёжлар;
- ◆ социал эҳтиёжлар.

Моддий эҳтиёжлар азалий, улар инсон пайдо бўлиши билан юзага келган. Улар энг зарур ва ҳаётий эҳтиёжлар бўлиб:

- ◆ озиқ-овқат;
- ◆ кийим-кечак,
- ◆ турар-жой;
- ◆ транспорт;
- ◆ алоқа;
- ◆ гигиена;
- ◆ электр қуввати;
- ◆ газ;
- ◆ барча маиший хизматлар каби эҳтиёжлардан иборат бўлади.

Аҳоли жон бошига неча килограмм гўшт, нон, ун, гуруч, шакар, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, сариеғ, ўсимлик мойи, неча литр сут, спиртли ёки спиртсиз ичимлик истеъмол этилиши, ҳар кишига неча жуфт пойафзал, неча метр газлама, битта оилага ўртача неча автомашина, телевизор, магнитофон, музлатгич, гилам, видеоаппаратура кабиларнинг тўғри келишини ифодаловчи кўрсаткичлар аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаловчи миқдорий кўрсаткичлардир.

Жон бошига ҳисобланган маҳсулот тури қуйидагича аниқланади:

$$\bar{q}_i = \frac{\sum q_i}{A}$$

Бу ерда: $\sum q_i$ — бир йил давомида истеъмол қилинган i маҳсулот, жами; A — аҳолининг ёки айрим олинган ижтимоий гуруҳларнинг ўртача сони.

Истеъмолга шундай қонуният хоски, дастлаб унда миқдорий, сўнгра эса сифат ўзгаришлари юз беради. Аввал, умуман, товарлар ва хизматлар истеъмоли ўсгани холда, сўнгра уларнинг сифатлисини танлаб истеъмол этишга киришилади. Бу бозорнинг тўйинишига боғлиқ. Ишлаб чиқариш канча ривожланган бўлса, сифатли истеъмол шунчалик ўсади.

155

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг қондирилиш даражаси қандай аниқланади?

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг қондирилиш даражаси қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{тк}} = \frac{\bar{q}_{\text{хн}}}{\bar{q}_{\text{нбн}}}$$

Бу ерда: $\bar{q}_{\text{хн}}$ — жон бошига ҳақиқий истеъмол қилинган i маҳсулот; $\bar{q}_{\text{нбн}}$ — жон бошига меъёр бўйича истеъмол қилиниши лозим бўлган i маҳсулот.

Агар, $K_{\text{тк}} = 1$ бўлса, у ҳолда аҳолининг мазкур турдаги маҳсулотга бўлган талаби тўлиқ қондирилган, $K_{\text{тк}} > 1$ бўлса, оширилиб қондирилган, $K_{\text{тк}} < 1$ бўлса — у ҳолда бу талаб етарли даражада қондирилмаган бўлади.

156

Аҳолининг маърифий салоҳияти қайси кўрсаткичларда ўзининг мутлақ аксини топади?

Маърифий ва маънавий эҳтиёжлар моддий эҳтиёжлар каби инсоннинг юксалиши ва жамиятнинг ривожланиши учун табиий заруриятдир. Бу эҳтиёжлар таркибан билим олиш, маданий савияни ошириш, малака-маҳоратга эга бўлиш кабилардан иборат. Улар қуйидаги кўрсаткичларда ўзининг мутлақ аксини топди:

- ◆ мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони;
- ◆ умумий ўрта таълим мактабларида ўқиётганлар сони;
- ◆ ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими билим юртларида ўқиётганлар сони;
- ◆ олий ўқув юртларида ўқиётганлар сони;
- ◆ олий ўқув юртидан кейинги таълим муассасаларида ўқиётганлар сони;
- ◆ кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юртларида ўқиётганлар сони;
- ◆ мактабдан ташқари шароитда билим олаётганлар сони.

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди.

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими, академик лицейлар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки

таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-хунар таълимини беради.

Олий таълим, яъни университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасалари, юқори малакали олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим (аспирантура, адъюнктура, докторантура) жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

157

Қандай кўрсаткичлар аҳолининг маърифий ва маънавий даражасини умумлаштириб тавсифлайди?

Бу кўрсаткичлар жумласига қуйидагилар киради (хар 1000 кишига тўғри келган):

- ◆ ўрта-махсус, касб-хунар ўқув юртини битирганлар ва банд бўлганлар сони ($K_{\text{ум}}$);
- ◆ олий маълумотлилар сони ($K_{\text{о}}$);
- ◆ фан номзодлари сони ($K_{\text{фн}}$);
- ◆ фан докторлари сони ($K_{\text{фд}}$);
- ◆ фанлар академиясининг мухбир аъзолари сони ($K_{\text{ма}}$);
- ◆ академиклар сони ($K_{\text{а}}$);
- ◆ аспирантлар сони ($K_{\text{асп}}$);
- ◆ докторантлар сони ($K_{\text{д}}$);
- ◆ оммалашган кутубхоналардаги китоблар сони ($K_{\text{к}}$);
- ◆ китоб, журнал ва газеталарнинг йиллик нусхалар сони ($K_{\text{жг}}$);
- ◆ киносеанслар ва театрларга қатновчилар сони ($K_{\text{кт}}$);
- ◆ радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар кўлами (суткасига соатда) ва бошқ.

Бу кўрсаткичлар минтақалар ва тараққий этган мамлакатлар, шунингдек, жаҳон стандартлари билан таққослаш, мазкур мамлакат аҳолисининг маърифий ва маънавий даражасини киёсий таҳлил қилиш имконини беради.

158

Қайси кўрсаткичлар аҳолининг социал шароитини тавсифлайди?

Аҳолининг социал шароитини умумлаштириб ифодаловчи кўрсаткичлар жумласига қуйидагилар киради:

- ◆ ишсизлик коэффиценти;
- ◆ иш ҳафтаси ва иш кунининг ўртача узунлиги;
- ◆ меҳнат таътиллари муддати;
- ◆ меҳнат шароити;
- ◆ ҳар 10000 кишига тўғри келган — касалхоналардаги ўринлар сони; шифокорлар сони; санаторий ва дам олиш уйларидаги ўринлар сони;
- ◆ аҳолининг ўртача яшаш умри;
- ◆ бир ёшгача бўлган болалар ўлими (ҳар 1000 аҳолига);
- ◆ оналар ўлими (ҳар 100 000 онага нисбатан);
- ◆ социал ҳимоя даражаси ва ҳ.к.

Бу кўрсаткичлар аҳоли барча табақаларининг социал шароитини яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар тизимининг амалга оширилишини, меҳнат ресурсларидан қай даражада фойдаланиш, меҳнат шароитининг яхшиланиш жараёнини, қишлоқ билан шаҳар аҳолиси турмуш даражасининг яқинлашиши каби тадбирларнинг амалга оширилишини бевосита ифода қилувчи омиллардир.

VI**Б****О****Б****МАКРОИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИК СТАТИСТИКАСИ****7.1. Макроиқтисодий самарадорлик ва унинг
кўрсаткичлар тизими****159**

Макроиқтисодий самарадорлик нима? 210

160

Макроиқтисодий самарадорликни тавсифловчи кўрсаткичлар қандай талабларга жавоб бериши керак? 211

161

Макроиқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қандай таснифланади? 213

162

Макроиқтисодий самарадорликни ҳисоблаш учун қандай бирламчи маълумотлар бўлиши керак? 214

**7.2. Макроиқтисодий самарадорлик
кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби****163**

Макроиқтисодий самарадорликнинг интеграл кўрсаткичи қандай ҳисобланади? 216

164	Ресурсларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири нуқтаи назаридан интеграл кўрсаткичлар қандай ҳисобланади?	218
165	Ресурслардан фойдаланиш нуқтаи назаридан макроиқтисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи қандай ҳисобланади?	219
166	Харажатлар сарфи нуқтаи назаридан макроиқтисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи қандай ҳисобланади?	221
167	Макроиқтисодий самарадорликнинг хусусий кўрсаткичларини ҳисоблаш зарурияти нимада?	222

7.3. Ишлаб чиқариш фазаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

168	Қайси кўрсаткичлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фазаси самарадорлигини ифодалайди?	223
169	Қандай кўрсаткичлар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини тавсифлайди? Улар қандай ҳисобланади?	224
170	Қандай кўрсаткичлар актив (фонд)лардан фойдаланиш даражасини тавсифлайди? Улар қандай ҳисобланади?	226
171	Қайси кўрсаткичлар моддий сарфлардан фойдаланиш даражасини тавсифлайди? Улар қандай ҳисобланади?	227
172	Қайси кўрсаткичлар инвестициядан фойдаланиш даражасини тавсифлайди? Улар қандай ҳисобланади?	229
173	Қайси кўрсаткичлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш таркибининг самарадорлигини тавсифлайди?	231

7.4. Тақсимот, айрибошлаш ва пировард истеъмол фазаларида самарадорлик даражаларини ифодаловчи кўрсаткичлар

174 Тақсимот фазасида самарадорлик қайси кўрсаткичлар ёрдамида тавсифланади? 233

175 Айрибошлаш фазасида самарадорлик қайси кўрсаткичларда ўз аксини топади? 233

176 Истеъмол фазасида самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланадими? 235

7.5. Макроиктисодий самарадорлик даражасига таъсир этувчи омиллар ва уларни статистик таҳлил қилиш усуллари

177 Макроиктисодий самарадорликни оширишнинг экстенсив усули тўғрисида нималар дея оласиз? 236

178 Макроиктисодий самарадорликни оширишнинг интенсив усули деганда нимани тушунасиз? 238

179 Қандай омиллар макроиктисодий самарадорлик даражасига таъсир қилади? 239

180 Макроиктисодий самарадорлик даражасига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишда қандай статистик усуллар қўлланилади? 242

181 Кўп омилли занжирсимон боғланишли индекс усули тўғрисида нималар дея оласиз? 244

Макроиктисодий самарадорлик (МС) — бу нисбий микдор бўлиб, у макроиктисодий самара (МИС)нинг сарфланган макроиктисодий ресурслар (МИР)га бўлган нисбатини ифодалайди:

$$МС = \frac{МИС}{МИР}$$

Бу кўрсаткич синтетик, умумлашган кўрсаткич бўлиб, интеграл характерга эга.

Касрнинг суръати МИС — бу абсолют микдор бўлиб, у ишлаб чиқариш ва кўрсатилган хизматларнинг пировард натижасини ифодалайди. Макроиктисодиётда бу самара яратилган:

- ◆ ялпи ички маҳсулот (ЯИМ);
- ◆ ялпи миллий даромад (ЯМД);
- ◆ ялпи соф маҳсулот (ЯСМ);
- ◆ ялпи соф даромад (ЯСД)да ўз аксини топади.

Касрнинг маҳражи МИР — бу абсолют микдорлар бўлиб, улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида сарфланган:

- ◆ ялпи меҳнат (ЯМ);
- ◆ ялпи хом ашё (ЯХ);

- ◆ ялпи фондлар (ЯФ);
- ◆ ялпи инвестиция (ЯИ) лардир.

Макроиктисодий самарадорлик даражасини тахлил қилишда макроиктисодий статистика бир-бири билан узвий боғланган ва бир-бирини тўлдирадиган кўрсаткичлар тизимини ҳисоблайди.

160

Макроиктисодий самарадорликни тавсифловчи кўрсаткичлар қандай талабларга жавоб бериши керак?

Мамлакат ёки айрим олинган регион (вилоят, туман) миқёсидаги самарадорликни аниқлаш фақат кўрсаткичлар тизими ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Чунки айнан шу тизим:

- ◆ у ёки бу регионнинг ривожланиш хусусиятларини аниқлаш имконини, айти пайтда маҳаллий бошқарув органлари учун ишончли бошқарув механизми вазифасини бажариши мумкин;
- ◆ самарадорликнинг турли кўриниш ва йўналишларини киёслашга имкон беради;
- ◆ самарадорлик даражасига таъсир қилувчи бевосита ва билвосита омилларни аниқлашга ёрдам беради.

Шу нуқтаи назардан макроиктисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизимига қуйидаги талаблар қўйилади (36-жадвал).

36-жадвал

Макроиктисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизимига қўйиладиган талаблар

Т/р	Кўрсаткичлар тизими	Изоҳ
1	2	3
1.	Кўп бўғинли ва серкирра бўлиши зарур	◆ шундагина бу тизим иктисодиётнинг қуйи босқичдан юқори босқичигача бўлган воқеликни акс эттира олиши мумкин.

МАКРОИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК СТАТИСТИКАСИ

1	2	3
2.	Тармоқ ва секторлар самарадорлигини акс эттириши лозим	♦ айрим тармоқ доирасидаги “оғрик” жойларни аниқлашга, муҳим ва муҳим бўлмаган омилларни танлаб олишга, тармоқ сиёсатини қай тарзда олиб бориш лозимлигини белгилаб олишга имкон беради.
3.	Тармоқлараро ва секторлараро самарадорлик даражасини ифодалаш керак	♦ ўзаро бир-бири билан интеграцияда бўлган тармоқлар муносабатларини, уларнинг самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради.
4.	Маъмурий бошқарув самарадорлигини акс эттириши керак	♦ бу кўрсаткичлар вазирлик, қўмита, бирлашма, трест, компания ва ҳ.к.лар тасарруфидаги резидентлар фаолиятининг самарадорлигини таҳлил қилиш имконини беради.
5.	Функционал самарадорликни ифодалаш лозим	♦ бу кўрсаткичлар молиявий, меҳнат ресурслари, истеъмол ва чет эл алоқалари соҳаларидаги самарадорликни ўрганишга имкон беради.
6.	Такрор ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларидаги самарадорликни ифодалаш лозим	♦ макроиқтисодий самаранинг нечоғлик унумли эканлиги унинг ишлаб чиқариш фазасидан кейинги фазалардаги нафи билан белгиланади. Айтайлик, тақсимот фазасида у ёки бу йўналиш учун самаранинг зарур ёки зарур эмаслиги аниқланса, пировард фойдаланиш фазасида эса истеъмолнинг нақадар самарали кондирилганлиги аён бўлади.
7.	Социал жараёни акс эттириши зарур	♦ бу кўрсаткичлар макроиқтисодиёт даражасида аҳолининг турмуш даражасини, ижтимоий ҳимоя сиёсати қандай олиб борилаётганини ифодалайди.
8.	Худудлардаги самарадорлик даражасини ифодалаш зарур	♦ бу кўрсаткичлар айрим худудлар, регион (вилоят, туман) ларда самарадорлик даражаси ва уларни қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

161

Макроиқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қандай таснифланади?

Макроиқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизимига қўйилган талаблардан бири — уларнинг яхлитлиги ва ўзаро боғланган бўлиши шартидир. Шу нуқтаи назардан, бу кўрсаткичлар уч гуруҳга бўлинади:

- ◆ интеграл;
- ◆ умумлаштирувчи;
- ◆ хусусий кўрсаткичлар.

Интеграл кўрсаткич — макроиқтисодий самарадорликни яхлит ифодалайди. У регион микёсидаги кўрсаткич бўлиб, айрим ҳудудларни самарадорлик даражаси бўйича ранжирлашга, уларнинг рейтингларини аниқлашга имкон беради.

Умумлаштирувчи кўрсаткичлар макроиқтисодий самарадорликни мавжуд ресурслар ва ялпи сарфланган харажатлар нуқтаи назаридан ифодалайди.


Хусусий кўрсаткичлар макроиқтисодий самарадорлик даражасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради.

Шу тариқа тузилган кўрсаткичлар тизимини 12-чизмадаги «пирамида»симон кўринишда тасвирлаш мумкин.

215-бетда берилган чизмада: ИК — интеграл кўрсаткич; УК — умумлаштирувчи кўрсаткичлар:

- ◆ P_c — ресурслар самарадорлиги;
- ◆ X_c — харажатлар самарадорлиги;

ИМУ — ижтимоий меҳнат унумдорлиги; АС — активлар самарадорлиги; МХС — моддий харажатлар самарадорлиги; ХК — хусусий кўрсаткичлар.



12-чизма. Макроиктисодий самарадорлик кўрсаткичларининг таснифланиши.

Макроиктисодий самарадорлик кўрсаткичларини интеграл ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлишдан мақсад, бир томондан самарадорликни яхлит ифодалаш бўлса, иккинчи томондан яхлитлик «сояси»даги тафовутларни илғай олмаслик хавфини бартараф этиш ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражасини аниқлашдир.

162

Макроиктисодий самарадорликни ҳисоблаш учун қандай бирламчи маълумотлар бўлиши керак?

Макроиктисодий самарадорликни ҳисоблаш учун энг аввало қуйидаги абсолют бирламчи маълумотлар бўлиши зарур. Уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин (37-жадвал).

Абсолют бирламчи маълумотлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Шартли белгилар
1	2	3
I. Ресурслар		
1.	Аҳолининг ўртача сони	А
2.	Меҳнат ёшида бўлган аҳоли сони	МЕА
3.	Меҳнат ресурслари сони	МР
4.	Халқ хўжалигида банд бўлганлар сони	ХХББ
5.	Моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар сони	МИЧ _Б
6.	Активларнинг ўртача қиймати	АК
7.	Ишлаб чиқаришга янгидан киритилган активлар қиймати	ЯК _{АК}
8.	Ишлаб чиқаришдан чиқариб ташланган активлар қиймати	ИЧҚТ _{АК}
9.	Худуд	Х
10.	Қишлоқ хўжалиги ихтиёрида бўлган жами ер майдони	ЕМ
11.	Ҳайдаладиган ер майдони	ХЕМ
12.	Сугориладиган ер майдони	СЕМ
II. Харажатлар		
13.	Моддий харажатлар қиймати (амортизациясиз)	МХ
14.	Амортизация ажратмалари	А
15.	Жонли меҳнат сарфи	ИХ
16.	Жорий харажатлар	ЖХ
17.	Жорий харажатларга айлантирилган бир йўлақай сарфланган капитал қўйилмалар	СКК
18.	Яхлитликка келтирилган (приведенные) харажатлар	ЯХ
19.	Ялпи инвестиция	ЯИ
20.	Соф инвестиция	СИ

1	2	3
III. Самара		
21.	Ялпи ички маҳсулот	ЯИМ
22.	Ялпи миллий даромад	ЯМД
23.	Соф ички маҳсулот	СИМ
24.	Соф миллий даромад	СМД
25.	Истеъмол фонди	ИФ
26.	Жамғарма фонди	ЖФ

Барча қайд қилинган абсолют кўрсаткичлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш омилларининг ҳажми ва сифатини билдиради.

163 Макроиқтисодий самарадорликнинг интеграл кўрсаткичи қандай ҳисобланади?

Макроиқтисодий самарадорликнинг интеграл кўрсаткичи жамиятдаги ишлаб чиқариш ҳажми, аниқроғи, аҳоли жон бошига яратилган соф миллий даромад (СМД) ҳажми ва унинг ортиб бориши билан ўлчанади:

$$ИК = \frac{СМД}{\bar{A}}$$

Бу ерда: ИК — интеграл кўрсаткич даражаси; СМД — реал соф миллий даромад (солиштирма баҳоларда); \bar{A} — аҳолининг ўртача сони.

Бу кўрсаткич макроиқтисодий самарадорликнинг муайян йилдаги даражасини ифодаласада, унинг нақадар юқори ёки паст даражада эканлигини тавсифлай олмайди. Шу сабабли бу кўрсаткични режа топширигининг бажарилиши, ўтган йил даражасига нисбатан ўзгариши ёки бошқа регион интеграл кўрсаткичи даражасига нисбатан қай даражада эканлигини аниқлаш ўта зарурдир.

Кўзланган режанинг бажарилиш даражаси бўйича интеграл кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$ИК_{рб} = \frac{ИК_x}{ИК_p}$$

Бу ерда: $ИК_{рб}$ — интеграл кўрсаткич бўйича режанинг бажарилиш даражаси; $ИК_x$ — мазкур йилда интеграл кўрсаткичнинг ҳақиқий даражаси (солиштирма баҳоларда); $ИК_p$ — мазкур йил учун режа топшириғи (солиштирма баҳоларда).

Бу кўрсаткич даражаси 1 дан катта бўлса ижобий, яъни кўзланган режанинг бажарилганидан далолат беради. Бу эса мазкур регионнинг халқ фаровонлигини ошириш бўйича саъй-ҳаракатлари ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигини билдиради.

Интеграл кўрсаткичнинг муайян давр ичида қай даражада ўзгарганлиги қуйидагича аниқланади:

$$ИК_d = \frac{ИК_1}{ИК_0} \text{ ёки } \frac{СМД_1}{A_1} : \frac{СМД_0}{A_0}$$

Бу ерда: $ИК_d$ — интеграл кўрсаткичнинг динамикаси; $ИК_1$ — интеграл кўрсаткичнинг жорий йилдаги даражаси (солиштирма баҳоларда); $ИК_0$ — интеграл кўрсаткичнинг базис йилдаги даражаси (солиштирма баҳоларда).

Агар, бу кўрсаткич даражаси 1 дан катта бўлса, демак макроиқтисодий самарадорлик ўтган йилга нисбатан ошган, 1 дан кичик бўлса, у ҳолда мазкур регионда самарадорлик пасайган. Чунки жон бошига тўғри келган соф миллий даромад камайган. Бу, албатта, ачинарли ҳол.

Интеграл кўрсаткични бошқа регионларнинг кўрсаткичи билан ҳам қиёслаб кўриш мумкин:

$$ИК_k = \frac{ИК_A}{ИК_B} \text{ ёки } \frac{СМД_A}{A_A} : \frac{СМД_B}{A_B}$$

Бу ерда: $ИК_K$ — интеграл кўрсаткичнинг қиёсий даражаси; $ИК_A$ — «А» регионнинг интеграл кўрсаткичи (солиштирма баҳоларда); $ИК_B$ — «Б» регионнинг интеграл кўрсаткичи (солиштирма баҳоларда).

Бу кўрсаткич ёрдамида у ёки бу регионнинг иқтисодий юксалишига, самарадорлик даражасига, халқ фаровонлигининг даражасига қиёсий баҳо бериш мумкин. Бундан ташқари, айнан шу кўрсаткичга асосланган ҳолда регионларнинг рейтингини ўрнатиш имкони туғилади.

164

Ресурсларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири нуқтаи назаридан интеграл кўрсаткичлар қандай ҳисобланади?

Умуман олганда СМД нинг ҳажми ва унинг ўсиши асосан икки омилга:

- ◆ ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг сонига;
- ◆ меҳнат унумдорлиги даражасига боғлиқ.

Бироқ улар бошқа бирламчи, иккиламчи ва кейинги омиллар ҳосиласидир. Масалан, ишлаб чиқаришда банд бўлганлар — аҳоли сони (А)га, унинг ишга лаёқатли қисмига ва ишлаган вақтига боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги эса техника тараққиёти ва технологияга, инвестиция кўламига, ишловчиларнинг сонига, маълумоти, малакасига, ресурсларнинг таркиби ҳамда жойлашувига, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳамда бошқарув даражасига боғлиқ ва ҳ.к.¹

Ресурсларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири нуқтаи назаридан интеграл кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

$$\frac{СМД}{А} = \frac{СМД}{ЯМД} \cdot \frac{ЯМД}{АҚ} \cdot \frac{АҚ}{Т_c} \cdot \frac{Т_c}{Т_k} \cdot \frac{Т_k}{Т_m} \cdot \frac{Т_m}{Т_{x/x}} \cdot \frac{Т_{x/x}}{Т_{хмр}} \cdot \frac{Т_{хмр}}{Т_{пмр}} \cdot \frac{Т_{пмр}}{А}$$

¹ Қаранг: Абдуллаев Ё. Сравнительный анализ эффективности региональной экономики. Т., «Меҳнат», 1987, стр. 36-60.

Бу ерда: $AҚ$ — активларнинг ўртача қиймати; T_c — ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда ишланган иш-соатлари; T_k — ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда ишланган иш кунлари; T_m — моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг ўртача сони; $T_{x/x}$ — халқ хўжалигида банд бўлганларнинг ўртача сони; T_{xmp} — ҳақиқий банд бўлган меҳнат ресурсларининг ўртача сони; T_{imp} — потенциал меҳнат ресурсларининг ўртача сони; $СМД/ЯМД$ — моддий харажатлар сарфини қоплаш даражаси (1- $СМД/ЯМД$); $ЯМД/AҚ$ — активлар (асосий фондлар)нинг қопланиш даражаси; $AҚ/T_c$ — ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг актив (асосий фонд)лар билан қуролланиш даражаси; T_c/T_k — соатбай меҳнат унумдорлиги; T_k/T_m — бир йилда битта банд бўлган кишига тўғри келган ишланган кунлар; $T_m/T_{x/x}$ — моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг салмоғи; $T_{x/x}/T_{xmp}$ — халқ хўжалигида ҳақиқий банд бўлганлар салмоғи; T_{xmp}/T_{imp} — банд бўлган меҳнат ресурслари салмоғи; T_{imp}/A — потенциал меҳнат ресурсларининг салмоғи.

Формуладан инсоннинг асосий ишлаб чиқарувчи куч эканлиги кўриниб турибди. Унинг меҳнат фаолиятисиз ҳеч бир самарадорлик ва иқтисодий ўсишга эришиш мумкин эмас.

165 Ресурслардан фойдаланиш нуқтан назаридан макроиқтисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи қандай ҳисобланади?

Хўш, мамлакат, регион (вилоят, туман)даги мавжуд ресурслардан қай даражада фойдаланиляпти? $СМД$ ни яратишга кетган меҳнат сарфи, унинг меҳнат сиғими, материал сарфи — ашё ёки материал сиғими, ишлатилган актив (фонд)лар миқдори, унинг сиғими, ниҳоят $СМД$ ни олиш учун кетган инвестиция сиғими қандай бўлган? Бу саволларга

жавоб топиш учун ресурслардан фойдаланиш даражасини тавсифловчи умумлаштирувчи кўрсаткич ҳисобланади¹:

$$РФД = \frac{СМД}{T_m + \frac{АК}{ИМУ} + \frac{МХ}{ИМУ}}$$

Бу ерда: РФД — ресурслардан фойдаланиш даражаси; T_m — халқ хўжалигида банд бўлган ходимларнинг ўртача сони; АК — актив (фонд)ларнинг ўртача йиллик қиймати; МХ — моддий харажатларнинг ўртача қиймати; ИМУ

— ижтимоий меҳнат унумдорлиги $\frac{СМД}{T_{x/x}}$

Бу кўрсаткич ресурслардан фойдаланиш даражасини ифодаласада, унинг қанчалик самарали ёки самарасиз эканлигини таърифлай олмайди. Шу сабабли унинг қиёсий даражалари ҳам ҳисобланади (38-жадвал).

38-жадвал

Умумлаштирувчи кўрсаткичнинг қиёсий даражалари

Т/р	Умумлаштирувчи кўрсаткич	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	2	3	4
1.	Режа топшириғи бўйича бажарилиш даражаси	$РФД_{РБ} = \frac{РФД_1}{РФД_p}$	РФД _{РБ} - умумлаштирувчи кўрсаткич бўйича режанинг бажарилиш даражаси РФД ₁ - мазкур йилда умумлаштирувчи кўрсаткичнинг ҳақиқий даражаси РФД _р - мазкур йил учун режа топшириғи
2.	Динамикаси	$РФД_Д = \frac{РФД_1}{РФД_0}$	РФД _д - умумлаштирувчи кўрсаткичнинг вақт бўйича динамикаси РФД ₀ - умумлаштирувчи кўрсаткичнинг базис йилдаги даражаси.

¹ Қаранг: Абдуллаев Ё. Региональный аспект статистического изучения эффективности общественного производства. Т., «Фан», 1985, стр. 94-95.

1	2	3	4
3.	Қиёсий даражаси (РФД _к)	$РФД_к = \frac{РФД_А}{РФД_Б}$	РФД _А - «А» регионнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи РФД _Б - «Б» регионнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи

166 Харажатлар сарфи нуқтаи назаридан макроиқтисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи қандай ҳисобланади?

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида қуйидаги сарфлар амалга оширилади:

- ◆ меҳнат сарфи, яъни иш хақи (ИХ);
- ◆ актив (фонд)лар сарфи, яъни амортизация (А);
- ◆ материал, яъни моддий хом ашё сарфи (МХ);
- ◆ инвестиция суммаси (ИС).

СМДнинг барча харажатларга бўлган нисбати макроиқтисодий самарадорликнинг харажатлар сарфи даражаси (ХСД)ни ифодалайди:

$$ХСД = \frac{СМД}{ИХ + А + МХ + ИС}$$

ХСД ҳам меҳнат, ҳам моддий сарфлар тежалишини талаб қилади. Унинг ортиши кам сарфланган ҳолда кўплаб ва сифатли маҳсулот яратилишини билдиради. ХСД уни вужудга келтирган сарфларга нисбатан қаралади, чунки бу сарф — натижа деган умумий қоидалан келиб чиқади. Шу нуқтаи назардан ХСДни қўшимча ўсиш (Δ)лар нисбатлари асосида ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$ХС_с = \frac{\Delta СМД}{\Delta ИХ + \Delta А + \Delta МХ + \Delta ИС}$$

Бу ерда: $XС_c$ — харажатлар сарфи самарадорлиги; $\Delta CМД$ — соф миллий даромад ўсими; $\Delta ИХ$ — иш ҳақи ўсими; $\Delta А$ — амортизация ўсими; $\Delta МХ$ — моддий хом ашё сарфи ўсими; $\Delta ИС$ — инвестиция суммаси ўсими.

Мазкур формула воситасида қилинган сарфлар эвазига қанча маҳсулот олинганини ҳисоблаш мумкин.

$XСД$ нинг ҳам ИК ва РФД кўрсаткичларига ўхшаб қиёсий даражалари ҳисобланади:

$$\Rightarrow XСД_{РБ} = \frac{XСД_1}{XСД_Р} \text{ ёки } \frac{СМД_1}{XС_1} : \frac{СМД_Р}{XС_Р}$$

$$\Rightarrow XСД_Д = \frac{XСД_1}{XСД_0} \text{ ёки } \frac{СМД_1}{XС_1} : \frac{СМД_0}{XС_0}$$

$$\Rightarrow XСД_К = \frac{XСД_А}{XСД_Б} \text{ ёки } \frac{СМД_А}{XС_А} : \frac{СМД_Б}{XС_Б}$$

Биринчи кўрсаткич кўзланган харажатлар сарфи бўйича режанинг қай даражада бажарилганлигини ифодаласа, иккинчи кўрсаткич $XСД$ нинг вақт ичида қандай ўзгарганлигини ифодалайди. $XСД_К$ — бу мазкур кўрсаткичнинг бошқа регион даражасига нисбатан бўлган қиёсий даражадир.

167

Макроиқтисодий самарадорликнинг хусусий кўрсаткичларини ҳисоблаш зарурияти нимада?

Интеграл кўрсаткич мамлакат миқёсидаги социал-иқтисодий самарадорлик даражасини, аниқроғи, жон бошига тўғри келган СМДни характерласа, макроиқтисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари яхлит ҳолда мавжуд ресурслар ва харажатлар сарфи даражасини ифодалайди. Уларга асосланиб у ёки бу регион тўғрисида умумий хулосалар чиқаришимиз мумкин.

Бирок, бу кўрсаткичлар иқтисодий ўсишнинг қайси омиллар таъсирида бевосита таъминланаётганини ифода этолмайди. Бунинг учун самарадорликка таъсир қилувчи хусусий кўрсаткичларни такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазалари миқёсида ҳисоблаш зарур, яъни:

- ◆ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фазаси самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ тақсимот фазаси самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ алмашув фазаси самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ истеъмол фазаси самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Бу кўрсаткичларни регионлар бўйича ҳисоблаш статистик таҳлилни янада чуқурроқ бўлиши имконини беради.

168**Қайси кўрсаткичлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фазаси самарадорлигини ифодалайди?**

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фазаси самарадорлигини қуйидаги беш гуруҳдан иборат хусусий кўрсаткичлар тизими ифодалайди:

- ◆ меҳнат ресурсларидан фойдаланишни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ актив (фонд)лардан фойдаланишни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ моддий сарфлардан фойдаланишни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ инвестициядан фойдаланишни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш таркибини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Барча кўрсаткичларнинг даражалари ва индекслари секторлар, тармоқлар ва ҳудудлар миқёсида ҳисобланади.

169

Қандай кўрсаткичлар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини тавсифлайди? Улар қандай ҳисобланади?

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини тавсифлашда куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади (39-жадвал):

39-жадвал

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Хусусий кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	2	3	4
1.	Ижтимоий меҳнат унумдорлиги даражаси (ИМУ)	$\text{ИМУ} = \frac{\text{СМД}}{\text{T}_{\text{х/х}}}$	♦ халқ хўжалигида банд бўлганлар ($\text{T}_{\text{х/х}}$)нинг ишлаб чиқариш қобилияти ижтимоий меҳнат унумдорлигини билдиради.
2.	Саноатда меҳнат унумдорлиги даражаси ($\text{МУ}_\text{С}$)	$\text{МУ}_\text{С} = \frac{\text{СМ}_\text{С}}{\text{T}_\text{С}}$	$\text{СМ}_\text{С}$ - саноатнинг соф маҳсулоти $\text{T}_\text{С}$ - саноатда банд бўлганлар сони
3.	Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги даражаси ($\text{МУ}_{\text{қ/х}}$)	$\text{МУ}_{\text{қ/х}} = \frac{\text{СМ}_{\text{қ/х}}}{\text{T}_{\text{қ/х}}}$	$\text{СМ}_{\text{қ/х}}$ - қишлоқ хўжалигининг соф маҳсулоти $\text{T}_{\text{қ/х}}$ - қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони
4.	Қурилишда меҳнат унумдорлиги даражаси ($\text{МУ}_\text{қ}$)	$\text{МУ}_\text{қ} = \frac{\text{СМ}_\text{қ}}{\text{T}_\text{қ}}$	$\text{СМ}_\text{қ}$ - қурилишнинг соф маҳсулоти $\text{T}_\text{қ}$ - қурилиш тармоғида банд бўлганлар сони
5.	Давлат секторида меҳнат унумдорлиги даражаси ($\text{МУ}_{\text{дс}}$)	$\text{МУ}_{\text{дс}} = \frac{\text{СМД}_{\text{дс}}}{\text{T}_{\text{дс}}}$	$\text{СМД}_{\text{дс}}$ - давлат секторида яратилган соф миллий даромад $\text{T}_{\text{дс}}$ - давлат секторида банд бўлганлар сони
6.	Нодавлат секторида меҳнат унумдорлиги даражаси ($\text{МУ}_{\text{ндс}}$)	$\text{МУ}_{\text{ндс}} = \frac{\text{СМД}_{\text{ндс}}}{\text{T}_{\text{ндс}}}$	$\text{СМД}_{\text{ндс}}$ - нодавлат секторида яратилган соф миллий даромад $\text{T}_{\text{ндс}}$ - нодавлат секторида банд бўлганлар сони

1	2	3	4
7.	Хусусий секторда меҳнат унумдорлиги даражаси ($МУ_{ХС}$)	$МУ_{ХС} = \frac{СМД_{ХС}}{Т_{ХС}}$	СМД _{ХС} - хусусий секторда яратилган СМД Т _{ХС} - хусусий секторда банд бўлганлар сони
8.	Халқ хўжалигида банд бўлганлар салмоғи ($d_{x/x}$)	$d_{x/x} = \frac{T_{x/x}}{A}$ $d_{x/x_2} = \frac{T_{x/x}}{МЕА}$ $d_{x/x_3} = \frac{T_{x/x}}{МР}$	<ul style="list-style-type: none"> ◆ Бу кўрсаткичлар мавжуд аҳоли сони (\bar{A}), меҳнат ёшидаги аҳоли (МЕА) ва меҳнат ресурслари (МР)нинг қайси бир қисми: ◆ халқ хўжалигининг барча секторларида; ◆ давлат секторида; ◆ нодавлат секторида; ◆ хусусий секторда банд эканлигини ифодалайди
9.	Давлат секторидан банд бўлганлар салмоғи ($d_{ДС}$)	$d_{ДС_1} = \frac{T_{ДС}}{A}$ $d_{ДС_2} = \frac{T_{ДС}}{МЕА}$ $d_{ДС_3} = \frac{T_{ДС}}{МР}$	
10.	Нодавлат секторидан банд бўлганлар салмоғи ($d_{НДС}$)	$d_{НДС_1} = \frac{T_{НДС}}{A}$ $d_{НДС_2} = \frac{T_{НДС}}{МЕА}$ $d_{НДС_3} = \frac{T_{НДС}}{МР}$	Бу салмоқлар қанчалик катта бўлса, ижтимоий меҳнат фаолияти билан банд бўлиш коэффициенти шунчалик юқори бўлади. Ишсизликка барҳам берилади. Меҳнат ресурсларидан мақсадли фойдаланишга эришилади. Бандлик коэффициенти юқори бўлади.
11.	Хусусий сектордан банд бўлганлар салмоғи ($d_{ХС}$)	$d_{ХС_1} = \frac{T_{ХС}}{A}$ $d_{ХС_2} = \frac{T_{ХС}}{МЕА}$ $d_{ХС_3} = \frac{T_{ХС}}{МР}$	

170

Қандай кўрсаткичлар актив (фонд)лардан фойдаланиш даражасини тавсифлайди? Улар қандай ҳисобланади?

Актив (фонд)лардан фойдаланиш даражасини ифодалашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади (40-жадвал).

40-жадвал

Актив (фонд)лардан фойдаланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Хусусий кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	2	3	4
1.	Актив (фонд) қайтими (AK_K)	$AK_K = \frac{СМД}{AK}$	♦ актив (фонд)лардан яхши фойдаланилса, актив (фонд) сизими қисқаради. Активнинг бир сўмига яратилган СМД кўпаяди.
2.	Саноатда актив (фонд) қайтими (AK_c)	$AK_c = \frac{СМ_c}{AK_c}$	$СМ_c$ - саноатнинг соф маҳсулот AK_c - саноат активи (фонди)нинг ўртача қиймати
3.	Қишлоқ хўжалигида актив (фонд) қайтими ($AK_{к/х}$)	$AK_{к/х} = \frac{СМ_{к/х}}{AK_{к/х}}$	$СМ_{к/х}$ - қишлоқ хўжалигининг соф маҳсулот $AK_{к/х}$ - қишлоқ хўжалиги активи (фонди)нинг ўртача қиймати
4.	Қурилишда актив (фонд) қайтими (AK_K)	$AK_K = \frac{СМ_K}{AK_K}$	$СМ_K$ - қурилишнинг соф маҳсулот AK_K - қурилиш активи (фонди)нинг ўртача қиймати
5.	Давлат секторида актив (фонд) қайтими ($AK_{дс}$)	$AK_{дс} = \frac{СМД_{дс}}{AK_{дс}}$	$СМД_{дс}$ - давлат секторида яратилган СМД $AK_{дс}$ - давлат сектори активи (фонди)нинг ўртача қиймати

1	2	3	4
6.	Нодавлат секториди актив (фонд) қайтими	$AK_{ндс} = \frac{СМД_{ндс}}{AK_{ндс}}$	СМД _{ндс} - нодавлат секториди яратилган СМД AK _{ндс} - нодавлат сектор активи (фонди)нинг ўртача қиймати
7.	Хусусий секторда актив (фонд) қайтими (AK _{хс})	$AK_{хс} = \frac{СМД_{хс}}{AK_{хс}}$	СМД _{хс} - хусусий секторда яратилган СМД AK _{хс} - хусусий сектор активи (фонди)нинг ўртача қиймати
8.	Давлат секториди актив (фонд)лар салмоғи (d _{ндс})	$d_{ндс} = \frac{\overline{AK_{ндс}}}{\sum AK}$	♦ бозор иқтисодиёти шароитида нодавлат сектор, хусусан, хусусий секторнинг жами актив (фонд)лари ($\sum AK$) қийматидаги салмоғи нисбатан ошиб боради.
9.	Нодавлат секториди актив (фонд)лар салмоғи (d _{ндс})	$d_{ндс} = \frac{\overline{AK_{ндс}}}{\sum AK}$	$\sum AK$ - жами активларнинг ўртача қиймати
10.	Хусусий секторда актив (фонд)лар салмоғи (d _{хс})	$d_{хс} = \frac{\overline{AK_{хс}}}{\sum AK}$	
11.	Амортизация салмоғи (d _а)	$d_a = \frac{A}{\sum AK}$	A - амортизация суммаси

171

Қайси кўрсаткичлар моддий сарфлардан фойдаланиш даражасини тавсифлайди? Улар қандай ҳисобланади?

Қуйидаги кўрсаткичлар моддий сарфлардан фойдаланиш даражасини ифодалайди (41-жадвал).

Моддий сарфлардан фойдаланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Хусусий кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	2	3	4
1.	Моддий сарфлар қайтими ($МС_K$)	$МС_K = \frac{СМД}{МС}$	♦ маҳсулотни яратишга кетган моддий хом ашё, харажатлар камайса, материаллар тежаб ишлатилса уларнинг сифими камаяди. Моддий сарфлар қайтими ошади.
2.	Саноатда моддий сарфлар қайтими ($МСК_C$)	$МСК_C = \frac{СМ_C}{МС_C}$	МС - моддий сарфлар қиймати. МС _С - саноатдаги моддий сарфлар СМ _С - саноатдаги соф маҳсулот
3.	Қишлоқ хўжалигида сарфлар қайтими ($МСК_{к/х}$)	$МСК_{к/х} = \frac{СМ_{к/х}}{МС_{к/х}}$	МС _{к/х} - қишлоқ хўжалигида сарфланган моддий ашёлар. СМ _{к/х} - қишлоқ хўжалигидаги соф маҳсулот
4.	Қурилишда моддий сарфлар қайтими ($МСК_K$)	$МСК_K = \frac{СМ_K}{МС_K}$	МС _К - қурилишда моддий сарфлар. СМ _К - қурилишдаги соф маҳсулот
5.	Давлат секторида сарфлар қайтими ($МСК_{дс}$)	$МСК_{дс} = \frac{СМД_{дс}}{МС_{дс}}$	СМД _{дс} - давлат секторидаги соф миллий даромад МС _{дс} - давлат секторидаги моддий сарфлар
6.	Нодавлат секторида сарфлар қайтими ($МСК_{ндс}$)	$МСК_{ндс} = \frac{СМД_{ндс}}{МС_{ндс}}$	МС _{ндс} - нодавлат секторидаги моддий сарфлар СМД _{ндс} - нодавлат секторидаги соф миллий даромад.

1	2	3	4
7	Хусусий секторда сарфлар қайтими (МСК _{хс})	$МСК_{хс} = \frac{СМД_{хс}}{МС_{хс}}$	МС _{хс} - хусусий сектордаги моддий сарфлар СМД _{хс} - хусусий сектордаги соф миллий даромад
8.	Саноатда моддий сарфлар салмоғи (d _с)	$d_c = \frac{МС_c}{\sum МС}$	ΣМС- халқ хўжалигида сарфланган жами сарфлар
9.	Қишлоқ хўжалигида моддий сарфлар салмоғи (d _{қ/х})	$d_{қ/х} = \frac{МС_{қ/х}}{\sum МС}$	Самарадорлик моддий сарфларнинг тежалишини талаб қилади.
10.	Қурилишда моддий сарфлар қайтими (d _қ)	$d_к = \frac{МС_к}{\sum МС}$	Моддий сарф қанчалик самарали бўлса, шунчалик унинг сиғими камаяди.
11.	Давлат секторида моддий сарфлар салмоғи (d _{дс})	$d_{дс} = \frac{МС_{дс}}{\sum МС}$	
12.	Нодавлат секторида моддий сарфлар салмоғи (d _{ндс})	$d_{ндс} = \frac{МС_{ндс}}{\sum МС}$	
13.	Хусусий секторда моддий сарфлар салмоғи (d _{хс})	$d_{хс} = \frac{МС_{хс}}{\sum МС}$	

172

Қайси кўрсаткичлар инвестициядан фойдаланиш даражасини тавсифлайди? Улар қандай ҳисобланади?

Макроиқтисодий самарадорлик инвестицион ресурсиз бўлиши мумкин эмас. Бу ресурс ўз моҳияти билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилгандир. Умуман ресурсларни ишлаб чиқаришга йўналтириш иқтисодий ўсишни инвестициялаш дейилади. Инвестициялар капитал маблағлар деб ҳам юритилади. Улар икки кўринишда бўлади:

- ◆ номинал инвестиция;
- ◆ реал инвестиция.

Номинал инвестиция пул шаклидаги инвестициядир. Унинг миқдори базис ва жорий даврда қўйилган пул ўрта-сидаги мутлақ фарқ билан аниқланади:

$$\Delta \text{НИ} = \text{НИ}_1 - \text{НИ}_0; J_{\text{ни}} = \frac{\text{НИ}_1}{\text{НИ}_0}$$

Бу ерда: $\Delta \text{НИ}$ — номинал инвестициянинг мутлақ ўсиши; НИ_0 ва НИ_1 — базис ва жорий даврлардаги номинал инвестиция; $J_{\text{ни}}$ — номинал инвестиция индекси.

Инвестиция учун ажратилган пулга машина, ускуна, ёқилғи, материал, хом ашё сотиб олинади ва ишлаб чиқаришга жалб қилинади. Аммо НИ инвестициянинг ҳақиқий даражасини ифода этолмайди. Чунки, бу ерда инфляция даражаси инobatга олинмайди. Шу сабабли инвестицияни инфляциядан холи этиб ҳисоблаш керак. Бунинг учун реал инвестицияни ҳисоблаш лозим.

Реал инвестиция моддий шаклда бўлиб, номинал инвестицияни моддий ресурсларга айлантиришда баҳонинг ўзгаришини инobatга олган ҳолда ҳисобланган инвестициядир. У қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{РИ} = \text{НИ} : J_p$$

Бу ерда: РИ — реал инвестиция; $J_p = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0}$ — баҳонинг умумий индекси.

Инвестиция икки қисмдан иборат бўлади:

- ◆ қоплаш фонди, яъни амортизация фонди;
- ◆ соф инвестиция ёки жамғарма фонди.

Соф инвестициянинг мутлақ ва нисбий меъёри мавжуд. Инвестициянинг умумий миқдори унинг мутлақ меъёри дейилади ва пул шаклида белгиланади. Соф инвестициянинг соф миллий даромаддаги салмоғи унинг меъёрини ёки даражасини билдиради. Бу нисбий меъёр бўлиб, уни жамғарма меъёри деб ҳам юритилади:

$$\text{ЖМ} = \frac{\text{СИ}}{\text{СМД}} \cdot 100$$

Бу ерда: ЖМ — жамғарма меъёри ёки инвестиция меъёри; СИ — соф инвестиция; СМД — соф миллий даромад.

Реал инвестициянинг натижаси — бу эришилган самара ёки иқтисодий ўсишдир. Унинг самарадорлиги ($P_{иc}$)ни аниқлаш учун соф миллий даромад ўсими ($\Delta\text{СМД}$)ни соф инвестиция ўсими ($\Delta\text{СИ}$)га бўлиш керак:

$$P_{иc} = \frac{\Delta\text{СМД}}{\Delta\text{СИ}}$$

Масалан, инвестиция ўсими 10 миллиард сўм бўлиб, у 5 миллиард сўмга тенг қўшимча соф миллий даромад берса, инвестиция самараси қуйидагича ҳисобланади:

$$P_{иc} = \frac{\Delta\text{СМД}}{\Delta\text{СИ}} = \frac{5}{10} = 0,5$$

Демак, бир сўмлик инвестиция 50 тийинлик қўшимча соф миллий даромад берган. Агар СМД 60 тийинга етса, инвестиция самарадорлиги ўсган бўлади. Агар 40 тийинга тушган бўлса, самарадорлик пасайган бўлади.

Инвестициянинг самарадорлиги, асосан, инвестицияни қайси соҳага жойлаштиришга ва уларни қайси йўналишда ишлатишга боғлиқ. Агар инвестиция бозори чаккон товарларни ишлаб чиқаришга, истиқболли соҳаларга қўйилса, янги, юксак унумли технологияни жорий этишга сарфланса, меҳнат унумдорлиги тез ўсиб, самарадорлик юқори бўлади.

173

Қайси кўрсаткичлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш таркибининг самарадорлигини тавсифлайди?

Собиқ иттифоқ даврида шаклланган ишлаб чиқариш таркиби бугунги давр талабига жавоб бермай қўйди. Республикалараро мавжуд иқтисодий алоқалар заифлашди. Шундай шароитда таркибий тузилишда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир.

Издан чиққан, хом ашё етиштиришга қаратилган, чуқур ҳудудий номутаносибликларга ҳамда маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш базасига эга

бўлган иқтисодиётни замон талабига жавоб берувчи иқтисодиётга айлантириш учун қуйидаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бугунги куннинг бош вазифаларидан ҳисобланади:

- ◆ хом ашё етиштиришга мўлжалланган иқтисодиётимизнинг бир томонламалигини қатъиян бартараф этиш;
- ◆ тармоқ тузилишини тубдан ўзгартириш;
- ◆ «Умумиттифоқ миқёсида ихтисослаштириш» шиори остида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл қўйилган номутаносибликни тугатиш;
- ◆ тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш;
- ◆ маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш.

Бу таркибий ўзгаришларни қуйидаги кўрсаткичларда ифодалаш мумкин (42-жадвал):

42-жадвал

Ишлаб чиқариш таркиби самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Хусусий кўрсаткичлар	Ҳисобот тартиби	Изоҳ
1.	Ихтисослашиш коэффициенти ($K_{\text{ихт}}$)	$K_{\text{ихт}} = \frac{\text{ЯСМ}_i}{\text{ЯМД}}$	ЯСМ _і - і тармоқнинг ёки і секторнинг ялпи соф маҳсулоти Бу кўрсаткич у ёки бу тармоқ (сектор)нинг ЯМД даги салмоғини ифодалайди.
2.	Регионлараро товарлилик коэффициенти (K_r)	$K_r = \frac{T_r}{T_{\text{иг}}}$	T_r - четта чиқарилган і маҳсулот; $T_{\text{иг}}$ - мазкур регионда ишлаб чиқарилган і маҳсулот
3.	Регион иқтисодиётининг пропорционал ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар		<ul style="list-style-type: none"> ◆ $\frac{1(v+m)}{1c} > 1$ ◆ $\frac{1(c+v+m)}{(1c+1c)} > 1$ ◆ $\frac{1(v+m)+11(v+m)}{11(c+v+m)} > 1$

174 Тақсимот фазасида самарадорлик қайси кўрсаткичлар ёрдамида тавсифланади?

Тақсимот ва айрибошлаш фазаларида ижтимоий маҳсулот тақсимланади ва қайта тақсимланади. Бу ердаги жараён ва унинг самарадорлиги қатор кўрсаткичлар ёрдамида тавсифланади. Жумладан, тақсимот фазаси бўйича қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

- ◆ истеъмол фонди (ИФ) салмоғи ($d_{иф}$):

$$d_{иф} = \frac{ИФ}{ЯМД};$$

- ◆ жамғарма фонди (ЖФ) салмоғи ($d_{жф}$):

$$d_{жф} = \frac{ЖФ}{ЯМД};$$

- ◆ давлат бюджетига тушган солиқ ва йиғимлар (СЙ)

салмоғи ($d_{сй}$): $d_{сй} = \frac{СЙ}{ЯМД}.$

Тақсимот жараёнида мазкур муносибликларни таъминлаш макроиқтисодий самарадорликни ошириш имкониятини беради.

175 Айрибошлаш фазасида самарадорлик қайси кўрсаткичларда ўз аксини топади?

Айрибошлаш фазасида маҳсулотлар ва хизматлар яратилмайди, балки маълум миқдорий нисбатда бир-бирига алмаштирилади. Бу жараён икки хил кечади:

- ◆ маҳсулот айрибошлаш;
- ◆ товар айрибошлаш.

Бир маҳсулотнинг бевосита бошқасига тўғридан-тўғри, лекин маълум миқдорий нисбатда айрибошланиши **бартер** деб юритилади. Бартер — айрибошлашнинг қулай

бўлмаган колоқ усули, олди-берди алоқалари ибтидоий бўлган ёки издан чиққанда, пул шиддатли кадрсизланганда қўлланилади. Меъёрдаги иқтисодий шароитида товар айрибошлаш амал қилади. Бир маҳсулотнинг бошқасига пул воситасида ва маълум нарх асосида, яъни олди-сотди йўли билан айрибошлаш товар айрибошлаш дейилади.

Айрибошлаш фаолияти самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топади:

- ◆ экспорт, жами, ш.ж. маҳсулотлар бўйича;
- ◆ импорт, жами, ш.ж. маҳсулотлар бўйича;
- ◆ ташқи иқтисодий алоқалар қолдиғи (+, -);
- ◆ экзоген(ташқи) алоқалар коэффицентлари;
- ◆ товар алмашувнинг актив коэффицентлари = $\frac{R_1}{R_2} > 1$
- ◆ товар алмашувнинг пассив коэффицентлари = $\frac{R_1}{R_2} < 1$
- ◆ товар алмашувнинг нейтрал коэффицентлари
= $\frac{R_1}{R_2} = 1$

Бу ерда: R_1 — четга товар чиқариш; R_2 — четдан товар олиб келиш.

Қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) алоқалар таъсири остида шаклланган ишлаб чиқариш ва истеъмолни характерлаш мумкин:

$$R_3 > R_1 + R_2$$

$$R_{\text{ич}} = R_1 + R_2$$

$$R_{\text{ист}} = R_3 + R_2$$

$$K_{\text{та}} = \frac{R_{\text{ич}}}{R_{\text{ист}}}$$

Бу ерда: R_3 — мазкур регионда ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган i маҳсулот; $R_{\text{ич}}$ — регионда ишлаб чиқарилган i маҳсулот; $R_{\text{ист}}$ — регионда истеъмол қилинган i маҳсулот; $K_{\text{та}}$ — товар алмашув коэффицентлари.

176

Истеъмол фазасида самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланадими?

Истеъмол маҳсулотни амалда, яъни эҳтиёжни қондириш учун ишлатиш демакдир. Кенгайган такрор ишлаб чиқаришнинг сўнгги фазасида пировард истеъмол қуйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топади:

$$\diamond d_{иф} = \frac{ИФ}{СМД} ;$$

$$\diamond d_{ииф} = \frac{ИИФ}{СМД} ;$$

$$\diamond d_{шиф} = \frac{ШИФ}{ИФ} .$$

Шахсий ва ижтимоий истеъмол ўртасидаги нисбатларнинг самарадорлиги қуйидаги мутаносибликни талаб қилади:

$$\frac{\Delta ШИ}{ШИФ} \geq \frac{\Delta ЯМД}{ЯМД} \geq \frac{\Delta ИИФ}{ИИФ}$$

Бу ерда: ИФ — истеъмол фонди; ИИФ — ижтимоий истеъмол фонди; ШИФ — шахсий истеъмол; Δ — тегишли истеъмол фондларининг ўсими; ЯМД — ялпи миллий даромад.

Истеъмол фазасида жамғариш фонди меъёрини белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жамғариш фонди икки қисмга ажратилади:

- ♦ ишлаб чиқариш соҳасига сарфланадиган жамғариш фонди. У моддий ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтиришга, янги корхоналар қуришга, модернизациялашга сарфланади;
- ♦ ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланадиган жамғариш фонди. Бу фонд уй-жой, касалхоналар, ўқув муассасалари, боғчаларни қуришга, фан-маданиятни ривожлантиришга сарфланади.

Истеъмол ва жамғарма фондларининг ЯМД га нисбатан эластиклигини аниқлаш мақсадида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланилади:

$$\mathcal{E}_{\text{иф}} = \frac{\Delta\text{ИФ}}{\Delta\text{ЯМД}};$$

$$\mathcal{E}_{\text{жф}} = \frac{\Delta\text{ЖФ}}{\Delta\text{ЯМД}};$$

$$K_3 = \frac{\mathcal{E}_{\text{иф}}}{\mathcal{E}_{\text{жф}}}$$

Бу ерда: ЖФ — жамғарма фонди; $\mathcal{E}_{\text{иф}}$ — истеъмол фондининг эластиклиги; $\mathcal{E}_{\text{жф}}$ — жамғарма фондининг эластиклиги; $\Delta\text{ИФ}$ — истеъмол фонди ўсими; $\Delta\text{ЖФ}$ — жамғарма фонди ўсими; $\Delta\text{ЯМД}$ — ялпи миллий даромад ўсими; K_3 — илгарилаш коэффициенти.

Агар $K_3 > 1$ бўлса, у ҳолда ЯМД нинг ўсган қисми кўпроқ истеъмолга, $K_3 < 1$ бўлса жамғармага қўйилган бўлади. Биринчи ҳолда ЯМД чегараланган истеъмолга, иккинчи ҳолда эса жамғармага мойиллик дейилади.

177

Макроиқтисодий самарадорликни оширишнинг экстенсив усули тўғрисида нималар дея оласиз?

Макроиқтисодий самарадорлик даражасига баҳо беришда унинг қандай сарфлар ҳисобига ва қандай усуллар билан таъминланганлигига ҳам эътибор берилади. Бу ерда сўз макроиқтисодий самарадорликни оширишнинг:

- ◆ экстенсив ва
- ◆ интенсив усуллари тўғрисида бораёпти.

Экстенсив усул деганда қўшимча ресурсларни сарфлаш ҳисобига макроиқтисодий самарадорликнинг оширилишини таъминлаш тушунилади. Бундай усулда асосан микродорий омиллар ҳаракатта келтирилади, яъни:

- ◆ кўпроқ янги ерлар очилади;
- ◆ конлар ва йўллар ишга туширилади;
- ◆ янги завод-фабрикалар, цехлар қурилади;
- ◆ ишлаб турган корхоналардаги дастгоҳлар кўпайтирилади;
- ◆ ишловчиларнинг сони ортади.

Бирок меҳнат унумдорлиги ошмайди, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари қисқармайди. Экстенсив усул ресурсларнинг кўпроқ ишлатилишига асосланганлигидан, охир-оқибат ресурсларнинг етишмаслиги муаммоси пайдо бўлади. Ресурслар камайиб бориши билан бу усул иш бермай қўяди. Мазкур усул табиатни авайлаш ва унинг ресурсларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш талабларига жавоб бермайди. Натижада самарадорликнинг ўсиши ресурслар камёблиги билан сиғишмай қолади, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўрнига унинг қисқариши юз беради.

Бу усулда омилларнинг мутлақ ўсиши уларнинг қўшимча ўсиш даражасидан тезроқ кечади. Масалан,

- ◆ ишчи кучидан фойдаланишда:

$$1 < J_{\text{снд}} = J_{\text{снд}} \leq J_{\text{м}} = J_{\text{м}} > 1 \text{ ёки } \frac{J_{\text{снд}}}{J_{\text{м}}} > \frac{\Delta \text{СМД}}{\Delta T};$$

- ◆ актив (фонд)лардан фойдаланишда:

$$1 < J_{\text{снд}} = J_{\text{снд}} \leq J_{\text{ак}} = J_{\text{ак}} > 1 \text{ ёки } \frac{J_{\text{снд}}}{J_{\text{м}}} > \frac{\Delta \text{СМД}}{\Delta \text{АК}};$$

- ◆ моддий харажат (пассив)лардан фойдаланишда:

$$1 < J_{\text{снд}} = J_{\text{снд}} \leq J_{\text{МХ}} = J_{\text{МХ}} > 1 \text{ ёки } \frac{J_{\text{снд}}}{J_{\text{МХ}}} > \frac{\Delta \text{СМД}}{\Delta \text{МХ}}$$

Экстенсив усулнинг истикболи йўқ, чунки бу усулда эҳтиёжлар тўлароқ қондирилмайди, ресурслар ишлаб чиқариш учун етишмай қолади. Шу боисдан самарадорликни оширишнинг интенсив усулига ўтилади.

178

Макроиқтисодий самарадорликни оширишнинг интенсив усули деганда нимани тушунасиз?

Интенсив усулда ресурсларни тежаб-тергаб, улардан унумли фойдаланиш ҳисобига макроиқтисодий самарадорликни оширилади. Бу усул кам ресурс сарфлангани ҳолда ўсиб борадиган талаб-эҳтиёжни тўлароқ кондиришга, бинобарин, аҳоли фаровонлигини узлуксиз кондиришга қодир бўлади.

Интенсив усул:

- ◆ ЯИМнинг миқдоран кўпайиб боришини;
- ◆ маҳсулот ва хизматлар сифатининг ошиб боришини билдиради.

Бу усулда ишлаб чиқариш омиларининг мутлак ўсиши билан кўшимча ўсиши ўртасидаги нисбатлар қуйидагича бўлиши кутилади:

- ◆ ишчи кучидан фойдаланишда:

$$1 < J_{\text{смд}} = J_{\text{смд}} > J_{\text{м}} = J_{\text{м}} \geq 1 \text{ ёки } \frac{J_{\text{смд}}}{J_{\text{т}}} < \frac{\Delta \text{смд}}{\Delta \text{т}} ;$$

- ◆ актив (фонд)лардан фойдаланишда:

$$1 < J_{\text{смд}} = J_{\text{смд}} > J_{\text{ак}} = J_{\text{ак}} \geq 1 \text{ ёки } \frac{J_{\text{смд}}}{J_{\text{ак}}} < \frac{\Delta \text{смд}}{\Delta \text{ак}} ;$$

- ◆ моддий харажат(пассив)лардан фойдаланишда:

$$1 < J_{\text{смд}} = J_{\text{смд}} > J_{\text{мх}} = J_{\text{мх}} \geq 1 \text{ ёки } \frac{J_{\text{смд}}}{J_{\text{мх}}} < \frac{\Delta \text{смд}}{\Delta \text{мх}}$$

Интенсив усулга ўтиш учун меҳнат унумдорлигини оширишга ва сифатли маҳсулот яратишга қодир бўлган юксак технология ҳамда малакали ишчи кучи талаб қилинади. Бу усул табиатан тежамли усул бўлиб:

- ◆ фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг қўллашни;
- ◆ ишловчиларнинг билим савияси ва меҳнат малакасини ошириб боришни;
- ◆ менежментнинг самарали усулларини ишлатишни талаб қилади.

Муайян иқтисодий ўсиш шароитида ҳам экстенсив, ҳам интенсив усул биргаликда, бир вақтнинг ўзида ҳаракатда бўлади. Аммо улардан қайси бирининг макроиқтисодий самарадорликни оширишда аҳамияти кучли бўлса, шунга қараб экстенсив ёки интенсив усул устун деб айтиш мумкин.

179 Қандай омиллар макроиқтисодий самарадорлик даражасига таъсир қилади?

Макроиқтисодий самарадорлик даражасига таъсир қилувчи омилларни қуйидагича тартиблаш мумкин (43-жадвал).

43-жадвал

Макроиқтисодий самарадорлик даражасига таъсир этувчи омиллар

Т/р	Омиллар Кўрсаткичлар	Ишчи кучи	Ишлаб чиқариш воситалари	
			Меҳнат воситалари	Меҳнат предметлари
1	2	3	4	5
1.	Экстенсив ўсиш кўрсаткичлари	* халқ хўжалигида банд бўлганлар сонининг кўпайиши	* актив (фонд)лар қийматининг ошиши * ялпи инвестициянинг кўпайиши	* моддий айланма маблағлар қийматининг ўсиши * ялпи моддий ҳаражатларнинг кўпайиши

МАКРОИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК СТАТИСТИКАСИ

1	2	3	4	5
			* иқтисодий айланмага жалб этилган ерларнинг кўпайиши	
2.	Интенсив ўсиш кўрсаткичлари	* ижтимоий меҳнат унумдорлиги даражасининг ўсиши * ялпи ресурсларнинг бир бирлигига тўғри келган СМДнинг ўсиши	* актив (фонд)лар кайтими * соф инвестиция кайтими * қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигининг ўсиши * чорва моллари маҳсулдорлигининг ўсиши	* моддий маблағлар кайтими * айланма фондлар айланишининг теълиги * ялпи харажатларнинг бир бирлигига тўғри келган СМДнинг ўсиши
3.	Тармоқ, секторлар омилини тавсифловчи кўрсаткичлар	* тармоқлардаги бандлик таркиби * тармоқлардаги меҳнат унумдорлиги даражаси * ишга қабул қилиш коэффициенти * қўнимсизлик коэффициенти	* тармоқлардаги актив (фонд)лар таркиби * тармоқлардаги актив (фонд)лар сифими * тармоқлардаги соф инвестиция сифими * активларни янгилаш коэффициенти * актив (фонд)лар билан қуролланганлик даражаси * электр энергияси билан қуролланиш даражаси * актив (фонд)ларни ишлаб чиқаришдан чиқариб ташланиш коэффициенти	* тармоқлардаги моддий харажатлар таркиби * тармоқлардаги моддий харажатлар сифими * айланма маблағларнинг тармоқ таркиби

МАКРОИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК СТАТИСТИКАСИ

1	2	3	4	5
4.	Таркибий омилларни тавсифловчи кўрсаткичлар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ халқ хўжалигида банд бўлганларнинг: * жами аҳоли сонигадаги салмоғи; * меҳнат ресурслари сонигадаги салмоғи; * иқтисодий фаол аҳолининг салмоғи * умумий ва касб-ҳунар таълим даражаси ◆ ялпи ресурсга нисбатан: * меҳнат ресурсларнинг салмоғи * активларнинг салмоғи; * моддий айланма маблағлар салмоғи * ишчи кучининг жинси, ёши * меҳнат стажлари ва категориялари бўйича таркиби * иш куни, иш ҳафласи, иш йилининг давомии.лиги 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ ишлаб чиқариш секторида банд бўлган актив (фонд)ларнинг жами активлар қийматидаги салмоғи * активлар фаол қисмининг жами активлар қийматидаги салмоғи * ишлаб чиқаришга қўйилган инвестициянинг ялпи инвестициядаги салмоғи ◆ суғориладиган ерларнинг: * жами экин майдонидаги салмоғи * жами қишлоқ хўжалиги экин майдонидаги салмоғи 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ моддий айланма қийматининг: * жами активлар қийматидаги салмоғи * ишлаб чиқариш секторидаги активлар қийматидаги салмоғи * ялпи айланма воситалари қийматидаги салмоғи ◆ ялпи харajatларга нисбатан: * иш хақи фонди салмоғи * амортизация ажратмаларининг салмоғи * ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харajatларининг таркиби

1	2	3
5.	Худудий омиллари тавсифловчи кўрсаткичлар	<ul style="list-style-type: none"> * худудий бошқарув қарорларининг самарадорлиги * ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиш самарадорлиги * ихтисослаштириш коэффициенти; * концентрация даражаси; * мамлакатдан чиқариладиган ва мамлакатга олиб келинадиган маҳсулотлар нисбати (жамига нисбатан % ҳисобида) * мамлакатга олиб келинадиган маҳсулотнинг жами истеъмол қилинган маҳсулот қийматига нисбатан салмоғи; * мамлакатдан чиқариладиган маҳсулотнинг жами истеъмол қилинган маҳсулот қийматига нисбатан салмоғи; * мамлакатга олиб келинадиган ва мамлакатдан чиқариладиган маҳсулотнинг тармоқлар миқёсидаги таркиби.
6.	Иқтисодий-табиий омиллари тавсифловчи кўрсаткичлар	<ul style="list-style-type: none"> * ишлаб чиқаришнинг қимматга тушиши (худуднинг қатталиги, гидрошаҳобчаларнинг ривожланмаганлиги ва ҳ.к.) * ишлаб чиқаришнинг арзонга тушиши (табиий ресурсларга бой эканлиги, табиий шароитнинг қулайлиги ва ҳ.к.)

180 Макроиқтисодий самарадорлик даражасига таъсир қилувчи омиллари таҳлил қилишда қандай статистик усуллар қўлланилади?

Макроиқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омиллари таҳлил қилишда қуйидаги статистик усуллар қўлланилади¹

- ◆ гуруҳлаш усули;
- ◆ график усули;
- ◆ индекс усули;
- ◆ ўзаро боғланган параллел қаторларни тузиш усули;

¹ Бу ҳақда мазкур туркумнинг «Статистика назарияси: 100 савол китобида батафсил баён этилган

- ◆ корреляцион регрессион усул;
- ◆ дисперсион таҳлил усули;
- ◆ алоқадор омилларни моделлаштириш усули ва бошқа усуллар.

Масалан, соф миллий даромад (СМД)нинг ҳажми уни яратишга кетган:

- ◆ меҳнат сарфи (Т) ва унинг унумдорлиги билан;
- ◆ материал сарфи ва унинг материал харажатлар (МХ) ёки хом ашё қайтими билан;
- ◆ ишлатилган актив (фонд)лар миқдори ва унинг активлар қайтими (АҚ) билан;
- ◆ ялпи инвестиция сарфи (ЯИ) ва унинг инвестиция қайтими билан белгиланади.

Мазкур боғланишларга асосланиб туриб СМДнинг ҳажмини ҳисоблаш мумкин:

- ◆ $СМД = Т \cdot \frac{СМД}{Т}$
- ◆ $СМД = МХ \cdot \frac{СМД}{МХ}$
- ◆ $СМД = АҚ \cdot \frac{СМД}{АҚ}$ *ва ҳ.к.*

Омилларнинг вақт ичидаги ўзгариши ва таъсирини аниқлашда индекс усулини қўллаш жуда ҳам қўл келади:

$$J_{СМД} = \frac{\sum T_1 M Y_1}{\sum T_0 M Y_0}$$

$$J_{СМД} = \frac{\sum T_1 M Y_0}{\sum T_0 M Y_0} \cdot \frac{\sum T_1 M Y_1}{\sum T_1 M Y_0}$$

$$J_{СМД} = J_T \cdot J_{MY}$$

Бу ерда: $J_{СМД}$ — соф миллий даромад индекси; $M Y_0$ ва $M Y_1$ — меҳнат унумдорлигининг жорий ва базис даврдаги даражалари; T_0 ва T_1 — базис ва жорий даврларда ишлаб

чиқаришда банд бўлганлар сони; J_T — ишлаб чиқаришда банд бўлганлар индекси; $J_{му}$ — меҳнат унумдорлиги индекси.

T_0 ва T_1 ларнинг қисқариши эвазига СМД нинг кўшимча ўсиши куйидагича аниқланади:

$$\Delta СМД = \sum T_1 \mu_{0_0} - \sum T_0 \mu_{0_0}$$

μ_{0_0} ва μ_{1_1} нинг ўзгариши эвазига СМДнинг кўшимча ўсиши куйидагича аниқланади:

$$\Delta СМД = \sum T_1 \mu_{1_1} - \sum T_1 \mu_{0_0}$$

Индекс усули ёрдамида асосан икки омил таъсири остида СМДнинг кўшимча ўсиши аниқланади. Уч ва ундан ортиқ омиллар эвазига СМДнинг ўзгаришини аниқлаш учун занжирли боғланишли кўп омилли индекс усулидан фойдаланилади.

181

Кўп омилли занжирсимон боғланишли индекс усули тўғрисида нималар дея оласиз?

Бу усулда СМД га таъсир этувчи омилларнинг базис даврдаги даражалари кетма-кет равишда жорий давр даражалари билан алмаштирилиб борилади ва шу тариқа СМДнинг кўшимча ўсишига таъсир қилувчи омилларнинг хиссаси аниқланиб борилади, яъни:

$СМД_0 = (a_0 \ b_0 \ v_0 \ r_0 \ d_0 \cdot e_0)$ - СМДнинг базис даврдаги хажми;

$СМД_n = (a_1 \ b_0 \ v_0 \ r_0 \ d_0 \cdot e_0)$ - СМДнинг қисман ўзгартирилган хажми;

$СМД_n = (a_1 \ b_1 \ v_0 \ r_0 \ d_0 \cdot e_0)$ - СМДнинг қисман ўзгартирилган хажми;

$СМД_1 = (a_1 \ b_1 \ \dots \ d_1 \cdot e_1)$ - СМДнинг жорий даврдаги хажми.

СМД ҳажмининг умумий ўзгаришини қуйидаги индекс ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$J_{\text{сма}} = \frac{a_1 \cdot b_1 \cdot v_1 \cdot r_1 \cdot d_1 \cdot e_1}{a_0 \cdot b_0 \cdot v_0 \cdot r_0 \cdot d_0 \cdot e_0} \quad \text{ёки} \quad J_{\text{сма}} = J_a \cdot J_b \cdot J_v \cdot J_r \cdot J_d \cdot J_e.$$

Формуланинг сурати билан махражи ўртасидаги тафовут СМД нинг барча омиллар эвазига ўзгарганлигини ифодалайди. СМД нинг айрим омиллар эвазига ўзгарганлиги қуйидагича аниқланади:

$$\text{«а» омил эвазига: } J_a = \frac{a_1 \cdot b_1 \cdot v_1 \cdot r_1 \cdot d_1 \cdot e_1}{a_0 \cdot b_1 \cdot v_1 \cdot r_1 \cdot d_1 \cdot e_1};$$

$$\text{«б» омил эвазига: } J_b = \frac{a_0 \cdot b_1 \cdot v_1 \cdot r_1 \cdot d_1 \cdot e_1}{a_0 \cdot b_0 \cdot v_1 \cdot r_1 \cdot d_1 \cdot e_1};$$

$$\text{«в» омил эвазига: } J_v = \frac{a_0 \cdot b_0 \cdot v_1 \cdot r_1 \cdot d_1 \cdot e_1}{a_0 \cdot b_0 \cdot v_0 \cdot r_1 \cdot d_1 \cdot e_1};$$

$$\text{«г» омил эвазига: } J_r = \frac{a_0 \cdot b_0 \cdot v_0 \cdot r_1 \cdot d_1 \cdot e_1}{a_0 \cdot b_0 \cdot v_0 \cdot r_0 \cdot d_1 \cdot e_1};$$

$$\text{«д» омил эвазига: } J_d = \frac{a_0 \cdot b_0 \cdot v_0 \cdot r_0 \cdot d_1 \cdot e_1}{a_0 \cdot b_0 \cdot v_0 \cdot r_0 \cdot d_0 \cdot e_1};$$

$$\text{«е» омил эвазига: } J_e = \frac{a_0 \cdot b_0 \cdot v_0 \cdot r_0 \cdot d_0 \cdot e_1}{a_0 \cdot b_0 \cdot v_0 \cdot r_0 \cdot d_0 \cdot e_0}.$$

Ҳар бир омил учун ҳисобланган индексларнинг суратидан махражини айириб ташлаш йўли билан тегишли омиллар эвазига СМДнинг қўшимча ўсишини аниқлаш мумкин. Масалан, СМДнинг «а» омил эвазига қўшимча ўсиши қуйидагича аниқланади:

$$\Delta \text{СМД}_{\text{«а»}} = a_1 \cdot b_1 \cdot v_1 \cdot r_1 \cdot d_1 \cdot e_1 - a_0 \cdot b_1 \cdot v_1 \cdot r_1 \cdot d_1 \cdot e_1$$

VIII Б О Б

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР СТАТИСТИКАСИ

8.1. Ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисида тушунча ва унинг кўрсаткичлар тизими

182	Ташқи иқтисодий алоқа нима? Унинг қандай шакллари биласиз?	249
------------	--	-----

183	Ташқи иқтисодий алоқаларни тавсифловчи қандай кўрсаткичлар мавжуд?	250
------------	--	-----

184	Халқаро савдо-сотиқ қандай кўрсаткичларда ўз ифодасини топади?	251
------------	--	-----

185	Импорт квота қандай мақсадда ўрнатилади?	251
------------	--	-----

186	Экспорт квота нима? У нима учун ўрнатилади?	253
------------	---	-----

187	Протекционизм нима?	254
------------	---------------------	-----

188	Демпинг қандай мақсадда қўлланилади?	255
189	Ташқи савдо обороти эластиклиги қандай ҳисобланади?	256
190	Ишлаб чиқариш кооперацияси қайси кўрсаткичлар билан тавсифланади?	258
191	Қайси кўрсаткичлар халқаро капитал миграциясини ифодалайди?	260
192	Халқаро ишчи кучи миграцияси қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?	262

8.2. МСТда ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси

193	Ташқи иқтисодий алоқалар МСТда қайси кўрсаткичларда ўз аксини топади?	264
194	Товар ва хизматларнинг ташқи счёти қандай кўринишга эга?	265
195	Бирламчи даромадлар ва жорий трансфертларнинг ташқи счёти қандай тузилади?	267
196	Ёлланган ишловчиларнинг меҳнат ҳақи нималарни ўз ичига олади?	268
197	Мулкдан олинган ва ташқи дунёга берилган (ташқи дунёдан олинган) даромадларга нималар киради?	268

198

Социал суғурта учун тўловлар ва нафақа нималарни ўз ичига олади? Жорий трансфертларчи?

269

199

Жорий баланс қандай аниқланади?

270

200

Жамғарманинг ташқи счёти капитал счётини ўз ичига оладими?

270

Бозор иқтисодиёти, хусусан, макроиқтисодиёт очик иқтисодиётдир. У мамлакатлараро иқтисодий алоқаларни талаб қилади. Бундай иқтисодий алоқаларнинг бўлиш заруриятини эса халқаро меҳнат тақсимоти белгилайди. Чунки халқаро меҳнат тақсимоти иқтисодий нафлик қондасидан келиб чиқади. Қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш қулай бўлса, шу маҳсулот бошқа мамлакатларга етказилиб берилади. Нимани мамлакат ичида ишлаб чиқариш ўрнига уни ташқаридан келтириш арзонга тушса, шу товар импорт қилинади. Шунга биноан айрим мамлакатлар маълум турдаги товарларни, бутловчи қисмлар ва деталларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва уларни бошқаларга етказиб бериб, жаҳон бозоридан ўзига керакли товар ва хом ашёни олади. Бундай ихтисослашув мамлакатларнинг табиий шароити, ишлаб чиқариш тажрибаси ва тараққиёт даражаси билан белгиланади.

Қайси бир мамлакатда бирор товарни сифатли ва кам харажат билан яратиш учун имкон бўлса, шу соҳа ривож топади! Бундай ривожланиш мазкур мамлакатнинг

Бу ерда Адам Смитнинг «Мутлақ устунлик» қондасига амал қилинади. Бу дегани ҳар қайси мамлакатда шундай товар мавжудки, харажатлар бирлигига ҳисоблаганда у бошқа мамлакатлардагига қараганда кўпроқ ишлаб чиқарилиши мумкин

ресурсларига ҳам боғлиқ. Масалан, Кувайт учун нефтни, Япония учун компьютер ва машиналарни, АҚШ учун самолётларни, Ҳиндистон ва Покистон учун чойни, Ўзбекистон учун пахта ни экспорт қилиш қулай экан, улар шунга афзал кўришади.

Шундай қилиб, **ташқи иқтисодий алоқа** — бу турли мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар бўлиб, иқтисодий наф кўриш мақсадида олиб борилади¹. Бу муносабатлар қуйидаги шаклларда бўлади:

- ◆ халқаро савдо-сотиқ;
- ◆ ишлаб чиқариш кооперацияси;
- ◆ капитал миграцияси;
- ◆ ишчи кучи миграцияси;
- ◆ ўзаро тўловлар ва ҳисоб валюта муомалалари ва бошқ.

183

Ташқи иқтисодий алоқаларни тавсифловчи қандай кўрсаткичлар мавжуд?

Ташқи иқтисодий алоқаларни таҳлил қилишда макроиқтисодий статистика қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланади:

- ◆ халқаро савдо-сотиқни;
- ◆ халқаро ишлаб чиқариш кооперациясини;
- ◆ халқаро капитал миграциясини;
- ◆ халқаро ишчи кучи миграциясини;
- ◆ ўзаро тўловлар ва ҳисоб валюталари муомалаларини тавсифловчи кўрсаткичлар.

¹ Бу ерда Давид Рикарднинг «Нисбий устунлик» қонунига амал қилинади. Бу қонун мамлакатда барча кучни шу ерда нисбатан кўпроқ самарадорликка эга товарларни ишлаб чиқаришга қаратиш ва уларни экспорт қилиб, ўрнига ўзи жуда кам устунликка эга бўлган товарларни олиб келиш фойдалироқ эканини тасдиқлайди.

Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлари абсолют ва нисбий миқдорларда ҳисобланади. Бунда киёсий ёндошиш ва унинг шартларига қатъий риоя қилиш ўта зарурдир.

184 Халқаро савдо-сотиқ қандай кўрсаткичларда ўз ифодасини топади?

Халқаро иқтисодий муносабатларда савдо-сотиқ етакчи ўрин тутади ва бу жаҳон бозорида қуйидаги кўрсаткичларда ўз ифодасини топади:

- ◆ жон бошига тўғри келган ташқи савдо обороти;
- ◆ импорт квотаси;
- ◆ экспорт квотаси;
- ◆ ташқи савдо оборотининг эластиклик коэффициенти;
- ◆ импортнинг мамлакат истеъмолидаги салмоғи;
- ◆ экспортнинг ЯИМ даги, айрим маҳсулотлардаги салмоғи;
- ◆ мамлакатнинг халқаро савдо-сотиқдаги салмоғи ва бошқ.

Бу кўрсаткичлар ёрдамида ташқи савдо динамикаси, экспорт ва импорт товарлари баҳосининг ўзгариши, товарлар таркибидаги силжишлар, товароборотнинг ҳудудий тақсимооти, ташқи савдо ташкилотлари фаолиятининг самарадорлиги, ўрни, унинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни, шунингдек, мамлакат иқтисодиётида халқаро савдо-сотиқнинг аҳамияти каби муҳим жиҳатлар ўрганилади.

185 Импорт квота қандай мақсадда ўрнатилади?

Квота — бу умумий ишлаб чиқариш, сотиш, импорт, экспорт ва бошқа ижтимоий фаолият соҳаларида келишув

асосида ҳар бир иштирокчи учун жорий қилинадиган ҳисса. У халқаро битимларга биноан амалга оширилади.

Импорт квота — бу ҳар йили мамлакатга келтиришга рухсат берилган хорижий маҳсулот ҳажмини миқдор жиҳатдан чеклаб қўйишдир. Давлат мамлакатга маҳсулот келтиришга ижозат берувчи лицензияни чекланган миқдорда беради ва лицензиясиз импортни таъқиқлайди.

Давлат томонидан тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш:

- ◆ тўлов балансларини мувофиқлаштириш;
- ◆ ички бозорда талаб ва таклифни баланслаштириш;
- ◆ халқаро музокараларда ўзаро келишувга эришиш учун қўлланилади.

Ўзбекистонда квоталаш халқ истеъмол молларини ва стратегик хом ашёнинг муҳим турларини олиб чиқишни чегаралаш усули сифатида қўлланилмоқда. Импорт квота маҳсулотларнинг тариф ставкасини оширишга қараганда қулайроқдир, чунки тариф ставкани кўтариш фақат халқаро савдо битимларини тузиш йўли билан амалга оширилади. Давлатнинг ўзи буни бажариш учун ҳар доим ваколатга эга эмас. Квота мамлакат ички бозоридаги муайян тармок маҳсулотига бўлган рақобатни сусайтиради.

Масалан, 80-йилларда АҚШ Япониядан олиб келинадиган автомобилларга квота ўрнатди. Натижада, Америкада ишлаб чиқарилаётган автомобилнинг баҳоси ўртача 400 долларга ошди. Япониядан импорт қилинаётган автомобилларга эса 1000 долларга нарх кўтарилди. АҚШда ишчи ўринларининг қисқариши юз беради. Ҳамма гап шундаки, ички бозорни японияликлар рақобатидан ҳимоя қилиш ниятида бўлган АҚШ фирмалари автомобилга бўлган нархни ошириш эвазига ўз фойдаларини оширмоқчи бўлишган.

Квоталаш фақат маҳсулот оқимларини эмас, балки ишчи кучи оқимларини ҳам тартибга солишда қўлланилади.

Кўпгина ривожланган мамлакатлар ички меҳнат бозорини ҳимоялаш мақсадида хориждан ишчи кучи импортига квоталар ўрнатади.

Импорт квотанинг даражаси ($K_{ик}$) ва индекси ($J_{ик}$) қуйидагича ҳисобланади:

$$K_{ик} = \frac{И}{ЯИМ} ; J_{ик} = \frac{K_{ик1}}{K_{ик0}}$$

Бу ерда: И — импорт ҳажми; $K_{ик0}$ ва $K_{ик1}$ — базис ва жорий даврларда импорт квота даражалари.

186

Экспорт квота нима? У нима учун ўрнатилади?

Экспорт — бу товарлар, хизматлар ва капитални ташқи бозорга чиқаришдир. Унинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- ◆ товар экспорти — моддий неъматларни четга чиқариш;
- ◆ хизмат кўрсатиш экспорти — хориждаги шерикларга ишлаб чиқариш ёки истеъмолга оид тўловли хизмат кўрсатиш;
- ◆ капитал экспорти — мамлакат ташқарисига капитал қўйиш (корхона ва объектлар қуриш, уларни ишга тушириш) ва бошқ.

Экспорт квота деганда муайян товарни экспортга белгиланган ҳажм (ҳисса)да ишлаб чиқариш ва етказиб бериш тушунилади. Бу квота ҳам, энг аввало, экспортнинг (ЭК) ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбати билан белгиланади:

$$K_{эк} = \frac{ЭК}{ЯИМ} ; J_{эк} = \frac{K_{эк1}}{K_{эк0}}$$

Экспорт квота коэффиценти ($K_{эк}$) қанча юқори бўлса, давлат халқаро иқтисодий муносабатларга шу қадар

юқори даражада жалб этилган бўлади. Масалан, АҚШнинг экспорт квотаси 10-15 фоизга, Германия, Франция, Италия, Англияники 25-30, Японияники 18 фоизга яқин, Белгия, Венгрия, Сингапурники 11-13 фоизга тенг. Ўзбекистоннинг ЯИМда экспортнинг улуши кейинги йилларда 10-12 фоиз атрофида, собиқ иттифокда у 10 фоизга тенг эди. Бироқ бу кўрсаткич халқаро иқтисодий муносабатларнинг сифат жиҳатини тўлиқ кўрсатмайди. Шу сабабли уни ифодаловчи яна бир кўрсаткичдан фойдаланилади. Бу реал экспорт квотаси бўлиб, экспортнинг мамлакат sanoat ишлаб чиқаришига (СМ) нисбати билан ўлчанади:

$$K'_{\text{эк}} = \frac{\text{ЭК}}{\text{СМ}} ; J_{K'_{\text{эк}}} = \frac{K'_{\text{эк}_1}}{K'_{\text{эк}_0}}$$

Ривожланган мамлакатлар учун у, тахминан, 40-50 фоизга тенг. Бу эса ишлаб чиқарилган барча маҳсулотнинг ярми ташқи бозорга олиб чиқиб кетилишини англатади. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий муносабатларга тортилганлик даражаси экспортнинг эластиклиги билан ҳам белгиланади (44-жадвалга қаранг).

187

Протекционизм нима?

Халқаро савдо-сотиқдаги алоқалар равон бормайди, чунки бу ерда турли мамлакатлар фирмалари ўзаро рақобатда бўлганлиги сабабли улар ўртасида тўқнашувлар ҳам бўлиб туради. Давлат миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш ва уни ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат олиб боради. Миллий иқтисодиётни хориж рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат **протекционизм деб юритилади**. Протекционизм қуйидаги чоратadbирларни қўллаш билан амалга оширилади:

- ◆ давлат ўз ҳокимиятига таяниб импортни маън этади;
- ◆ импорт товарларга қўйиладиган бож пули кўпайтирилади;
- ◆ импорт товарларининг экологик тозалигига талаб оширилади;
- ◆ импортнинг микдори чегараланади, яъни квота белгиланади;
- ◆ товарлар импорти учун ажратилган валюта чекланади;
- ◆ мамлакатда чиқарилган товарлар учун давлат субсидия бериб, харажатни қисман қоплаб, уларни арзонлаштиради;
- ◆ давлат маҳаллий товарлар сотилишини кўпайтириш учун экспортга ҳам квота ўрнатади.

Протекционизм одатда экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, импорт маҳсулотлар ўрнини қисман қоплаш билан қўшиб олиб борилади. Агар миллий ишлаб чиқариш рақобатбардош бўлмаса, у ҳолда давлат протекционизм стратегиясини тadbиркорлик тузилмаларининг тазъийки билан қабул қилади ва уларга алоҳида имтиёзли шароит яратади.

188

Демпинг қандай мақсадда қўлланилади?

Демпинг деганда ташқи бозорни эгаллаш учун товарни ишлаб чиқариш харажатларидан паст (арзон) баҳоларда четга экспорт қилиш ёки товарларни ташқи бозорда ички бозорга нисбатан арзон баҳода сотиш тушунилади. Демпинг ташқи бозор учун кураш, рақобатчини синдириш воситаларидан ҳисобланади. Кўрилган зарар давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Ички бозорда юқори нархларда сотилган товардан олинган фойда давлат бюджетига тушади.

1948 йилда ташкил этилган «Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишув ташкилоти» (ГАТТ)¹ 1967 йили халқаро антидемпинг кодексини қабул қилди. Бу кодексда демпинг ҳолатини аниқлаш ва исботлаш тартиб-қоидалари, импортер мамлакат фирмалари томонидан демпинг натижасида шу турдаги товарни ишлаб чиқаришдаги экспортёр мамлакатларга етказилган зарарни тўлаш йўллари кўзда тутилган. 1993 йилда ГАТТ таркибида антидемпинг қўмитаси тузилган.

189

Ташқи савдо обороти эластиклиги қандай ҳисобланади?

Ташқи савдо обороти экспорт ва импорт йиғиндисидан ташкил топади. Экспорт билан импорт ўртасидаги тафовут ташқи савдо қолдиғини беради. Агар экспорт импортдан кўп бўлса, у ҳолда ташқи савдо қолдиғи мусбат, аксинча бўлса, савдо қолдиғи манфий бўлади. Кейинги ҳолат ташқи баланснинг дефицитли, яъни тақчилли баланс эканлигидан далолат беради.

Экспортнинг ошиши сотувчи мамлакат ЯИМининг кўпайишига, импортнинг кўпайиши эса ЯИМнинг камайишига олиб келади. Умуман товарлар экспорти уларни ишлаб чиқаришга нисбатан, товарлар импорти эса уларни истеъмол этишга нисбатан тезроқ ўсиб бориши лозим. Иқтисодиётда ана шундай қоида бор. Ана шу нисбатларни турли ёндошувларда статистик таҳлил қилиш мақсадида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади (44-жадвал).

¹ Ҳозирги кунда ўз таркибига 100 дан ортиқ давлатларни қамраб олган бу ташкилот Халқаро савдони кенгайтиришга таъсирини ўтказиши билан бир қаторда уларни бунга тўсиқ бўлувчи турли усуллардан огоҳ қилади.

Ташқи савдо обороти эластиклигини тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1.	Экспорт эластиклиги (\mathcal{E}_3)	$\mathcal{E}_3 = \frac{\Delta \mathcal{E}}{\mathcal{E}} : \frac{\Delta \text{ЯИМ}}{\text{ЯИМ}}$	$\Delta \mathcal{E}$ -экспорт ўсими \mathcal{E} -экспорт ҳажми $\Delta \text{ЯИМ}$ - ялпи ички маҳсулот ўсими
2.	Экспортнинг илгарилаш коэффициенти (\mathcal{E}_3)	$K_3 = J_3 : J_{\text{яим}}$	J_3 - экспорт индекси $J_{\text{яим}}$ - ЯИМ индекси
3.	Импортнинг эластиклиги ($\mathcal{E}_и$)	$\mathcal{E}_и = \frac{\Delta \text{И}}{\text{И}} : \frac{\Delta \text{ЯИМ}}{\text{ЯИМ}}$	$\Delta \text{И}$ - импорт ўсими И - импорт ҳажми
4.	Импортнинг илгарилаш коэффициенти ($K_и$)	$K_и = J_и : J_{\text{яим}}$	$J_и$ - импорт индекси
5.	Координация индекси ($J_к$)	$J_к = J_3 : J_и$ $K_{и\text{н}} = \mathcal{E} : \text{И}$	$K_{и\text{н}}$ - координация нисбий микдори

$\mathcal{E}_3 > 1$ ва $J_3 > J_{\text{яим}}$ бўлиши мазкур мамлакатда товарлар экспортининг уларни ишлаб чиқаришга нисбатан тезроқ ўсганлигидан далолат беради. Бу, албатта, ижобий ҳол.

$\mathcal{E}_и > 1$ ва $J_и > J_{\text{яим}}$ бўлишини эса ҳар доим ҳам маъқул деб бўлмайди. Чунки мамлакат ўз эҳтиёжини кондириш учун ўзида ишлаб чиқаришдан кўра товарларни четдан олиб келишга ҳаракат қилган бўлади.

Мамлакат ташқи савдо обороти балансининг ижобий бўлиши учун:

$$\mathcal{E} > \text{И}$$

$$J_к = J_3 > J_и, \text{ яъни } J_к > 1$$

бўлиши керак. Мамлакатнинг жаҳон бозоридаги иштироки, унинг самарадорлигини экспорт ва импортнинг

нисбати; уларнинг таркиби белгилайди. Иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг экспорти кўп ва у, асосан, тайёр саноат маҳсулотларидан иборат. Кам ривожланган мамлакатларда экспортнинг ўзи оз, агар кўп бўлса ҳам барибир хом ашёдан иборат бўлади. Улар импортида тайёр маҳсулот, ҳатто озиқ-овқатнинг ҳиссаси катта бўлади. Иқтисодиёти кучли давлатлар импортида хом ашё, ёқилғи ва бутловчи қисмлар катта салмоққа эга бўлади.

190

Ишлаб чиқариш кооперацияси қайси кўрсаткичлар билан тавсифланади?

Ишлаб чиқариш кооперацияси деганда, икки ёки бир неча мамлакатларнинг маълум бир ишни бажариш ёки қандайдир бир пировард маҳсулотни ишлаб чиқариши бўйича ҳамкорликдаги фаолиятлари тушунилади. Бу жараён қуйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топади (45-жадвал).

45-жадвал

Ишлаб чиқариш кооперациясини тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	2	3	4
1.	Чет эл фирма (корхона)ларининг салмоғи ($d_{чэф}$)	$d_{чэф} = \frac{ЧЭФ}{\sum \Phi(k)}$	ЧЭФ - <i>i</i> тармоқ (сектор) да фаолият кўрсатаётган мустақил чет эл фирмалари сони $\sum \Phi(k)$ - <i>i</i> тармоқ (сектор) да фаолият кўрсатаётган жами фирма (корхона)лар сони

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР СТАТИСТИКАСИ

1	2	3	4
2.	Чет эл фирма (корхона)лари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар (К) салмоғи	$d_{KK} = \frac{KK_i}{\sum K}$	<p>KK_i - тармоқ (сектор)да ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони</p> <p>ΣK - тармоқ (сектор)да фаолият кўрсатаётган жами корхоналар сони</p>
3.	<p>Кўшма корхона (К) ларнинг:</p> <p>* ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)даги салмоғи (d_{KK_и})</p> <p>* банд бўлган ходимлар сонидagi салмоғи (d_{KK_б})</p> <p>* экспортдаги салмоғи (ЭКК)</p>	<p>$d_{KK_{и}} = \frac{M(x)_{KK_{и}}}{\sum M(x)_{\Phi(K)}}$</p> <p>$d_{KK_{б}} = \frac{ББХ_{KK_{и}}}{\sum ББХ_{\Phi(K)}}$</p> <p>$d_{KK_{к}} = \frac{\sum \mathcal{E}_{KK_{и}}}{\sum \mathcal{E}_{\Phi(K)}}$</p>	<p>M(x)_{KK_и} - тармоқ (сектор)да фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат) киймати</p> <p>ББХФ(к) - тармоқ (корхона)да жами банд бўлган ходимлар сони</p> <p>Экк_к - тармоқ (сектор)да фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг экспорти</p> <p>ΣM(x)_{Φ(к)} - тармоқ (сектор)да жами ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат) киймати</p> <p>ББХ_{KK_и} - тармоқ (сектор)да фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарда банд бўлган ходимлар сони</p> <p>ΣЭФ(к) - тармоқ (сектор)нинг экспорти</p>

Бу кўрсаткичлар салмоғининг ошиб бориши ва индексининг ўсиши Ўзбекистон иқтисодиётида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланишидан далолат беради.

191

Қайси кўрсаткичлар халқаро капитал миграциясини ифодалайди?

Капитал миграцияси деганда катгароқ фойда олиш мақсадида капитални бир мамлакатдан бошқасига кўчириш тушунилади. Дунё алоқаларида давлатлараро капитални тақсимлаш иқтисодий ўсишнинг фаол омили бўлиб хизмат қилади. Иқтисод байналминаллашган сари капитал фаолияти миллий доирадан чиқиб халқаро мазмун касб этади. Мамлакатлараро капитал экспорти ва импорти юз беради. Бир мамлакат капитал чиқарса, бошқаси уни қабул қилади. Капитални одатда ривожланган мамлакатлар чиқаради.

Капитал миграцияси асосан икки шаклда бўлиши мумкин:

- ◆ хусусий капитални чиқариш;
- ◆ давлат капиталини чиқариш.

Хусусий капитални чиқаришда трансмиллий корпорация(ТМК)лар, яъни дунёнинг турли мамлакатларида фаолият юритувчи компаниялар етакчилик қилади. Улар капитални жаҳон узра тақсимланишини таъминлайдилар. ТМК бир неча мамлакат миллий капиталининг бирикишидан ташкил топади ёки у бир мамлакат капиталига таъянган ҳолда халқаро микёсда иш юритади.

Давлат капиталининг ҳаракати қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- ◆ чет эллик шерикларига кредит бериш,
- ◆ хорижда ўз фаолиятини ташкил этиш;
- ◆ хорижий банкларда ўз банкларининг корреспондент ҳисобларини очиш;
- ◆ бошқа мамлакатдаги қимматли қоғозлар, кўчмас мулкни сотиб олиш ва бошқ.

Халқаро капитал миграцияси қуйидаги кўрсаткичларда ўз ифодасини топади (46-жадвал)

Халқаро капитал миграциясини тавсияловчи кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1.	Портфел инвестиция салмоғи ($d_{ин}$)	$d_{ин} = \frac{d_{хи}}{d_{ни}}$	$d_{хи}$ - хорижий инвестициянинг жами активдаги салмоғи $d_{ни}$ - маҳаллий инвестициянинг жами активдаги салмоғи
2.	Бевосита инвестиция салмоғи ($d_{би}$)	$d_{би} = \frac{d_{ха}}{d_{ма}}$	$d_{ха}$ - хорижий инвесторнинг акционерлик капиталидаги салмоғи $d_{ма}$ - маҳаллий корхонанинг акционерлик капиталидаги салмоғи
3.	Хорижий кредит салмоғи ($d_{хк}$)	$d_{хк} = \frac{ХК}{\sum К}$	ХК - хорижий кредит суммаси $\sum К$ - жами кредит
4.	Расмий кредит салмоғи ($d_{рк}$)	$d_{рк} = \frac{ДК}{\sum К}$	ДК - давлат берган қарз $\sum К$ - жами олинган қарз

Портфел инвестиция деганда хорижий инвесторнинг компания активдаги ҳиссасининг ушбу мамлакатда мазкур компания учун ўрнатилган ҳиссадан паст бўлган инвестиция тушунилади. Бунда чет эл инвестори корхонани бевосита бошқаришда қатнашолмайди ва фақат акциялардан дивидендлар олиб туради.

Агар чет эл инвестициялари инвесторга корхона устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берса, улар **бевосита (тўғри) инвестициялар** ҳисобланади. Корхоналар эса асосий компаниянинг чет эллардаги ишлаб чиқариши бўлиб қолади. Хорижий инвестор томонидан назорат қилиш ҳуқуқини аниқловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акционерлик капиталининг ҳиссаси ишлатилади. АҚШ да бу 10 фоиз, Франция ва Англияда 20 фоизга яқин, Германияда 25 фоиздан 50 фоизгача, Ўзбекистонда у 49 фоиз даражасида белгиланган.

Умуман, капитал миграциясида портфел инвестицияларнинг аҳамияти ортиб боргани ҳолда бевосита инвестиция, банк кредити ва расмий кредит (давлат берган қарз)-нинг ҳиссаси қисқариб боради. Бундай ўзгариш хўжалик фаолиятини хусусийлаштиради, бу эса эркин бозор иқтисодиёти талабига мос келади.

192

Халқаро ишчи кучи миграцияси қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?

Халқаро ишчи кучи миграцияси деганда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш кидириб бир мамлакатдан бошқа мамлакатларга кўчиб юриши тушунилади. Статистик маълумотларга қараганда ҳозирги даврда дунёда ҳар ўн оиладан бири кўчиб юради, уларнинг 3/4 қисми ишчи кучи миграциясига тўғри келади. Дунё бўйича бундай ишчи кучларининг умумий сони 25 млн кишидан кўп.

Ишчи кучларининг мамлакатлараро кўчиб юришига қуйидагилар, яъни:

- ◆ аҳолининг мамлакатдаги ишчи ўринларига нисбатан тез суръатлар билан ўсиши;
- ◆ дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий имкониятлар, меҳнат шароитлари ва иш хақи ўртасида сезиларли фарқнинг юзага келиши;
- ◆ жаҳон бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариб туриши, ишсизлар армиясининг вужудга келиши;
- ◆ мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги, унинг иқтисодий аҳволга салбий таъсир этиши сабаб бўлади.

Ишчи кучи миграцияси ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга:

А. Ишчи кучини экспорт қилишнинг	
ижобий томонлари	салбий томонлари
<ul style="list-style-type: none"> ◆ ишсизлар камаяди, уларга сарфланадиган ижтимоий харажатлар қисқаради ◆ хорижда ишлаётганлар пул жўнатмаларига эга бўладилар ◆ қайтиб келаётган ишчилар касб ва тил кўникмаларига эга бўладилар 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ мазкур мамлакат бу жараёнда аҳолисининг айна меҳнатга яроқли (24–40 ёш) қисмини йўқотади; ◆ уларнинг пул жўнатмалари аксарият ҳолларда инвестициялар шаклида эмас, балки қўндалик истеъмол учун ишлатилади. Натижада чет элда ишлаётганларнинг даромадларидан миллий иқтисодийetni ривожлантириш учун фойдаланиш имкони бўлмайди. ◆ бу жараён интеллектуал йўқотишлар билан ҳам боғлиқ.
Б. Ишчи кучини импорт қилишнинг	
ижобий томонлари	салбий томонлари
<ul style="list-style-type: none"> ◆ хориждан арзон ишчи кучини жалб қилиш имкони туғилади ◆ мамлакат ичкарисида иш ҳақи ўсиб боришининг олди олинади ◆ инфляция хавфи бартараф этилади ◆ интеллектуал салоҳият ошади ва бошқ. 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ мамлакатдаги мавжуд иш ўринлари тизлашиб, ишсизлар сонининг кўпайишига олиб келади.

Халқаро ишчи кучи миграцияси қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

$$◆ K_э = \frac{Э_{MP}}{MP} ; J_{K_э} = \frac{K_{э_1}}{K_{э_0}}$$

Бу ерда: $K_э$ — ишчи кучини экспорт қилиш коэффициентини; $Э_{MP}$ — чет элларга ишга жўнатилган меҳнат қилиш ёшида бўлган (меҳнатга лаёқатли) аҳоли сони; MP — мазкур мамлакатдаги меҳнат ресурсларининг ўртача сони; $J_{K_э}$ — ишчи кучини экспорт қилиш индекси.

$$◆ K_{и} = \frac{И_{MP}}{MP} ; J_{K_{и}} = \frac{K_{и_1}}{K_{и_0}}$$

Бу ерда: $K_{и}$ — ишчи кучини импорт қилиш коэффициенти; $I_{мп}$ — меҳнат қилиш ёшидаги (меҳнатга лаёқатли) ишга қабул қилинган хорижий аҳоли сони; $J_{ки}$ — ишчи кучини импорт қилиш индекси.

$$\diamond \quad \Theta_{э} = \frac{\Delta \Theta_{мп}}{MP} : \frac{\Delta I_{мп}}{MP}$$

Бу ерда: $\Theta_{э}$ — ишчи кучи экспортининг эластиклиги; $\Theta_{мп}$ — экспорт қилинган ишчи кучининг ўсими; $I_{мп}$ — импорт қилинган ишчи кучининг ўсими.

Иқтисоди ривожланган мамлакатларда $\Theta_{э} < 1$ бўлади.

Қайд қилинган кўрсаткичлар экспорт ва импорт қилинган ишчи кучларининг мутахассислик даражалари, ихтисосликлари, ёши ва жинси, миллати миқёсида ҳам ҳисобланади.

193

Ташқи иқтисодий алоқалар МСТда қайси кўрсаткичларда ўз аксини топади?

Ташқи иқтисодий алоқалар сўётлари, яъни ташқи дунё мамлакатлари сўётлари ўзининг таркиби жиҳатидан мамлакатнинг ички иқтисодиётида қўлланиладиган сўётлардан деярли фарқ қилмайди. Улар қуйидаги ташқи сўётларни ўз ичига олади:

- ◆ товар ва хизматларнинг;
- ◆ бирламчи даромадлар ва жорий трансфертларнинг;
- ◆ жамғарманинг;
- ◆ активлар ва мажбуриятларнинг ташқи сўёти

Бу сўётлар тўплами мазкур мамлакат иқтисодиёти билан ташқи дунё мамлакатлари иқтисодиёти ўртасидаги алоқани тавсифлайди. Уларда институционал бирликлар резидентлар билан норе резидентлар ўртасидаги муомалалар ҳисобга олинади.

194**Товар ва хизматларнинг ташқи счёти қандай кўринишга эга?**

Товар ва хизматларнинг ташқи счёти бир мамлакат билан иккинчи мамлакат ўртасида бўладиган товар ва хизматлар муомаласини жорий муомала шаклида ифода этади. Бу счётнинг «ресурс» қисмида ташқи дунё мамлакатларидан импорт қилинадиган товар ва хизматлар тўғрисидаги маълумотлар, «фойдаланиш йўналишлари» қисмида эса мазкур давлатдан ташқи дунё мамлакатларига товар ва хизматларнинг экспорти тўғрисидаги маълумотлар оқими кўрсатилади (47-жадвал).

47-жадвал

Товар ва хизматларнинг ташқи счёти

Фойдаланиш йўналишлари	Ресурслар
Товар ва хизматлар экспорти ♦ товарлар экспорти ♦ хизматлар экспорти	Товар ва хизматлар импорти ♦ товарлар импорти ♦ хизматлар импорти ♦ товар ва хизматларнинг ташқи баланси

Товарлар экспорти «ФОБ» баҳода ҳисобга олинади, яъни товар қийматига экспорт қилинувчи мамлакат чегарасигача олиб бориш харажати ҳам қўшилади. Бунда сотувчи ўз ҳисобидан харидор ижарага олган кема бортига маҳсулотни етказиб бериши лозим. Кемани харидор ёллайди, сотувчи товарни кемага юклаш давригача жавобгар бўлиб, сотиш нархи (ФОБ)га товар нархи (ТН), ташиб келтириш харажатлари (ТКХ) ишлаб чиқариш харажати унсури сифатида қўшилади:

$$\text{ФОБ} = \text{ТН} + \text{ТКХ}$$

Юкни кемага жойлаштириш сотувчи мажбуриятига кирмайди ва қабул қилинган мейёрларга кўра кема эгаси

ҳисобига бажарилади ҳамда харидор томонидан ижара ҳақи-га киритилади. Айрим ҳолларда божхона ҳужжатларида то-варлар импорти бўйича уларнинг СИФ баҳоси қайд қи-лингн бўлади. Бу баҳо таркибига ФОБ нархидан ташқари суғурта қиймати (СК) ҳам киради:

$$\text{СИФ} = \text{ФОБ} + \text{СК}$$

Бунда сотувчи кемани ижарага олиши, ижара ҳақи-ни тўлаши, маҳсулотни жўнатувчи портга етказиши, белги-ланган муддатда уни ўз ҳисобидан кема бортига юклаши ва харидорга коносамент (яъни, юкни ташишга қабул қилин-ганлиги ва ташувчининг олувчига етказиш мажбуриятини тасдиқловчи ҳужжат)ни топшириши лозим. Сотувчи маж-буриятига, шунингдек, транспортда юз берадиган хавф-ха-тарлардан юкни суғурта қилиш ҳам киради. Шунинг учун ҳам сотувчи харидорга унинг номига суғурта полисини топшириши лозим.

Хизматлар таркибига қуйидагилар киради:

- ◆ барча турдаги транспорт хизматлари;
- ◆ шахсий ва амалий сафарлар;
- ◆ почта, телекоммуникация ва бошқа овоз етқа-зиш хизматлари;
- ◆ суғурта ва молиявий хизматлар.
- ◆ компьютер ва ахборот йиғиш, бериш хизматлари;
- ◆ муаллифлик ҳуқуқи, патент, лойиҳа, юридик мас-лаҳатлар бериш, конъюнктурани урганиш, бош-қариш ва бухгалтерия маслаҳатларини бериш кабилар.

Экспорт ва импорт таркибидан транспорт хизматла-ри энг юқори салмоқни ташкил қилади.

Экспорт ҳамда импортни баҳолаш товар ва хизмат-лар бўйича ташқи баланс кўрсаткичининг ҳисоблаш ёрдами-да амалга оширилади. Бунинг учун экспорт билан импорт таққосланади. Агар товар ва хизматлар импорти уларнинг

экспортдан кўп бўлса, у холда баланс мазкур мамлакат учун номакбул бўлиб, айириш белгиси (-) билан, товар ва хизматлар импорти уларнинг экспортдан кам бўлган ҳолда баланс мазкур мамлакат учун қулай, макбул бўлиб, қўшиш белгиси (+) билан ифодаланади.

195

Бирламчи даромадлар ва жорий трансфертларнинг ташқи счёти қандай тузилади?

Бу счётда муайян давлатнинг бошқа ташқи дунё мамлакатлари билан муносабат жараёнида шаклланадиган бирламчи даромадлари ва жорий трансфертлари, уларнинг тақсимооти акс эттирилади (48-жадвал).

48-жадвал

Бирламчи даромадлар ва жорий трансфертларнинг ташқи счёти

Фойдаланиш йўналишлари	Ресурслар
<p>Товар ва хизматларнинг ташқи баланси</p> <ul style="list-style-type: none"> ◆ норезидентлар томонидан ёлланган резидентларнинг меҳнат ҳақи; ◆ ишлаб чиқаришга (минус субсидия) ва ташқи дунёдан олинган импортга солиқ; ◆ мулкдан ва ташқи дунё тадбиркорлигидан олинган даромад; ◆ жорий даромад солиқлари ва ташқи дунёдан олинган мулкка солиқ; ◆ социал суғурта учун бадаллар ва ташқи дунёдан олинган нафақа; ◆ ташқи дунёдан олинган турли жорий трансфертлар. 	<p>Жорий ташқи баланс</p> <ul style="list-style-type: none"> ◆ резидентлар томонидан ёлланган норезидентларнинг меҳнат ҳақи; ◆ ишлаб чиқаришга (минус субсидия) ва ташқи дунёга импортга тўланган солиқ ◆ мулкдан даромад ва ташқи дунёга берилган тадбиркорлик даромади; ◆ жорий даромад солиқлари ва ташқи дунёга берилган мулк солиғи; ◆ социал суғурта учун бадаллар ва ташқи дунёга берилган нафақа; ◆ ташқи дунёга берилган турли жорий трансфертлар.

Мазкур счётнинг чап қисми «фойдаланиш йўналишлари» деб аталиб, унда ташқи дунёдан тушадиган даромадлар эвазига шаклланадиган бирламчи даромадлар ўз акси-

ни топади. Бундан ташқари бу ерда товар ва хизматларнинг ташқи, яъни ташқи дунё билан бўлган ташқи иқтисодий жорий муомалалар баланси ҳам ёритилади. У баланслаштирувчи банд бўлиб ҳисобланади.

Счётнинг «Ресурслар» деб аталадиган ўнг қисмида ташқи дунёга берилган барча даромадлар ва жорий трансфертлар қайд қилинади.

196 Ёлланган ишловчиларнинг меҳнат ҳақи нималарни ўз ичига олади?

Бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар ташқи счётининг ҳар иккала қисмидаги «Меҳнат ҳақи» қуйидаги унсурларни ўз ичига олади:

- ◆ муайян давлат ва ташқи давлатлар элчихоналарида банд бўлган ходимларнинг асосий иш ҳақи, натура ҳамда пул шаклида берилган қўшимча ҳақлар;
- ◆ чет давлатларга гастролга борган санъаткорларнинг иш ҳақи,
- ◆ 1 йилгача шартнома асосида чет давлатларда ишлаётган шахслар иш ҳақи ва бошқ.

Бундан ташқари, унинг таркибига иш кучини ёлловчиларнинг аҳолини социал ҳимоя қилиш фондига ажратган бадаллари, шунингдек, суғурта ва нафақа фондига шартли равишда ҳисобланган бадаллар ҳам киради

197 Мулкдан олинган ва ташқи дунёга берилган (ташқи дунёдан олинган) даромадларга нималар киради?

Бу даромадларга қуйидагилар киради:

- ◆ муайян давлат ҳукуматининг бошқа давлатга берган кредити эъзига оладиган фоизи,

- ◆ акционер капиталига иштирок этганлиги учун ташқи иқтисодий банкнинг чет эл банқларига, ташқи иқтисодий бирлашмаларнинг чет эл фирмаларига тўлаган дивидендлари, экспорт (импорт) эвазига тўланган фоизлар ва бошқа даромадлар;
- ◆ ер рентаси;
- ◆ қазилма бойликларнинг ишланмаси учун тўловлар;
- ◆ муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланганлик учун тўловлар;
- ◆ патент ва бошқа номоддий активлардан фойдаланганлик учун тўловлар;
- ◆ инвестиция қилинмаган чет эл компанияларининг даромадлари.

Мулқдан олинган даромад таркибига юқорида қайд қилинганлардан ташқари яна тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси ҳисобига ташкил этилган корхона ва бўлимлар фойдаси, суғурта полислари эгаларига бериладиган даромадлар, шунингдек, уй хўжалигининг норезидентлар социал фонди иштироки салмоғидаги соф ўзгаришлар ҳам кирази.

Жорий даромад солиқлари таркибида қуйидагилар ҳисобга олинади:

- ◆ элчихона ходимларининг маҳаллий солиқ ташкилотларига тўлайдиган солиқлари;
- ◆ халқаро амалий муомалалар, масалан, чет эл валютасини сотиш, сотиб олиш, саёҳат ва бошқалар учун тўловлар.

198

Социал суғурта учун тўловлар ва нафақа нималарни ўз ичига олади? Жорий трансфертларчи?

Социал суғурта учун тўловлар ва нафақа қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ◆ давлат бошқарув органлари томонидан социал ҳимоя ва социал таъминот дастури учун ажратилган бадаллар;
-

- ♦ хусусий корпорацияларнинг нафақа ва қарилик нафақаси шаклидаги бадаллари.

Ҳар хил жорий трансфертлар муайян мамлакатнинг бошқа ташқи дунё мамлакатлари билан бўлган турли иқтисодий муносабатларини ифодалайди.

199

Жорий баланс қандай аниқланади?

«Жорий баланс» муайян мамлакатнинг ташқи дунё мамлакатлари билан қилган ташқи иқтисодий алоқаларини умумлаштириб ифодалайди. Унга асосланиб мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига баҳо берилади.

Жорий баланс (ЖБ) қуйидагича аниқланади:

$$\text{ЖБ} = \text{ТБ} + (\Delta\text{БДҚ} + \Delta\text{ЖТ})$$

Бу ерда: ТБ — товар ва хизматларнинг ташқи баланси; $\Delta\text{БДҚ}$ — бирламчи даромадлар қолдиғи; $\Delta\text{ЖТ}$ — жорий трансфертлар қолдиғи.

Ҳар иккала қолдиқ жадвалдаги бирламчи даромадлар ҳамда жорий трансфертларнинг ташқи счётига тегишли бандлар ва улардаги ўзгаришлар асосида аниқланади. Бу кўрсаткич қоникарли ёки қоникарсиз бўлиши мумкин. Қоникарли баланс ташқи дунё мамлакатлари билан бўлган жорий амалий муомалалар натижасида ҳосил бўлган қўшимча даромадни ва шу муомалалар бўйича дефецит кўламини, қоникарсиз баланс эса шу кўрсаткичларнинг аксини ифодалайди.

200

Жамғарманинг ташқи счёти капитал счётини ўз ичига оладими?

Жамғарманинг ташқи счёти қуйидаги счётларни ўз ичига олади:

- ◆ капитал счёти;
- ◆ молиявий счёт;
- ◆ активлардаги турли ўзгаришлар счёти;
- ◆ қайта баҳолаш счёти.

Капитал счётида резидентлар ва норезидентлар ўрта-сида бўладиган капитал трансфертлар оқими ҳамда тикланмайдиган номолиявий активлар муносабатлари ҳисобга олинади (49-жадвал).

49-жадвал

Капитал счёти

Активлардаги ўзгаришлар	Мажбуриятлар ва хусусий капиталдаги ўзгаришлар
<p>Жорий ташқи баланс</p> <ul style="list-style-type: none"> ◆ тикланмайдиган номолиявий активларни сотиб олиш (сотилгандан ташқари) ◆ «Ташқи дунё»дан олинган капитал трансфертлар. ◆ берилган соф заёмлар суммаси (+) ◆ олинган соф заёмлар суммаси (-) 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ «Ташқи дунё»га берилган капитал трансфертлар ◆ капитал трансфертлар натижасида хусусий капиталдаги ўзгаришлар.

Мазкур счётнинг ўнг томонида, яъни ресурс қисмида хусусий капиталдаги ва норезидентлар билан бўладиган мажбуриятлардаги ўзгаришлар ёритилади. **Мажбуриятлардаги ўзгаришлар** «ташқи дунё»га берилган капитал трансфертлар кўрсаткичи ёрдамида тавсифланади. Бу трансфертларга қўйидагилар тааллуқли:

- ◆ бошқа мамлакатларга капитал қўйилмалар учун берилган субсидиялар;
- ◆ капитал ва мулкга вақт вақти билан солинадиган солиқлар ва божлар
- ◆ хорижий фуқароларнинг меросига солинадиган солиқлар.

- ◆ бошқа капитал трансфертлар (бошқа мамлакатларга қайтариб олмаслик шарти билан берилган асосий фондлар, мерос ва хайриялар, йўқотилган ёки зарар кўрган асосий фондларни қоплаш учун бошқа мамлакатларга тушган тушумлар).

Хусусий капиталдаги ўзгаришлар кўрсаткичи капитал трансфертлар (берилган ва олинган) ва жорий ташқи баланс бўйича муомалалар якуинини ифодалайди. Унинг миқдори жорий муомалалар ташқи баланси қолдигига ва «ташқи дунё»нинг капитал трансфертларига асосланиб аниқланади. Олинган натижа ёрдамида мазкур мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан ўзаро муносабатида қай даражадаги хусусий капитал ресурсига эга эканлигига баҳо берилади. Бу натижа қониқарли ёки қониқарсиз бўлиши мумкин. Қониқарли натижа мазкур мамлакатнинг чет эл алоқалари эвазига ўзининг активларини жамғариш имкониятига эга эканлигини билдирса, салбий натижа бошқа мамлакатларнинг мазкур мамлакат олдидаги мажбуриятларни узиш учун зарур бўлган ресурслар миқдорини англатади.

Капитал счётининг чап қисмида жорий ташқи баланс тўғрисида маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар ташқи счётидан олинади.

IX Б О Б

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

9.1. Регион рейтингини аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичлар

201	Рейтинг нима? Регион рейтингини аниқлаш зарурияти нимада?	276
202	Қайси кўрсаткичлар регион рейтингини аниқлаш учун асос қилиб олинади?	276
203	Қайси кўрсаткичлар регионнинг ички сиёсати соҳасидаги рейтингини белгилайди?	277
204	Қайси кўрсаткичлар орқали регионнинг ташқи сиёсати соҳасидаги рейтингини аниқланади?	281
205	Қайси кўрсаткичлар регионнинг ички иқтисодиёти соҳасидаги рейтингини белгилайди?	283
206	Қайси кўрсаткичлар регионнинг ташқи иқтисодиёти соҳасидаги рейтингини белгилайди?	286

207	Регионнинг қарздорлиги соҳасидаги рейтингини белгилайдиган кўрсаткичлар ҳақида нималар дея оласиз?	290
------------	--	-----

208	Тўлов баланси қандай тузилишга эга?	292
------------	-------------------------------------	-----

9.2. Регионлар рейтингини қиёслаш учун жаҳон банки томонидан тавсия қилинган кўрсаткичлар ТИЗИМИ

209	Регионлар рейтингини аниқлаш учун Жаҳон банки томонидан қайси кўрсаткичлар тавсия қилинган?	293
------------	---	-----

210	Қайси кўрсаткичлар аҳоли, меҳнат ресурслари ва бандлик даражасини қиёслаш учун тавсия қилинган?	294
------------	---	-----

211	Қайси кўрсаткичлар регионнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини қиёслаш учун асос қилиб олинади?	295
------------	--	-----

212	Регионнинг иқтисодий ўсишини қиёслаш учун қайси кўрсаткичлар тавсия этилади?	296
------------	--	-----

213	Қайси кўрсаткичлар регион саноатини қиёслаш учун асос қилиб олинади?	297
------------	--	-----

214	Қайси кўрсаткичлар регион қишлоқ хўжалигини қиёслаш учун қўлланилади?	299
------------	---	-----

215	Қайси молиявий кўрсаткичлар регион рейтингини аниқлаш учун қўлланилади?	300
------------	---	-----

216

Аҳоли турмуш даражаси бўйича регион рейтингини аниқлашда қайси кўрсаткичлар асос қилиб олинади? 301

217

Ташқи алоқа самарадорлиги бўйича регион рейтингини аниқлашда қайси кўрсаткичлардан фойдаланилади? 302

9.3. Регион рейтингини аниқлаш тартиби

218

Ҳар қандай кўрсаткич асосида регионларни тўғридан-тўғри таққослаш мумкинми? 304

219

Регион рейтинги қандай аниқланади? 305

201**Рейтинг нима? Регион рейтингини аниқлаш зарурияти нимада?**

«Рейтинг» сўзи инглиз тилида «баҳо» маъносини англатади. Макроиқтисодиётта нисбатан бу тушунча муайян регион, яъни:

- ◆ мамлакат (республика);
- ◆ вилоят;
- ◆ туман

салоҳиятига, унинг ривожланиш даражасига, нуфузи ва қадриятига баҳо беришни билдиради.

Рейтинг усулини қўллаш замирида регионларни уларнинг социал-иқтисодий, сиёсий салоҳияти ва ривожланиш даражаларига қараб рейтинг балларини аниқлаш ва уларни ранжирлаш ғояси туради. Айнан шу усул ёрдамида регионларнинг социал-иқтисодий ривожланишидаги ўрни, қолоқ ёки илғорлиги аниқлаб олинади. Шу жihatдан рейтинг кўрсаткичи регионларни ривожланишга ундовчи, рағбатлантирувчи механизм вазифасини бажаради.

202**Қайси кўрсаткичлар регион рейтингини аниқлаш учун асос қилиб олинади?**

Рейтинг кўрсаткичи бир қатор ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Айнан шу омилларнинг таъсири остида

регионнинг «харорати», кудрати ва нуфузи ўзгариб туради. Шу сабабли регион рейтингини аниқлашда энг аввало қуйидаги кўрсаткичларни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир:

- 1 | Регионнинг ички сиёсатини тавсифловчи кўрсаткичлар.
- 2 | Регионнинг ташқи сиёсатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
- 3 | Регионнинг ички иқтисодиётини тавсифловчи кўрсаткичлар.
- 4 | Регионнинг ташқи иқтисодиётини ифодаловчи кўрсаткичлар.
- 5 | Регионнинг қарздорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Бу кўрсаткичларнинг ижобийлиги регион рейтингининг юқори эканлигини аниқлашда, салбийлиги эса мазкур мамлакат рейтингининг паст эканлигидан далолат беради.

203

Қайси кўрсаткичлар регионнинг ички сиёсати соҳасидаги рейтингини белгилайди?

Регионнинг ички сиёсати соҳасидаги рейтингини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар инобатга олинади (50-жадвал).

50-жадвал

Регионнинг ички сиёсатидаги ҳолатни тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Изоҳ
1	2	3
1.	Бошқарув шакли	* Жаҳон тажрибаларининг гувоҳлик беришича, иқсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат қурилишининг олий, цивилизациялашган шакли - демократиядир ва у қуйидаги асосий тамойилларга таянади:

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

1	2	3
		<ul style="list-style-type: none"> ◆ халқнинг эркин хохиши-иродаси; ◆ фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги; ◆ инсон ҳуқуқларининг устуворлиги; ◆ ҳокимият органларининг сайланиб қўйилиши; ◆ уларнинг сайловчиларга бўйсунуши; ◆ тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга бурчлилиги; ◆ ҳокимият тармоқларининг тақсимланганлиги. <p>Жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ва энг демократик меъёрларга жавоб берадиган бу тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ ифодаланган ва қонуний мустаҳкамланган.</p>
2.	Бошқарувнинг барқарорлик даражаси	<p>* Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимиятининг тизими ва ташкил этилишининг муҳим демократик тамойили, Конституциянинг 11-моддасига мувофиқ, ҳокимият тармоқларининг:</p> <ul style="list-style-type: none"> ◆ қонун чиқарувчи; ◆ ижро этувчи; ◆ суд ҳокимияти бўлишидир. <p>Булардан ҳар бири ўзаро чамбарчас алоқада ҳаракат қилиши билан бирга, ўз ваколатлари доирасида мустақил ва эркин фаолият кўрсатадилар. Бу эса ҳокимиятнинг бир органда ҳаддан ташқари мужассам бўлмаслигини таъминлайди, уларнинг халқ ва қонун олдида ҳуқуқларини аниқ тақсимлаб беришга, бошқарувнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.</p>
3.	Фуқаролар ихтилофи келиб чиқиш эҳтимолиги	<p>* Бозор муносабатларига ўтиш, албатта кишиларнинг моддий жиҳатдан тенгсизлиги билан муқаррар равишда боғлиқ. Жамиятнинг ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга табақалашуви ихтилофларга сабаб бўлиши мумкин ва бу ижтимоий далолат тамойилларига тўғри келмайди ҳам.</p> <p>Бундай ҳолнинг вужудга келмаслиги учун давлат:</p>

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

1	2	3
		<ul style="list-style-type: none"> ◆ жамиятнинг барча аъзоларига ўз та-шаббус ва қобилиятларини юзага чиқариш учун имкониятлар яратиб бериш; ◆ кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш; ◆ акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кўп сонли ўртаҳол синфни шакллантириш; ◆ кишиларда бир вақтнинг ўзида ҳам ишчи-ходим, ҳам даромад келтирадиган мулк ва қимматли қоғозларга эгаллик қилиш каби хўжайинлик туйғуларини қайта тиклашга йўналтирилган сиёсатини олиб боради.
4.	Фискал сиёсат ва солиқ оғирлиги	<p>* фискал сиёсат давлатнинг молиявий соҳадаги сиёсати бўлиб, солиқ-бюджет сиёсати деб ҳам юритилади. Бу сиёсатни юргизиш воситасида давлат:</p> <ul style="list-style-type: none"> ◆ солиқ солиш тартибига; ◆ харид қилиш баҳоларига ўз таъсирини ўтказди. <p>Масалан, иқтисодий ўсишни таъминловчи янги тармоқлар ва корхоналарга, айниқса илмталаб соҳаларга давлат солиқдан енгиллик беради, солиқ оғирлигини камайтиради, айти бир вақтда эски анъанавий соҳаларни қисқартириш учун уларга солиқ оғирлигини кўпайтиради. Фуқароларга уларнинг меҳнат фаолияти натижасига кўра солиқ солинади, ўта юқори даромадларга солиқ юқори ставкада (солиқ прогрессияси) бўлади, тирикчиликка етмаган даромадларга солиқ солинмайди ва ҳ.к.</p>
5.	Давлат секторининг салмоғи	<p>* «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мулкчиликнинг барча шакллариининг ҳуқуқий ҳимояси ва тенг ҳуқуқлилигини кафолатлайди.</p> <p>Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик шакллари бўйича иқтисодиёт тизимлари, секторлари жиддий ўзгаради. Моддо-</p>

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

1	2	3
		<p>мики, ислохотлар жараёни бошлангунга қадар давлат, колхоз-кооператив шакли устунлик қилган бўлса, ҳозир ва келажакда мулкчиликнинг нодавлат, яъни:</p> <ul style="list-style-type: none"> * хусусий мулк; * жамоа (ширкат) мулки: <ul style="list-style-type: none"> ◆ оила; ◆ маҳалла; ◆ кооперативлар; ◆ ижарачи корхоналар; ◆ жамоа корхоналари; ◆ диний ташкилотлар; ◆ хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ассоциациялар, юридик шахс бўлган бошқа бирлашмалар; * бошқа давлатлар, халқаро ташкилотларга қарашли юридик ҳамда жисмоний шахслар мулки анча тараққий этади ва унинг аҳамияти, салмоғи ошади. <p>Масалан, 1993 йилда давлат сектори ҳиссасига миллий даромаднинг 61,1 фоизи тўғри келган бўлса, 1997 йилда бу кўрсаткич 33 фоизга тушди.</p>
6.	Аҳоли эмиграцияси коэффициентлари	<ul style="list-style-type: none"> * У ёки бу региондаги сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги, унинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир этиб, ишчи кучининг четга оқими, яъни: <ul style="list-style-type: none"> ◆ ички миграцияни; ◆ халқаро миграция (эмиграция ва иммиграция)ни кескин кучайтиради. <p>Масалан, сиёсий омил собик социалистик мамлакатларда рўй берган кенг кўламли аҳоли миграцияси сабабларидан бири бўлди. Ташқи миграция икки кўрсаткич билан таърифланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> ◆ этник миграция, яъни қайтиб келмаслик ва фуқароликни сақланмаслик шарти билан; ◆ меҳнат миграцияси, яъни қайтиб келиш ва фуқароликни сақлаш шарти билан.

204

Қайси кўрсаткичлар орқали регионнинг ташқи сиёсати соҳасидаги рейтинг аниқланади?

Ҳар қандай мустақил регионнинг рейтинг олиб борилаётган ташқи сиёсатга ҳам боғлиқ бўлади. Бу сиёсат куйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топади:

- ◆ қўшни мамлакатлар билан муносабат даражаси;
- ◆ узоқ мамлакатлар билан муносабат даражаси;
- ◆ иқтисодий-сиёсий уюшмаларга аъзолик даражаси.

Мазкур регионнинг қўшни ҳамда узоқ мамлакатлар билан муносабатини, унинг қарамлик ва мустақил шароитини киёслаш орқали яққол кўриш мумкин (51-жадвал).

51-жадвал

Регионнинг ташқи сиёсатидаги ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	
Қарамлик шароитида	Мустақиллик шароитида
<ul style="list-style-type: none"> ◆ жаҳон ҳамжамиятидан ажрлиб қолиш; ◆ халқаро доираларда ҳуқуқсизлик; ◆ халқаро ташкилотларда ваколатнинг йўқлиги; ◆ бошқа мамлакатлар билан дипломатик алоқаларнинг, шартнома ва битимларнинг йўқлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ жаҳон ҳамжамияти давлатлари томонидан тан олиними; ◆ халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш; ◆ халқаро ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси, жаҳонда кенг қўллаб қувватланаётган хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кўплаб таклифларнинг ташаббускори; ◆ жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли дипломатик муносабатлар, икки ҳамда кўп томонлама қатор шартнома ва битимларнинг мустақил субъекти

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати:

- ◆ давлатларнинг суверен тенглиги;

- ◆ куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик;
- ◆ чегараларнинг даҳлсизлиги;
- ◆ низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- ◆ бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва меъёрларига асосланади.

Регионнинг иқтисодий сиёсий уюшмаларга аъзолик даражаси унинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли бўлишининг гаровидир. Бугунги кунда Ўзбекистон энг нуфузли халқаро ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Жумладан:

- ◆ 1992 йил 29 январда Халқаро хавфсизлик Кенгаши ўзининг 737-қарорини овозга қўймасдан қабул қилди ва Бош Ассамблеяга Ўзбекистон Республикасини БМТ га қабул қилишни тавсия этди;
 - ◆ 1992 йил 2 мартда БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида Ўзбекистон овозга қўйилмасдан, яқдиллик билан маъқуллаш асосида БМТга қабул қилинди;
 - ◆ 1992 йил 26 февралда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мустақил давлат номидан Европа ҳамкорлик ва хавфсизлик бўйича Кенгашнинг яқунловчи ҳужжатини имзолади;
 - ◆ 1992 йил сентябрда Ўзбекистон Парламенти нуфузли халқаро ташкилотлардан бири — Парламентлараро Иттифокнинг 119-аъзоси бўлди;
 - ◆ 1993 йил январда Ўзбекистон Парламенти Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ) Парламент Ассамблеясининг аъзоси бўлди. Бу халқаро ташкилот нафақат Европада, балки бутун дунёда давлатлараро муаммоларни жамоа бўлиб ҳал этишда муҳим ўрин эгаллайди.
- 1996 йил 1 июнгача бўлган даврда:**
- ◆ Ўзбекистон жаҳоннинг 94 мамлакати билан дипломатик алоқалар ўрнатди;

- ◆ Республикада 88 та хорижий ваколатхоналар, шу жумладан 35 та элчихона аккредитизация қилинган;
- ◆ Тошкентда 50 дан ортиқ халқаро, ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхоналари очилган;
- ◆ 250 дан ортиқ хорижий компания ва фирмалар Ўзбекистонда ўз бўлимларини очдилар;
- ◆ Кўпгина халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари — БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа обрў-эътиборли ташкилотлар Ўзбекистонда ўзларининг минтақавий ваколатларини очиб, ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорлик қилмоқдалар.

205

Қайси кўрсаткичлар регионнинг ички иқтисодиёти соҳасидаги рейтингини белгилайди?

Регионнинг ички иқтисодиётидаги ҳолатни, содда қилиб айтганда, мамлакат (вилоят, туман) «ҳарорати»ни қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин (52-жадвал).

52 - жадвал

Регионнинг ички иқтисодиётидаги ҳолатни тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	2	3	4
1.	Жон бошига тўғри келган: * $ЯИМ_A$ * $СМД_A$ * $ЖИ_A$ * $ИФ_A$	$ЯИМ_{\bar{A}} = \frac{ЯИМ}{A}$ $СМД_{\bar{A}} = \frac{СМД}{A}$ $ЖИ_{\bar{A}} = \frac{ЖИ}{A}$ $ИФ_{\bar{A}} = \frac{ИФ}{A}$	ЯИМ - ялпи ички маҳсулот; СМД - соф миллий даромад; A - аҳолининг ўртача сони; ЖИ _A - жами инвестиция; ИФ _A - истеъмол фонди.

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

1	2	3	4
	<ul style="list-style-type: none"> * CM_A * KXM_A * KXK_A 	$CM_{\bar{A}} = \frac{CM}{A}$ $KXM_{\bar{A}} = \frac{KXM}{A}$ $KXK_{\bar{A}} = \frac{KXK}{A}$	<p>CM - саноат маҳсулоти; KXM - кишлоқ хўжали- ги маҳсулоти; KXK - кўрсатилган хиз- матлар киймати;</p>
2.	<p>Инфляция даража- си!¹</p> <ul style="list-style-type: none"> * ЯИМ дефлятори индекси ($JД_{яим}$) * истеъмолад саватча- си дефлятори ($JД_{ис}$) * инвестиция деф- лятори индекси ($JД_{и}$) * сўмнинг сотиб олиш қобилияти индекси ($JС_{сок}$) * истеъмолад фонди дефлятори ($JД_{иф}$) 	$JД_{яим} = \frac{Д_{яим1}}{Д_{яим0}}$ $JД_{ис} = \frac{Д_{ис1}}{Д_{ис0}}$ $JД_{и} = \frac{Д_{и1}}{Д_{и0}}$ $JС_{сок} = \frac{1}{J_p}$ $JД_{иф} = \frac{Д_{иф1}}{Д_{иф0}}$	<p>$Д_{яим1}$ ва $Д_{яим0}$ - ЯИМнинг жорий ва базис даврла- ридаги дефлятори; $Д_{ис1}$ ва $Д_{ис0}$ - истеъмолад саватчасининг жорий ва базис даврларидаги дефлятори. $Д_{и1}$ ва $Д_{и0}$ - инвестиция- нинг жорий ва базис даврларидаги дефлятори; J_p - баҳонинг умумий индекси; $Д_{иф1}$ ва $Д_{иф0}$ - истеъмолад фондининг жорий ва базис даврларидаги дефлятори.</p>
3.	<p>Ишсизлик даражаси: * ишсизлик коэффи- циенти ($K_{ишс}$)</p> <p>* ишсизлар салмоғи ($d_{ишс}$)</p> <p>* фрикцион ишсиз- лик коэффициенти ($K_{фрик}$)</p> <p>* структуравий иш- сизлик коэффициен- ти ($K_{сшс}$)</p> <p>* даврий ишсизлик коэффициенти ($K_{динс}$)</p>	$K_{ишс} = \frac{ИШС}{ББ + ИШС}$ $d_{ишс} = \frac{ИШС}{\cdot MP}$ $K_{фрик} = \frac{ФИШС}{ББ + ФИШС}$ $K_{сшс} = \frac{СИШС}{ББ + СИШС}$ $K_{динс} = \frac{ДИШС}{ББ + ДИШС}$	<p>ИШС - бандлик хизмат- ларида қайд қилинган ишсизлар сони; ББ - банд бўлганлар сони; MP - меҳнат ресурслари; ФИШС - иш қидираёт- ган ёки яқин вақт ичида иш билад таъминлани- шини қутаётган киши- лар сони; СИШС - ишлаб чиқа- риш таркиби ва техноло- гиянинг тубдан ўзгари- ши сабабли ишсиз қол- ган кишилар сони; ДИШС - ишлаб чиқа- ришнинг пасайиши на- тижасида ишчи кучига бўлган талабнинг кама- йиши оқибатида вужудга келган ишсизлар сони.</p>

¹ Инфляция ва дефлятор тушунчалари мазкур туркумнинг «Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб» китобида батафсил ёритилган.

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

1	2	3	4
4.	<p>Молия кредит сиёсати:</p> <p>* давлат бюджетидagi тақчиллик даражаси ($K_{\text{БТ}}$)</p> <p>* эмиссия даражаси ($K_{\text{Э}}$)</p> <p>* солиқ ставкаси ($K_{\text{СС}}$)</p> <p>◆ валюта курси (ВК):</p> <p>* Номинал валюта курси (НВК)</p> <p>* Реал валюта курси (РВК)</p>	$K_{\text{БТ}} = \frac{Д - X}{\text{ЯИМ}}$ $K_{\text{Э}} = \frac{P}{S}$ <p>$\text{Э} = P - S$</p> <p>$P > S$ бўлса, эмиссия бўлмайди</p> <p>$P < S$ бўлса, пул эмиссияси муқаррардир</p> $K_{\text{СС}} = \frac{\text{ЖС}}{\text{ЖД}} \cdot 100$ <p>$\text{НВК} = \text{ММПБ}'$</p> $\text{РВК} = \text{НВК} \cdot \frac{M_{\text{МБ}}}{M_{\text{ХБ}}}$	<p>Д - давлат бюджетида даромад суммаси;</p> <p>X - давлат бюджетида харажат суммаси;</p> <p>$Д < X$ бўлса, бюджет тақчил бўлади;</p> <p>Э - эмиссия;</p> <p>P - регионда сотиш учун таклиф қилинаётган товарлар ва хизматлар массаси.</p> <p>S - регионга берилган (тўланган) пул массаси, яъни:</p> <ul style="list-style-type: none"> ◆ иш ҳақи; ◆ стипендиялар; ◆ пенсия ва нафакалар; ◆ бошқа тўловлар; <p>ЖС - жами солиқ суммаси;</p> <p>ЖД - жами даромад МППБ' - мазкур мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирликларида ифодаланган баҳоси (қотиروвки). Масалан, 1997 йил 29 январда сўмнинг курси 1 АҚШ долларига нисбатан 82 сўмни ташкил этди, яъни:</p> <p>$1 \text{ сўм} = 0,01219 \text{ АҚШ доллари}$</p> <p align="center">1 АҚШ доллари ёки ----- 82 сўм</p> <p>$M_{\text{МБ}}$ - i маҳсулотнинг мазкур мамлакатдаги баҳоси;</p> <p>$M_{\text{ХБ}}$ - i маҳсулотнинг хориж баҳоси.</p> <p>Валюта курси пасайганда миллий товарлар нисбатан арзонроқ, хори-</p>

1	2	3	4
			жий товарлар эса нисбатан қимматроқ туради. Бундай ҳолларда эса экспорт қисқариб туради.

206

Қайси кўрсаткичлар регионнинг ташқи иқтисодиёти соҳасидаги рейтингини белгилайди?

Ташқи иқтисодиётни тавсифловчи статистик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш энг аввало мазкур регионнинг ташқи иқтисодий сиёсати олдиға қўйилган мақсадларға боғлиқ. Бу мақсадлар қуйидагиларға йўналтирилган бўлади:

- ◆ **экспортни ривожлантириш** ва унинг тузилишини яхшилаш. Зеро, экспортға йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш:
- * миллий ишлаб чиқаришни техник-иқтисодий жиҳатдан жаҳон талаби даражасиға кўтареди;
- * ишлаб чиқариш тузилишини такомиллаштиради;
- * республика валюта захираларини кўпайтиради.
- ◆ **импорт тузилишини такомиллаштириш**, яъни миллий ишлаб чиқаришда замонавий товарларни кўпайтириш, импорт сиёсатида бўлган камчилик ва хатоларни бартараф этиш;
- ◆ **ташқи иқтисодий қолдиқнинг (сальдо) ижобий бўлишиға эришиш**;
- ◆ **миллий валютани мустаҳкамлаш** ва уни бошқа валюталарға эркин алмашуви (конвертация қилиниши)ни таъминлаш. Бугунги кунда валюталар:
 - * эркин конвертирланадиган;
 - * қисман конвертирланадиган;
 - * конвертирланмайдиган валюталарға бўлинади;

Эркин конвертирланувчи валюта амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валютага эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валютадир. Булар жумласига АҚШ доллари, Германия маркаси, Швейцария франки, Япония иенаси, инглиз фунт стерлинги, Канада доллари киради.

Қисман конвертирланадиган валюта миллий валюта бўлиб, фақат баъзи бир хорижий валюталарга айирбошланади. Ички конвертация бўлганда бошқа валютани миллий валютага фақат шу мамлакатда сотиб олиш мумкин. Ташқи конвертация бўлганда фақат хорижликлар миллий валютани эркин сотиб олиши мумкин.

Бизнинг миллий пул бирлигимиз — сўмни қисман конвертирланадиган валюталар қаторига киритиш мумкин.

Конвертирланмайдиган валюта фақатгина ички тўлов оборотига хизмат қилади ва хорижий валюталарга айирбошланмайди. Бу миллий ва хорижий валюталарни олиб келиш, олиб чиқиш, сотиш ҳамда сотиб олишга таъқиқлашни қўллайдиган мамлакатлар валютасидир. Улар соҳибби бўлган мамлакатларнинг иктисодиёти қоқоқ, уларнинг экспорт потенциали заиф, шу сабабли бу ерда хорижий валюта захиралари оз бўлиб конвертацияга ётмайди.

Хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун инвесторларга қулай шароит яратиш, яъни:

- ◆ ишлаб чиқариши ҳажмида товар (иш, хизмат)лар экспорти камида 30 фоизини ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклларида қатъи назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки барабар камроқ тўлаш ҳуқуқини бериш;
- ◆ Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;
- ◆ хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик;

- ◆ ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга олиб кетиш;
- ◆ Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг низом фондига хисса қўшиш учун, мол-мулкни четдан бож тўловларисиз олиб кириш;
- ◆ жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, ажнабийларнинг давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулкнинг кенг миқёсда сотилишида бемалол иштирок этишларини таъминлаш;
- ◆ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш кабилар амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизимида кўзда тутилади¹

Қайд килинган ташки иқтисодий вазифа ва мақсадларнинг қай даражада амалга ошириляётганлиги куйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топади (53-жадвал).

53-жадвал

Регионнинг ташки иқтисодиятидаги ҳолатни тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1	2	3	4
1.	Экспорт ◆ Экспорт квотаси коэффициенти ($K_{эк}$) ◆ Экспорт квотаси индекси ($J_{эк}$)	$K_{эк} = \frac{ЭК}{ЯИМ}$ $J_{эк} = \frac{K_{эк1}}{K_{экn}}$	ЭК- экспорт суммаси; ЯИМ - ялпи ички маҳсулот. $K_{экn}$ ва $K_{эк1}$ базис ва жорий даврларда экспорт квотаси.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. «Ўзбекистон», 1995, 117-бет.

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

1	2	3	4
	<p>♦ Экспорт эластик-лиги ($\mathcal{E}_{\text{эк}}$)</p> <p>Экспортнинг илгарилаш коэффициенти ($K_{\text{экк}}$)</p>	$\mathcal{E}_{\text{эк}} = \frac{\Delta \text{ЭК}}{\text{ЭК}} : \frac{\Delta \text{ЯИМ}}{\text{ЯИМ}}$ $K_{\text{экк}} = J_{\text{эк}} : J_{\text{яим}}$	<p>$\Delta \text{ЭК}$ - экспорт ўсими; ЭК - экспорт ҳажми. $\Delta \text{ЯИМ}$ - ялпи ички маҳсулот ўсими. $J_{\text{эк}}$ - экспорт индекси; $J_{\text{яим}}$ - ЯИМ индекси.</p>
2.	<p>Импорт:</p> <p>♦ импорт квота коэффициенти ($K_{\text{и}}$)</p> <p>♦ импорт квота индекси ($J_{\text{и}}$)</p> <p>♦ импорт эластик-лиги ($\mathcal{E}_{\text{и}}$)</p> <p>♦ импортнинг илгарилаш коэффициенти ($K_{\text{ик}}$)</p> <p>♦ координация индекси ($J_{\text{и}}$)</p>	$K_{\text{и}} = \frac{\text{И}}{\text{ЯИМ}}$ $J_{\text{и}} = \frac{K_{\text{и1}}}{K_{\text{и0}}}$ $\mathcal{E}_{\text{и}} = \frac{\Delta \text{И}}{\text{И}} : \frac{\Delta \text{ЯИМ}}{\text{ЯИМ}}$ $K_{\text{ик}} = J_{\text{и}} : J_{\text{яим}}$ $J_{\text{к}} = J_{\text{эк}} : J_{\text{и}}$ $K_{\text{ини}} = \text{ЭК} : \text{И}$	<p>И - импорт суммаси; $K_{\text{и0}}$ ва $K_{\text{и1}}$ - базис ва жорий даврларда импорт квотаси; $\Delta \text{И}$ - импорт ўсими; И - импорт ҳажми; $J_{\text{и}}$ - импорт индекси; $K_{\text{ини}}$ - координация нисбий миқдори.</p>
3.	Ташки иқтисодий алоқа қолдиғи (ΔK)	$\Delta K = \mathcal{E} - \text{И}$	<p>$\Delta K > 1$ - бўлса ташки савдо обороти баланси ижобий, $\Delta K < 1$ - бўлса салбий бўлади ва ташки баланснинг дефицитли эканлигидан далолат беради.</p>
4.	<p>Валюта:</p> <p>♦ эркин конвертирланадиган валюта ($B_{\text{эк}}$)</p> <p>♦ қисман конвертирланадиган валюта ($B_{\text{кк}}$)</p> <p>♦ конвертирланмайдиган валюта ($B_{\text{кн}}$)</p>	$B_{\text{эк}} = \text{МВ} = \text{ХВ}$ $B_{\text{кк}} = \text{МВ} \cong \text{ХВ}$ $B_{\text{кн}} = \text{МВ} \neq \text{ХВ}$	<p>МВ - миллий валюта; ХВ - хорижий валюта «\Rightarrow» - эркин айирбошланув аломати «\cong» - қисман айирбошланув аломати «\neq» - умуман айирбошланмаслик аломати.</p>

1	2	3	4
5.	Инвестиция: ♦ портфел инвестиция салмоғи ($d_{пн}$) ♦ бевосита инвестиция салмоғи ($d_{би}$) ♦ хорижий кредит салмоғи ($d_{хк}$)	$d_{пн} = \frac{d_{хи}}{d_{ми}}$ $d_{би} = \frac{d_{ха}}{d_{ма}}$ $d_{хк} = \frac{ХК}{\sum К}$	$d_{хи}$ - хорижий инвестициянинг жами активдаги салмоғи; $d_{ми}$ - маҳаллий инвестициянинг жами активдаги салмоғи; $d_{ха}$ - хорижий инвесторнинг акционерлик капиталидаги салмоғи; $d_{ма}$ - маҳаллий корхонанинг акционерлик капиталидаги салмоғи; ХК - хорижий кредит суммаси; ΣК- жами кредит.

207 Регионнинг қарздорлиги соҳасидаги рейтингини белгилайдиган кўрсаткичлар ҳақида нималар дея оласиз?

Регионнинг ташқи иқтисодий алоқалар натижасида қарздор ёки қарздор эмаслиги унинг тўлов балансида ўз аксини топади.

Тўлов баланси¹ статистик қайднома бўлиб, унда маълум давр мобайнида мазкур давлат билан хорижий давлатлар ўртасида содир бўлган ташқи иқтисодий муносабатларнинг қиймат кўрсаткичлари тизими келтирилади. Унинг бир томонида четдан келадиган барча тушумлар, иккинчи томонида эса мамлакатнинг четга тўлайдиган барча тўловлари қайд қилинади. Тушум (кредит «+») фақат экспорт орқали, яъни миллий товар (хизмат)ларни хорижий валютага сотиш йўли билан таъминланади. Баланснинг харажат қисми, аксинча хорижий маҳсулотларни сотиб олиш, яъни тўлов (дебет «-») орқали таъминланади.

¹ Тўлов баланси мазкур туркумнинг «Миллий счётлар тизими: 100 савол ва жавоб» китобида батафсил кўриб чиқилган.

Тўлов баланси қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- ◆ ташқи савдо;
- ◆ хизматлар ва нотижорат тўловлари;
- ◆ капиталлар ва кредитлар ҳаракати;
- ◆ олтин ва валюта захиралари ҳаракати.

Кўпгина ҳолларда савдо баланси билан хизматлар ва нотижорат тўловлари баланси жорий муомалалар балансига бирлаштирилади.

Тўлов балансига асосланиб регионнинг қарздор ёки қарздор эмаслигини қуйидагича аниқлашимиз мумкин:

$$ТБ = (Э - И) + (K_{кп} - K_{кр}) + (ОВ_{кп} - ОВ_{км})$$

Бу ерда: ТБ — тўлов баланси; Э — экспорт; И — импорт; $K_{кп}$ — капитал ва инвестициянинг келиши (тушум), яъни экспорт эвазига тушум (кредит «+»); $K_{кр}$ — капитал ва инвестициянинг кетиши (тўлов), яъни импорт харажатлари (дебет «-»); $ОВ_{кп}$ — олтин ва валюта захираларининг кўпайиши (тушум), яъни соф маблағ келишининг ютилиб кетиши (кредит «+»); $ОВ_{км}$ — олтин ва валюта захираларининг камайиши (тўлов), яъни соф маблағ чиқиб кетишининг ўрнини тўлдириш (дебет «-»).

Агар $ТБ > 1$ бўлса, у ҳолда регионнинг тўлов баланси ижобий, яъни актив, $ТБ < 1$ бўлса, салбий, яъни пассив бўлади. Сўнги ҳолат регионнинг хорижий мамлакат олдида қарздор эканлигини билдиради. Регионнинг қарздорлик даражасини аниқлаш мақсадида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

- ◆ соф миллий даромад (СМД)га нисбатан ташқи қарз (ТК) салмоғи:

$$d_{тк} = \frac{ТК}{СМД} \cdot 100$$

- ◆ экспорт (Э)га нисбатан ташқи қарз салмоғи:

$$d_{тк} = \frac{ТК}{Э} \cdot 100$$

Қарз салмоғи қанчалик кичик бўлса ва у «0» га яқин бўлса, регионнинг рейтинги шунчалик юқори бўлади.

208

Тўлов баланси қандай тузилишга эга?

Регионнинг тўлов баланси тахминан қуйидаги тузилишга эга (54-жадвал).

54-жадвал

Регион тўлов балансининг тахминий тузилиши

Т/р	Счётлар	Кредит "+" ёки экспорт ҳисобига тушумлар	Дебет "-" ёки импорт харажатлари	Сальдо
1.	Савдо баланси счёти	Товарлар экспортдан тушумлар	Товарлар импорти учун харажатлар	
2.	Хизматлар баланси счёти	Чет элга кўрсатилган хизматлардан тушумлар	Чет элликлар хизмати учун тўловлар	
3.	Ўтказмалар баланси счёти	Чет элдан тушган ўтказмалар	Чет элга ўтказмалар	
	Жорий муомалалар счёти (1+2+3)	E	Z	E-Z>0 E-Z<0
4.	Капитал ҳаракати счёти	Капитал импорти	Капитал экспорти	NKE
5	Расмий захиралар (олтин, махсус қарз олиш ҳуқуқи (СПЗ), ХВФ даги захиралар ва кредитлар, хорижий валюталар)	Олтин ва валюта захираларининг кўпайиши (соф маблағ келишининг ютилиб кетиши «-»)	Олтин ва валюта захираларининг камайиши (соф маблағ чиқиб кетишининг ўрнини тўлдириш «+»)	\R

Бу ерда: NE — соф экспорт; $E-Z>0$ бўлса, регион чет элга ўз инвестицияларини кўпайтирган бўлади; $E-Z<0$ бўлса, регионда хорижий инвестиция кўпайган бўлади; $NKE>0$ — чет элга капитал оқими содир бўлади; $NKE<0$ — чет элдан капитал оқими содир бўлади; $E-Z>НКБ$ — бўлса, тўлов баланси актив (ижобий) бўлади; $E-Z<НКБ$ — бўлса, тўлов баланси пассив (тақчил) бўлади.

Тўлов баланснинг тақчил бўлиши мазкур регионнинг хорижий региондан олгандан кўра уларга кўпроқ тўлаганини ифодалайди. Бинобарин, хорижийлар мазкур регион тўлов балансидаги тақчил сумма микдорида ютуққа эга бўладилар. Бу Марказий банк счётидаги резервлар сальдосини ифода этади (ΔR).

Тўлов баланси сальдоси суммаси ($\Delta C_{тб}$) ҳар доим Марказий банк валюта захираси сальдосига ($\Delta B3_{мб}$) тенг бўлади:

$$\Delta C_{тб} = \Delta B3_{мб}$$

209

Регионлар рейтингини аниқлаш учун Жаҳон банки томонидан қайси кўрсаткичлар тавсия қилинган?

Регионлар иқтисодиётини қиёсий таҳлил қилиш ва шу асосда уларнинг рейтингини аниқлаш мақсадида жаҳон банки қуйидаги кўрсаткичлар тизимини тавсия қилади:

- ◆ аҳоли, меҳнат ресурслари ва бандлик кўрсаткичлари;
- ◆ ишлаб чиқариш салоҳиятини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ иқтисодий ўсишни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ саноат секторининг ривожланиш кўрсаткичлари;
- ◆ қишлоқ хўжалиги секторининг ривожланиш кўрсаткичлари;
- ◆ регионнинг молиявий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар;

- ◆ аҳоли турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- ◆ ташқи алоқани ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ҳар бир гуруҳда келтирилган кўрсаткичлар бўйича нисбий ва ўртача миқдорлар ҳисобланади. Тегишли кўрсаткичларнинг эса эластиклик коэффициентлари, шунингдек, ўсиш, қўшимча ўсиш суръатлари базис ҳамда занжирсимон усулларда аниқланади. Айниқса, 1 фоиз қўшимча ўсишнинг мутлоқ моҳияти кўрсаткичини ҳисоблашга катта эътибор берилади.

210

Қайси кўрсаткичлар аҳоли, меҳнат ресурслари ва бандлик даражасини қиёслаш учун тавсия қилинган?

Қуйидаги кўрсаткичлар регионнинг социал салоҳияти, унинг таркиби ва ундан фойдаланиш даражаларини ўзида акс эттиради (55-жадвал).

55-жадвал

Регионнинг социал салоҳиятини тавсифловчи нисбий кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби
1	2	3
1	Аҳоли: <ul style="list-style-type: none"> ◆ жами аҳоли сони (А) ◆ ўртача йиллик ўсиш суръати ◆ аёллар салмоғи ◆ шаҳар аҳолиси салмоғи 	\bar{A} $\dot{A} = (\bar{A}_1 : \bar{A}_0) \cdot 100$ $d_a = (a : \bar{A}) \cdot 100$ $d_{ша} = (ша : A) \cdot 100$
2	Аҳолининг ёш таркиби (%): <ul style="list-style-type: none"> ◆ меҳнат ёшигача бўлган аҳоли салмоғи ◆ меҳнат ёшидаги аҳоли салмоғи ◆ меҳнат ёшидан ўтган аҳоли салмоғи 	$d_{м\grave{e}га} = (M\grave{E}GA : \bar{A}) \cdot 100$ $d_{м\grave{e}да} = (M\grave{E}DA : \bar{A}) \cdot 100$ $d_{м\grave{e}у} = (M\grave{E}YA : \bar{A}) \cdot 100$
3	Меҳнат ресурслари (МР): <ul style="list-style-type: none"> ◆ жами МР ◆ МР салмоғи 	MP $d_{чр} = (MP : \bar{A}) \cdot 100$

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

1	2	3
4.	Мулк шакллари бўйича банд бўлганлар салмоғи (ББ): <ul style="list-style-type: none"> ◆ давлат секторида ◆ нодавлат секторида ◆ жамоа ҳўжаликларида ◆ хусусий секторда 	$d_{дс} = (ББ_{дс} : \sum ББ) \cdot 100$ $d_{ндс} = (ББ_{ндс} : \sum ББ) \cdot 100$ $d_{жх} = (ББ_{жх} : \sum ББ) \cdot 100$ $d_{хс} = (ББ_{хс} : \sum ББ) \cdot 100$
5.	Секторлар бўйича банд бўлганлар салмоғи (ББ): <ul style="list-style-type: none"> ◆ саноатда ББ салмоғи ◆ қишлоқ ҳўжалигида ББ салмоғи ◆ хизмат кўрсатиш соҳасида ББ салмоғи 	$d_c = (ББ_c : \sum ББ) \cdot 100$ $d_{кх} = (ББ_{кх} : \sum ББ) \cdot 100$ $d_{хк} = (ББ_{хк} : \sum ББ) \cdot 100$
6.	Аҳолининг жинси бўйича таркиби: <ul style="list-style-type: none"> ◆ эркаклар (Э) салмоғи ◆ аёллар (АЁЛ) салмоғи 	$d_э = (\frac{Э}{\bar{A}}) \cdot 100$ $d_{АЁЛ} = (\frac{АЁЛ}{\bar{A}}) \cdot 100$
7.	Ишсизлик даражаси (КҚИ— кайд қилинган ишсизлар сони)	$d_{кқи} = (\frac{КҚИ}{MP}) \cdot 100$

211

Қайси кўрсаткичлар регионнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини қиёслаш учун асос қилиб олинади?

Регионнинг рейтинг унинг ишлаб чиқариш салоҳиятига ҳам боғлиқ. Ишлаб чиқариш салоҳияти ЯИМ ва унинг кўпайишида ўз аксини топади (56-жадвал).

56-жадвал

Регионнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини тавсифловчи нисбий кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби
1	2	3
1.	Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) <ul style="list-style-type: none"> ◆ жами ◆ жон бошига тўғри келган ЯИМ 	ЯИМ $K_{яим} = (\frac{ЯИМ}{\bar{A}})$

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

1	2	3
2.	Секторлар бўйича ЯИМ нинг салмоғи: ♦ саноатнинг салмоғи (С) ♦ қишлоқ хўжалигининг салмоғи (ҚХ) ♦ хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи (ХК)	$d_c = (\text{СИМ} : \sum \text{ЯИМ}) \cdot 100$ $d_{\text{КХ}} = (\text{ҚХИМ} : \sum \text{ЯИМ}) \cdot 100$ $d_{\text{ХК}} = (\text{ХКИМ} : \sum \text{ЯИМ}) \cdot 100$
3.	Фойдаланиш йўналиши бўйича ЯИМ нинг тақсимланиши, %: ♦ пировард истеъмол ♦ ялпи жамғарма	$d_{\text{ПИ}} = (\text{ЯИМ}_{\text{ПИ}} : \sum \text{ЯИМ}) \cdot 100$ $d_{\text{ЯЖ}} = (\text{ЯИМ}_{\text{ЯЖ}} : \sum \text{ЯИМ}) \cdot 100$
4.	ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръати, жами Шу жумладан: ♦ саноатда (СИМ) ♦ қишлоқ хўжалигида (ҚХИМ) ♦ хизмат кўрсатиш соҳасида (ХКИМ) ♦ пировард истеъмол (ПИ) ♦ ялпи жамғарма (ЯЖ)	$\dot{C}_{\text{ЯИМ}} = \sqrt{(\text{ЯИМ}_n : \text{ЯИМ}_0) \cdot 100}$ $\dot{C}_{\text{СИМ}} = \sqrt{(\text{СИМ}_n : \text{СИМ}_0) \cdot 100}$ $\dot{C}_{\text{ҚХИМ}} = \sqrt{(\text{ҚХИМ}_n : \text{ҚХИМ}_0) \cdot 100}$ $\dot{C}_{\text{ХКИМ}} = \sqrt{(\text{ХКИМ}_n : \text{ХКИМ}_0) \cdot 100}$ $\dot{C}_{\text{ПИ}} = \sqrt{(\text{ПИ}_n : \text{ПИ}_0) \cdot 100}$ $\dot{C}_{\text{ЯЖ}} = \sqrt{(\text{ЯЖ}_n : \text{ЯЖ}_0) \cdot 100}$
5.	ЯИМ дефлятори, жами. Шу жумладан: ♦ саноат ички маҳсулоти дефлятори ($D_{\text{СИМ}}$) ♦ қишлоқ хўжалиги ички маҳсулоти дефлятори ($D_{\text{ҚХИМ}}$) ♦ хизмат кўрсатиш соҳаси ички маҳсулоти дефлятори ($D_{\text{ХКИМ}}$)	$D_{\text{ЯИМ}} = \text{ЯИМ}_1(P_1) : \text{ЯИМ}_1(P_0)$ $D_{\text{СИМ}} = \text{СИМ}_1(P_1) : \text{СИМ}_1(P_0)$ $D_{\text{ҚХИМ}} = \text{ҚХИМ}_1(P_1) : \text{ҚХИМ}_1(P_0)$ $D_{\text{ХКИМ}} = \text{ХКИМ}_1(P_1) : \text{ХКИМ}_1(P_0)$

212 **Регионнинг иқтисодий ўсишини қиёслаш учун қайси кўрсаткичлар тавсия этилади?**

МСТдаги қуйидаги кўрсаткичлар ҳақон банки томонидан регионнинг иқтисодий ўсишини қиёслаш учун тавсия этилади (57-жадвал).

Регионнинг иқтисодий ўсишини тавсифловчи нисбий кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби
1.	Соф миллий даромад (СМД) ◆ жами ◆ жон бошига тўғри келган СМД	СМД $K_{\text{СМД}} = (\text{СМД}; \bar{A})$
2.	Секторлар бўйича СМД нинг салмоғи: ◆ саноатнинг салмоғи ◆ кишлок хўжалигининг салмоғи ◆ бошқа тармоқлар салмоғи	$d_c = (\text{СМД}_c; \sum \text{СМД}) \cdot 100$ $d_{\text{КХ}} = (\text{СМД}_{\text{КХ}}; \sum \text{СМД}) \cdot 100$ $d_{\text{БТ}} = (\text{СМД}_{\text{БТ}}; \sum \text{СМД}) \cdot 100$
3	СМД нинг ўртача йиллик ўсиши, жами Шу жумладан ◆ саноатда (ССД) ◆ кишлок хўжалигида (КХСД) ◆ бошқа тармоқларда (БТСД)	$\dot{C}_{\text{СМД}} = \sqrt{(\text{СМД}_n; \text{СМД}_0) \cdot 100}$ $\dot{C}_{\text{ССД}} = \sqrt{(\text{ССД}_n; \text{ССД}_0) \cdot 100}$ $\dot{C}_{\text{КХСД}} = \sqrt{(\text{КХСД}_n; \text{КХСД}_0) \cdot 100}$ $\dot{C}_{\text{БТСД}} = \sqrt{(\text{БТСД}_n; \text{БТСД}_0) \cdot 100}$
4	Фойдаланиш йўналишлари бўйича СМД нинг ўртача йиллик ўсиши: ◆ ноишлаб чиқариш истеъмолидаги қисми ◆ жамғармадаги қисми	$\dot{C}_{\text{ИСМД}} = \sqrt{(\text{ИСМД}_n; \text{ИСМД}_0) \cdot 100}$ $\dot{C}_{\text{Ж}} = \sqrt{(\text{ЖСМД}_n; \text{ЖСМД}_0) \cdot 100}$
	СМД дефлятори Шу жумладан: ◆ саноат соф даромади дефлятори (ССД) ◆ кишлок хўжалиги соф даромади дефлятори (КХСД) ◆ истеъмол фонди дефлятори (ИСМД) ◆ жамғарма дефлятори (ЖСМД)	$D_{\text{СМД}} = \text{СМД}_1(P_1); \text{СМД}_1(P_0)$ $D_{\text{ССД}} = \text{ССД}_1(P_1); \text{ССД}_1(P_0)$ $D_{\text{КХСД}} = \text{КХСД}_1(P_1); \text{КХСД}_1(P_0)$ $D_{\text{ИСМД}} = \text{ИСМД}_1(P_1); \text{ИСМД}_1(P_0)$ $D_{\text{ЖСМД}} = \text{ЖСМД}_1(P_1); \text{ЖСМД}_1(P_0)$

213

Қайси кўрсаткичлар регион саноатини қийслаш учун асос қилиб олинади?

Регион халқ хўжалигининг таркибида саноат сектори етакчи ўринни эгаллайди. Шу тармоқнинг ривожланиш

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

даражасига қараб мазкур регионнинг индустриал, аграр индустриал ёки аграр регион эканлиги тўғрисида фикр юри-тилади. Жаҳон банки томонидан қуйидаги кўрсаткичлар саноатнинг ривожланиш даражасини қиёслаш учун тавсия этилади (58-жадвал).

58-жадвал

Регионда саноат секторининг ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	
1.	Саноат маҳсулоти (СМ): ♦ жами ♦ жон бошига тўғри келган СМ	СМ $K_{CM} = (CM \bar{D} : \bar{A})$	
2.	СМга нисбатан % ҳисобида: ♦ электроэнергетика (ЭЭМ) ♦ ёнилғи саноати (ЁСМ) ♦ металлургия (МСМ) ♦ кимё ва нефт кимё саноати (КНСМ) ♦ машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати (ММСМ) ♦ ўрмон саноати (ЎСМ) ♦ қурилиш материаллари саноати (ҚМСМ) ♦ енгил саноат (ЕСМ) ♦ озиқ-овқат саноати (ООСМ) ♦ бошқа тармоқлар (БТМ)	$d_{ЭЭМ} = (ЭЭМ : \sum CM) \cdot 100$ $d_{ЁСМ} = (ЁСМ : \sum CM) \cdot 100$ $d_{МСМ} = (МСМ : \sum CM) \cdot 100$ $d_{КНСМ} = (КНСМ : \sum CM) \cdot 100$ $d_{ММСМ} = (ММСМ : \sum CM) \cdot 100$ $d_{ЎСМ} = (ЎСМ : \sum CM) \cdot 100$ $d_{ҚМСМ} = (ҚМСМ : \sum CM) \cdot 100$ $d_{ЕСМ} = (ЕСМ : \sum CM) \cdot 100$ $d_{ООСМ} = (ООСМ : \sum CM) \cdot 100$ $d_{БТМ} = (БТМ : \sum CM) \cdot 100$	
3	СМнинг ўртача йиллик ўсиш суръати ♦ гармоқлар бўйича (i)	$\bar{Y}_{CM} = \sqrt{(CM_n : CM_0) \cdot 100}$ $Y_{C_i} = \sqrt{(i_{CM} : i_{CM_0}) \cdot 100}$	
4	Жон бошига ишлаб чиқарилган (истеъмол қилинган): ♦ қумир (К) ♦ газ (Г) ♦ нефт маҳсулотлари (НМ) ♦ электр энергияси (ЭЭ)	$\bar{K}_{ин} = K_{ин} : \bar{A}$ $\bar{K}_{газ} = \Gamma_{ин} : \bar{A}$ $\bar{K}_{неф} = НМ_{ин} : \bar{A}$ $\bar{K}_{ээ} = ЭЭ_{ин} : \bar{A}$	$\bar{K}_{не} = K_{не} : \bar{A}$ $\bar{K}_{газ} = \Gamma_{не} : \bar{A}$ $\bar{K}_{не} = НМ_{не} : \bar{A}$ $\bar{K}_{ээ} = ЭЭ_{не} : \bar{A}$

214

Қайси кўрсаткичлар регион қишлоқ хўжалигини қиёслаш учун қўлланилади?

Регионнинг рейтинг қишлоқ хўжалиги секторининг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқ. Чунки бу соҳа аҳоли истеъмоли учун зарурий маҳсулот етказиб бериш билан бир қаторда, саноат сектори учун ҳам хом ашё етказиб берувчи манбадир. Жаҳон банки томонидан регионларни қиёслаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тавсия этилади (59-жадвал).

59-жадвал

Регионда қишлоқ хўжалиги секторининг ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби
1	2	3
1.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти (ҚХМ): ♦ жами ♦ жон бошига тўғри келадиган ҚХМ	ҚХМ $K_{\text{ҚХМ}} = (\text{ҚХМ} : \bar{A})$
2.	ҚХМга нисбатан % ҳисобида: ♦ деҳқончилик маҳсулотлари (ДМ) ♦ чорвачилик маҳсулотлари (ЧМ) ♦ ҚХ соҳасидаги хизматлар (ҚХХ)	$d_{\text{ДМ}} = (\text{ДМ} : \sum \text{ҚХМ}) \cdot 100$ $d_{\text{ЧМ}} = (\text{ЧМ} : \sum \text{ҚХМ}) \cdot 100$ $d_{\text{ҚХХ}} = (\text{ҚХХ} : \sum \text{ҚХМ}) \cdot 100$
3.	ҚХМнинг секторлар бўйича салмоғи, %: ♦ давлат сектори (ДС) ♦ нодавлат сектори (НДС) ♦ шахсий ёрдамчи хўжаликлар (ШЁХ) ♦ фермер хўжаликлари (ФХ)	$d_{\text{ДС}} = (\text{ДС} : \sum \text{ҚХМ}) \cdot 100$ $d_{\text{НДС}} = (\text{НДС} : \sum \text{ҚХМ}) \cdot 100$ $d_{\text{ШЁХ}} = (\text{ШЁХ} : \sum \text{ҚХМ}) \cdot 100$ $d_{\text{ФХ}} = (\text{ФХ} : \sum \text{ҚХМ}) \cdot 100$

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

1	2	3	
4.	ҚХМ ҳосилдорлиги, ц/га: ♦ дон маҳсулотлари (Д) ♦ гуруч (Г) ♦ пахта (П) ♦ картошка (К) ♦ сабзавот (С)	$X_d = Д : ЭМ$ $X_g = Г : ЭМ$ $X_p = П : ЭМ$ $X_k = К : ЭМ$ $X_c = С : ЭМ$	Бу ерда: X - ҳосилдорлик ЭМ - экин майдони
5.	Жон бошига ишлаб чиқарилган (истеъмол қилинган): ♦ дон (кг) ♦ картошка (кг) ♦ сабзавот (кг) ♦ гўшт(кг) ♦ сут (л) ♦ тухум (дона)	$K_{ин} = Д_{ин} : А$ $K_{ин} = К_{ин} : А$ $K_{ин} = С_{ин} : А$ $K_{ин} = Г_{ин} : А$ $K_{ин} = Т_{ин} : А$	$K_{ин} = Д_{ин} : А$ $K_{ин} = К_{ин} : А$ $K_{ин} = С_{ин} : А$ $K_{ин} = Г_{ин} : А$ $K_{ин} = Т_{ин} : А$
6.	ҚХМ нинг ўртача йиллик ўсиш суръати ♦ секторлар бўйича ♦ маҳсулот турлари бўйича	$\dot{Y}_{КХМ} = \sqrt[n]{(КХМ_n : КХМ_0)} 100$ $\dot{Y}_i = \sqrt[n]{(i_{КХМ_n} : i_{КХМ_0})} 100$	

215 Қайси молиявий кўрсаткичлар регион рейтингини аниқлаш учун қўлланилади?

Регион рейтингини аниқлаш ва регионлараро қиёслашда қуйидаги молиявий кўрсаткичлар асос қилиб олинади (60-жадвал).

60-жадвал

Регионнинг молиявий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби
1	2	3
1.	Жорий даромадларнинг давлат бюджети даромадидаги (ДБД) салмоғи: ♦ солиқдан тушумлар (СТ) ♦ носолиқ тушумлар (НСТ)	$d_{СТ} = (СТ : \sum_{i=1}^n ДБД) 100$ $d_{НСТ} = (НСТ : \sum_{i=1}^n ДБД) 100$

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

1	2	3	
2.	Давлат бюджетдаги тақчиллик даражаси (КБт)	$K_{\text{от}} = \frac{Д - Х}{\text{ЯИМ}}$	Д-даромад суммаси; Х-харажат суммаси; S-региондаги пул массаси; P-товарлар ва хизматлар массаси.
3.	Эмиссия даражаси (Кэ)	$K_{\text{э}} = (P : S) \cdot 100$	
4.	Солиқ оғирлиги (ставкаси) - $K_{\text{сс}}$	$K_{\text{сс}} = (\text{ЖС} : \text{ЖД}) \cdot 100$	
5.	Давлат бюджети харажатлари (ДБХ) салмоғи: ♦ халқ хўжалигига (ХХ) ♦ давлат капитал маблағларига (ДКМ) ♦ ижтимоий маданий тадбирларга (ИМТ) ♦ аҳолини ижтимоий химоя қилишга (АИХ) ♦ бошқарувга (Б)	$d_{\text{ХХ}} = (\text{ХХ} : \sum \text{ДБХ}) \cdot 100$ $d_{\text{ДКМ}} = (\text{ДКМ} : \sum \text{ДБХ}) \cdot 100$ $d_{\text{ИМТ}} = (\text{ИМТ} : \sum \text{ДБХ}) \cdot 100$ $d_{\text{АИХ}} = (\text{АИХ} : \sum \text{ДБХ}) \cdot 100$ $d_{\text{Б}} = (\text{Б} : \sum \text{ДБХ}) \cdot 100$	
6.	Давлат бюджети: ♦ даромаднинг ЯИМ қийматидаги салмоғи ♦ харажатнинг ЯИМ қийматидаги салмоғи	$d_{\text{ДБД}} = (\text{ДБД} : \sum \text{ЯИМ}) \cdot 100$ $d_{\text{ДБХ}} = (\text{ДБХ} : \sum \text{ЯИМ}) \cdot 100$	
7.	Инфляция даражаси: ♦ ЯИМ дефлятори индекси ♦ истеъмол саватчаси дефлятори ♦ сўмнинг сотиб олиш қобилияти индекси	$J_{\text{ЯИМ}} = (D_{\text{ЯИМ}_t} : D_{\text{ЯИМ}_0}) \cdot 100$ $J_{\text{Дис}} = (D_{\text{Дис}_t} : D_{\text{Дис}_0}) \cdot 100$ $J_{\text{ССОК}} = I : J_p$	

216

Аҳоли турмуш даражаси бўйича регион рейтингини аниқлашда қайси кўрсаткичлар асос қилиб олинади?

Хар қандай регион инсон фаровонлигини таъминлаш, унга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

мақсадларини кўзлайди. Бу мақсадларга қай даражада эриша олганига қараб регионлар турли рейтингларга эга бўладилар. Қуйидаги кўрсаткичлар аҳоли турмуш даражаси бўйича регионнинг рейтингини аниқлаш учун қўлланилади (61-жадвал).

61-жадвал

Аҳоли турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби
1.	<p>Камбағаллик индекси (J_k, 147-саволга қаранг)</p> <ul style="list-style-type: none"> ◆ кабағалликнинг чуқурлашув индекси ◆ кабағалликнинг саёзлашув индекси ◆ камбағалликнинг кескинлашув индекси (J_{kk}) 	$J_k = \frac{J_{k_1}}{J_{k_0}}; K_k = \frac{KЧП_{a_1}}{A_1}; K_{k_0} = \frac{KЧП_{a_0}}{A_0}$ $Jd_{\varphi_B} < Jd_B < Jd_{\varphi_X} < Jd_K < Jd_{\varphi_K}$ $Jd_{\varphi_B} > Jd_B < Jd_{\varphi_X} > Jd_K > Jd_{\varphi_K}$ <ul style="list-style-type: none"> ◆ $J_{kk} = \frac{R_{max_1}}{R_{max_0}}$ ◆ $J_{kk} = \vartheta_1; \vartheta_0$
2.	Турмуш қиймати индекси ($J_{тк}$, 148- саволга қаранг)	<ul style="list-style-type: none"> ◆ $J_{тк} = \frac{ХИ_1; ХИ_0}{ОИ_1; ОИ_0}$ ◆ $J_{тк} = \frac{\sum \varphi_0 P_1}{\sum \varphi_0 P_0}$
3.	Инсоннинг баркамоллашуви индекси ($J_{инб}$, 149-саволга қаранг)	$J_{инб} = Jd_{ин} \cdot Jd_{к} \cdot J_{кям}$
4.	Джини коэффиценти ($K_{дж}$, 144-саволга қаранг)	<ul style="list-style-type: none"> ◆ $K_{дж} = МТЧ - ЛЭЧ \rightarrow 0 = МТХ$ ◆ $K_{дж} = МТЧ - ЛЭЧ \rightarrow 1 = ККХ$ <p>Бу ерда, МТЧ-мулқ тенглик чизиги; ЛЭЧ-лоренц эгри чизиги; МТХ- мулқ тенглик ҳолати; ККХ- кашшоқликнинг кучайиш ҳолати.</p>

217

Ташқи алоқа самарадорлиги бўйича регион рейтингини аниқлашда қайси кўрсаткичлардан фойдаланилади?

Ташқи алоқанинг ривожланиш даражаси ва унинг самарадорлигига қараб мазкур регионнинг қай даражада

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

очиқ ёки ёпиқ иқтисодиёт эканлиги аниқланади. Маълумки, очиқ иқтисодиёт бу шундай иқтисодиётки, унда регионлар халқаро товар ва капитал бозорида олди-бердиларни чекланмаган ҳолда амалга оширишлари мумкин. Қуйида қайд қилинган кўрсаткичлар ташқи алоқанинг ривожланиш даражаси бўйича регионнинг рейтингини аниқлаш учун қўлланилади (62-жадвал).

62-жадвал

Регионда ташқи алоқанинг ривожланишини таъсирловчи кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	
1.	Тўлов баланси: ♦ экспорт (ЭК) ♦ импорт (И) ♦ қолдиқ (сальдо)	$K_{\text{ЭК}} = \text{ЭК} : \text{ЯИМ}; J_{\text{ЭК}} : K_{\text{ЭК}_0}$ $K_{\text{И}} = \text{И} : \text{ЯИМ}; J_{\text{И}} = K_{\text{И}_1} : K_{\text{И}_0}$ $\Delta K = \text{Э} - \text{И}$	
2.	Регионлараро экспорт ва импорт (%) ♦ электр манбалари (ЭМ) ♦ кимёвий маҳсулотлар (КМ) ♦ машина ва асбоб-ускуналар (МУ) ♦ енгил саноат маҳсулотлари (ЕСМ) ♦ озиқ-овқат маҳсулотлари (ООМ) ♦ кишлок хўжалик маҳсулотлари (КХМ) ♦ пахта толаси (ПТ) ♦ кўрсатилган хизматлар (КХ)	Экспорт	Импорт
		$d_{\text{ЭМ}} = \text{ЭМ} : \sum \text{ЭК}$ $d_{\text{КМ}} = \text{КМ} : \sum \text{ЭК}$ $d_{\text{МУ}} = \text{МУ} : \sum \text{ЭК}$ $d_{\text{ЕСМ}} = \text{ЕСМ} : \sum \text{ЭК}$ $d_{\text{ООМ}} = \text{ООМ} : \sum \text{ЭК}$ $d_{\text{КХМ}} = \text{КХМ} : \sum \text{ЭК}$ $d_{\text{ПТ}} = \text{ПТ} : \sum \text{ЭК}$ $d_{\text{КХ}} = \text{КХ} : \sum \text{ЭК}$	$d_{\text{ЭМ}} = \text{ЭМ} : \sum \text{И}$ $d_{\text{КМ}} = \text{КМ} : \sum \text{И}$ $d_{\text{МУ}} = \text{МУ} : \sum \text{И}$ $d_{\text{ЕСМ}} = \text{ЕСМ} : \sum \text{И}$ $d_{\text{ООМ}} = \text{ООМ} : \sum \text{И}$ $d_{\text{КХМ}} = \text{КХМ} : \sum \text{И}$ $d_{\text{ПТ}} = \text{ПТ} : \sum \text{И}$ $d_{\text{КХ}} = \text{КХ} : \sum \text{И}$
3.	Эластиклик коэффициенти ($K_{\text{э}}$) ♦ экспорт эластиклиги ($\text{Э}_{\text{эк}}$) ♦ импорт эластиклиги ($\text{Э}_{\text{им}}$) ♦ координация индекси ($J_{\text{к}}$)	$\text{Э}_{\text{эк}} = \frac{\Delta \text{ЭК}}{\text{ЭК}} : \frac{\Delta \text{ЯИМ}}{\text{ЯИМ}}$ $\text{Э}_{\text{им}} = \frac{\Delta \text{И}}{\text{И}} : \frac{\Delta \text{ЯИМ}}{\text{ЯИМ}}$ $J_{\text{к}} = J_{\text{ЭК}} : J_{\text{И}}$	

218

Ҳар қандай кўрсаткич асосида регионларни тўғридан-тўғри таққослаш мумкинми?

Йўқ. Регионларни бир-бири билан қиёслашдан олдин дастлаб таққосланадиган кўрсаткичларни таққослама ҳолга келтириш лозим. Бунинг учун қуйидагилар эътиборга олинади:

- ◆ таққосланадиган ҳодисалар ўзаро боғланган бўлиши, аниқроғи уларни умумлаштирувчи асос бўлиши керак, яъни: таққослаш доирасини таҳлил олдига қўйилган мақсад ва вазифалар билан боғлаш лозим; таққослаш шунчаки у ёки бу ҳодиса ҳолатини билишгина эмас, балки бошқарув олингандаги муҳим амалий вазифаларни ечиш учун ҳам мўлжалланган бўлиши керак; таққослашнинг фақат мамлакат даражасида эмас, балки вилоят, туман даражаларида бўлиши лозимлигига эътибор бериш зарур; таққослаш фақат кўрсаткичлар даражасини аниқлаш учун эмас, балки регионларнинг рейтингини ўрганиш учун ҳам мўлжалланган бўлиши керак;
- ◆ таққосланадиган объектлар моҳияти жиҳатидан бир хил бўлиши керак. Масалан, агар муайян регионнинг sanoat сектори бошқа регион sanoat сектори билан таққосланадиган бўлса, у ҳолда ҳар иккала регион sanoati бир хил sanoatни — қазиб олувчи ёки қайта ишловчи, йирик ёки майда sanoatни, кимё ёки металлургия sanoatини ўз ичига олиши керак;
- ◆ таққосланадиган кўрсаткичлар ягона усулда ҳисобланган бўлиши керак. Масалан, ЯИМни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ёки пировард фойдаланиш усулида ҳисобланиши мумкин. Бир хил усулда ҳисобланган ЯИМ таққосланиши керак;

- ◆ таққосланадиган кўрсаткичлар бир хил ўлчов бирлигида, пулда ҳисобланганда эса ўзгармас баҳоларда ифодаланиши лозим;
- ◆ таққосланадиган кўрсаткичлар бир хил давр (йил, ой)ни қамраб олиши керак. Масалан, бир регион учун мазкур кўрсаткичнинг 1999 йилги ҳажми (сони, қиймати) келтирилса, бошқа регионнинг шу кўрсаткичи айнан 1999 йилники бўлиши лозим ва ҳ.к.

219**Регион рейтингини қандай аниқланади?**

Регион рейтингини (Рр) энг аввало, киёслаш мақсадида таҳлилга жалб этиладиган:

- ◆ регионлар;
- ◆ кўрсаткичлар сонига боғлиқ.

Регионлар ва кўрсаткичлар сони қанчалик кўп бўлса, регионлар тўплайдиган баллар ҳам шунчалик кўп бўлади. Регион рейтингини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- ◆ регионлар сони аниқлаб олинади. Шу мақсадда республикаимиз вилоятлари рейтингини аниқлашни олдимизга вазифа қилиб қўямиз.
- ◆ кўрсаткичлар сони белгилаб олинади. Айтайлик, қуйидаги 5 та кўрсаткични киёсий таҳлилга жалб қилган бўлайлик (63-жадвал устунларига қаранг):

- 1 | жон бошига тўғри келган ЯИМ (республика ўртачасига нисбатан фоиз ҳисобида) — 3 устун;
- 2 | жон бошига тўғри келган пул даромадининг истеъмол саватчаси қийматига бўлган нисбати (республика ўртачасига нисбатан фоиз ҳисобида) — 5 устун;

Вилоятлар рейтингини аниқлаш учун асос қилиб олинган кўрсаткичлар¹

Т/р	Вилоятлар	1		2		3		4		5		Жами балл (Pp)
		даражаси	балл	даражаси	балл	даражаси	балл	даражаси	балл	Ўш	балл	
	Ўзбекистон Республикаси	100	-	100	-	100	-	100	-	70,22	-	-
1	ҚР	68,3	1	77,0	5	71,4	4	45,5	3	69,98	3	16
2	Андижон	80,3	5	66,7	3	107,0	13	65,3	6	70,16	7	34
3	Бухоро	103,8	8	94,2	10	76,9	6	71,3	11	70,74	11	46
4	Жиззах	81,0	6	59,8	2	69,6	2	52,3	4	72,22	13	27
5	Қашқадарё	95,6	7	87,3	8	72,6	5	43,3	2	69,11	1	23
6	Навоий	146,8	13	131,0	13	57,6	1	86,8	12	72,57	14	53
7	Наманган	68,8	3	88,5	9	103,2	11	59,1	5	70,37	9	42
8	Самарқанд	69,9	4	114,9	12	104,5	12	59,1	5	70,37	9	42
9	Сурхондарё	68,5	2	48,3	1	71,2	3	29,6	1	70,10	4	11
10	Сирдарё	128,8	11	77,1	6	84,6	9	70,3	9	64,73	2	37
11	Тошкент	104,9	9	80,4	7	80,9	8	94,4	13	70,18	6	43
12	Фарғона	133,7	12	102,3	11	96,9	10	67,9	8	70,31	8	49
13	Хоразм	126,2	10	67,8	4	77,7	7	70,4	10	70,93	12	43
14	Тошкент шаҳри	150,8	14	219,5	14	157,8	14	304,7	14	70,37	10	66

¹ Қаранг: Инсон тараққиёти тўғрисида ҳисобот. Т., «Шарқ», НМК, 1997, 113- бет.

- 3 | пул даромадларининг товар ресурслари билан таъминланганлик даражаси (республика ўртачасига нисбатан фоиз ҳисобида) — 7 устун;
- 4 | жон бошига кўрсатилган хизматлар қиймати (республика ўртачасига нисбатан фоиз ҳисобида) — 9 устун;
- 5 | кутилаётган умр давомийлиги (ёш) — 11 устун.

63-жадвалдан кўриниб турибдики, республикамиз ҳудудида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳри ҳудудий маъмурий жихатдан мустақил регионлар бўлиб ҳисобланади. ҚР ва Тошкент шаҳри вилоят мақомига тенглаштириб олинади. Демак,

- ◆ регион сони — 14 та.
- ◆ кўрсаткичлар сони — 5 та.

Бинобарин, ҳар бир регион бешта кўрсаткич бўйича энг юқори 70 балл (B_{\max}) тўплаши мумкин.

$$B_{\max} = 14 \times 5 = 70 \text{ балл.}$$

- ◆ регионнинг неча балл олиши, унинг мазкур кўрсаткич бўйича республика ўртачасининг неча фоизини ташкил қилишига боғлиқ (3-, 5-, 7-, 11-устунларга қаранг). Энг юқори кўрсаткичга эга бўлган регион — 14 балл (1 ўринни), энг паст кўрсаткичга эга бўлган регион эса — 1 балл (14 ўринни) олади. Шу тариқа барча кўрсаткичлар бўйича регионларнинг тўплаган балларини ҳисоблаймиз (4-, 6-, 8-, 10-, 13- ва 14- устунларга қаранг).

Вилоятларнинг рейтинг, уларнинг энг юқори 70 баллдан неча фоизини тўплаганига боғлиқ:

- ◆ 55 фоиздан кам (38,5) балл тўплаган регионнинг рейтинг — жуда паст;
- ◆ 55-75 фоиз (38,6 - 52,5) балл тўплаган регионнинг рейтинг — паст;

РЕГИОН (МАМЛАКАТ, ВИЛОЯТ, ТУМАН) РЕЙТИНГИ

- ◆ 76-85 фоиз (52,6 -59,5) балл тўплаган регионнинг рейтингги — юкори;
- ◆ 86-100 фоиз (59,6 -70) балл тўплаган регионнинг рейтингги — жуда юкори ҳисобланади.

Вилоятларни тўплаган баллари бўйича гуруҳлаймиз (64-жадвал):

64-жадвал

Вилоятларни тўплаган баллари бўйича гуруҳлаш

Т/р	Тўплаган баллари бўйича вилоятлар гуруҳлари	Вилоятлар	Вилоятлар сони	Рейтинг даражаси
1.	38,5 баллгача	Сурхондарё, ҚР, Жиззах, Қашқадарё, Андижон, Наманган, Сирдарё	7	жуда паст
2.	38,6-52,5	Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона	5	паст
3.	52,6-59,5	Навоий	1	юкори
4.	59,6 ва ундан юкори	Тошкент ш.	1	жуда юкори
	Жами		14	

Биз атиги беш кўрсаткич мисолида вилоятлар рейтингини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бу, албатта, вилоятлар рейтингги тўғрисида якуний хулосалар ясашга етарли даражада асос бўлмасада, уларнинг умумий тараққиёти хусусида бир қадар фикр юритиш имконини беради. Регионларнинг рейтингги тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиш учун юқорида тавсия этилган, бир-бири билан узвий боғланган кўрсаткичлар тизимини қиёсий таҳлил қилиш зарур. Бундан ташқари, ҳар бир кўрсаткичнинг эластиклик даражасига, ўсиш ва қўшимча ўсиш суръатларига ҳам эътибор бермоқ лозим.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

- 1 | Макроиктисодий статистика — бу:
- а) мустақил фан;*
 - б) мустақил тармоқ;*
 - в) вилоят иқтисодини яхлит ўрганувчи фан;*
 - г) мамлакат иқтисодини яхлит ўрганувчи фан;*
 - д) нотўғри жавоб йўқ.*
- 2 | Макроиктисодий статистика:
- а) туман иқтисодини яхлит ўрганади;*
 - б) уй хўжалигини яхлит ўрганади;*
 - в) фирма (корхона) иқтисодини яхлит ўрганади;*
 - г) сектор иқтисодини яхлит ўрганади;*
 - д) нотўғри жавоб йўқ.*
- 3 | Қуйида қайд қилинган институционал бирликларнинг қайси бири товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш секторига тааллуқли:
- а) банклар;*
 - б) фирмалар;*
 - в) божхона;*
 - г) ўқув юртлари;*
 - д) оилалар.*

Эслатма: Тест топшириқларини тузиш ва талабаларнинг рейтингини аниқлаш тартиби мазкур туркумнинг «Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб» китобида батафсил ёритилган.

- 4 | Куйида қайд қилинган институционал бирликларнинг қайси бири молиявий ташкилотлар секторига тааллуқли:
- а) марказий ҳукумат идоралари;*
 - б) чет эл фирмалари;*
 - в) пул корпорациялари;*
 - г) ёлланган ишчи-хизматчилар;*
 - д) касалхоналар.*
- 5 | Куйида қайд қилинган институционал бирликларнинг қайси бири давлат ташкилотлари (бошқарув идоралари) секторига тааллуқли:
- а) касалхоналар;*
 - б) чет эл фирмалари;*
 - в) ўқув юртлари;*
 - г) марказий банк;*
 - д) маҳаллий ҳокимият идоралари.*
- 6 | Куйида қайд қилинган институционал бирликларнинг қайси бири уй хўжалиги секторига тааллуқли:
- а) ишлаб чиқарувчи шахслар;*
 - б) суғурта компанияси;*
 - в) касалхоналар;*
 - г) социал таъминот фондлари;*
 - д) дам олиш уйлари.*
- 7 | Вилоятларда иқтисодиёт ва статистика:
- а) бўлинмалари ташкил этилган;*
 - б) бош бошқармалари ташкил этилган;*
 - в) қўмиталари ташкил этилган;*
 - г) вазирлиги ташкил этилган;*
 - д) нотўғри жавоб йўқ.*

- 8 | Республика шаҳарлари ва туманларида иқтисодиёт ва статистика:
 а) вазирлиги ташкил этилган;
 б) бош бошқармалари ташкил этилган;
 в) бўлимлари ташкил этилган;
 г) қўмиталари ташкил этилган;
 д) нотўғри жавоб йўқ.
- 9 | Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиёт ва статистика:
 а) қўмитаси ташкил этилган;
 б) бўлинмалари ташкил этилган;
 в) бош бошқармалари ташкил этилган;
 г) вазирлиги ташкил этилган;
 д) нотўғри жавоб йўқ.
- 10 | Тошкент шаҳрида иқтисодиёт ва статистика:
 а) бош бошқармалари ташкил этилган;
 б) бўлинмалари ташкил этилган;
 в) вазирлиги ташкил этилган;
 г) қўмитаси ташкил этилган;
 д) нотўғри жавоб йўқ.
- 11 | Вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларининг бошлиқлари:
 а) вилоят ҳокими томонидан тайинланади;
 б) шаҳар ҳокими томонидан тайинланади;
 в) макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тайинланади;
 г) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади;
 д) Президент томонидан тайинланади.
- 12 | Миллий счётлар тизими (МСТ)да ишлаб чиқариш деганда:
 а) моддий неъматлар ишлаб чиқариш тушунилади;
 б) товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш тушунилади;

- в) товарлар ишлаб чиқариш тушунилади;*
- г) хизматлар кўрсатиш тушунилади;*
- д) нотўғри жавоб йўқ.*

13 Миллий счётлар тизими (МСТ) да ишлаб чиқариш натижаси:

- а) бозор баҳоларида ҳисобланади;*
- б) улгуржи (шартнома) нархда ҳисобланади;*
- в) чакана баҳода ҳисобланади;*
- г) жаҳон нархида ҳисобланади;*
- д) стандарт нархда ҳисобланади;*

14 Институционал бирликлар деганда:

- а) активлар эгаси бўлган бирликлар тушунилади;*
- б) шартномалар тузиш, кредит олиш ва бериш, мажбурият олиш ҳуқуқига эга бўлган бирликлар тушунилади;*
- в) бошқа бирликлар билан мустақил иқтисодий фаолият ва муомалалар олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган бирликлар тушунилади;*
- г) бухгалтерия ҳисобини юритувчи, давлат олдида ҳисоб бериб турувчи бирликлар тушунилади;*
- д) нотўғри жавоб йўқ.*

15 Миллий счётлар тизимига ўтиш натижасида:

- а) макроиқтисодий статистиканинг кўрсаткичлар тизимини халқаро стандартлар методологияси асосида ҳисоблаш имконияти туғилади;*
- б) халқаро таққослашлар муаммоси ечилади;*
- в) мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига йўл очилади;*
- г) икки ёқлама ёзув принципи асосида макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашга эришилади;*
- д) нотўғри жавоб йўқ.*

- 16** | Макроиктисодий салоҳият мамлакат ёки унинг ай-
рим регионларидаги:
а) иқтисодий салоҳиятдир;
б) социал салоҳиятдир;
в) табиий салоҳиятдир;
г) интеллектуал салоҳиятдир;
д) нотўғри жавоб йўқ.
- 17** | Қуйида қайд этилган салоҳиятнинг қайси тури иқ-
тисодий салоҳият унсури ҳисобланади:
а) техника-технологик салоҳият;
б) меҳнат салоҳияти;
в) илмий-маърифий салоҳият;
г) табиий салоҳият;
д) нотўғри жавоб йўқ.
- 18** | Қайд қилинган бандларнинг қайси бири меҳнат ре-
сурслари ҳисобланмайди:
а) меҳнат қилиш ёшидаги аҳоли;
б) II гуруҳ ногиронлари;
в) III гуруҳ ногиронлари;
г) ишлаб чиқаришда банд бўлган ногиронлар ;
д) нотўғри жавоб йўқ.
- 19** | Иқтисодий фаол аҳоли деганда:
а) меҳнат қилиш ёшидаги аҳоли таркибига кирувчи
ишлаётган аҳоли ва ишсизлар йиғиндиси тушунилади;
б) давлат қарамовида бўлган, ҳеч қаерда ишламаётган
аҳоли тушунилади;
в) айрим кишилар қарамовида бўлган, ҳеч қаерда иш-
ламаётган аҳоли тушунилади;
г) стипендиатлар тушунилади;
д) ҳарбий хизматдагилар тушунилади.
- 20** | Иқтисодий нофаол аҳоли деганда:
а) рўйхатга олинган ишсизлар тушунилади;
б) товар ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар
тушунилади;

- в) хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар тушунилади;
 г) уй хўжалигида банд бўлганлар тушунилади;
 д) нотўғри жавоб йўқ.
- 21** Иқтисодий мустақил аҳоли таркибига қуйидагилар киради:
 а) шахсий томорқада банд бўлганлар;
 б) ишламайдиган уй бекалари;
 в) стипендия олмай ўқиётган ўқувчилар;
 г) пенсия олмайдиган қариялар;
 д) нотўғри жавоб йўқ.
- 22** Иқтисодий номустақил аҳоли таркибига қуйидагилар киради:
 а) қариялар уйидагилар;
 б) болалар интернатидагилар;
 в) руҳий касалликлар шифохонасидагилар;
 г) ахлоқ тузатиш муассасасидагилар;
 д) тўғри жавоб йўқ.
- 23** Кимлар ишсиз деб эътироф этилади:
 а) ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаганлар;
 б) 16 ёшдан бошлаб ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдагилар;
 в) иш қидирувчи шахс сифатидаги маҳаллий меҳнат органида (биржада) рўйхатга олинган кишилар;
 г) меҳнат қилишга, касб тайёргарлиги ёки қайта тайёргарликни ўташга тайёр, меҳнатга қобилиятли шахслар;
 д) нотўғри жавоб йўқ.
- 24** Структуравий ишсизликнинг юзага келишига қуйидагилар сабаб бўлади:
 а) иш жойининг ўзгариши;
 б) яшаш жойининг ўзгариши;
 в) мавсумий ишларнинг тугалланиши;

- г) ишлаб чиқариш таркиби ва технологиянинг тубдан ўзгариши;
 д) ўқув юртларини битириш.

- 25** Фрикцион ишсизликнинг юзага келишига қуйидагилар сабаб бўлади:
 а) ишлаб чиқаришнинг пасайиши;
 б) иш ва турар жойининг ўзгариши;
 в) ишлаб чиқариш таркибининг тубдан ўзгариши;
 г) ишлаб чиқариш технологиясининг тубдан ўзгариши;
 д) нотўғри жавоб йўқ.

- 26** Даврий ишсизликнинг юзага келишига қуйидагилар сабаб бўлади:
 а) ишлаб чиқаришнинг пасайиши;
 б) мавсумий ишларнинг тугалланиши;
 в) ишлаб чиқариш таркибининг тубдан ўзгариши;
 г) ўқув юртларини битириш;
 д) нотўғри жавоб йўқ.

- 27** Қуйидаги маълумотлар асосида ишсизлик даражасини ҳисобланг:

Т/р	Кўрсаткичлар	Минг киши
1.	Аҳоли сони	22,0
2.	16 ёшга тўлмаганлар сони	9,8
3.	Ишчи кучи таркибидан чиққанлар сони	1,7
4.	Иш топиш истагида бандлик хизматига мурожаат қилганлар сони	0,15
5.	Рўйхатта олинган ишсизлар сони	0,04
6.	Банд бўлган иқтисодий аҳоли сони	8,3

Жавоблар:

- а) 0,5 %;
 б) 0,18%;
 в) 2,3%;

- з) 0,9%;
 д) 4,8%.

28

Куйида қайд қилинган формулаларнинг қайси биридан меҳнат ресурсларини (МР) ҳисоблашда фойдаланилади:

- а) $MP = IA + ИШС$;
 б) $MP = ME + ХХ66м$;
 в) $MP = Дқ + АКқ$;
 з) $MP = ME - (H + ББ) + ИЁП$;
 д) $MP = ИФа - (ИШС + ЎЁ + ХХ)$.

Бу ерда: ИА- ишлаётган аҳоли; ИШС- иш-сизлар; МЁ- меҳнат қилиш ёшидаги аҳоли; ХХ66м- меҳнат қилиш ёшидаги, аммо халқ хўжалигида банд бўлмаган ишга лаёқатли аҳоли сони; Дқ- давлат қармоғида бўлган кишилар; АКқ- айрим кишилар қармоғида бўлган кишилар; Н- I ва II гуруҳ ногиронлари, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли; ББ- меҳнат қилиш ёшида бўлиб, ҳеч қаерда банд бўлмаган аҳоли; ИЁП - ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган пенсионерлар ва 16 ёшдан кичик бўлган ўсмирлар; ХХ- ҳарбий хизматдагилар; ИФа- иқтисодий фаол аҳоли; ИНФа- иқтисодий нофаол аҳоли.

29

28-топшириқ шартларига асосланиб, иқтисодий фаол аҳоли (ИФа) сонини ҳисоблаш формуласини белгиланг:

- а) $ИФа = IA + ИШС$;
 б) $ИФа = МР + ХХ66м$;
 в) $ИФа = Дқ + АКқ$;
 з) $ИФа = ME - (H + ББ) + ИЁП$;
 д) $ИФа = ИФа - (ИШС + ЎЁ + ХХ)$.

30

28-топшириқ шартларига асосланиб иқтисодий нофаол аҳоли (ИНФа) сонини ҳисоблаш формуласини таъланг:

- а) $ИН\Phi_a = ИА + ИШС$;
 б) $ИН\Phi_a = МР + ХХ66м$;
 в) $ИН\Phi_a = Дқ + АКқ$;
 з) $ИН\Phi_a = М\ddot{E} - (Н + ББ) + И\ddot{E}П$;
 д) $ИН\Phi_a = И\Phi_a - (ИШС + \ddot{Y}\ddot{E} + \chi\chi)$.

31 | 28-топширик шартларига асосланиб халқ хўжалигида банд бўлганлар (ХХ66) сонини ҳисоблаш формуласини белгиланг:

- а) $ХХ66 = ИА + ИШС$;
 б) $ХХ66 = МР + ХХ66м$;
 в) $ХХ66 = Дқ + АКқ$;
 з) $ХХ66 = М\ddot{E} - (Н + ББ) + И\ddot{E}П$;
 д) $ХХ66 = И\Phi_a - (ИШС + \ddot{Y}\ddot{E} + \chi\chi)$.

32 | Мехнат ресурсларининг куйидаги ҳаракат йўналишларидан қайси бири уларни тўлдириб боришнинг интенсив йўли деб юритилади:

- а) табиий ҳаракат;
 б) ижтимоий ҳаракат;
 в) регион ичида ва регионлараро ҳаракат;
 з) тармоқ ичида ва тармоқлараро ҳаракат;
 д) профессионал (касбий) ҳаракат.

33 | Куйидаги маълумотлар асосида 16 ёшга тўлган болалар коэффицентини ($K_{16\text{еш}}$) ҳисобланг:

Т/р	Кўрсаткичлар	Киши
1	2	3
1.	Аҳоли сони	22000
2.	Банд бўлган иқтисодий фаол аҳоли	8160
3.	Мехнат ресурслари сони	11130
4.	Мехнат ёшида бўлган аҳоли сони	11157
5.	16 ёшга тўлган ўсмирлар сони	207
6.	Мехнат қилиш ёшида бўлмаган ўсмирлар сони	9790

1	2	3
7.	Меҳнат қилиш ёшидан ўтган ва ишга жалб қилинган пенсионерлар сони	720
8.	Мазкур ҳудудга келган, ишга қабул қилинган меҳнат ёшидаги аҳоли сони	112
9.	Халқ хўжалигига жалб қилинган меҳнат ёшида бўлмаган ўсмирлар сони	480
10.	Меҳнат ёшида ўлганлар сони	22
11.	Пенсияга чиққанлар сони	30
12.	Мазкур ҳудуддан кетган меҳнат ёшидагилар сони	102
13.	Меҳнат ёшидан ўтганлар сони	1157

Жавоблар:

- а) $K_{16 \bar{e}ш} = 4,30\%$;
 б) $K_{16 \bar{e}ш} = 1,85\%$;
 в) $K_{16 \bar{e}ш} = 6,45\%$;
 г) $K_{16 \bar{e}ш} = 1,0\%$;
 д) $K_{16 \bar{e}ш} = 0,91\%$.

- 34 | 33-топширик шартларига асосланиб, меҳнат қилиш ёшида бўлмаган ва унга жалб қилинган ўсмирлар коэффицентини ($K_{\bar{y}}$) ҳисобланг:

- а) $K_{\bar{y}} = 1,85\%$;
 б) $K_{\bar{y}} = 6,45\%$;
 в) $K_{\bar{y}} = 4,30\%$;
 г) $K_{\bar{y}} = 0,91\%$;
 д) $K_{\bar{y}} = 1,0\%$.

- 35 | 33-топширик шартларига асосланиб ишга жалб қилинган пенсионерлар коэффицентини (K_n) ҳисобланг:

- а) $K_n = 0,91\%$;
 б) $K_n = 4,30\%$;
 в) $K_n = 1,0\%$;

- з) $K_n=6,45\%$;
 д) $K_n=1,85\%$.
- 36** | 33-топшириқ шартларига асосланиб, ишга жалб қилинган меҳнат қилиш ёшида бўлмаганларнинг умумий коэффицентини ($K_{мёб}$) ҳисобланг:
 а) $K_{мёб}=12,6\%$;
 б) $K_{мёб}=17,2\%$;
 в) $K_{мёб}=12,6\%$;
 з) $K_{мёб}=6,4\%$;
 д) $K_{мёб}=4,3\%$.
- 37** | 33-топшириқ шартларига асосланиб мазкур ҳудудга келган, ишга қабул қилинган меҳнат ёшидаги аҳоли коэффицентини ($K_{кел}$) ҳисобланг:
 а) $K_{кел}=1,85\%$;
 б) $K_{кел}=6,45\%$;
 в) $K_{кел}=0,91\%$;
 з) $K_{кел}=4,30\%$;
 д) $K_{кел}=1,0\%$.
- 38** | 33-топшириқ шартларига асосланиб мазкур ҳудуддан кетган меҳнат ёшидаги аҳоли коэффицентини ($K_{кет}$) ҳисобланг:
 а) $K_{кет}=6,45\%$;
 б) $K_{кет}=0,91\%$;
 в) $K_{кет}=1,85\%$;
 з) $K_{кет}=1,0\%$;
 д) $K_{кет}=4,30\%$.
- 39** | 33-топшириқ шартларига асосланиб меҳнат ресурсларининг мутлақ кўпайган қисмини ($\Sigma MR_{кўп}$) ҳисобланг:
 а) $\Sigma MR_{кўп}=1311$ киши;
 б) $\Sigma MR_{кўп}=1417$ киши;
 в) $\Sigma MR_{кўп}=1519$ киши;

- з) $\Sigma MP_{k\dot{y}n} = 1497$ киши;
 д) $\Sigma MP_{k\dot{y}n} = 1365$ киши.

- 40** | 33-топшириқ шартларига асосланиб мазкур йилда меҳнат ёшида ўлганлар коэффициентини (Кўлг) ҳисобланг:
 а) $K_{\dot{y}lg} = 10,37\%$;
 б) $K_{\dot{y}lg} = 0,197\%$;
 в) $K_{\dot{y}lg} = 0,268\%$;
 з) $K_{\dot{y}lg} = 0,910\%$;
 д) $K_{\dot{y}lg} = 11,75\%$.
- 41** | 33 -топшириқ шартларига асосланиб меҳнат ёшидан ўтганлар коэффициентини (Кмёў) ҳисобланг:
 а) $K_{m\dot{e}\ddot{u}} = 11,75\%$;
 б) $K_{m\dot{e}\ddot{u}} = 0,910\%$;
 в) $K_{m\dot{e}\ddot{u}} = 0,197\%$;
 з) $K_{m\dot{e}\ddot{u}} = 0,268\%$;
 д) $K_{m\dot{e}\ddot{u}} = 10,37\%$.
- 42** | 33-топшириқ шартларига асосланиб пенсияга чиққанлар коэффициентини (Кпч) ҳисобланг:
 а) $K_{пч} = 0,197\%$;
 б) $K_{пч} = 0,910\%$;
 в) $K_{пч} = 10,37\%$;
 з) $K_{пч} = 11,75\%$;
 д) $K_{пч} = 0,268\%$.
- 43** | 33-топшириқ шартларига асосланиб меҳнат ресурслари сафидан чиққанларнинг умумий коэффициентини (Кум) ҳисобланг:
 а) $K_{ум} = 0,268\%$;
 б) $K_{ум} = 10,37\%$;
 в) $K_{ум} = 11,75\%$;
 з) $K_{ум} = 0,197\%$;
 д) $K_{ум} = 0,910\%$.

а) $K_{\text{юк}} = \frac{A_{16\dot{e}шz}}{ME_a} \cdot 100;$

в) $K_{\text{юк}} = \frac{ИС}{MP} \cdot 100;$

б) $K_{\text{юк}} = \frac{ИНФ_a}{ИФ_a} \cdot 100;$

г) $K_{\text{юк}} = \frac{ИФ_a}{MP} \cdot 100;$

д) нотўғри жавоб йўқ.

- 49 Куйида қайд қилинган формулаларнинг қайси бири ёрдамида аҳоли ёш таркибининг самарадорлик коэф-фициенти (Кётс) ҳисобланади:

а) $K_{\dot{e}тс} = \frac{ИФ_a}{MP} \cdot 100;$

в) $K_{\dot{e}тс} = \frac{ИНФ_a}{ИФ_a} \cdot 100;$

б) $K_{\dot{e}тс} = \frac{A_{16\dot{e}ш}}{ME_a} \cdot 100;$

г) $K_{\dot{e}тс} = \frac{ИС}{MP} \cdot 100;$

д) нотўғри жавоб йўқ.

- 50 Тўлиқ бандлик шароитида ишсизлик даражаси:

а) даврий ишсизликни ҳисобга олади;

б) фрикцион ва структуравий (таркибий) ишсизлик-ни ҳисобга олади;

в) нолга тенг бўлади;

г) тўғри жавоб йўқ.

- 51 Куйидаги маълумотларга асосланиб регионнинг миллий бойлигини ҳисобланг:

Т/р	Кўрсаткичлар	Млн сўм
1.	Ишлаб чиқариш фондлари	68,6
2.	Ноишлаб чиқариш фондлари	35,1
3.	Айланма фондлар	32,9
4.	Аҳолининг шахсий мулки	37,0
5.	Моддий ғамламалар	11,2
6.	Захиралар	8,5
7.	Асосий фондлар	103,7
8.	Аҳоли сони (млн киши)	2,0
9.	Меҳнат ресурслари (млн киши)	1,1

- а) 193,3;
 б) 182,1;
 в) 173,6;
 г) 136,6;
 д) 140,7.
- 52** | 51-топширик шартларига асосланиб регионнинг табиий бойлигини аниқланг:
 а) 136,6;
 б) 173,6;
 в) 182,1;
 г) 193,3;
 д) *тўғри жавоб йўқ.*
- 53** | МСТ да “активлар” деганда:
 а) институционал бирликларнинг қарзлари тушунилади;
 б) институционал бирликларнинг қарзларни узиш бўйича мажбурияти тушунилади;
 в) хорижий давлатлардан қарзлар тушунилади;
 г) мулкнинг қийматдаги ифодаси тушунилади;
 д) *нотўғри жавоб йўқ.*
- 54** | МСТ да “пассивлар” деганда:
 а) мулкнинг қийматдаги ифодаси тушунилади;
 б) хусусий капитал тушунилади;
 в) моддий ресурслар тушунилади;
 г) молиявий ресурслар тушунилади;
 д) институционал бирликларнинг қарзлари ва уларни узиш бўйича қарздорлик мажбурияти тушунилади.
- 55** | Асосий фондлар деганда хизмат муддати бир йилдан ортқ ва қиймати:
 а) 20 минимал иш ҳақидан юқори;
 б) 15 минимал иш ҳақидан юқори;
 в) 10 минимал иш ҳақидан юқори;
 г) 5 минимал иш ҳақидан юқори;
 д) 3 минимал иш ҳақидан юқори бўлган ишлаб чиқариш воситалари тушунилади.

- 56 | Куйида қайд қилинган бандларнинг қайси бири молиявий активлар таркибига киради:
а) олтин ва махсус қарз олиш ҳуқуқи (СПЗ);
б) мавжуд пуллар ва депозитлар;
в) қимматли қогозлар;
г) эҳтиёждаги молиявий захиралар;
д) нотўғри жавоб йўқ.
- 57 | Куйида келтирилган қайси формула ёрдамида соф актив (СА) суммаси ҳисобланади:
а) $СА = А - П$;
б) $СА = А + П$;
в) $СА = МА - ММ$;
г) $СА = МА + ММ$;
д) $СА = А - ММ$.
 Бу ерда: А- активларнинг умумий қиймати;
 П — пасивлар умумий қиймати; МА — молиявий актив; ММ — молиявий мажбурият.
- 58 | Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) — бу:
а) барча ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар суммаси;
б) барча сотилган товар ва хизматлар суммаси;
в) барча тайёр товар ва хизматлар суммаси;
г) барча пировард товар ва хизматлар суммаси;
д) нотўғри жавоб йўқ.
- 59 | ЯИМ қайси баҳоларда ҳисобланади:
а) ишлаб чиқарувчининг баҳосида;
б) истеъмолчининг баҳосида;
в) бозор баҳосида;
г) экспорт баҳосида;
д) улгуржи баҳода.
- 60 | ЯИМ ни ҳисоблаш учун:
а) соф ички маҳсулот (СИМ) ҳажмига соф инвестиция учун қилинган харажатларни қўшиши керак;

- б) соф ички маҳсулот ҳажмидан соф инвестиция учун қилинган харажатларни айириш керак;
 в) соф ички маҳсулот ҳажмига амортизация суммасини қўшиш керак;
 г) соф ички маҳсулот ҳажмидан амортизация суммасини айириш керак;
 д) соф ички маҳсулот ҳажмига трансферт тўловларни қўшиш керак.

61

Куйида ЯИМ нинг таркибий қисмлари келтирилган:

Т/р	ЯИМ унсурлари	Млрд сўм
1	2	3
1	Шахсий истеъмол харажатлари	246
2.	Трансферт тўловлар	12
3.	Аренда (ижара) ҳақи	14
4.	Капитал истеъмоли учун ажратмалар (амортизация)	27
5.	Социал суғурта учун бадаллар	20
6.	Фоиз ставкаси	13
7.	Мулкдан келган даромадлар	31
8.	Дивидендлар	16
9.	Ёлланган ходимларнинг иш ҳақлари	221
10.	Бизнесга эгри солиқлар	18
11.	Корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдалари	21
12.	Якка шахсларга солиқ	26
13.	Корпорациялар фойдасига солиқ	19
14.	Корпорациялар фойдаси	56

1	2	3
15.	Товар ва хизматларнинг давлат хариди	72
16.	Соф хусусий ички инвестициялар	33
17.	Шахсий жамғармалар	16
18.	Соф экспорт	3

Ушбу маълумотларга асосланиб ЯИМни харажатлар йиғиндиси бўйича ҳисобланг:

- а) 347 млрд сўм;*
- б) 380 млрд сўм;*
- в) 393 млрд сўм;*
- г) 360 млрд сўм;*
- д) 372 млрд сўм.*

62 | 61-топширик шартларига асосланиб СИМ ҳажми-ни ҳисобланг:

- а) 372 млрд сўм;*
- б) 327 млрд сўм;*
- в) 353 млрд сўм;*
- г) 393 млрд сўм;*
- д) 380 млрд сўм.*

63 | 61-топширик шартларига асосланиб ЯИМ ҳажми-ни товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида яратилган даромадлар йиғиндиси, яъни мулк, капитал, ер, тадбиркорлик қобилияти эгаларига тўловлар бўйича ҳисобланг:

- а) 474 млрд сўм;*
- б) 418 млрд сўм;*
- в) 399 млрд сўм;*
- г) 373 млрд сўм;*
- д) 352 млрд сўм.*

64 | Соф ички маҳсулот (СИМ)ни ҳисоблашнинг қайси формуласи тўғри:

- а) СИМ=ЯИМ+А*
- б) СИМ=ЯИМ+ДД*

в) $СИМ = ЯИМ - А$

з) $СИМ = СМД - \Delta Д$

д) $СИМ = ЯМД - \Delta Д$

Бу ерда: A — амортизация; $\Delta Д$ — экспорт импорт қолдиғи.

65 | Ялпи миллий даромад (ЯМД)ни ҳисоблашнинг қайси формуласи тўғри:

а) $ЯМД = ЯИМ - \Delta Д$

б) $ЯМД = ЯИМ + А$

в) $ЯМД = ЯИМ + \Delta Д$

з) $ЯМД = ЯИМ - А$

д) $ЯМД = СМД - А$

66 | Соф миллий даромад (СМД) ни ҳисоблашнинг қайси формуласи тўғри:

а) $СМД = СИМ - \Delta Д$;

б) $СМД = ЯИМ + А$;

в) $СМД = ЯИМ - А$;

з) $СМД = СИМ + А$;

д) $СМД = СИМ + \Delta Д$.

67 | Қайси бандлар ЯИМ таркибига қўшилади:

а) давлатнинг трансферт тўловлари;

б) хусусий трансферт тўловлар;

в) қимматли қоғозлар олди-сотдиси жараёнидаги харажатлар;

з) уй-рўзғорда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва ба-
жарилган хизматлар қиймати;

д) тўғри жавоб йўқ.

68 | 61-топшириқ шартларига асосланиб ЯИМ ҳажми-
ни тақсимлаш усулида ҳисобланг:

а) 480 млн сўм;

б) 494 млн сўм;

в) 474 млн сўм;

з) 393 млн сўм;

д) 340 млн сўм.

- 69 Куйидаги маълумотлардан фойдаланиб ЯИМ ҳажмини пировард фойдаланиш усулида ҳисобланг:

Т/р	ЯИМ унсурлари	Млрд сўм
1.	Истеъмол қилинган товарлар қиймати	213,7
2.	Истеъмол қилинган хизматлар қиймати	27,3
3.	Асосий капиталнинг ялпи жамғармаси	25,0
4.	Моддий айланма маблағлар ғамламаларининг қолдиқ қисми (+,-)	12,0
5.	Соф харид қилинган қимматбаҳо буюмлар	8,0
6.	Ёлланган ходимларнинг меҳнат ҳақи	218,0
7.	Ишлаб чиқаришга солиқ	16,0
8.	Импортга солиқ	6,0
9.	Ялпи фойда	44,3
10.	Ялпи аралаш даромадлар	5,8
11.	Экспорт ва импорт қолдиғи	3,4

Жавоблар:

- а) 254,1 млрд сўм;
 б) 278,0 млрд сўм;
 в) 325,7 млрд сўм;
 г) 281,4 млрд сўм;
 д) 290,1 млрд сўм.
- 70 69-топшириқ шартларидан фойдаланиб ЯИМ ҳажмини тақсимот усулида ҳисобланг:
- а) 287,2 млрд сўм;
 б) 290,1 млрд сўм;
 в) 281,4 млрд сўм;
 г) 278,0 млрд сўм;
 д) 325,7 млрд сўм.

71

Ўтган йилда регион иқтисодиёти қуйидаги макро-иқтисодий кўрсаткичлар билан характерланган эди:

Т/р	Кўрсаткичлар	Млн сўм
1.	ЯИМ	500
2.	Хусусий секторнинг соф инвестицияси	75
3.	Давлат хариди	80
4.	Уй хўжалиги истеъмоли	250
5.	Давлат бюджетига тушган тўғри солиқлар	30
6.	Эгри солиқлар	20
7.	Тадбиркорларга берилган субвенция	25
8.	Экспорт	150
9.	Импорт	110

Уй хўжалиги ихтиёридаги даромадни ҳисобланг:

- а) 415 млн сўм;
- б) 445 млн сўм;
- в) 440 млн сўм;
- г) 395 млн сўм;
- д) 335 млн сўм.

72

71-топширик шартларидан фойдаланиб амортизация фондини ҳисобланг:

- а) 45 млн сўм;
- б) 50 млн сўм;
- в) 60 млн сўм;
- г) 55 млн сўм;
- д) 85 млн сўм.

73

71-топширик шартларидан фойдаланиб давлат бюджети қолдигини ҳисобланг:

- а) 75 млн сўм;
- б) 55 млн сўм;

- в) 50 млн сўм;
- г) 85 млн сўм;
- д) 60 млн сўм.

74 | Куйидагилар берилган (млн сўм):

- *ЯИМ— 480;
- *ялпи инвестиция—80;
- *уй хўжалиги истеъмоли—300;
- *давлат харажатлари—96;
- *давлат бюджети қолдиғи—3;
- *соф инвестиция—30.

СИМни ҳисобланг:

- а) 400 млн сўм;
- б) 450 млн сўм;
- в) 480 млн сўм;
- г) 430 млн сўм;
- д) 420 млн сўм.

75 | 74-топшириқ маълумотларидан фойдаланиб соф экспорт ҳажмини ҳисобланг:

- а) 54 млн сўм;
- б) 50 млн сўм;
- в) 34 млн сўм;
- г) 20 млн сўм;
- д) 4 млн сўм.

76 | ЯИМ ҳажмини ўзгармас баҳода ҳисоблаш қуйида қайд қилинган бандларнинг қайси бирини ўрганиш учун зарур:

- а) иқтисодиётнинг таркибини;
- б) истеъмол ва жамғарма ўртасидаги нисбатни;
- в) ЯИМ билан давлат бюджетидаги камомадни;
- г) ЯИМ билан давлатнинг қарзини;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

77 | ЯИМ нинг физик ҳажми индекси қайси формула ёрдамида ҳисобланади:

$$а) J_q = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0}; \quad в) J_q = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0};$$

$$б) J_q = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0}; \quad г) J_q = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_1};$$

78 Номинал ЯИМ:

- а) нарх ўзгаришини назарда тутиб ҳисобланган маҳсулот ва хизматлар қийматидир;
 б) жорий бозор нархларида ҳисобланган маҳсулот ва хизматлар қийматидир;
 в) жорий даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар бирлигидир;
 г) базис даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар бирлигидир;
 д) нотўғри жавоб йўқ.

79 Реал ЯИМ:

- а) базис даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар бирлигидир;
 б) нарх ўзгаришини назарда тутиб ҳисобланган маҳсулот ва хизматлар қийматидир;
 в) жорий бозор нархларида ҳисобланган маҳсулот ва хизматлар қийматидир;
 г) жорий даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар бирлигидир;
 д) нотўғри жавоб йўқ.

80 Регионнинг номинал ЯИМи сўнгги уч йилда куйидагилар билан характерланади (млрд сўм):

Йиллар	Номинал ЯИМ	Баҳо индекси (%)	Реал ЯИМ	ЯИМ дефлятори
1996	104	121	х	х
1997	56	107	х	х
1998	91	112	?	?

1998 йил учун реал ЯИМ ни ҳисобланг:

- а) 91,0 млрд сўм;
- б) 101,9 млрд сўм;
- в) 81,2 млрд сўм;
- г) 85,9 млрд сўм;
- д) 61,5 млрд сўм.

81 | 80-топширик маълумотларига кўра 1996-1997 йилларда баҳо индекси қайси томонга қараб ўзгарган:

- а) 12,9 фоизга пасайган;
- б) 88,4 фоизга пасайган;
- в) 14,0 фоизга пасайган;
- г) 12,6 фоизга пасайган;
- д) 14 бандга камайган.

82 | 80-топширик ва унинг тўғри ечимига асосланиб 1998 йил учун ЯИМ дефляторини ҳисобланг:

- а) 1,12;
- б) 0,89;
- в) 1,06;
- г) 1,00;
- д) 0,95.

83 | Регион бўйича қуйидагилар берилган:

Т/р	Кўрсаткичлар	Млрд сўм
1	2	3
1.	Кредит учун фоиз	12
2.	Хусусий ялпи инвестиция	55
3.	Иш хақи ва турли инъом-эҳсонлар	218
4.	Корпорациялар фойдаси	113
5.	Хусусий тадбиркорларнинг тўлайдиган эгри солиқлари, трансферт тўловлар ва солиқсиз мажбуриятлар	22

1	2	3
6.	Рента тўловлари	20
7.	Корпорацияларнинг фойдасига солиқ	50
8.	Товар ва хизматларнинг соф экспорти	9
9.	Товар ва хизматларнинг давлат харидлари	90
10.	Хусусий соф инвестициялар	45
11.	Мулкдан тушган даромадлар	21
12.	Давлат корхоналарига берилган соф субсидиялар	2
13.	Аҳолига тўланган трансферт тўловлар	23
14.	Истеъмол харажатлари	260

ЯИМ ҳажмини даромад унсурлари йиғиндиси бўйича ҳисобланг:

- а) 423 млрд сўм;
- б) 402 млрд сўм;
- в) 416 млрд сўм;
- г) 404 млрд сўм;
- д) 414 млрд сўм.

84 | 83-топшириқ маълумотларига асосланиб ЯИМ ҳажмини харажат йўналишлари усулида ҳисобланг:

- а) 405 млрд сўм;
- б) 414 млрд сўм;
- в) 402 млрд сўм;
- г) 416 млрд сўм;
- д) 423 млрд сўм.

85 | 83-топшириқ маълумотлари ва ечимдаги жавобларга асосланиб СИМ ҳажмини ҳисобланг:

- а) 404 млрд сўм;
- б) 359 млрд сўм;
- в) 369 млрд сўм;
- г) 314 млрд сўм;
- д) 414 млрд сўм.

- 86 | 83-топшириқ маълумотлари ва ечимдаги жавобларга асосланиб СМД ҳажмини ҳисобланг:
- a) 371 млрд сўм;
 - б) 382 млрд сўм;
 - в) 380 млрд сўм;
 - г) 384 млрд сўм;
 - д) 402 млрд сўм.

- 87 | Фараз қилайлик, регионда фақат икки турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилсин:

Т/р	Маҳсулот тури	Ўтган йилда		Жорий йилда	
		q_0	p_0	q_1	p_1
1.	Б	480	3	500	2
2.	А	15	8	20	10

Жорий йилнинг охирида А маҳсулотнинг беш донасини янгиси билан алмаштириш зарурлиги назарда тутилган. Жорий йил учун ЯИМ ҳажмини ҳисобланг:

- a) 800 млн сўм;
 - б) 1000 млн сўм;
 - в) 1150 млн сўм;
 - г) 1200 млн сўм;
 - д) 1400 млн сўм.
- 88 | 87-топшириқ маълумотлари ва ечимдаги жавобларга асосланиб СИМ ҳажмини ҳисобланг:
- a) 1150 млн сўм;
 - б) 1400 млн сўм;
 - в) 1200 млн сўм;
 - г) 1000 млн сўм;
 - д) 800 млн сўм.

- 89 | 87-топшириқ маълумотлари ва ечимдаги жавобларга асосланиб ялпи истеъмол ва соф инвестиция ҳажмини ҳисобланг:
- а) 100 млн сўм ва 150 млн сўм;
 - б) 1200 млн сўм ва 200 млн сўм;
 - в) 1000 млн сўм ва 150 млн сўм;
 - г) 1150 млн сўм ва 200 млн сўм;
 - д) 1400 млн сўм ва 150 млн сўм.
- 90 | Куйида қайд қилинган бандларнинг қайси бири ЯИМ таркибига киради:
- а) уй бекасининг хизмати;
 - б) қўшнидан сотиб олинган эски машинанинг қиймати;
 - в) брокердан сотиб олинган янги акция қиймати;
 - г) маҳаллий китоб магазинидан сотиб олинган янги дарсликнинг қиймати;
 - д) корпорациядан сотиб олинган заём қиймати.
- 91 | Капитал истеъмоли учун ажратмалар:
- а) ялпи инвестицияни билдиради;
 - б) чет эл соф инвестициясини англатади;
 - в) амортизация ажратмаларини билдиради;
 - г) соф инвестицияни билдиради;
 - д) шахсий истеъмолни бевосита қондириш фондидир.
- 92 | Миллий счётлар тизимида ЯИМ ва СИМ таркибидаги “инвестиция” тушунчаси:
- а) давлат корхоналарида ишлаб чиқарилган ҳар қандай маҳсулотни ўз ичига олганини билдиради;
 - б) ҳар қандай акцияни сотиб олинганини англатади;
 - в) йил охирида ғамламанинг ўсишини билдиради;
 - г) истеъмолчи томонидан сотиб олинган, аммо йил охирида тўла истеъмол қилинмаган ҳар қандай товарни англатади;
 - д) тўғри жавоб йўқ.

- 93 | Харажатлар йиғиндиси усулида ҳисобланган ЯИМ таркибига қуйидагилар кирмайди:
 а) ялли инвестиция;
 б) ИХ+И+Д (ИХ-истъемол харажатлари; И-инвестиция; ДХ-давлат харажатлари);
 в) товар ва хизматларнинг соф экспорти;
 г) товар ва хизматларнинг давлат хариди;
 д) иш ҳақи ва эҳсонлар.
- 94 | Айтайлик, ЯИМ 500 млн сўмдан 600 млн сўмга кўпайди, ЯИМ дефлятори 1,20 дан то 1,50 гача ўсган. Шундай шароитда реал ЯИМ ҳажми:
 а) ўзгармаган;
 б) ўсган;
 в) камайган;
 г) бу маълумотлар асосида уни ҳисоблаш мумкин эмас;
 д) нотўғри жавоб йўқ.
- 95 | СМД ҳажмини ҳисоблашнинг қайси формуласи тўғри:
 а) $СМД = ЯМД - А$;
 б) $СМД = СИМ + \Delta Д$;
 в) $СМД = МХ + ИЧС + ЯФ$;
 г) $СМД = ПИХ + Ж$;
 д) Нотўғри жавоб йўқ.
- 96 | ЯМД ҳажмини ҳисоблашнинг қайси формуласи тўғри:
 а) $ЯМД = ЯИМ + \Delta Д$;
 б) $ЯМД = ИХ + Р + ФС + АЭС + МД + \Delta Д$;
 в) $ЯМД = СМД + А$;
 г) Нотўғри жавоб йўқ.
- 97 | Экстраполяция усулида ЯИМ ўзгармас баҳода қандай ҳисобланади:
 а) $\sum q_0 p_0 \cdot J_q = \sum q_1 p_0$;
 б) $\sum q_0 p_0 \cdot J_q = \sum p_1 p_0$;

- в) $\Sigma q_1 p_1 \cdot J_q = \Sigma q_0 p_0$;
 г) $\Sigma q_0 p_1 \cdot J_q = \Sigma q_1 p_1$;
 д) нотўғри жавоб йўқ.

98 | Бирламчи даромадлар қайси унсурларни ўз ичига олади:

- а) иш ҳақи;
 б) менежмент даромади;
 в) тадбиркор даромади;
 г) фойда;
 д) нотўғри жавоб йўқ.

99 | Бирламчи даромадлар қайси унсурларни ўз ичига олади:

- а) рента;
 б) фоиз;
 в) дивиденд;
 г) ишлаб чиқаришга ва импортга солиқ;
 д) нотўғри жавоб йўқ.

100 | Даромадлар тўғрисидаги маълумотлар берилган:

Т/р	Даромад турлари	Млн сўм
1	2	3
1.	Якка меҳнат фаолиятдан олинган даромад	6,1
2.	Менежер даромади	4,0
3.	Тадбиркор даромади	24,0
4.	Фойда	2,7
5.	Фоиз	1,2
6.	Дивиденд	1,1
7.	Ишлаб чиқаришга солиқ (даромадга солиқ)	2,8
8.	Импортга солиқ	1,9
9.	Асосий иш ҳақи	35,0

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1	2	3
10.	Бонус (мукофот тарзидаги иш ҳақи)	1,4
11.	Белгиланган иш вақтидан ортиқча ишлаганлик учун берилган иш ҳақи	1,7
12.	Ижтимоий суғурта солиғи	0,9
13.	Жамғармага ажратилган маблағ	5,2
14.	Ялпи қўшилган қиймат	44,7
15.	Акция қиймати	0,8
16.	Импорт учун тўловлар	2,1
17.	Қарз суммаси	1,1
18.	Ерга солиқ	2,2
19.	Ернинг ҳолатини сақлаш ва яхшилаш учун сарфланган харажатлар	1,8
20.	Пенсия	6,1
21.	Стипендия	1,2
22.	Нафақалар	1,2
23.	Мулқдан келган даромад	6,1
24.	Рента	5,5
25.	Шахсий томорқадан тушган даромад	17,0

Шуларга асосланиб бирламчи даромаднинг умумий ҳажмини ҳисобланг:

- а) 63,0 млн сўм;
- б) 79,1 млн сўм;
- в) 75,1 млн сўм;
- г) 55,1 млн сўм;
- д) 44,1 млн сўм

101

100-топшириқ маълумотларига асосланиб меҳнатдан келган даромадни ҳисобланг:

- а) 59,0 млн сўм;
- б) 39,0 млн сўм;

- в) 63,0 млн сўм;
- г) 35,0 млн сўм;
- д) 24,0 млн сўм.

102 | 100-топшириқ маълумотларига асосланиб мулкдан келган даромад ҳажмини ҳисобланг:

- а) 10,5 млн сўм;
- б) 9,4 млн сўм;
- в) 7,8 млн сўм;
- г) 9,3 млн сўм;
- д) 9,2 млн сўм.

103 | 100-топшириқ маълумотларига асосланиб давлатнинг бирламчи даромадларини ҳисобланг:

- а) 3,7 млн сўм;
- б) 3,2 млн сўм;
- в) 2,8 млн сўм;
- г) 5,6 млн сўм;
- д) 4,7 млн сўм.

104 | 100-топшириқ маълумотларига асосланиб ялпи иш ҳақи ҳажмини аниқланг:

- а) 35,0 млн сўм;
- б) 39,0 млн сўм;
- в) 39,3 млн сўм;
- г) 377 млн сўм;
- д) 40,7 млн сўм.

105 | 100-топшириқ маълумотларига асосланиб соф иш ҳақини ҳисобланг:

- а) 39,8 млн сўм;
- б) 32,8 млн сўм;
- в) 37,8 млн сўм;
- г) 40,7 млн сўм;
- д) 35,5 млн сўм.

- 106** | 100-топшириқ маълумотларига асосланиб соф фойда ҳажмини аниқланг:
а) 9,7 млн сўм;
б) 6,9 млн сўм;
в) 5,0 млн сўм;
г) 7,8 млн сўм;
д) 2,7 млн сўм.
- 107** | 100-топшириқ маълумотларига асосланиб акциядан олинadиган даромад коэффициентини ҳисобланг:
а) 1,37;
б) 0,73;
в) 1,90;
г) 1,10;
д) 0,80;
- 108** | 100-топшириқ маълумотларига асосланиб номинал фоиз ставкасини аниқланг:
а) 0,92;
б) 1,10;
в) 0,72;
г) 1,37;
д) 1,09.
- 109** | 100-топшириқ маълумотларига асосланиб, шунингдек жорий даврда базис даврга нисбатан баҳонинг 12 фоизга ошганини инобатга олиб фоизнинг реал ставкасини ҳисобланг:
а) 1,22;
б) 0,73;
в) 1,10;
г) 0,97;
д) 0,92.

- 110** | 100-топширик маълумотларига асосланиб соф рента ҳажмини аниқланг :
- а) 3,7 млн сўм;
 - б) 1,5 млн сўм;
 - в) 3,3 млн сўм;
 - г) 4,0 млн сўм;
 - д) 5,5 млн сўм.
- 111** | Шахсий даромад— бу:
- а) бир йил давомида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қиймати;
 - б) уй хўжалигининг йил давомида олган жами даромади;
 - в) солиқ тўловларидан сўнг шахсий харажат учун мўлжалланган жами даромад;
 - г) мазкур мамлакат ихтиёридаги хусусий манбалардаги барча жамғармалар;
 - д) ЯИМдан амортизация ажратмаларининг айирмаси.
- 112** | Агар СМД ҳажмидан корпорациянинг фойдасига солиқни, тақсимланмаган фойдани ва социал сугурта учун бадалларни айириб, сўнгра унга соф трансферт тўловларни кўшсак, у ҳолда қуйида қайд қилинган қайси кўрсаткичга эга бўламиз?
- а) шахсий даромад;
 - б) амортизация;
 - в) ялти ички маҳсулот;
 - г) ихтиёрдаги даромад;
 - д) ялти соф маҳсулот.
- 113** | Ихтиёрдаги даромад— бу:
- а) иш ҳақи ва эҳсон, капиталдан фоиз шаклидаги даромаддан шахсий даромадга солиқнинг айирмаси;
 - б) соф ички маҳсулот;
 - в) шахсий даромаддан индивидуал солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг айирмаси;
 - г) иш ҳақи + эҳсон + рента + капиталдан фоиз шаклидаги даромад;
 - д) нотўғри жавоб йўқ.

- 114** | Қуйида қайд қилинган умумлаштирувчи кўрсаткичларнинг қайси биридан соф миллий даромадни ҳисоблаш учун фойдаланилмайди:
а) корпорациялар фойдаси;
б) давлатнинг трансферт тўловлари;
в) тадбиркорларнинг кредитга олган капитали учун тўланадиган фоиз;
г) рента даромади;
д) иш ҳақи ва эҳсонлар.
- 115** | Соф миллий даромад - бу:
а) трансферт тўловлари + эгри солиқлар;
б) инвестициядан жамғарманинг айирмаси;
в) узок муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари ва хизматлар қиймати;
г) шахсий даромад + индивидуал солиқлардан давлатнинг корхоналарга берган субсидияларининг айирмаси;
д) рента + иш ҳақи + капитал учун фоиз + мулкдан даромад + корпорация фойдаси.
- 116** | Иш ҳақи:
а) ЯИМ ҳажмини даромад усулида ҳисоблашда инобатга олинади;
б) ЯИМ ҳажмини харажат усулида ҳисоблашда инобатга олинади;
в) соф экспортни ҳисоблашда инобатга олинади;
г) давлатнинг соф субсидиясини ҳисоблашда инобатга олинади;
д) нотўғри жавоб йўқ.
- 117** | Соф миллий даромад ва ЯИМ ҳажмини ҳисоблашда қуйида қайд қилинган бандларнинг қайси бирини кўшиш мумкин эмас:
а) истеъмол харажатлари ва шахсий жамғарма;
б) соф инвестиция ва истеъмол харажатлари;
в) корпорациялар фойдаси ва тадбиркорларнинг олган кредитлари учун фоиз тўловлари;
г) давлат харидлари, иш ҳақи ва эҳсонлар;
д) истеъмол харажатлари ва ялпи инвестиция.

118 | Куйидаги маълумотлар берилган (млн сўм):

Т/р	Кўрсаткичлар	Биринчи йил	Иккинчи йил
1.	Янги қурилиш қиймати	5	5
2.	Ишлаб чиқарилган ускуналар қиймати	10	10
3.	Ишлаб чиқарилган истеъмол буюмлари қиймати	110	90
4.	Истеъмол қилинган товарлар қиймати	90	110
5.	Бинолар амортизацияси	10	10
6.	Ускуналар амортизацияси	10	10
7.	Истеъмол товарларининг йил бошидаги ғамламаси	30	50
8.	Истеъмол товарларининг йил охиридаги ғамламаси	50	30

Биринчи йил учун ЯИМ ҳажмини ҳисобланг:

- а) 105 млн сўм;
- б) 125 млн сўм;
- в) 90 млн сўм;
- г) 110 млн сўм;
- д) 85 млн сўм.

119 | 118-топшириқ маълумотларига асосланиб биринчи йил учун СИМ ҳажмини аниқланг:

- а) 85 млн сўм;
- б) 110 млн сўм;
- в) 105 млн сўм;
- г) 125 млн сўм;
- д) 90 млн сўм.

120 | 118-топшириқ маълумотларига асосланиб биринчи йил учун ялпи инвестиция ҳажмини ҳисобланг:

- а) -25 млн сўм;
- б) -5 млн сўм;

- в) 15 млн сўм;
- г) 35 млн сўм;
- д) 20 млн сўм.

121 | 118-топширик маълумотларига асосланиб биринчи йил учун соф инвестиция ҳажмини аниқланг:

- а) 15 млн сўм;
- б) 35 млн сўм;
- в) -5 млн сўм;
- г) -25 млн сўм;
- д) 20 млн сўм.

122 | 118-топширик маълумотларига асосланиб иккинчи йил учун ЯИМ ҳажмини ҳисобланг:

- а) 125 млн сўм;
- б) 105 млн сўм;
- в) 95 млн сўм;
- г) 90 млн сўм;
- д) 110 млн сўм.

123 | 118-топширик маълумотларига асосланиб иккинчи йил учун ялпи инвестиция ҳажмини аниқланг:

- а) -25 млн сўм;
- б) 35 млн сўм;
- в) -5 млн сўм;
- г) 20 млн сўм;
- д) 15 млн сўм.

124 | 118-топширик маълумотларига асосланиб иккинчи йил учун соф инвестиция ҳажмини ҳисобланг:

- а) 15 млн сўм;
- б) -5 млн сўм;
- в) 20 млн сўм;
- г) 35 млн сўм;
- д) -25 млн сўм.

125

Куйидаги маълумотлар берилган:

Т/р	Кўрсаткичлар	Млн сўм
1.	Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	5000
2.	Истеъмол харажатлари	3200
3.	Давлат харажатлари	900
4.	Экспорт	350
5.	Амортизация	150
6.	Соф экспорт	80

Инвестиция ҳажмини ҳисобланг:

- а) 900 млн сўм;
- б) 350 млн сўм;
- в) 150 млн сўм;
- г) 820 млн сўм;
- д) 80 млн сўм.

126

125-топшириқ маълумотларига асосланиб импорт ҳажмини аниқланг:

- а) 400 млн сўм;
- б) 150 млн сўм;
- в) 270 млн сўм;
- г) 350 млн сўм;
- д) 80 млн сўм.

127

125-топшириқ маълумотларига асосланиб соф ички маҳсулот ҳажмини ҳисобланг:

- а) 4730 млн сўм;
- б) 4850 млн сўм;
- в) 4100 млн сўм;
- г) 4920 млн сўм;
- д) 3950 млн сўм.

- 128 | Ихтиёрдаги миллий даромад - бу:
- а) бирламчи даромадлар қолдиги (ΔБД);
 - б) жорий трансфертлар қолдиги (ΔЖТ);
 - в) ΔБД+ΔЖТ;
 - г) ΔБД-ΔЖТ;
 - д) нотўғри жавоб йўқ.

- 129 | Қуйида қайд қилинган бандларнинг қайси бири ихтиёрдаги миллий даромад таркибига киради:
- а) уй хўжалигининг пировард истеъмоли;
 - б) давлат муассасаларининг пировард истеъмоли;
 - в) асосий фондлар учун инвестиция;
 - г) моддий айланма воситалари ғамламасининг қолдиги;
 - д) нотўғри жавоб йўқ.

- 130 | Қуйидаги маълумотлар берилган:

Т/р	Кўрсаткичлар	Млн сўм
1	2	3
1.	Экспорт	367
2.	Дивидендлар	60
3.	Амортизация	307
4.	Иш ҳақи ва эҳсонлар	1442
5.	Товар ва хизматларнинг давлат хариди	577
6.	Рента	33
7.	Хусусий тадбиркорларнинг тўлаган эгри солиқлари	255
8.	Иш ҳақи ва эҳсон учун қўшимча тўловлар	280
9.	Ялпи хусусий инвестициялар	437
10.	Корпорацияларнинг даромадларига солиқлар	88
11.	Трансферт тўловлар	320

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1	2	3
12.	Капитал учун тўланган фоизалар	201
13.	Шахсий мулк эгаларининг даромадлари	132
14.	Истеъмол харажатлари	1810
15.	Импорт	338
16.	Социал суғурта учун бадаллар	148
17.	Импортга солик	55
18.	Шахсий даромадларга солинган солик	372

Меҳнат билан олинган даромад ҳажмини ҳисобланг:

- а) 1722 млн сўм;*
- б) 1442 млн сўм;*
- в) 1832 млн сўм;*
- г) 1865 млн сўм;*
- д) 1854 млн сўм.*

131 | 130-топширик маълумотларига асосланиб соф экспорт ҳажмини ҳисобланг:

- а) 29 млн сўм;*
- б) 367 млн сўм;*
- в) 396 млн сўм;*
- г) 58 млн сўм;*
- д) 338 млн сўм.*

132 | 130-топширик маълумотларига асосланиб соф хусусий инвестиция ҳажмини аниқланг:

- а) 437 млн сўм;*
- б) 201 млн сўм;*
- в) 130 млн сўм;*
- г) 320 млн сўм;*
- д) 307 млн сўм.*

133 | 130-топширик маълумотларига асосланиб мулкдан келган даромад ҳажмини ҳисобланг:

- а) 366 млн сўм;*
- б) 333 млн сўм;*
- в) 201 млн сўм;*

- г) 426 млн сўм;
 д) 132 млн сўм.

134

Қуйида қайд қилинган мулоҳазаларга ўз муносабатингизни билдилинг. Бунинг учун жадвалнинг 3 ва 4-устунини тўлдирасиз. Тўғри ёки нотўғри деб танлаган жавобингиз рўпарасига “+” қўясиз.

Т/р	Мулоҳазалар	Тўғри	Нотўғри
1	2	3	4
1.	Реал ЯИМ— бу бир йил давомида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг жорий баҳодаги қиймати.		
2.	Истеъмол баҳоси «истеъмол саватчаси» га киритилган товарлар баҳоси асосида ҳисобланади.		
3.	Номинал ЯИМ ҳам, реал ЯИМ ҳам фақат қиймат ўлчов бирлигида аниқланиши мумкин.		
4.	Қўшилган қиймат ҳажми ва пировард маҳсулот қийматининг ҳажми бир-бири билан тенг.		
5.	Уй ҳўжалигининг янги қурилиш учун қилган харажати истеъмол харажатларига қўшилади.		
6.	Соф экспорт ҳажми = товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми - импорт		
7.	Қўшилган қиймат иш ҳақини ўз ичига олади, аммо фойда ҳажмини ҳисобга олмайди		
8.	Агар муайян давр ичида баҳо ва пул даромадлари бир хил мутаносибликда ошган бўлса, у ҳолда реал даромад ўзгармаган бўлади.		
9.	Соф ички маҳсулот миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ўлчаш учун қулайроқдир, чунки уни ҳисоблаш ЯИМни ҳисоблашдан қўра осонроқдир.		

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1	2	3	4
10.	ЯИМ ҳажми жамиятнинг иқтисодий фаровонлигини жуда аниқ ифодалайди.		
11.	Даромад усулида ҳисобланган ЯИМ билан харажат усулида ҳисобланган ЯИМ ўзаро тенг бўлади.		
12.	Қўшилган қиймат ҳажми = сотилган товар ва хизматлар — сотиб олинган материаллар. Аммо ходимларга берилган иш ҳақини сотилган товарлар ва хизматлар қийматидан айирмаслик керак.		
13.	Соф ички маҳсулот соф миллий даромаддан амортизация суммасига ортиқ.		
14.	Шахсий ва ихтиёрдаги даромад ўзаро тенг.		
15.	Уй бекасининг уй хизмати билан боғлиқ бажарган хизмати СИМ ҳажмига киради.		
16.	СИМни ҳисоблашда соф инвестиция ҳисобга олинади.		
17.	Давлат хизматчиларига берилган эҳсонлар ЯИМ ва СИМни харажат усулида аниқланганда ҳисобга олинади.		
18.	Трансферт тўловларини олаётганлар давлатга у бу нарса бериши лозим.		
19.	Агар 1995-1999 йилларда баҳо доимо ўсган бўлса, у ҳолда 1995 ва 1999 йилларда ишлаб чиқарилган ЯИМларни таққослаш учун 1999 йилги номинал ЯИМ ҳажмининг инфляторини ҳисоблаш керак.		
20.	Амортизация бўлса соф инвестициянинг ҳажми ижобий (ёки нолга тенг) бўлади.		
21.	Шахсий жамғарма СИМ ва ЯИМ ҳажмини харажат усулида аниқлаганда ҳисобга олинади.		
22.	СИМ динамикасини қиёсий таҳлил қилиш унинг ҳажмини барча йилларда таққослама баҳода ҳисоблашни тақозо этади.		
23.	Товар захираларини сотиш ялпи ва соф инвестициялар ҳажмининг камайишга олиб келади.		

23 та жавобни тўғри топган талабага энг юқори - 23 балл қўйилади. Шунинг:

*55 фоизидан камини, яъни 12,6 балл тўплаган талабага “қоникарсиз”;

*55-70 фоизини, яъни 12,7-16,5 балл тўплаган талабага “қоникарли”;

*71-85 фоизини, яъни 16,6-19,5 балл тўплаган талабага “яхши”;

*86-100 фоизини, яъни 19,6-23,0 балл тўплаган талабага “аъло” баҳо қўйилади.

135

Соф инвестиция (СИ) деганда:

а) ялпи инвестициядан амортизациянинг айирмасини тушунамиз;

б) муайян даврда капиталнинг истеъмол қилинган қисмини қоплаш учун ажратмаларни тушунамиз;

в) амортизацияни тушунамиз;

г) қўшилган қийматни тушунамиз;

д) нотўғри жавоб йўқ.

136

Қуйидаги макроиктисодий атамалар ва тушунчаларга **эътибор беринг**:

а) соф инвестиция;

б) ЯИМ ҳажмини даромад усулида ҳисоблаш;

в) давлат трансфертлари;

г) эгри солиқлар;

д) рента;

е) ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)

ё) шахсий даромад;

ж) такрорий (двойной) ҳисоб;

з) қўшилган қиймат;

и) соф ички маҳсулот (СИМ);

й) ялпи хусусий ички инвестиция;

к) шахсий истеъмол харажатлари;

л) номинал ЯИМ;

- м) амортизация;
 н) пировард маҳсулот;
 о) баҳо индекси;
 п) соф экспорт;
 р) ихтиёрдаги даромад;
 с) ЯИМ ҳажмини харажат усулида ҳисоблаш;
 т) товар ва хизматларнинг давлат хариди;
 у) соф миллий даромад;
 ф) фоиз;
 х) ёлланган ишчиларни меҳнати учун тақдирлаш;
 ц) ЯИМ инфлятори ва дефляторини ҳисоблаш.

Қайд қилинган атама ва тушунчаларни қуйидаги жадвалнинг 3-устунига, тегишли қаторларга харфлар (а, б, в, г ва ҳ.к.) билан ёзинг:

Т/р	Топшириқлар	Жавоблар
1.	2	3
1.	Йил давомида регионда бозор баҳосида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати— бу	
2.	Ишлаб чиқариш жараёни ва моддий-товар ғамламаларини тўлдириш учун янгидан ишлаб чиқарилган ишлаб чиқариш воситалари учун сарфланган харажатлар— бу	
3.	Миллий ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлашда бир мартадан кўп такрорий ҳисобга олинмаган оралик маҳсулот нимага олиб келади	
4.	Шахсий даромаддан шахслардан олинган солиқнинг айирмаси— бу	
5.	Товарлар ва хизматлар экспортдан товарлар ва хизматлар импортнинг айирмаси— бу	
6.	Пировард истеъмол учун сотиб олинган товар ва хизматлар— бу	
7.	Қайтариб олмаслик шarti билан давлатнинг айрим шахсларга (оилаларга) берган тўловлари— бу	

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1	2	3
8.	Барча харажатларни пировард маҳсулотга қўшиш— бу	
9.	Ялпи инвестициядан амортизациянинг айирмаси— бу	
10.	Пировард маҳсулот ва хизматларга давлатнинг сарфлаган барча харажатлари (трансферт тўловлари бунга қирмайди)— бу	
11.	Уй хўжалигининг истеъмол буюмлари ва хизматлар учун сарфлаган харажатлари— бу	
12.	Мазкур йилда ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар йиғиндиси— бу	
13.	Бозор баҳосида ҳисобланган жами ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган хом ашё ва материалларнинг айирмаси— бу	
14.	Мазкур йилда истеъмол қилинган капитални қоплаш мақсадидаги йиллик ажратмалар	
15.	Фирманинг ишлаб чиқариш харажатларига қўшадиган солиғи, пировард натижада истеъмолчилар харид қиладиган товарлар ва хизматлар баҳосига қўшиш ёрдамида қопла- ниши— бу	
16.	ЯИМдан амортизациянинг айирмаси— бу	
17.	Мулкдорларнинг кўзгалмас мулкдан олган даромадлари— бу	
18.	СИМдан эгри соликларнинг айирмаси— бу	
19.	Жорий йилдаги «истеъмол саватчаси» баҳосининг базис даврдаги худди шундай «истеъмол саватчаси» баҳосига бўлган нисбати— бу	
20.	Солик тўлангунгача уй хўжалигига тушган даромад— бу	
21.	Иш хақи, эҳсон ва уларга қўшимча (устама)лар — бу	
22.	Жорий баҳода ифодаланган ЯИМ ҳажми— бу	
23.	Пулдан (ёки берилган қарздан) фойдаланганлиги учун тўлов— бу	

23 та жавобни тўғри топган талабага энг юқори — 23 балл қўйилади. Шу баллнинг тегишли фоизларини тўплаган талабага тегишли равишда қуйидаги баҳолар қўйилади:

Т/р	Фоиз	Балл	Баҳоси
1.	55 гача	...12,6 гача	«кониқарсиз»
2.	55—70	12,7—16,5	«кониқарли»
3.	71—85	16,6—19,5	«яхши»
4.	86—100	19,6—23,0	«аъло»

137

Қуйида қайд қилинган кўрсаткичларнинг қайси бири аҳоли турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади:

- а) жон бошига тўғри келган соф миллий даромад;
- б) реал даромад индекси;
- в) инсон баркамоллиги индекси;
- г) қашшоқлик индекси;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

138

Регион бўйича қуйидаги маълумотлар келтирилган (млн сўм):

Т/р	Кўрсаткичлар	Базис давр	Жорий давр
1	2	3	4
1.	Меҳнат билан олинган пул даромадлари шу жумладан:	61,5	72,2
	а) иш ҳақи	35,0	40,5
	б) тадбиркорликдан олинган даромад	16,1	18,6
	в) пенсия	5,1	5,3
	г) стипендия	1,5	1,6
	д) турли нафақалар	1,2	1,3
	е) рента	1,1	1,4
	ё) фоиз	0,9	1,5
	ж) дивиденд	0,6	2,0

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1	2	3	4
2.	Шахсий ёрдамчи хўжаликдан тушган даромадлар	1,8	1,3
3.	Нобозор даромадлар	4,2	4,5
4.	Умумий (номинал) даромаддан чегириб ташланадиган ҳар хил тўловларнинг жами шу жумладан:	7,0	7,5
	а) солиқлар	2,1	2,2
	б) молия тизимига тўланадиган ҳар хил зарурий тўловлар	1,9	2,0
	в) маиший хизматлар учун тўловлар	4,0	4,2

Аҳолининг умумий номинал даромадини базис давр учун ҳисобланг:

- а) 61,5 млн сўм;
- б) 67,5 млн сўм;
- в) 65,7 млн сўм;
- г) 60,6 млн сўм;
- д) 59,5 млн сўм.

- 139** | 138-топшириқ шартларига асосланиб базис давр учун реал даромаднинг ҳажмини ҳақиқий баҳоларда ҳисобланг:
- а) 61,4 млн сўм;
 - б) 63,5 млн сўм;
 - в) 65,4 млн сўм;
 - г) 69,5 млн сўм;
 - д) 61,5 млн сўм.

- 140** | 138-топшириқ шартларига, шунингдек қуйидагиларга асосланиб:
- *жорий даврда реал даромаднинг ҳажми 66,0 млн сўмни (ҳақиқий баҳоларда) ташкил қилган;
 - *баҳо 15 фоизга ошган.
- реал даромаднинг ҳажмини жорий давр учун таққослама баҳоларда ҳисобланг:

- а) 65,7 млн сўм;
- б) 67,5 млн сўм;
- в) 52,2 млн сўм;
- г) 69,0 млн сўм;
- д) 60,5 млн сўм.

141

139-ва 140-топшириқлар шартларига асосланиб реал даромаднинг умумий индексини ҳисобланг:

- а) 0,75;
- б) 1,34;
- в) 1,15;
- г) 0,86;
- д) 1,01.

142

Қайси формула реал даромад индексини ҳисоблаш учун қўлланилади:

а) $J_{РД} = (РД_1 : РД_0) : J_p$;

б) $J_{РД} = (РД_1 : J_p) : РД_0$;

в) $J_{РД} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0} : J_p$;

г) $J_{РД} = \frac{\sum q_1 p_1}{J_p} : \sum q_1 p_0$;

д) нотўғри жавоб йўқ.

143

Қайси даромад тури функционал даромад турига киради:

- а) бозор секторига ёлланган ишчиларнинг иш ҳақи;
- б) майда мулкдорлар даромади;
- в) йирик компаниялар ва тадбиркорлар фойдаси;
- г) уй-жой ва ер эгаларининг ренталари;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

Бу ерда: $KЧП_{A_0}$ ва $KЧП_{A_1}$ - камбағаллик chegarасидан паст даромадга эга бўлган аҳоли сони (базис ва жорий даврларда).

148 Қишлоқ хўжалигида даромаддан манфаатдорлик деганда:

- а) шу соҳада машеул бўлганларнинг ишлаб чиқаришга бевосита алоқадорлигини ҳис этиши тушунилади;*
- б) қишлоқ хўжалигида мулкий муносабатларни қарор топтириш, деҳқонларда ерга, мулкка эгалик туйвусининг кучайиши тушунилади;*
- в) пайчилар жамоанинг пировард даромадида ўз улушини аниқ билиши, даромад ўз манфаатига хизмат қилишини англаши тушунилади;*
- г) хўжалик фаолиятида иштирок этаётган ҳар бир оила ўз меҳнатига яраша ҳақ олиши тушунилади;*
- д) нотўғри жавоб йўқ.*

149 Камбағалликнинг кескинлашув жараёни қайси кўрсаткич ёрдамида ўрганилади:

а) $R_{max} = X_{max} - X_{min}$;

б) $V = \frac{\sigma \cdot 100}{X}$

в) $J_{Kx} = \frac{R_{maxf}}{R_{max0}}$;

г) $J_{Kx} = V_f \cdot V_0$;

д) нотўғри жавоб йўқ.

150 Қуйидаги қайси кўрсаткич ёрдамида инсоннинг баркамоллиги индекси ифодаланади:

- а) жон бошига тўғри келган ялпи ички маҳсулот даражаси;*
- б) маълумотлилиқ даражаси;*

- в) ўртача яшаш ёши даражаси;
- г) $K = \text{ЯИМ} : A$
- д) нотўғри жавоб йўқ.

151 Куйидаги қайси индекс ёрдамида аҳолининг турмуш қиймати индекси ҳисобланади:

а) $J_{TK} = \frac{XИ_1}{ОИ_1} : \frac{XИ_0}{ОИ_0}$;

б) $J_{TK} = \frac{XИ_1}{XИ_1} : \frac{ОИ_0}{ОИ_0}$;

в) $J_{PD} = \frac{\sum \bar{q}_0 p_1}{\sum q_0 p_0}$;

- г) нотўғри жавоб йўқ.

Бу ерда: $XИ_0$ ва $XИ_1$ — базис ва жорий даврларда жон бошига тўғри келган ҳақиқий истеъмол қиймати; $ОИ_0$ ва $ОИ_1$ — базис ва жорий даврларда жон бошига тўғри келган оптимал истеъмол.

152 Яшаш минимуми:

- а) энг кам истеъмол савати қийматининг пулдаги ифодасидир;
- б) ишлаб топилган минимал даромад;
- в) реал даромад;
- г) озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини ўз ичига олган энг кам истеъмол савати қийматининг пулдаги ифодасидир;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

153 Куйида қайд қилинган даромад турларининг қайси бири индексация объекти ҳисобланади:

- а) пенсия ва нафақалар;
- б) стипендиялар;
- в) иш ҳақи;
- г) омонат пуллар, давлат заёмлари, қимматли қоғозлар;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

- 154 | Реал даромадни ҳисоблаётганда:
 а) инфляцияни инобатга олиш шарт эмас;
 б) инфляцияни инобатга олиш шарт;
 в) нархнинг ўзгаришини инобатга олиш шарт эмас;
 г) пулнинг қадрсизланишини инобатга олиш шарт эмас;
 д) нотўғри жавоб йўқ.
- 155 | Регионда ишчи ва хизматчиларнинг пировард даромади:
 * базис даврда— 900 млн сўмни
 * жорий даврда— 1200 млн сўмни ташкил қилди.
 Жорий даврда истеъмол товарларига бўлган баҳо базис даврдагига нисбатан 95 фоизни ташкил қилди. Ишчи ва хизматчиларнинг сони шу даврда 4 фоизга кўпайган. Бир кишига тўғри келган реал даромад индексини ҳисобланг:
 а) 121,97%;
 б) 134,95%;
 в) 140,35%;
 г) 128,20%;
 д) 126,67%.
- 156 | Жорий даврда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 3077 сўмни ташкил қилди. Солиқ ва ҳар хил тўловлар 247 сўм бўлган. Товар ва хизматларга бўлган баҳо индекси 17 фоизга ошган. Реал иш ҳақини ҳисобланг:
 а) 2800 сўм;
 б) 3276 сўм;
 в) 2393 сўм;
 г) 3294 сўм;
 д) 2815 сўм.
- 157 | Макроиктисодий самарадорликнинг интеграл кўрсаткичи:
 а) макроиктисодий самарадорликни мавжуд ресурслар ва я.ни сарфланган харажатлар нуқтаи назаридан ифодалайди;

- б) макроиқтисодий самарадорлик даражасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради;
- в) макроиқтисодий самарадорлик даражасини тавсифлайди;
- г) макроиқтисодий самарадорлик даражасини яхлит ифодалайди;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

158

Макроиқтисодий самарадорлик:

- а) регион миқёсидаги самарадорликдир;
- б) тармоқ миқёсидаги самарадорликдир;
- в) сектор миқёсидаги самарадорликдир;
- г) фирма миқёсидаги самарадорликдир;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

159

Макроиқтисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари:

- а) макроиқтисодий самарадорлик даражасини яхлит ифодалайди;
- б) макроиқтисодий самарадорликни мавжуд ресурслар ва ялпи сарфланган харажатлар нуқтаи назаридан ифодалайди;
- в) макроиқтисодий самарадорлик даражасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради;
- г) макроиқтисодий самарадорлик даражасини тавсифлайди;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

160

Макроиқтисодий самарадорликнинг хусусий кўрсаткичлари:

- а) макроиқтисодий самарадорлик даражасини тавсифлайди;
- б) макроиқтисодий самарадорлик даражасини яхлит ифодалайди;
- в) макроиқтисодий самарадорлик даражасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради;
- г) макроиқтисодий самарадорликни мавжуд ресурслар ва ялпи сарфланган харажатлар нуқтаи назаридан ифодалайди;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

161 | Қуйида қайд қилинган формулаларнинг қайси бири ёрдамида макроиқтисодий самарадорликнинг интеграл кўрсаткичи ҳисобланади:

- а) $ИК = СМД : A$;
 б) $ИК_{РБ} = ИК_{\chi} : ИК_{\rho}$;
 в) $ИК_{Д} = ИК_{1} : ИК_{0}$;
 г) $ИК = (СМД_{1} : \bar{A}_{1}) : (СМД_{0} : \bar{A}_{0})$;
 д) нотўғри жавоб йўқ.

162 | Қуйида қайд қилинган формулаларнинг қайси бири ёрдамида макроиқтисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи ҳисобланади:

- а) $РФД = \frac{СМД}{T_{\chi} + (AK : ИМУ) + (MX : ИМУ)}$;
 б) $РФД = РФД_{1} : РФД_{\rho}$;
 в) $РФД = РФД_{1} : РФД_{0}$;
 г) $РФД = РФД_{A} : РФД_{B}$;
 д) нотўғри жавоб йўқ.

163 | Регион бўйича қуйидаги маълумотлар келтирилган (рақамлар шартли):

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Базис давр	Жорий давр
1	2	3	4	5
1.	Аҳоли сони * йил бошида * йил охирида	млн киши - >> -	21,6 22,4	22,2 23,0
2.	Халқ хўжалигида банд бўлган ходимлар сони * йил бошида * йил охирида	- >> - - >> -	10,0 10,9	10,6 11,4

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1	2	3	4	5
3.	Актив (асосий ишлаб чиқариш фонд)ларнинг қиймати * йил бошида * йил охирида	минг сўм	721,3 786,4	867,6 938,2
4.	Моддий харажатларнинг қиймати * йил бошида * йил охирида	минг сўм	340,8 358,4	373,9 409,2
5.	Ялпи ички маҳсулот	млрд сўм	620,3	650,7
6.	Амортизация	- >> -	87,9	92,1
7.	Жонли меҳнат сарфи (иш ҳақи)	- >> -	304,7	318,5
8.	Ялпи инвестиция	- >> -	162,9	170,9
9.	Баҳо индекси	- >> -	100,0	125,2
10.	Экспорт	- >> -	2,9	3,4
11.	Импорт	- >> -	2,6	3,1
12.	Соф миллий даромад ўсими	- >> -	29,9	30,1
13.	Иш ҳақи ўсими	- >> -	22,1	22,3

Жорий давр учун соф инвестиция ҳажмини ҳисобланг:

- а) 78,8 млн сўм;
- б) 75,0 млн сўм;
- в) 92,1 млн сўм;
- г) 87,9 млн сўм;
- д) 82,6 млн сўм.

164

163-топшириқ маълумотларига асосланиб макроиктисодий самарадорликнинг интеграл кўрсаткичини жорий давр учун ҳисобланг:

- а) 24717 сўм;
- б) 24703 сўм;
- в) 24287 сўм;

- з) 24705 сўм;
- д) 24274 сўм.

- 165** | 163-топшириқ маълумотларига асосланиб жорий давр учун ялпи ресурслардан фойдаланилганлик даражасини тавсифловчи макроиктисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичини ҳисобланг:
- а) 29360 сўм;
 - б) 50750 сўм;
 - в) 15300 сўм;
 - з) 19390 сўм;
 - д) 15472 сўм.
- 166** | 163-топшириқ маълумотларига асосланиб базис давр учун соф миллий даромаднинг номинал ҳажмини ҳисобланг:
- а) 532,4 млрд сўм;
 - б) 532,7 млрд сўм;
 - в) 558,3 млрд сўм;
 - з) 620,0 млрд сўм;
 - д) 537,2 млрд сўм.
- 167** | 163-топшириқ маълумотларига асосланиб базис давр учун ижтимоий меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини аниқланг:
- а) 15300 сўм;
 - б) 50750 сўм;
 - в) 29860 сўм;
 - з) 50976 сўм;
 - д) 15472 сўм.
- 168** | 163-топшириқ маълумотларига асосланиб макроиктисодий самарадорликнинг интеграл кўрсаткичини базис давр учун ҳисобланг:
- а) 24705 сўм;
 - б) 24287 сўм;
 - в) 24274 сўм;

- з) 24214 сўм;
- д) 24717 сўм.

- 169** | 163-топшириқ маълумотларига асосланиб базис давр учун ялпи ресурслардан фойдаланганлик даражасини тавсифловчи макроиктисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичини ҳисобланг:
- а) 19390 сўм;
 - б) 15300 сўм;
 - в) 29860 сўм;
 - з) 15472 сўм;
 - д) 16621 сўм.
- 170** | 163-топшириқ маълумотларига асосланиб жорий давр учун ижтимоий меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини аниқланг:
- а) 50750 сўм;
 - б) 15300 сўм;
 - в) 29860 сўм;
 - з) 15472 сўм;
 - д) 50976 сўм.
- 171** | 163-топшириқ маълумотларига асосланиб жорий давр учун соф миллий даромаднинг реал ҳажмини ҳисобланг:
- а) 409,2 млрд сўм;
 - б) 446,6 млрд сўм;
 - в) 532,7 млрд сўм;
 - з) 558,3 млрд сўм;
 - д) 547,3 млрд сўм.
- 172** | 163-топшириқ маълумотларига асосланиб макроиктисодий самарадорликнинг интеграл кўрсаткичи индексини ҳисобланг:
- а) 92,1 %;
 - б) 108,6 %;
 - в) 93,3%;

- з) 107,2%;
- д) 95,7 %.

- 173** | 163-топширик маълумотларига асосланиб ялпи ресурслардан фойдаланганлик даражасини тавсифловчи макроиктисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи (кўрсаткичи) индексини аниқланг:
а) 93,3 %;
б) 95,7%;
в) 108,6 %;
з) 92,1%;
д) 107,2 %.
- 174** | 163-топширик маълумотларига асосланиб актив (ишлаб чиқариш фонд)лардан фойдаланиш, яъни актив қайтими (фондоотдача)нинг индексини ҳисобланг:
а) 96,5%;
б) 106,9%;
в) 114,4%;
з) 93,6%;
д) 87,4%.
- 175** | 163-топширик маълумотларига асосланиб моддий сарфлар (материал харажатлар)дан фойдаланиш, яъни моддий сарфлар қайтими (материалоотдача)нинг индексини ҳисобланг:
а) 93,6%;
б) 87,4%;
в) 114,4%;
з) 106,9%;
д) 97,1%.
- 176** | 163-топширик маълумотларига асосланиб ижтимоий меҳнат унумдорлиги индексини ҳисобланг:
а) 106,9%;
б) 97,1%;
в) 100,4 %;

- г) 93,6%;
- д) 99,5%.

- 177** Соф инвестиция— бу:
- а) қоплаш фонди;
 - б) амортизация;
 - в) жамғарма фонди;
 - г) жамғарма меъёри;
 - д) нотўғри жавоб йўқ.
- 178** Инвестициялаш деганда иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида:
- а) истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган маблағ тушунилади;
 - б) ресурсларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган маблағ тушунилади;
 - в) ишсизликни пасайтиришга йўналтирилган маблағ тушунилади;
 - г) инвестицияни пасайтиришга йўналтирилган маблағ тушунилади;
 - д) нотўғри жавоб йўқ.
- 179** Соф миллий даромад жорий даврда базис даврга нисбатан 4 фоизга, халқ хўжалигида банд бўлган ходимларнинг сони эса 0,5 фоизга ошган. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги индексини ҳисобланг:
- а) 96,6%;
 - б) 99,0%;
 - в) 103,5%;
 - г) 103,48%;
 - д) 98,1%.
- 180** Куйида қайд килинган кўрсаткичларнинг қайси бири ташқи иқтисодий алоқаларга тааллуқли:
- а) ишчи кучи миграцияси кўрсаткичлари;
 - б) халқаро савдо-сотиқ кўрсаткичлари;
 - в) капитал миграция кўрсаткичлари;

- г) ишлаб чиқариш кооперацияси кўрсаткичлари;
д) нотўғри жавоб йўқ.

181

Импорт квота деганда:

- а) муайян товарни белгиланган ҳажм (ҳисса) да четдан олиб келиш тушунилади;
б) муайян товарни белгиланган ҳажм (ҳисса)да четга чиқариш ва етказиб бериш тушунилади;
в) миллий иқтисодиётни хориж рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат тушунилади;
г) ташқи бозорни эгаллаш учун товарни ишлаб чиқариш харажатларидан паст(арзон) баҳоларда четга экспорт қилиш тушунилади.
д) нотўғри жавоб йўқ.

182

Экспорт квота деганда:

- а) миллий иқтисодиётни хориж рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат тушунилади;
б) ташқи бозорни эгаллаш учун товарларни ташқи бозорда ички бозорга нисбатан арзон баҳода сотиш тушунилади;
в) муайян товарни белгиланган ҳажм (ҳисса) да четга чиқариш ва етказиб бериш тушунилади;
г) муайян товарни белгиланган ҳажм (ҳисса) да четдан олиб келиш тушунилади;
д) нотўғри жавоб йўқ.

183

Протекционизм деганда:

- а) муайян товарни белгиланган ҳажм (ҳисса)да четга чиқариш ва етказиб бериш тушунилади;
б) миллий иқтисодиётни хориж рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат тушунилади;
в) муайян товарни белгиланган ҳажм (ҳисса) да четдан олиб келиш тушунилади;

- г) ташқи бозорни эгаллаш учун товарларни ташқи бозорда ички бозорга нисбатан арзон баҳода сотиш тушунилади;
 д) нотўғри жавоб йўқ.

184

Демпинг деганда:

- а) ташқи бозорни эгаллаш учун товарларни ташқи бозорда ички бозорга нисбатан арзон баҳода сотиш тушунилади;
 б) муайян товарни белгиланган ҳажм (ҳисса)да четга чиқариш ва етказиб бериш тушунилади;
 в) миллий иқтисодиётни хориж рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат тушунилади;
 г) муайян товарни белгиланган ҳажм (ҳисса)да четдан олиб келиш тушунилади;
 д) нотўғри жавоб йўқ.

185

Куйида қайд қилинган кўрсаткичларнинг қайси бири ташқи савдо обороти эластиклигини ифодалайди:

а) $E_x = \frac{\Delta x}{x} : \frac{\Delta YIM}{YIM}$;

б) $K_x = J_x : J_{YIM}$;

в) $E_n = \frac{\Delta I}{I} : \frac{\Delta YIM}{YIM}$;

г) нотўғри жавоб йўқ.

186

Халқаро муносабатларда қўлланиладиган куйидаги атамалар ва тушунчаларга эътибор беринг:

- а) экспорт;
 б) импорт;
 в) мутлақ устунлик;
 г) нисбий устунлик;
 д) савдо-сотиқ имкониятидаги йўналишлар;
 е) савдо-сотиқ шарти;

- ё) савдо-сотиқдан олинган ютук;
 ж) протекционизм;
 з) импорт божии (тарифи);
 и) импорт квотаси;
 й) тарифсиз тўсиқлар;
 к) демпинг;
 л) экспорт учун субсидия;
 м) эркин савдо;
 н) ГАТТ(ГАТТ).

Қайд қилинган атама ва тушунчаларни қуйидаги жадвалнинг 3-устунига, тегишли қаторларга ҳарфлар (а, б, в, г ва ҳ.к.) билан ёзиб чиқинг:

Т/р	Мулоҳазалар	Жавоблар
1	2	3
1.	Импорт товарларга тўланадиган солиқ— бу	
2.	Мамлакатнинг муайян товар ва хизматни шерик мамлакатга нисбатан кам харажат билан ишлаб чиқариши— бу	
3.	Муайян битта маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш ва уни бошқа маҳсулотга алмаштириш имконияти— бу	
4.	Халқаро савдони чекловчи ҳар қандай тўсиқ (божхона божидан ташқари): импорт квоталари, махсус лицензиялар ва ҳ.к.— бу	
5.	Бир мамлакатнинг бошқа мамлакат фуқаролари ва фирмаларига сотадиган товар ва хизматлари— бу	
6.	Ҳукуматнинг маҳсулотларни экспорт қилувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш сиёсати— бу	
7.	Бошқа мамлакатлардан товарларни олиб келиш учун миқдорий чеклов (лимит)— бу	
8.	Хорижий бозорда товарларнинг ўз таннархидан паст баҳода сотилиши— бу	

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1	2	3
9.	Нисбий устуликка асосланган, ҳуқуқий аралашувсиз бажариладиган алмашув жараёни— бу	
10.	Бошқа мамлакат фирмалари ва фуқароларидан сотиб олинadиган товар ва хизматлар— бу	
11.	Мамлакатнинг бошқа шерик мамлакатга қараганда товар ва хизматларини нисбатан оз муқобил харажат билан ишлаб чиқариш имконияти— бу	
12.	Экспорт баҳоларнинг импорт баҳоларга нисбати— бу	
13.	Эркин савдо йўлига тўсиқлар ўрнатиш— бу	
14.	Халқаро савдо натижасида мамлакатдаги ички ишлаб чиқариш имкониятларига нисбатан истеъмол даражасининг ошиши— бу	
15.	Мамлакатлар ўртасида халқаро савдодаги бож ва турли тарифсиз чекловларни бартараф этиш бўйича келишув— бу	

15 та жавобни тўғри топган талабага энг юқори 15 балл қўйилади. Шу баллнинг тегишли фоизларини тўплаган талабага тегишли равишда куйидаги баҳолар қўйилади:

Т/р	Фоиз	Балл	Баҳо
1.	55 гача	8,3 гача	«кониқарсиз»
2.	55—70	8,4—10,5	«кониқарли»
3.	71—85	10,5—12,8	«яхши»
4.	86—100	12,9—15,0	«аъло»

187

Қуйида қайд қилинган мулоҳазаларга ўз муносабатингизни билдириңг. Бунинг учун қуйидаги жадвалнинг 3 ва 4- устунини тўлдирасиз. Тўғри ёки нотўғри деб танланган жавобингиз рўпарасига “+” қўясиз.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Т/р	Мулоҳазалар	Тўғри	Нотўғри
1	2	3	4
1.	Агар Ўзбекистонда ҳар бир маҳсулот бирлигига қилинган харажат даражасини Қирғизистондаги харажат даражасининг 89 фоизини ташкил қилса, у ҳолда Ўзбекистон Қирғизистонга қараганда барча маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича нисбий устуңликка эга.		
2.	Миллий хавфсизлик мақсадида баъзи тармоқларни химоя қилиш савдо тўсикларини ўрнатиш учун асос ролини ўйнайди.		
3.	Халқаро эркин савдо шароитида мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги импорт божларини жорий қилиш шароитидагига нисбатан ҳамма вақт паст бўлади.		
4.	Нисбий устуңлик турли товарларни ишлаб чиқаришдаги муқобил харажатларнинг халқаро фарқини ифодалайди.		
5.	Божхона божини жорий қилиш мамлакатдаги ички истеъмолни рағбатлантиради.		
6.	Янги тармоқларни хорижий рақобатдан химоя қилиш зарурияти савдо тўсикларини ўрнатиш учун адолатли асосдир.		
7.	Қирғизистонга нисбатан Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси кўпроқ ташқи савдога боғлиқ.		
8.	Товар ва хизматларни импорт қилиш мамлакат ичкарисидаги баҳонинг ўсишига ва инфляциясига олиб келади.		
9.	Импорт мамлакатдаги ялпи талабни кўпайтиради.		

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1	2	3	4
10.	Экспорт баҳоларини импорт баҳоларига нисбатлаш савдо шартларидан биридир.		
11.	Импорт божларини жорий қилишдан мақсад миллий тармоқлар ва иш жойларини хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш учун импортни қисқартиришдир.		
12.	Ресурсларнинг чекланганлик даражасидаги халқаро тафовут ихтисослаштиш ва савдо қилиш учун асос ҳисобланади.		
13.	Хорижий товарларни импорт қилишни чеклашда импорт квоталарини ўрнатиш боғлиқ ўрнатишга нисбатан натижалидир.		
14.	ГАТТ Европа мамлакатларини бирлаштирувчи халқаро ташкилот, яъни «умумий бозор» дир.		
15.	Импортни чеклаш мамлакатда самарасиз тармоқларни сақлаб қолишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини эса ошмаслигига олиб келади.		

15 та жавобни тўғри топган талабага энг юқори — 15 балл қўйилади. Шу баллнинг тегишли фоизларини тўплаган талабага тегишли равишда қўйидаги баҳолар қўйилади:

Т/р	Фоиз	Балл	Баҳо
1.	55 гача	8,3 гача	«қониқарсиз»
2.	55—70	8,4—10,5	«қониқарли»
3.	71—85	10,6—12,8	«яқши»
4.	86—100	12,9—15,0	«аъло»

- 188** Давлат капиталининг миграцияси қуйидаги қайси кўринишларда бўлиши мумкин:
- а) чет эллик шерикларга кредит бериш;
 - б) хорижда ўз фаолиятини ташкил этиш;
 - в) хориждаги банкларда ўз банкларининг корреспондент ҳисобларини очиш;
 - г) бошқа мамлакатда қимматли қоғозлар ва кўчмас мулкни сотиб олиш;
 - д) нотўғри жавоб йўқ.
- 189** Портфел инвестиция деганда:
- а) юқорироқ фойда олиш мақсадида капиталнинг бир мамлакатдан бошқасига кўчиб юриши тушунилади;
 - б) хорижий инвесторнинг компания активидаги ҳиссасининг ушбу мамлакатда мазкур компания учун ўрнатилган ҳиссадан паст бўлган инвестиция тушунилади;
 - в) чет эл инвесторига корхона устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берувчи инвестиция тушунилади;
 - г) нотўғри жавоб йўқ.
- 190** Қуйида қайд қилинган бандларнинг қайси бири ишчи кучини экспорт қилишнинг салбий томонларини ифодалайди:
- а) ишсизлар камаяди, уларга сарфланадиган ижтимоий харажатлар қисқаради;
 - б) хорижда ишлаётганлар пул жўнатмаларига эга бўладилар;
 - в) қайтиб келаётган ишчилар касб ва тил кўникмаларига эга бўладилар;
 - г) мазкур мамлакат бу жараёнда аҳолисининг айни меҳнатга яроқли (24-40 ёшдаги) қисмини йўқотади;
 - д) нотўғри жавоб йўқ.

- 191** Куйида қайд қилинган бандларнинг қайси бири ишчи кучини экспорт қилишнинг ижобий томонларини ифодалайди:
- а) мазкур мамлакат бу жараёнда аҳолисининг айни меҳнатга яроқли (24-40 ёшдаги) қисмини йўқотади;*
 - б) экспорт қилинганларнинг пул жўнатмалари аксарият ҳолларда инвестициялар шаклида эмас, балки кундалик истеъмол учун ишлатилади;*
 - в) ишчи кучини экспорт қилиш жараёни интеллектуал йўқотишлар билан боғлиқ;*
 - г) чет элда ишлаётганларнинг даромадларидан миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун фойдаланиш имкони бўлмайди;*
 - д) ишсизлар камаяди, уларга сарфланадиган ижтимоий харажатлар қисқаради.*
- 192** Куйида қайд қилинган бандларнинг қайси бири ишчи кучини импорт қилишнинг салбий томонларини ифодалайди:
- а) мамлакатдаги мавжуд иш ўринлари тивизлашади, қўшимча ишсизлар сони пайдо бўлади;*
 - б) хориждан арзон ишчи кучини жалб қилиш имкони туғилади;*
 - в) мамлакат ичкарисида иш ҳақи ўсиб боришининг олди олинади;*
 - г) инфляция хавфи бартараф этилади;*
 - д) интеллектуал салоҳият ошади.*
- 193** Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бу:
- а) ишлаб чиқариш ҳажмини табиий даражасида тутиб туриш демакдир;*
 - б) бандликни табиий даражасида тутиб туриш демакдир;*
 - в) бузилган макроиқтисодий мувозанатни тиклаш демакдир;*
 - г) инфляцияни тийиш ва моддий-пул мутаносиблигини таъминлаш демакдир;*
 - д) нотўери жавоб йўқ.*

- 194** | Агар экспорт ҳажми 120, импорт ҳажми 100 га тенг бўлса, у ҳолда ташқи савдо обороти нечага тенг бўлади:
- а) 20;*
 - б) -20;*
 - в) 220;*
 - г) 1,20;*
 - д) 83,3.*
- 195** | Қуйида қайд қилинган бандларнинг қайси бири жорий ташқи савдо муомалаларига тегишли:
- а) хорижга дивидендлар тўлаш;*
 - б) хорижга фоизлар тўлаш;*
 - в) хорижга пахта хом ашёсини етказиб бериш;*
 - г) саёҳатчилик хизматлари билан айирбошлаш;*
 - д) нотўғри жавоб йўқ.*
- 196** | Мамлакат рейтинги ва тўлов балансини тавсифловчи қуйдаги атама ва тушунчаларга эътибор беринг:
- а) валюта (алмашув) курси;*
 - б) олтин стандарт;*
 - в) тўлов баланси;*
 - г) жорий муомалалар;*
 - д) миллий валютанинг қадрсизланиши;*
 - е) миллий валютанинг қийматлашуви;*
 - ё) капитал ҳаракати счёти;*
 - ж) қайишқоқ валюта курси;*
 - з) ўзгармас валюта курси;*
 - и) расмий захиралар;*
 - й) тўлов балансининг дебети;*
 - к) валютанинг девалвацияси;*
 - л) тўлов балансининг кредити.*

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Қайд қилинган атама ва тушунчаларни қуйидаги жадвалнинг 3-устунига, тегишли қаторларга харфлар (а, б, в, г ва х. к.) билан ёзиб чиқинг:

Т/р	Мулоҳазалар	Жавоблар
1.	Хорижий пуллар ва уларнинг тақлифига бўлган талабни белгилловчи валюта курси эркин тарзда ошиши ёки пасайиши— бу	
2.	Хорижий валютадан фойдаланиш (сарфлаш) — бу	
3.	Хорижий валюта бирлиги учун тўланадиган миллий валюта баҳоси— бу	
4.	Ўрнатилган валюта қийматини давлат томонидан камайтириш— бу	
5.	Эркин оширишга ёки пасайтиришга йўл қўйилиши мумкин бўлмаган валюта курси— бу	
6.	Миллий пул бирлигининг олтин мазмунини ўрнатиш учун ҳар бир давлат томонидан қўлланиладиган тизим— бу	
7.	Хорижий валютани сотиб олиш учун олдингига нисбатан ҳозирда кўпроқ тўлаш нимадан далолат беради?	
8.	Мамлакат тўлов балансида капиталнинг оқими (қирим-чиким) қандай сўхта ифода этилади?	
9.	Мамлакат марказий банкининг ихтиёридаги хорижий валюта нимани билдиради?	
10.	Бир мамлакат резидентлари билан бошқа хорижий мамлакат резидентлари ўртасидаги барча муомалаларни қайд қилувчи ҳужжат нима?	
11.	Хорижий валютани сотиб олиш учун олдингига нисбатан камроқ тўлаш— бу	
12.	Товар (хизмат)лар экспорти ҳамда импорти, инвестициядан олинган соф даромад ва соф трансферт тўловлар ҳажми мамлакат тўлов балансининг қайси бўлимида ёритилади?	
13.	Хорижий валютани «ишлаб топил»— бу	

13 та жавобни тўғри топган талабага энг юқори — 13 балл қўйилади. Шу баллнинг тегишли фоизларини тўплаган талабага тегишли равишда қуйидаги баҳолар қўйилади:


Т/р	Фоиз	Балл	Баҳо
1.	55 гача	7,2 гача	«кониқарсиз»
2.	55—70	7,3—9,1	«кониқарли»
3.	71—85	9,2—11,0	«яхши»
4.	86—100	11,1—13,0	«аъло»

- 197** | Мамлакат тўлов балансининг таркибий қисми— жорий тўловлар счёти қуйидаги бандларнинг қайси бирини ўз ичига олмайди:
а) товарлар экспортини;
б) инвестициядан олинган соф даромадни;
в) хорижий давлатнинг транспорт хизматларини;
г) бир ёқлама трансферт тўловларни.
- 198** | Қуйида қайд қилинган ҳолатларнинг қайси бирида мамлакатнинг тўлов баланси актив бўлади:
а) агар мамлакатда реал фоиз ставкалари пасайса;
б) агар инфляция суръати кучайса;
в) агар иқтисодий ўсиш суръати ошса;
г) агар барча ҳолатлар содир бўлса;
д) агар барча ҳолатлар содир бўлмаса.
- 199** | Ўзбек сўмининг курсини Қозоғистон тенгасига нисбатан пасайтирилиши:
а) Ўзбекистондан Қозоғистонга товарларни экспорт қилишни рағбатлантиради;
б) Қозоғистондан Ўзбекистонга товарларни экспорт қилишни рағбатлантиради;
в) ўзбек миллий валютасини Қозоғистонга чиқаришни рағбатлантиради;
г) ўзбек миллий валютасини Қирғизистонга чиқаришни рағбатлантиради;
д) нотўғри жавоб йўқ.

1. Каримов И.А. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар. Т.: «Ўзбекистон», 1992, 31 бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол йўли ва тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1992, 79 бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: «Ўзбекистон», 1993, 261 бет.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1993, 128 бет.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Т.: «Ўзбекистон», 1993, 54 бет.
6. Каримов И.А. Иқтисодий ислохот: масъулиятли босқич. Т.: «Ўзбекистон», 1994, 46 бет.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 270 бет.
Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиклолининг асосий тамойиллари. Т. «Ўзбекистон», 1995, 74 бет.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Т. «Ўзбекистон», 1997, 326 бет.
10. Абдуллаев Ё. Региональный аспект статистического изучения эффективности общественного производства. Т.: «Фан», 1985, 184 с.
11. Абдуллаев Ё. Сравнительный анализ эффективности региональной экономики. Т.: «Мехнат», 1987, 228 с.
12. Абдуллаев Ё. Перестройка хозяйственного механизма. Вопросы и ответы. Т.: «Мехнат», 1989, 355 с.
13. Абдуллаев Ё. Статистиканинг умумий назарияси. Дарслик. Т.: «Ўқитувчи», 1993, 239 бет.
14. Абдуллаев Ё. Статистиканинг умумий назарияси. Гестлар. Ўқув қўлланма. Т.: «Ўқитувчи», 1996, 415 бет.
15. Абдуллаев Ё., Бобоқулов Т. Кредит: 100 савол ва жавоб. Т.: «Мехнат», 1996, 128 бет.
16. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т. Пул: 100 савол ва жавоб. Т.: «Мехнат», 1996, 157 бет.
17. Абдуллаев Ё., Яхёев Қ. Солик: 100 савол ва жавоб. 1-нашри. Т.: «Мехнат», 1995, 110 бет.
18. Абдуллаев Ё., Яхёев Қ. Солик: 100 савол ва жавоб. 2-нашри. Т. «Мехнат», 1997, 187 бет.
19. Абдуллаев Ё. Шоҳазамий Ш. Қимматли қозғалар: 100 савол ва жавоб. Т.: «Мехнат», 1997, 270 бет.
20. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. Т.: «Мехнат», 1997, 428 бет.
21. Амалий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Т. «Шарқ» НМК 1996, 224 бет.

22. Адамов В.Е. и др. Экономика и статистика фирм. М.: «Финансы и статистика», 1996, 239 с.
23. Гальперин В.М. и др. Макроэкономика. Учебник. Санкт-Петербург, 1997, 718 с.
24. Глухов В.В. Основы менеджмента. Учебно-справочное пособие. Санкт-Петербург. «Специальная литература», 1995, 327 с.
25. Детнева Э. Волдин Л. Система национальных счетов: реальность и возможность. Вопросы статистики, 1994, №1.
26. Джильберт М., Кревис И. Международное сравнение национального продукта и уровня цен. М.: «Статистика», 1962.
27. Иванов Ю.Н. Рябушкин Б.Т. СНС: мифы и реальность. //«Вестник статистики», 1991, №1.
28. Европейская система интегрированных экономических счетов. Пер. с англ. М.: «Экономика», 1992.
29. Иванов Ю.Н. Перспективы внедрения СНС в практику стран СНГ, // «Вопросы экономики», 1993, №5.
30. Иванов Ю.Н. К выходу в свет новой СНС ООН. //«Вопросы экономики», 1994, №5.
31. Иванов Б.Н. Пономаренко А.Н. Валовой внутренний продукт: определение оценки, прогноз. Экономист, 1994, №3.
32. Иванов Ю.Н. Хоменко Т.А. Применение СНС в странах с переходной экономикой.// «Вопросы статистики», 1995, №2.
33. Иванов Ю.Н. Концепции доходов в СНС и их применение в практике стран СНГ. //«Вопросы экономики», 1995, №9.
34. Йўлдошев З., Қосимов М. Макроиктисодиёт асослари. Ўқув қўлланма. Т.: «Ўқитувчи», 1994, 171 бет.
35. Кислицина М. и др. Проблемы высокой инфляции при построении национальных счетов. //Вопросы статистики, 1994, №1.
36. Кэмпбелл Р., Макконелл. Стэнли Л. Бро. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. М.: «Республика», т. 1,2, 1992, 400 с.
37. Макроэкономика. Практикум. «Санкт-Петербург оркестр», 1994, 432 с.
38. Мэнкью Н. Грегори. Макроэкономика, МГУ, 1994, 735 с.
39. Новиков М.М., Теслюк И.Е. Макроэкономическая статистика. Учебное пособие. Минск: БГЭУ, 1996, 132 с.
40. Набиев Х., Набихўжаев А., Махмудов Б. Миллий ҳисоблар тизими. Т.: ТДИУ, 1998, 105 бет.
41. Национальные счета для бывшего СССР, источники, методы, расчеты. М.: Совместное издание ОЭСР и статистического Комитета СНГ, 1994.
42. Ойкен В. Основы национальной экономики. М.: «Экономика», 1996.
43. Петр Фон дер Липпе. Экономическая статистика. Пер. с немец. Изд-во ФСУ, ФРГ, т. 1, 1995, 627 с.
44. Пономаренко А.Н., Башкатов Б.И. Система национального счетоводства: принципы построения. М.: Экономика, 1992.
45. Пономаренко А.Н. Учет услуг в национальных счетах. «Вестник статистики», 1993, №4.

46. Пономаренко А.Н. Что означает статистический термин «Теневая экономика» и как она отражается в национальных счетах. // «Вопросы экономики», 1995, №6.
47. Пономаренко А.Н. Проблемы измерения инфляции в национальных счетах России. Доклад на семинаре по национальным счетам, проведен. ОТГ и ОЭСР. Женева, 1994,
48. Райзберг Б. Экономика, М.: Азъ, 1994, 173 с.
49. Рекомендации Межгосударственного Статистического Комитета СНГ по составлению ключевых счетов СНС, 1995.
50. Рябушкин Б.Т., Хоменко Т.А. Система национальных счетов, М.: «Финансы и статистика», 1993.
51. Самуэльсон П. Экономика, т. I, П.М. МГП, «Алгон», 1992, по 415 с.
52. Стэнлейк Д.Ф. Экономикс для начинающих. М.: «Республика», 1994, 447 с.
53. Соатов Н., Набихўжаев А. Миллий ҳисоблар тизими. «Иқтисод ва ҳисобот», 1994, № 1-2.
54. Степанов Ю. Макроанализ и прогнозирование в условиях перехода на систему национального счетоводства. // «Вопросы экономики», 1993, №5.
55. Соколин В., Суринов А. Вопросы отражения динамики макроэкономических показателей. // «Вестник статистики», 1990, №5.
56. Стоун Р. Метод затраты — выпуск и национальные счета. М.: «Статистика», 1964.
57. Студенский П. Доход нации. М.: «Статистика», 1962.
58. Социально-экономическая статистика. Словарь. М.: «Финансы и статистика», 1981, 464 с.
59. Статистический словарь. М.: «Финансы и статистика», 1989, 623 с.
60. Статистика. Курс лекций (Харченко Л.П. и др.). Новосибирск. НГАЭиУ, 1997, 310 с.
61. Статистический словарь. (Под. ред. Юркова Ю.А.). М.: «Финстатинформ», 1996, 479 с.
62. Ткач В.И., Ткач М.В. Международная система учета и отчетности. М.: «Финансы и статистика», 1992, 159 с.
63. Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар лўғати. Т.: «Қомуслар Бош таҳририяти», 1993, 112 бет.
64. Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 107 бет.
65. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: «Мехнат», 1995, 527 бет.
66. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. Ўқув қўлланма. Т.: «Мехнат», 1997, 224 бет.
67. Ҳақимова М. Макроиқтисодиёт. Т.: «Мехнат», 1997, 159 бет.
68. Ҳақимова М., Хўжаев Х., Маҳмудов Б. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Т.: «Ўқитувчи», 1997, 159 бет.



	Кириш	3
I БОБ	Макроиқтисодий статистика фанининг умумий масалалари	5.
II БОБ	Макроиқтисодий салоҳият статистикаси	25
III БОБ	Меҳнат ресурслари статистикаси	61
IV БОБ	Миллий бойлик статистикаси	93
V БОБ	Ялпи ишлаб чиқариш ва хизматлар статистикаси	124
VI БОБ	Даромад статистикаси	159
VII БОБ	Макроиқтисодий самарадорлик статистикаси	207
VIII БОБ	Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси	246

IX БОБ

Регион (мамлакат, вилоят, туман) рейтинги	273
--	-----

<input type="text"/>	Тест топшириқлари	309
----------------------	-------------------	-----

<input type="text"/>	Фойдаланилган адабиётлар	378
----------------------	--------------------------	-----

ЁРҚИН АБДУЛЛАЕВ

**МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА:
100 САВОЛ ВА ЖАВОБ**

"Меҳнат" нашриёти — Тошкент — 1998

Мухарририят мудир И. Усмонов
Рассом Л. Дабижа
Бадий муҳаррир Х. Қутлуков
Техн. муҳаррир Ж. Бекиева
Мусахҳиҳа С. Бадалбоева

ИБ № 1425

Босишга рухсат этилди 02.07.98да. Бичими 84x108¹/32. № 1 қоғозга
"Таймс" харфида офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 20,2.
Нашр табоғи 18,5. 20000 нусха. Буюртма № К-3331
Баҳоси шартнома асосида.

"Меҳнат" нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.
Шартнома № 49-97.

Андоза нусхаси «Меҳнат» нашриётининг компьютер бўлимида
тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент ижарадаги матбаа корхонасида босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Абдуллаев Ё.

А 15 Макроиктисодий статистика: 100 савол ва жавоб.-Т.: "Мехнат", 1998.-384 б.- (Туркум: Иқтисодий ислохот ва молия-кредит тизими).

Сарл. олдиди: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Макроиктисодий статистика мавзуига бағишланган ушбу китобда макроиктисодий статистика фанининг вазифалари, кўрсаткичлар тизими, макроиктисодий салоҳият тушунчаси, ялпи ишлаб чиқариш ва хизматлар статистикаси каби масалалар ёритилган.

Китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари, аспирантлар ва ўқитувчилар, молия-кредит соҳасида ишловчилар, шунингдек кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 65.9(5У)-07